



КИМЁГАР- ТЕХНОЛОГЛАР МАСКАНИ



24+74.52
А-98.



Ўзбекистон Республикаси
Муштараклигида 15 йиллик
бажамлари

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Кудрат АХМЕРОВ



**КИМЁГАР-
ТЕХНОЛОГЛАР
МАСКАНИ**

ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2016

УЎК 378.095:54(091)
КБК 24 г + 74.58
А98

ТошКТИ ректори, техника фанлари доктори, профессор
С.М. ТУРОБЖОНОВ умумий тахрири остида

Редколлегия аъзолари:

т.ф.д., проф. *С.М. Туробжонов* – раис, к.ф.д., проф. *Ф.А. Магзуров*, акад. *Ф.Р. Раҳмонбердиев*, т.ф.д., проф. *П.М. Турсунхўжаев*, т.ф.д., проф. *А.С. Ибодуллаев*, п.ф.н. *М.Х. Караходжаева*, т.ф.н., доц. *Ш.А. Муталов*, т.ф.н., доц. *Р.И. Одилов*, ф.ф.д., проф. *С.А. Атамуратов*.

Мазкур китоб мамлакатимиз кимёгар-технологлари маскани, Тошкент кимё-технология институтининг ташкил топиши, шаклланиши ва ривожланиши ҳамда ҳозирги кундаги фаолиятини ёритишга бағишланган. Китобда кимё илмининг пешқадамлари тарбия топган масканнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишидаги роли, саноатга кадрлар етказиб бериш ишига қўшган ҳиссаси батафсил ёритилган. Бундан ташқари, институтнинг ўқув-услубий, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий ва маданий соҳаларда эришган ютуқлари, тадбиркорликдаги тажрибалари, кимё фани ҳамда институт ривожига муносиб ҳисса қўшган етакчи олимларнинг ҳаёт тажрибаси, босиб ўтган ибратли йўли келтирилган.

Илмий муҳаррир: Қозогистон ФА академиги, Россия Фанлар академияси муҳбир аъзоси, т.ф.д., проф. *Ф.Р. Раҳмонбердиев*.

Тақризчилар: педагогика фанлари номзоди, доцент *М.Х. Караходжаева*;
кимё фанлари номзоди, проф. *Ш.П. Нуруллаев*.

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 25 йиллигига
бағишланади

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига кўра, мамлакатимиз босиб ўтган улкан ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, уни баҳолашда «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатга бош ғоя сифатида қарашга урғу берилганлигини кўрамыз. 1991 йилдан бошлаб ўтган йилларда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий соҳалар, онг, тафаккур, билим ва техника соҳасидаги ўзгаришу ривожланишлар нафақат халқимиз шуурида, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Булар қаторида мамлакатнинг узоқ келажагини ўйлаб қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури ва бу қарорларнинг амалий исботи сифатида қурилиб ишга туширилган юзлаб коллеж, лицей ва олий ўқув юртлиари бинолари нафақат Ўрта Осиёда, балки Европа ва бошқа қитъалардаги мамлакатларда ҳам хавас билан тилга олинмоқда. Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик, осойишталик, фуқароларимиз орасидаги дўстлигу меҳр-оқибат, ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол ва етук инсон сифатида шаклланаётганлиги қалбларимизни қувонтириши табиий, албатта. Мамлакатимизда таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, диққат-эътибор қучаяётганлиги, ёшларнинг илм-фан сирларини эгаллаш ва буларни амалиётга татбиқ этишдаги фаолиятини кун сайин кўриб қувонмай бўладими?

Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳар жиҳатдан етук ва баркамол ёшлар қўлидадир, деган эди Президентимиз И.А. Каримов. Шу фикрда яшаб, ижод қилаётган Тошкент кимё-технология институтининг кўп минг кишилиқ жамоаси ёшларга илм бериш, уларни мамлакат кимё корхоналарига юқори малакали мутахассис қилиб етказиш, келажакнинг улғувор, илҳомбахш, эзгулик ва юрт равнақига ҳисса қўшишдек ишга сафарбар этувчи ғояларни дилга жо қилганлигига аминмиз. Қийин, лекин шарафли меҳнат аҳлимининг чорак асрдан бери етиштирган кадрлари орасидан етакчи раҳбарлар, етук муҳандис-лойиҳачилар, тадбиркор, олий тадқиқотчилар етишиб чиққанлигини кўриб қувонамиз. Бу ҳолат ишимизни ана шундай тартибда изчил давом эттиришимиз зарурлигини кўрсатмоқда. Устозларимизнинг ўз шогирдлари билан мустақиллигимиз йилларида қурилган Кўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар корхонаси, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Устюрт газ-кимё мажмуаси, турли шаҳарларимиздаги нефтни қайта ишлаш корхоналари ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишлари қалбимизга фахр туйғусини солади.

Тошкент кимё-технология институти мустақиллигимиз тенгдоши эканлиги эса дилимизга илҳом бахш этади.

Мен Муҳтарам Президентимизнинг барча асарларини ўқиб чиққанман. Айниқса, 2015 йилда нашр қилинган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китоби менинг калбимда чуқур из қолдирди. Бунинг боиси, китоб катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига ҳалоллик, имон-эътиқод, диёнат, адолат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мурувват, раҳм-шафкат, ота-она ва аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлиш каби юксак инсоний фазилатларни сингдиришга йўналтирилганлигидадир. Юртбошимизнинг китобдан ўрин олган фикр ва мулоҳазалари ҳозирги жамиятимиз аҳлини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодимизни етук, комил инсон қилиб тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Президентимизнинг ёшларга қарата: «Ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда адашмайди», – деган сўзлари кўпни кўрган инсоннинг ибратомуз насиҳатларидир. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланишлари кераклигини таъкидлашлари бежиз эмас, албатта. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлоднинг буюк давлат барпо этиши шуни тақозо этади.

Шу сабабли ҳам институт тарихини ёритар эканмиз, жамоамиз кекса авлодига мурожаат қилиб, маслаҳатларини олдик, устозлар меҳнатини зукколик билан, машаққатли ва тинимсиз изланишлар самарасини ҳолисона ифода этиш ҳамда педагогик соҳадаги тажрибалари, ёзилган дарслик, ўқув қўлланма, услубий-илмий кўрсатма, монография ва амалиётга татбиқ этилган ишланмаларини акс эттиришни ўринли деб билдик. Фикр алмашувдан келиб чиққан қуйидаги ҳулосаларга аҳамият бериш кераклиги лозим деб топилди:

– институтнинг ҳар бир ходими ўзи меҳнат қилаётган билим масканининг тарихини билиши зарур ва шарт, бунинг учун эса манбани нашр қилиш мақсадга мувофиқдир;

– институтга ўқишга кирган талаба, магистрант, докторант ёки илмий ходим ўзи ўқиб билим олган ёки тарбияланаётган илм даргоҳининг ўтмиши, тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида муайян маълумотга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир;

– институтга ўқишга қабул қилинган ёшлар профессор-ўқитувчилар ва ходимлар билан бўладиган анъанавий учрашувларда қатнашиб, уларга дарс берадиган устоз ҳамда мураббийларини таниб олишлари, илм даргоҳи ҳақидаги видеофильмларни томоша қилишлари зарур бўлади;

– раҳбар ходимлар, деканлар, уларнинг ўринбосарлари, маънавий-маърифий кафедралар ходимлари ва гуруҳ мураббийлари институт музейи материаллари, ўтмишдошлари ҳаёт-фаолияти, босиб ўтган йўллари, иш тажрибалари ва ғоявий масалаларни талабаларнинг онгига синдиришлари, бўлажак мутахассисларнинг ўз билим юртига нисбатан меҳрини ошириш, унинг номи билан фахрланиш, кадрлаш каби инсоний ҳис-туйғулари билан шакллантирилиши керак бўлади;

– институтда аввал ва ҳозирги кунда илм-фан, таълим-тарбия, жамоат ишларида фидойиликлари билан атрофидагиларга жонқуяр, ибрат, намуна бўлган, бўлаётган олимларнинг ҳаёт фаолият йўлини акс эттирувчи стендлар тайёрлашни ташкил этиш, газета ва журналлар материалларида эълон қилинаётган маълумотлар билан узвий ва доимий таништириб боришга аҳамият бериш зарур бўлади;

– мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим саналар ҳисобланган кунлар (Ватан ҳимоячилари куни, Наврўз байрами, Хотира ва кадрлаш куни, Мустақиллик байрами, Устозлар ва мураббийлар куни)да ўтказиладиган тадбирларда ҳам институтнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига доир материаллар, воқеалар тафсилоти, фидойи инсонлар

тақдири билан боғлиқ маълумотларни ёшларга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналмилалчилик, бағрикенглик руҳида тарбиялашга эришишда институт тарихи китобидан самарали фойдаланиш лозим бўлади;

– институтнинг ҳар бир фидойи ходими ўлкамизда асрлар давомида шаклланиб, ривож топган, айниқса, Мустақиллигимизнинг чорак асрлик санасида эришилган тараққиётнинг бой ва кўркам тарихи, босиб ўтган машаққатли, лекин шарафли ҳаёт йўлини яхши англашлари, уни қадрлашлари, ўзларининг амалий, илмий-педагогик фаолиятида мазкур муқаддас соҳага муносиб улушини қўшишлари лозим бўлади. Бу давр талабидир;

– мазкур ўқув юртида таълим олиб, ибратли ва намунали фаолият кўрсатган ҳолда камол топиб улғайган, эл-юрт ардоғида азизу мукаррам бўлган, она юрт равнақи, халқининг фаровонлиги, муқаддас Ватанимизнинг бугуни ва эртаси учун тинимсиз меҳнат қилаётган ватандошларимиз ҳақидаги бор ҳақиқатларни бўлажак кимёгар мутахассисларга кенг тарғиб ва ташвиқ қилишда ушбу китобнинг ўрни катталигига аҳамият бериш керак бўлади;

– институтни битирувчи талабалар ва магистрантларни тадбиркорлик ишларига кўпроқ жалб қилиш, айниқса, озиқ-овқат, менежмент, ёғочсозлик, органосиликат материаллари, сифатли бўёқлар, қоғоз ва шу каби юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни хорижга чиқаришга диққатни жалб этиш вақти етди деб ўйлаймиз.

Буюк истиқлол неъматини туфайли Ўзбекистон жаҳонга юз тутиб, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олар экан, миллий анъаналаримизни давом эттириб, талаба ва магистрантларимизнинг янги ташкил қилинган юқори технологиялар маркази, йирик илмий тадқиқот институти ва корхоналарида замон талаблари асосидаги дастурлар орқали амалиёт ўташларини ташкил этишни ўринли деб биламиз. Бу муҳим ишда ҳам тарихимиз китобидан ва салоҳиятли билим масканимиз имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз. Бу ишда барчангизга муваффақиятлар тилаб,

*Институт ректори,
техника фанлари доктори, профессор*

С.М. ТУРОБЖОНОВ



I
БОБ



**КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ
ФАКУЛЬТЕТИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**



I.1. ТАРИХГА БИР НАЗАР (1930–1991 ЙЙ)

Ўзбекистонда кимёгар-технологлар тайёрлаш 1930 йилнинг май ойидан бошланган. Бунинг боиси, шу йилларда Ўрта Осиё республикаларида саноатнинг тез ўсиши, қишлоқ хўжалигининг минерал ўғит ва кимёвий препаратларга бўлган эҳтиёжининг вужудга келиши, тиббиёт учун дори-дармонлар ишлаб чиқариш зарурати сабаб бўлди. Ўрта Осиё давлат университетининг тасарруфида ташкил этилган кимё факультетининг техник кимё кафедраси базасида кимёвий технология бўлими ташкил этилди. Орадан кўп вақт ўтмай ёғ-мой ишлаб чиқариш, силикат материаллари, вино ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар ва чарм технологияси бўйича муҳандис-технологлар тайёрлаш бошланиб кетди. Мазкур йўналишларнинг баъзилари бўйича кафедралар очилиб, уларга профессорлардан – М.С. Эльгорт, В.Н. Фисейский, М.А. Ховренко, муҳандис И.С. Канцельский раҳбарлик қилди. «Анорганик моддалар технологияси» билан «Минерал ўғитлар технологияси» ихтисосликлари бўйича кафедралар йўқлиги сабабли, юқори курс талабалари ўқишни Москвадаги Д.И. Менделеев номи кимё-технология институтида давом эттириб келган йиллар ҳам бўлган. Университет кимё факультетининг кимё-технология бўлимидан дастлабки муҳандис – технолог-кимёгарлар 1934 йилда етишиб чиқди. 72 та ёш кимёгар мутахассисларнинг еттиси «Ёғлар технологияси», учтаси «Чарм оҳорлаш экстрактлари технологияси», бештаси «Силикатлар технологияси» (цемент бўйича), қолганлари эса виночилик технологияси ихтисослиги вакиллари эди. М.И. Ниёзов, К.В. Астафьев, Ю.А. Добринин, В. Муравьев, Н. Богданова ва бошқалар ўзбекистонлик биринчи муҳандис – кимёгар-технологлар ҳисобланади. 1939 йилгача университетда 192 нафар ёш йигит ва қизлар муҳандис-технолог дипломини олишди, буларнинг 7 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди. Лекин шундай бўлса-да, тез ривожланаётган саноат корхоналарига муҳандислар етишмасди. Шу даврда кимё саноати билан бир қаторда озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар ҳам ривожланаётган эди. Ўша даврда Қувасой ва Бекобод (собиқ Хилково) цемент комбинатлари ишга туширилганлиги сабабли малакали кадрлар етишмасди. Чирчиқ шаҳрида мамлакат йирик кимё корхоналаридан бири бўлган электр кимё комбинати қурилиши тугатилиб, ишга туширилиши кутилаётганди. Ўша йиллари саноат корхоналари билан бир қаторда илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларида ҳам муҳандисларга талаб ортиб борди. Муҳандис-технологларга бўлган бундай эҳтиёж 1939 йили университетнинг кимё-технология бўлими ўрнида кимё-технология факультетининг ташкил этилишига олиб келди. Янги факультетнинг декани қилиб М.И. Ниёзов, ўринбосари этиб П.Е. Шевяков тайинланди. Факультетда 4та, жумладан «Ёғлар технологияси», «Виночилик ва спиртчилик», «Силикатлар технологияси» ва «Жараёнлар ва ускуналар» кафедралари очилди. Кафедраларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби проф. М.С. Эльгорт, проф. М.А. Ховренко, муҳандис С.П. Тарновский ҳамда проф. В.Н. Фисейскийлар мудир қилиб тайинландилар. 1940 йилнинг июнида университетнинг кимё-технология факультети Ўрта Осиё индустриал институти (кейинчалик ТошПИ деб номланган) тасарруфига ўтказилди. Бу республикамизда малакали муҳандис-технологлар тайёрлашнинг янада такомиллаштирилиши ва кенгайтирилишидан дарак берарди. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Факультет



Тошкент политехника институтининг Навоий кўчасида жойлашган ректорати биноси.

кенгайди, янги кафедралар, лабораториялар, ўқув хоналари очилди, мутахассислар тайёрлаш йўналишлари янгиланди, маҳаллий талабалар сони ҳам кўпайтирилди. Қоғоз, олтингургурт ва бошқа маҳсулотлар технологиялари бўйича муҳандис-технологлар тайёрлашга киришилди. Шу йили факультетга 100 та талаба қабул қилинди. Яна учта янги кафедра очилди. «Аналитик кимё» кафедрасига профессор А.В. Новиков, «Органик моддалар технологияси» кафедрасига доцент С.А. Сигов тайинланди. Ўша йиллари факультетга проф. М.С. Эльгорт деканлик қилди.

1941 йили Ўрта Осиё индустриал институтини биринчилар қаторида битирган 27 та муҳандис-технологлар Чирчиқ электр кимё корхонасига йўлланма олди. Энг асосийси битирувчилар орасида маҳаллий қизлар ҳам бор эди.

1941 йил Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан факультетнинг қатор ўқитувчи ва талабалари фронтга жўнаб кетишди. Булар орасида факультет декани ҳамда «Анорганик моддалар технологияси» кафедраси мудири доц. С.А. Сигов, «Физик кимё» кафедраси мудири доц. Х.Р. Рустамов, ўқитувчилардан Ф.Х. Тожиев, З.М. Лейкин, Б.А. Кац ва бошқалар бор эди. Уруш йиллари факультет жамоаси Тошкентга эвакуация қилинган Киев политехника институти ва Ленинград технология институти профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда ишлашди.

Урушдан кейинги йилларда Ўрта Осиё индустриал институтида халқ хўжалигини қайта тиклаш ва реализация қилиш режасига биноан ўзгаришлар қилинди. Айрим кафедралар қўшилди, баъзилари 2 қисмга ажратилди, янгилари очилди. 1946 йили «Қанд моддалари технологияси» кафедраси очилиб, унга аввал доц. Чивару, кейин эса профессор И.Ф. Зелкман кафедра мудири қилиб тайинланди. 1948 йили кимё-технология факультетининг



Ушбу тарихий сурат 1950 йилнинг январь ойида суратга туширилган. Суратда машҳур кимёгар олимлар О.С. Содиков, К.С. Аҳмедов, Ш.Т. Толипов, И.П. Цукерваник, Г.В. Лазурьевский, В.В. Удовенко, А.М. Муртазаев, М.С. Эльгорт, Б.Г. Запрометов, А.Ш. Шамсиев, Ж.А. Абдуллаев, О. Грантова ва бошқалар.



К.С. Аҳмедов курулдош дўсти Йўлдошбек Шокиров билан фронтда (1942 й. 18 ноябрь).

Ўзи иккита мустақил факультетга ажратилди. Кимё-технология факультетида доц. А.Б. Қўчқоров, озик-овқат факультетида проф. А.Л. Маркман деканлик қилди. 1950–1953 йилларда кимё-технология факультетида деканлик вазифасини доцент, кейинчалик техника фанлари доктори, проф. Ф.Ҳ. Тожиев бажарди. Шу йилларда деканат котибалигига С.А. Григорянц қабул қилинди. У шу вазифада деярли ярим аср фидокорона меҳнат қилди. Худди Седа опа сингари реактивлар омбори мудирини В.Д. Бахметьева ва фаррош Ҳ. Абдуваҳобовалар ҳам кўп йиллик самарали меҳнатлари билан жамоа аъзолари хотирасида яшаб келмоқдалар.

Озик-овқат факультетида «Ёғлар технологияси», «Виночилик ва спиртчилик технологияси», «Қанд моддалари технологияси» ва «Жиҳозлар ва ускуналар» кафедралари қолдирилди. «Аналитик кимё», «Органик кимё», «Физик кимё», «Силикатлар технологияси», «Ноорганик кимё» ва «Органик синтез технологияси» кафедралари кимё-технология факультети тасарруфида бўлди.



1948 йилдан бошлаб ҳар икки факультетда битирувчилар 110–120 кишини ташкил этди. 1952 йили иккала факультет яна бирлашди. Декан сифатида доц. Ф.Ҳ. Тожиев қолдирилди. 1952–1954 йиллар орасида бу вазифани доц. Ҳ.Р. Рустамов бажарди. Ана шу йиллардан бошлаб факультетда илмий ишларга аҳамият кучайди. И.П. Левш, Ф.М. Мирзаев, О.Б. Ерофеева, С.Х. Абдураззоқова, С.У. Умаров, Ж.У. Умаров, А.А. Абдурахимов, Р.М. Мирзакаримов, З.М. Лейкин, Ю.И. Ибрагимов, Э.В. Зинкова, С.И.Вишневалар каби олимлар ўзларининг олиб борган илмий ишларини самарали ёқладилар.

1959 йили факультетда «Полимерлар муаммолари лабораторияси» ташкил этилиб, унга номзодлик диссертациясини ёқлаган ёш ва иқтидорли изланувчан олим Н.У. Ризаев раҳбарлик қила бошлади. 1961 йил эса «Пластик материаллар технологияси» кафедраси очилиб, унга доц. Т.Р. Абдурашидов мудир этиб тайинланди.

1960 йиллар бошларида ТошПИга акад. М.Т. Ўразбоев ректор қилиб тайинланди. Шу йиллардан факультетда ижобий ўзгаришлар рўй берди. 1962 йили «Ноорганик кимё» кафедраси умумтехника факультети тасарруфига ўтказилди, «Жараён ва усқуналар» кафедраси ичида ихтисослик сифатида «Кимёвий ишлаб чиқаришни автоматлаштириш» йўналишига асос солинди. 1964 йили мазкур ихтисослик асосида «Кимёвий ишлаб чиқаришни автоматлаштириш» кафедраси очилиб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, доцент Ҳ.П. Тошпўлатов мудир этиб тайинланди. Орадан бир йил ўтиб, кафедранинг бошқариш доцент Н.Р. Юсуфбековга топширилди. Мазкур йўналиш бўйича 1965 йилдан бошлаб муҳандис-автоматчи-кимёгарлар чиқарила бошланди. Шу йилларда факультетда академик К.С. Аҳмедов, Ўзбекистон ФА муҳбир аъзоси, профессор Ҳ. Рустамов, профессорлардан Ф.Ҳ. Тожиев, С.А. Сигов, И.П. Левш, А.А. Абдурахимов, доц. В.Я. Готфрид, катта ўқитувчи В.А. Ефимова ва шишасоз уста И. Аҳмаджоновлар ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, чуқур билим ва комил инсон бўлиб етиштиришлари йўлида фидойилик билан ишладилар.



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари: проф. Ф.Ҳ. Тожиев, проф. А.А. Абдурахимов, И.П. Левш ва шишасоз уста И. Аҳмаджонов.



Уч кадрдон машхур олимлар (чапдан ўннга):
Ўзбекистон ФА Физика-техника институти рахбари
акад. У.О. Орипов, Тошкент политехника институти рек-
тори акад. М.Т. Ўрозбоев ва Ўзбекистон ФА Президенти
акад. О.С. Содиков (1960–1970 йиллар орасида).

даги ишлар кенгайди. Кафедралар янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, лаборатория ва кабинетлар кенгайтирилди. Талабалар шаҳарчасида институтнинг ҳозирги биносига асос қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда ТошПИНинг ректори акад. К.С. Аҳмедовнинг хизматлари катта бўлди.

Ачитқи маҳсулотлари технологияси кафедрасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур микроорганизмлар етиштиришни бошқариш муаммоларини ҳал қилишда илдам қадам ташланди.

Пиво, вино ачитқилари ва сут ачитиш бактериялари етиштирилиши ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини анча қисқартиришга олиб келди. Бунга кафедрада илмий тадқиқот ишларига катта аҳамият берилганлиги сабаб бўлди. Ачитқи маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси кафедраси доценти С.Х. Абдуразоқова бошчилигида автоматлаштирилган, бошқарилувчи узвий тизим ҳолидаги технологик жараёнлар яратиш мумкинлиги, шу асосда хом ашё тежалиши, меҳнат сарфи камайиб, маҳсулот сифати юқори бўлиши исботланди. Узум ва олма шарбатларини икки босқичда ачитиш йўли кафедрада ишлаб чиқилган бўлиб, синовлардан муваффақиятли ўтди ва саноатда фойдаланиш учун тавсия этилди. Ўша йиллардан бошлаб Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги қатор заводларда ишлатила бошланди. Ачитқи ферментларидан фойдаланиб виноларни стабиллаштириш маркали маҳсулотларнинг етилиш вақтини бир ярим йилга тезлаштирди. Янги усул пиво ишлаб чиқаришда қўлланилса, унинг етилиш вақтини икки баробар камайтиришга имкон беради. Кафедрада ишлаб чиқарилган сутни ачитиш йўли Олмалиқ сут заводида синовдан ўтказилди. Бу йўл сут-қатик маҳсулотлари етилишини уч баробар тезлаштиради, айна чоғда маҳсулот сифатини анча яхшилади. Қолаверса, шу янгилик туфайли парҳез маҳсулотларининг биологик хусусиятлари ортди, жараён поток йўлига ўтказилган ҳолда автоматлаштирилди. Ҳисоблашлар янгилик туфайли корхона ишлаб чиқариш қуввати уч баробар ошишини кўрсатди.

Ёғлар технологияси кафедрасида пахта соапстоки ёғ кислоталарининг гидрогенланиши жараёни ўрганилди. Олинган маҳсулотни хўжалик совуни учун ишлатиш мумкин эди. Тажриба йўсинида Тошкент ёғ-мой комбинатида бир кеча-кундузда 10 тоннага яқин гид-



ридланган соапсток ишлаб чиқарувчи тажриба саноат қурилмаси барпо этилди. Суткасига 40 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарувчи заводни маҳсулот билан таъминлай оладиган бу қурилмани шу йил ишга тушириш режалаштирилганди. Кафедра комбинатнинг гидро-заводида мис-никель катализаторига қўшимча қўшиб ишлатишни таклиф қилди: натижада юқори сифатли саломас ишлаб чиқарилишига эришилди.

Саноат миқёсида миллий кондитер маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқаришда ҳам кафедра ходимлари фаол иштирок етишди. Чунончи, қайта этирификациялаш йўли билан ҳосил қилинган ёғларни кулинария маҳсулотлари, нон-булка ва шу каби маҳсулотлар тайёрлашда кўп миқдорда ишлатишга асос борлиги тажрибаларда кўрилди. «Тошкент-нон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бешинчи корхонасида патир тайёрлашда маргарин ўрнига қайта этирификацияланган ёғлар ишлатиб кўрилди. Натижада нон сифати бир мунча яхшиланди, корхона йилига 55 минг сўм фойда олиши исботланди. Бу ўша давр учун катта маблағ ҳисобланарди. Шу кафедра доценти (кейинчалик к.ф.д.) Р. Мирзакаримов данак мойларидан фойдаланиш борасида эътиборга лойиқ илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Бунинг самараси ўлароқ Қўқондаги ёғ-мой комбинатида данак мойлари цехи ишга туширилди. Илгари чиқинди ҳисобланган маҳсулотдан юқори сифатли мойлар ишлаб чиқарилди. Данак мойларидан тиббиёт учун зарур бўлган қатор органик кислоталар олиш мумкинлиги ҳам тажрибалардан маълум бўлди.

«Ноорганик моддалар технологияси» кафедрасида янги ўғитлар, жумладан, органик-минерал ўғитлар, лигнин, гумматлар олиш технологиялари ўрганиб чиқилди.

1970 йиллар ўрталарида очилган «Ёғочни қайта ишлаш технологияси» кафедрасида доц. И.М. Сиров, проф. Ф.А. Мағрупов ва Н. Зайнутдиновлар Тошкент мебель фабрикасида филиал ташкил қилишди. Талабалар маъруза ва лаборатория дарсларининг асосий қисмини шу ерда ўтказадиган бўлишди. Бу назариянинг амалиёт билан ҳамкорлиги эди.

«Силикатлар технологияси» кафедрасида проф. Ф.Х. Тожиев бошчилигида канализацион қувурларнинг оптимал технологияси, иссиқлик электр станциялари қуларидан фойдаланиш муаммоларини ечиш, электр чиқиндиларининг сифатли турларини яратиш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Факультет ходимлари назорат-ўлчов асбобларининг янги намуналарини яратишга ҳам ўз хиссаларини қўшишган. Автоматик вискозиметрлар, зичлик ўлчамлари, қаттиқ ва сочувчан материаллар учун нам ўлчагичлар шулар жумласидандир.

Энди факультет тасарруфида бўлган кафедралар ҳақида қисқача маълумотлар беришга ўтамиз.

1.2. Факультет кафедралари

«Боғловчи материаллар, керамика ва ўтга чидамли материаллар технологияси» кафедраси. 1932–1933 ўқув йилида цемент технологияси ихтисосликлари бўйича муҳандислар тайёрлашга киришилди.

1940 йили Ўрта Осиё индустриал институтида факультет ташкил этилиб, унга муҳандис С.П.Тарновский бошчилик қилади. Ўқув ишлари билан бир қаторда илмий тадқиқот ишлари ҳам бошлаб юборилади. Қизил-киянинг табиий куйган тупроги цемент таркибига қўшилиши билан тайёрланган материал хоссалари ўрганила бошланди. Кафедрага проф. А.Н. Цепин, 1944 йилдан доц.И.С. Канцельский, 1947 йилдан тўқсонинчи йилларгача Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, проф.Ф.Х. Тожиев раҳбарлик қилади. 1948 йилдан бошлаб «Силикатлар технологияси» кафедрасида доимий,



Силикатлар технологияси кафедрасида диплом олди амалиёти хисоботини топшириш пайти (1975 й.)

узлуксиз равишда муҳандислар тайёрлана бошланди. Республикамизнинг йирик корхоналарида раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилган Т.Я. Шарипов, Т.Э. Эргашев, Э.Б. Бўтаев, М.М. Мамажонов, М.М. Мўминов, С. Шчеткин, Ж.Д. Жукова кафедра битирувчилари ҳисобланади. Соҳа муҳандисларидан Н.А. Сирожиддинов, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби бўлади. С.С. Қосимова, Ш.М. Раҳимбоев, Т.А. Отақўзиев, А.Ҳ. Исмоилов, Қ.А. Аҳмеров, А.А. Исматов, Р.И. Исмамова, М.Ю. Юнусов, М.И. Искандарова, М.Х. Арипова, А.М. Эминов ва бошқалар фан докторлари бўлиб етишдилар.

Кафедрада шу йиллар давомида талабалар учун жуда кўплаб ўқув дастурлари, дарсликлар, услубий қўлланмалар нашр этилди. Лаборатория жиҳозлари, фазавий ва структуравий анализ, рентген аппаратлари, электрон микроскоп (ЭММА-2), юқори ҳароратли микроскоп, оптик микроскоп, аланга фотометри, фотоэлектромтр колориметр, ИҚ – спектрометр, керамик материаллар электр ўтказувчанлигини ўлчовчи асбоблар, юқори ҳароратли печлар, қуритиш ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан бойитилди. Ўқув жараёни жадал суратлар билан сифатли даражаларга эриша бориши билан ҳамоҳанг равишда илмий тадқиқотларга ҳам аҳамият қаратилди. Ангрен каолини ва тупроғи А синфига кирувчи муҳим хом ашё сифатида 1700–1730°C гача чидайдиган оловбардош материал бўлиши мумкинлиги исботланди. Шамот гиштининг катта партиялари амалда қўлланила бошланди. Бирламчи Ангрен каолинидан чидамли чинни буюмлар ишлаш мумкинлиги исботланди. Бу билан четдан олинадиган каолинга чек қўйилди. Кафедра ходимлари сульфa-силикатли ва алюминатли ферментларнинг янги технологияси схемаларини ишлаб чиқишди, кислоталардан цементнинг порфиритли турини яратишга эришди, бунга фосфогипс, фосфорли шлак ва бошқа саноат маҳсулотлари чиқиндилари қўшилди, натижада кимёвий термо-кислота-



бардош ғишт ва плиткалар ишлаб чиқарила бошланди. Бентонитлардан радиоактив чиқиндиларни тозалаш, нефть ва газ скважиналарни қазिश ҳамда бўёкчиликда фойдаланиш масалаларига аҳамият берилди. Мазкур даврда кафедра ходимларидан 10дан ортиғи номзодлик ва 2 нафари докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу даврда кафедра ходимлари 600 та илмий мақола, 2 та монография, қатор муаллифлик гувоҳномалари олишди. Кафедра чет элдаги олий илмий тадқиқот институтлари ва лабораториялар билан илмий ҳамкорликда ишлар олиб бормоқдалар.



Вино ишлаб чиқариш технологияси кафедраси доценти А.В. Шахсуварян ўз талабаси билан.

Ачитқи маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси кафедраси. Мазкур кафедра 1938 йили ташкил этилди ва унга профессор М.А. Ховренко раҳбарлик қилди. 1941 йилдан 1958 йилгача доцент С.В. Моталёв, 1958–1960 йилларда проф. И.Ф. Зеликман, 1960 йилдан техника фанлари номзоди, доцент С.Х. Абдуразоқова бошчилик қилди.


Кейинроқ доц. С.Х. Абдуразоқова ўзининг биокаталитик асосдаги янги босқичдаги узум ва пиво суслосини ачитиш жараёнига оид докторлик диссертациясини ёқлайди. Мазкур жараён мамлакатимиз вино ишлаб чиқариш корхоналарида амалиётга қўлланилади. Кафедра лабораториялари биокимё, микробиология, кимёвий технологик назорат, ультраферментёр, газанализатор, автоклав, спектродоотометр каби асбоб-ускуналар бойитилди. Талаба ва аспирантлар илмий хўжалик шартномалари асосидаги ишларда мунтазам қатнашиб турдилар. Уларнинг амалиётлари машҳур корхоналар ҳисобланган Ялтадаги «Массандра», Қрим, Москва, Ленинград пиво ва вино заводларида олиб борилди.

Мазкур соҳани битирган талабалар ичида йирик корхоналар раҳбарлари, вазирликлар ходимлари ва олимлар бор. Булар орасидан Ю.Л. Погосов – фан доктори, профессор, Владимир шаҳридаги илмий тадқиқот институти лабораторияси бошлиғи, профессор Н.Корольков, лаборатория мудирини ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Мазкур кафедранинг битириб чиққан техника фанлари доктори, профессор С.М. Туробжонов мана 13 йилдан бери Тошкент кимё-технология институтида ректорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган турли хил шарбатлар, пиво, шароблар ва сифатли коньяклар дунё миқёсида ўз ўрнига эга. Буларнинг олиними ва ишлаб чиқарилишида доц. А. В. Шахсуваряннинг хизматлари катта бўлди.

«Ноорганик моддалар технологияси» кафедраси. Ушбу кафедра 1939 йили профессор С.А. Сигов раҳбарлигида ташкил этилди. 2 йил давомида унга Сергей Александрович Сигов мудирлик қилди. У иккинчи жаҳон урушига кетгач, кафедрага бироз вақт доцент А.Б. Қўчқоров, сўнгра Давлат план кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, кейинчалик Ўзбекистон ФА академиги, Давлат мукофоти лауреати, проф. М.Н. Набиев раҳбарлик қилади. 1968 йилдан тўқсонинчи йилларгача техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ф.М. Мирзаев кафедранинг бошқарди.

Бу кафедрада ўқув, илмий, услубий ишларни ташкил этишда доцентлардан Н.М. Маннонова, В.А. Линкевич, Ш.А. Ёқубов катта ўқитувчи Е.Л. Терёхин, ассистентлардан



З.К. Тоиров, А.А. Пименова, Е.Б. Ушаровалар самарали фаолият олиб боришди. Амалий ишлар «Чирчикэлектрохимпром», Олмалик «Кимё» корхонаси, Самарқанд суперфосфат заводи, республикадаги етакчи илмий тадқиқот институтлари лабораторияларида ўтказилди. Қатор йиллар давомида талабалар ўз амалиётларини Болгариянинг Димитровград шаҳридаги кимё заводида ҳам ўтказиб туришди.

Кафедра ташкил топганидан бошлаб илмий тадқиқот ишларига катта аҳамият қаратилди. Жумладан, 1948 йилдан бошлаб доц. С.А. Сигов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар фосфоритларни парчалаш билан шугуллана бошлайди. Қоратоу фосфорити, аммоний гуммати, лигнин, қўнғир кўмирни нитрат кислота билан қайта ишланиш жараёнлари ўрганилди, самарали органико-минерал ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилди ҳамда микроэлементларга бой иккиламчи суперфосфат олиш технологияси яратилди. Маҳаллий оҳақтош ва азотли ўғитлар заводлари чиқинди газларидан оқ цианамид ўғитини олиш технологиясини ўрганиш ва уни такомиллаштириш борасида илмий ишлар олиб борилди. Олинган натижалар Фарғона азотли ўғитлар заводида амалга татбиқ этилди. Проф. Ф.М. Мирзаев, доц. Т.А. Отақўзиев ва асс. З.К. Тоировлар томонидан Олмалик кимё заводи чиқиндисидан – фосфогипсдан боғловчи материаллар ва сульфат кислота олиш технологияси ишлаб чиқилди. Фосфогипс чиқиндисидан паст ҳароратли декоратив цемент, оҳақтош, углерод оксиди ва аммиакдан кальций цианамид олишга ҳам аҳамият берилди. Мураккаб азот-фосфорли ўғит, суюқ ўғит, органико-минерал ўғит олиш технологияларига бағишланган мавзуларда ўндан ортик муаллифлик гувоҳномалари олинди. 1964 йили кафедра ўғитлар сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича катта анжуман ўтказди, унинг ишида ўнлаб мамлакатлар вакиллари қатнашди. Натижада хорижлик олимлар билан ҳамкорликда ерни қотишдан сақлаш бўйича янги дефолиантлар ишлаб чиқариш режалари тузилди.

Кафедра 1960–1980 йилларда илмий тадқиқот ишларига катта аҳамият берганлиги, ёшларга ғамхўрлик қилиши, шароит яратиши ва саноат корхоналари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаши орқали ходимларининг илмий салоҳияти ўсишини таъминлади. Бунинг амалий исботи сифатида куйидаги маълумотларни келтирамиз. 1953–1978 йиллар орасида кафедра ўқитувчиларидан 16 таси номзодлик диссертациясини ёқлади ва илмий унвонларга эга бўлди. 1971 йили доц. Ф.М. Мирзаев докторлик диссертациясини ёқлаб, маълум

вақтдан сўнг эса профессорлик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига эга бўлди.

Кафедра ходимлари 1938 йилдан 1980 йиллар бошларигача 1600 га яқин муҳандис-технолог етказиб берди. Ёш мутахассислар нафақат Ўзбекистоннинг йирик корхоналарида, балки Ўрта Осиё, Россия, Украина, Белоруссия каби ва бошқа мамлакатлар заводлари, илмий тадқиқот ёки олий ўқув юртлари кафедраларида меҳнат қилган ёки қилаётганликларини биламиз. Булар орасида корхона раҳбарлари, бош муҳандис, бош технолог,



Анорганик моддалар технологияси кафедраси мудири проф. Ф.М. Мирзаев ходимлари билан илмий иш устида.



Ўрта Осиё политехника институти кимё-технология факультетининг 1960 йил битирувчиларидан бир гуруҳи.

лойиха бошликлари, цехлар етакчилари ва ҳатто Меҳнат қаҳрамонлари бор. Масалан, «Чирчиқэлектрхимпром» муҳандиси Омон Илёсовга «Меҳнат қаҳрамони» унвони берилган, кўпгина кимёгар ходимлар орден ва медалларга сазовор бўлишган. Аввалига кимёгар-муҳандис-технолог, кейинчалик раҳбарлик лавозимларда ишлаган У. Далабоев, К.Г. Содиков, В.А. Ҳамидов ва бошқаларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

«Ёғлар технологияси» кафедраси. 1940 йили проф. М.С. Эльгорт ташаббуси билан «Органик кимё ва ёғлар технологияси» кафедраси ташкил этилди. 1946 йили кафедра мустақил иккита кафедрага бўлинди ва 1953 йилгача унга доц. М.И.Ниёзов, сўнгра А.И. Глушенкова раҳбарлик қилди. 1961 йилдан 1981 йилгача кафедрага доцент, кейинчалик техника фанлари доктори, проф. А.А. Абдурахимов мудирлик қилади. Ўша йилларда кафедрада техника фанлари доктори, проф. А.Л. Маркман, Д.Т. Забрамний, доц. Б.А. Кац, катта ўқитувчилар И.И. Шаповалов ва А.М. Мағдамовлар меҳнат қилишди.

1960–1970 йилларда талабаларга билим бериш билан бир қаторда ёғ ва мой технологиясининг самарали усулини яратиш, маҳсулот сифати ва таъмини яхшилаш, зарарли ва захарли моддалардан тозалаш каби илмий тадқиқот ишларига аҳамият берилди ва бу борда қатор ижобий ишлар амалга оширилди, ечимлар топилди.

Икки йўналишдаги илмий тадқиқотлар, яъни «Пахта мойи ва ёғ кислоталари гидрогениланишини такомиллаштириши» ҳамда «Пахта ва данак мойлари экстракцияси технологиясини тадқиқ қилиш ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан самарали фойдаланиш» бўйича тадқиқотчилар тинимсиз иш олиб бордилар. Биринчи йўналишда проф. А.А. Абдурахимов, доц. Й. Қодиров, доц. П. Илхомжонов, доц. З. Қодирова, аспирантлардан Қ.Ҳ. Мажидов (кейин техника фанлари доктори, профессор), Й.Ёкубов, З.Маҳмудова ва бошқалар томонидан жараён учун янги стационар катализаторлар ҳамда паст ҳароратли гидрогенилаш усуллари устида ишлар олиб борилди. Иккинчи йўналишда эса доц. Р. Мирзакаримов, доц. А. Иногомов, доц. М. Турсунов, доц. М.А. Илёсов, А. Маҳкамвалар меҳнат

TerDU ARMI
405688



Доц. В.Я. Готфрид илмий иш устида.

зов, муҳандис И.П. Левш ҳисобланади. 1941 йили ўқитувчилар қаторига А.О. Киневский билан А.И. Чернявскийлар сўнгра О.Б. Ерофеева қўшилди. Ҳ.П. Тошпўлатов, Я.И. Турьян ва М.Ж. Жамолов, В.И. Эльгорт, катта лаборантлардан В.Я. Готфрид ва Р.И. Шамсутдиновлар кафедранинг жиҳозланишида, ускуна ва қурилмаларнинг жой-жойига ўрнатилишида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

1952 йили кафедрага проф. М.И. Ниёзов мудир қилиб тайинланди. Шу йиллардан бошлаб кафедра янада ривожланди, лаборатория базаси кенгайди, янги кадрлар билан тўла бошлади. 1958 йили кафедрага фан номзодлари Н.У. Ризаев, С.У. Умаров, Ж.У. Умаров, ассистентлардан И.В. Карякина билан В.Н. Мишиналар ишга келди. 1963–64 йиллари кафедрага Н.Р. Юсупбеков билан З.С. Салимов аспирантликка қабул қилинди. 1964 йили кафедрада «Полимерларнинг муаммолари лабораторияси» ташкил қилиниб, унга доц. Н.У. Ризаев мудир қилиб тайинланди. Бу ёш олим 31 ёшида докторлик диссертациясини ёклади, у тез орада профессорлик унвонига ҳам эга бўлди.

Мана шу йиллар ичида кафедра ходимлари катта ҳажмдаги ўқув-педагогик ишларни бажариш билан бир қаторда йирик илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб бордилар. Кафедрарада 60 дан ортиқ фан номзоди етишиб чиқди, турли илмий журналларда 5000 дан ортиқ мақолалар, монографиялар нашр этилди, кўплаб муаллифлик гувоҳномалари олинди ва дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари босилиб чиқди.

Олий тоифадаги илмий ходимлар етиштириш, малакали муҳандис-технологлар тайёрлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасидаги катта хизматлари учун проф.

қилишди. Олинган натижалар республика миқёсидаги мой-ёғ корхоналарида амалиётга татбиқ этилди.

Мазкур мавзулар бўйича олинган илмий натижалар турли анжуманларда маъруза сифатида эълон қилинди, кўплаб муаллифлик гувоҳномаларида ўз ифодасини топди.

Кафедра ходимлари катор хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан илмий-техник ҳамкорлик ҳам қиладилар. Талаба ва илмий ходимлар билан тажриба алмашилишни амалга оширдилар. Кафедрани муваффақиятли битирган кўпгина талаба ўқувчилар кейинчалик соҳанинг етуқ билимдонлари бўлиб етишдилар. Н.Р. Юсупбеков, З.С. Салимов, А.И. Глушенкова, Н.У. Ризаев, А.Ф. Маҳсумов, Т.Ш. Шокиров, О.С. Сафаев ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

«Жараён ва ускуналар» кафедраси. Ушбу кафедра 1940 йили ташкил этилган бўлиб, унга проф. В.Н. Фисейский мудир қилиб тайинланди. Дастлабки ўқитувчилари доцент М.И. Ниё-



Кафедра йиғилишида (1964 йил).

М.И. Ниёзовга 1968 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. Бу олимнинг бағрикенглиги, ёшларнинг меҳрибон устози, мураббийси, ходимларни тўғри тантай билиши ва чинакам раҳбарлик сирлари билимдони эканлигидан дарак берар эди.

Проф. М.И. Ниёзовнинг шогирдлари кафедранинг келажагидаги тақдири учун ҳам бор куч ва иқтидорларини сарфлаб меҳнат қилишди. 1964 йили кафедра базасида «Кимёвий дастлаб чиқаришни автоматлаштириш» янги кафедраси ташкил қилиниб, унга техника фанлари номзоди, доцент Х.П. Тошпўлатов мудир қилиб тайинланди. 1966 йилдан мазкур кафедрага техника фанлари номзоди (кейинчалик академик) Н.Р. Юсупбеков раҳбарлик қила бошлади. 1975 йили кафедра ходимларидан доцент И.П. Левш билан З. Салимов докторлик диссертацияларини ёқладилар.

Шу ўтган даврда кафедрада саноат учун зарур бўлган мавзуларда илмий тадқиқот ишларни олиб борилди. Масса алмашинув жараёнлари, колонна ускуналаридаги сорбция жараёнлари, экстракция ва дисцилляциялаш жараёнларининг интенсификацияси каби йўналишларда кўпгина ишлар бажарилди. Учкўрғон мой-экстракция заводида суғорилувчи насадкаларнинг псевдосуёлтирилган қавати дистилляторининг завод масштабида синовдан ўтказилиши, Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар комбинатида доиравий насадкаларнинг завод скрубберларида ишлашини текшириш, «Навоийазот» да ювиш колонналарининг ускуналарида нейтраллаш иссиқлигидан фойдаланишни синовдан ўтказиш, янги йўл билан Фарғона мой-экстракция комбинатларида ҳароратни автоматик бошқариш, пахта мезасини қуритишни осциллолчи режимда ўтказиш, Янгийўл биокимёзавоидида ионитларни тозалашни тезлаштиришнинг электромагнит ускунасини синовдан ўтказиш каби ишларнинг амалга оширилиши юқорида айтилган илмий тадқиқотларнинг амалий натижалари эканлигини айтиб ўтамыз.

«Физик кимё» кафедраси. Ушбу кафедра 1945 йили «Анорганик кимё» кафедраси таркибидан ажралиб чиқиб, мустақил кафедрага айланган. Унга дастлаб кимё фанлари доктори доц. Х.Р. Рустамов мудир қилиб тайинланган. Кейинчалик у фан доктори, про-



Проф. Н.Ф. Исмоилов махсус курс маърузасини ўқимокда (1985 йил).

фессор, Ўзбекистон ФА академиги, хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига эга бўлди. «Физик кимё» кафедрасида проф. Ҳ.Р. Рустамов, доц. Т.П. Поршакова, доц. Х.Б. Мединский, асс. Р.У. Усмонов (кейинроқ доцент). К.С. Аҳмедов, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Абдурахимов ва Л.Г. Фатхуллиналар ишлашди. 1970 йилларда кафедра кенгайди, лабораториялар янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, ўқитувчилар сони ортди, илмий ишлар ривож топди. Проф. Ҳ.Р. Рустамов шогирдлари – Н.Ф. Исмоилов, П.Х. Мансуров, Я.Ю. Гофуржонов ва Р. Хайбуллина номзодлик диссертацияларини ёкла-

дилар, орадан кўп ўтмай улар доцентлик унвонига эга бўлишди. И.П. Евстафьева катта ўқитувчи Б.Ҳ. Ҳасанов эса ассистент вазифасига қабул қилиндилар.

Кафедрада бошланган илмий ишлар проф. Ҳ.Р. Рустамов бошчилигида кенгайтирилди, унга аспирант, талаба ва ёш ўқитувчилар жалб қилинди. Гетероген кислота асос назарияси, катализ ва унинг асоси уч йўналишда ўрганила бошлади. Ташитгичда протон кислота иштирокидаги катализ, яъни «пленкали» катализга аҳамият қаратилди; табиий ва синтетик ионитлар ва металллар иштирокидаги катализ реакциялари ўрганила бошланди. 30 дан ортиқ реакцияларнинг кинетикаси ва механизми ўрганилди, оптимал режим, активлик, турли омилларнинг реакция тезлигига таъсири (тажрибаларда) тадқиқ қилинди.

Турли маркали катионит ва анионитларнинг каталитик фаоллиги ўрганилди, тажрибаларда синаб кўрилди, натижада ионитлар активлигининг пастлигига (гомоген катализ билан солиштирилганда), энтропия фактори таъсири борлиги билан аниқланиши топилди. Шу муносабат билан энтропия факторининг ўзгаришига олиб келадиган шароитлар ўрганилди, ионитлар фаоллигини оширувчи йўллар топилди. Гомоген катализнинг айрим ҳолатда ионит катализига қўллаш даражаси кўрсатиб берилди. Баъзи кислота асос каталитик жараёнларида металлдан катализатор сифатида фойдаланилганда худди кислоталар қўлланилгандаги маҳсулотлар олиш мумкинлиги тажрибавий равишда исботлангани амалий аҳамият касб этди. Ушбу ҳолатлар учун мазкур жараёнларнинг кинетик қонуниятлари турли муҳитларда ҳам ўз исботини топди.

Кафедрада кейинги йилларда тупроқда минерал ўғитларнинг сингиш жараёнлари ўрганиб чиқилди. Фосфатли ўғитларнинг эриш кинетикаси текширилиб, уларнинг кислоталарда ва органик тузлардаги механизми ҳам аниқланди. Тупроқдаги азотнинг йўқолишини камайтириш мақсадида азотли бирикмалар нитрификацияси кинетикаси тадқиқ қилинди. Бунда азот йўқотилишини 40–70% дан анча паст фоизларга тушириш мумкинлиги исботланди. Бунинг учун нитрификация жараёнини секинлатувчи ингибиторлардан фойдаланиш йўллари тақлиф қилинди.

Кафедра ўқитувчилари талабалар учун дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий кўрсатма ва бошқа ўқув адабиётлари тайёрлашда ҳам фаол иштирок этишди. Масалан, проф. Ҳ.Р. Рустамов «Физик-кимё (иккита нашри), «Анорганик кимё» каби ва бошқа дарсликлар



Органик кимё кафедраси ходимлари факультет биноси олдида (1976 йил).

ри кўп минг нусхада босилиб, республикамиздаги олий ўқув юртларида ҳамон фойдаланиб келинмоқда.

«Органик кимё» кафедраси. Ушбу кафедра «Ёғлар технологияси» кафедрасидан 1946 йилда ажралиб чиқди. Унга кимё фанлари доктори, проф. А.Б. Қўчқоров мудир этиб тайинланди. 1980 йилларга келиб кафедра ходимлар сони уч баробар ошди, салоҳиятли ўқитувчилардан 7 киши доцент, битта катта ўқитувчи, 3 нафар ассистент (буларнинг икkitаси фан номзодлари), етти лаборант, 6 та аспирант ва тадқиқотчилар меҳнат қилишди. Ўша йиллари маърузаларни проф. А.Б. Қўчқоров, доцентлардан К.И. Поршакова, Қ.М. Ахмеров, Ф.К. Қурбонов, Т.Г. Гаркавец, А.Б. Аловитдинов, С.А. Саранкина, Ҳ.Ш. Каримов ва бошқалар ўқидилар. Маърузалар тажрибалар кўрсатиш билан олиб борилар, кўргазмали материаллар, модель, кристалл тўрлар ва шу каби материаллар намоиши билан ўтказилганлиги боис тингловчи талабалар ёдида узок сақланиб, улар орасида суҳбат, тортишув ва муҳокамаларга сабаб ҳам бўларди.



Проф. А.Б. Қўчқоров 2 курс талабаларига органик кимёдан маъруза ўқимокда (1957 йил).



Доц. Ҳ. Наврўзов шогирди билан илмий иш устида.



Органик кимё кафедраси ходимлари
М. Ҳолмухамедова билан О. Кулимов илмий
тажриба ўтказмоқдалар (1987 йил).

Ўқув ишлари билан бир қаторда илмий изланишлар ҳам кенг кўламда олиб бориларди. Алкиллаш реакциялари, азотли гетероциклик бирикмалар синтези, металллар коррозиясига қарши кураш усулларини ўрганиш каби йўналишлар ривожлантирилди. Ўша йиллари асс. М.Ғ. Исмагуллаева ўзининг номзодлик диссертациясини ёклайди. Кафедранинг 30 йиллик тарихида 60 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари, 300 та илмий мақола, доцент Қ.М. Аҳмеровнинг «Каталитический аммонолиз и аминирование ацетиленовых углеводородов» номли монографияси, доцент А.Б. Аловитдиновнинг «Органик кимёдан кичик практикум» ўқув қўлланмаси нашр этилди.

Пиридин синтезига оид экспонат Москвадаги кўрғазмада (муаллифлар А.Б. Қўчқоров, Қ.М. Аҳмеров, Д. Юсупов) бронза медали билан, «Гумосум» номли технология экспонати Ўзбекистондаги кўрғазмада намоиш қилиниб дипломга ва пул мукофотига сазовор бўлди.

1980 йиллар бошларида кафедра малакали кадрларга бойиди, илмий салоҳият юқори кўтарилди, ёш тадқиқотчи-изланувчилар сони кўпайди. Бунинг боиси шу йилларда кафедранинг уч ёш изланувчи доцентлари Қ.М. Аҳмеров, Ф.Қ. Қурбонов ва А.Б. Аловитдиновларнинг докторлик диссертацияларини ёклашлари бўлса, иккинчи томондан улар атрофида тўпланган аспирант ва ходимларнинг илмга бўлган қизиқишининг натижасидир. Ёш фан номзодлари Д. Юсупов, А. Икрамов, А. Абдурахмонов ва бошқаларнинг докторлик диссертациялари ҳам жадал суръатларда олиб борилаётгани эди.

Кафедра ходимлари ўз малакаларини тўхтовсиз ошириб боришга ҳаракат қилишар, Москва, Санкт-Петербург, Новороссийск, Киев ва Боку каби шаҳарлардаги олий ўқув юртлари ходимлари билан доимий илмий мулоқотда бўлишарди. Илмий анжуман, симпозиум ва семинарларда қатнашиб, илмий маърузалар билан чиқишарди. Шу боис кафедра ходимларининг илмий ишлари Киевда нашр қилинган 5 томлик «Каталлизатор» маълумотномасига киритилиши бежиз эмас, албатта.



Асс. М.Ғ. Исмагуллаева оппоненти Арманистон
ФА академиги А.Т. Бабаян билан Боку шаҳрида
(1979 йил, май). →



Талабалар шаҳарчасининг 25-сонли ётоқхонасида яшовчи кимёгар-технолог талабалар ҳашардан кейин раҳбарлари органик кимё кафедраси доценти Асадулла Акмалов билан (1980 йил).



ТошПИ ходимларидан бир гуруҳига фан доктори ва профессорлик аттестатларини тантанали топшириш ҳуни (1982 йил 2 февраль). Суратда чапдан ўнга: к.ф.д. Қудрат Аҳмеров, к.ф.д. Асфандиёр Аловитдинов, т.ф.д. Анвар Каримов, Ўзбекистон ФА ходими М. Хонов, Ўзбекистон ФА Президенти акад. О.С. Содиқов, ОАК раиси В.И. Кириллов–Угрюмов ва т.ф.д. Бадриддин Умаровлар.

Проф. А.Б. Қўчқоров кафедра ходимларининг талабчан раҳбари бўлиши билан бир қаторда уларнинг меҳрибон устози, маслаҳатгўйи эди. У кишини кўпинча ёшлар орасида, аспирантлар давраси ёки лабораторияларда суҳбат қураётганини кўрар эдик. Ширинсухан, очиккўнгил, файзли ва камтар устоз шогирдлари қалбида яшаб келмоқда.

«Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси» кафедраси. Ушбу кафедра 1961 йили ташкил этилиб, унга доц. Т.Р. Абдурашидов мудир қилиб тайинланди. Дастлаб бу ерда қатта ўқитувчи Н.А. Маркман, ассистентлардан Й.М. Мақсудов, Д. Тоиракберова,



А.М. Морозовлар иш бошлашди. 1975 йилда Т.Р. Абдурашидов ва А.Т. Жалилов докторлик диссертацияларини ёқлаб, профессорлик унвонига эга бўлдилар. Кафедрада 10 та ўқитувчи ишлай бошлади. Ҳақиқатан ҳам фан номзоди Д.М. Тоиракберова кафедра мудири, проф. Т.Р. Абдурашидов факультет декани эди. Ўқув ва илмий тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилди. Корхоналар билан алоқалар кенгайтирилди, талабалар амалиёти марказий шаҳарлардаги йирик корхона ва илмий-тадқиқот институтларида ўтказила бошланди. Махсус фанлар Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, проф. М.А. Асқаров, проф. Т.Р. Абдурашидов ва бошқалар томонидан ўқилди. Доцентлардан Ф.А. Мағрупов, Й.М. Мақсудов, Б.А. Шипилевский, Д.А. Хонхўжаева, А.Х. Юсупбеков, катта ўқитувчи К.А. Авлонов, асс. В.Р. Мустафин маъруза ва лаборатория дарсларини ўтказардилар. 1980 йилларда кафедра чет эллардаги олий техника ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Чехословакиянинг Пардубица шаҳридаги кимё корхонасида ТошПИ талабалари, Чирчиқдаги «Электрохимпром»да мазкур шаҳардаги олий кимё-технология мактаби талабалари амалиёти ўтказилиб турилди.

Кафедра ходимлари шу йилларда композицион материаллар олиш технологияси, улардан техника ва саноатда фойдаланиш йўллари изладилар. Иссиққа чидамли, сув таъсирига берилмайдиган полимерлар турларини яратиш, фуран асосидаги полиимидуретан қопламалар, боғловчилар, пластмасса ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ғўзапоя целлюлозаси устида ишладилар. Яратилган эпоксид ва кремний органик композициялардан биналар ташқи томонини безаш ишларини амалга оширдилар. Корхоналар талабалари бўйича илмий тадқиқотлар ишлари бажарилди. Нефть қазинида ишлатиладиган насослар учун бронеленталар яратилди, Бухоро уйсозлик комбинатида полимер матрицалари ишлаб чиқариш цехи қурилди. Оҳангарон цемент комбинати учун сувга чидамли боғловчи ишлаб чиқилди. Ацетилен бирикмалари полимеризацияси учун каталитик системалар қонуниятлари ўрганилди, улардан резина олиш ва пластмасса ишлаб чиқаришда фойдаланиш тавсия этилди.



ТошПининг бир гуруҳ проф. ўқитувчилари Боқуда ўтказилган халқаро «Ацетилен кимёси ва технологияси» конференциясида (1979 йил, май).



Кафедра ходимларидан проф. М.А. Асқаров ва проф. А.Т. Жалиловлар томонидан йирик тадқиқотлар олиб борилиб, буларга 25 дан ортик муаллифлик гувоҳномалари олинди, монографиялар нашр этилди. Кафедра ходимлари 200 дан ортик мақола, ўқув қўлланмалар, илмий-услубий кўрсатмалар тайёрланиб, «Полимер материаллари техникада» номли 4 та тўплам нашрдан чиқарилди. Кафедра ходимларидан А.Х. Юсупбеков, А.Ағзамов, Ф.А. Мағрупов, Ҳ.Ҳ. Мухитдинов, Н. Исмаатов, А.Л. Ҳамраев, ироқлик Ж.Ж. Ал-Ҳошимий номзодлик диссертацияларини ёкладилар.



Проф. М.А. Асқаров янги смола олиш технологиясини лаборатория ходимларига тушунтирмакда.

«Ёғочни қайта ишлаш технологияси» кафедраси. 1970 йиллар охирида очилган «Ёғочни қайта ишлаш технологияси» кафедраси ходимлари томонидан корхоналар билан ҳамкорликда ферментатив усул билан крахмалдан глюкоза олиш технологияси ҳам ишлаб чиқилди. Келажакда целлюлоза (ёғоч, дарахт пўстлоқлари, ғўзапоя ва бошқаларнинг асосий қисми)дан ана шундай йўл билан глюкоза олинди. Бунда озуқалилик хусусиятига эга бўлмаган маҳсулот юкори калорияли озуқа маҳсулотига айлантирилади. Целлюлозолитик



Факультетнинг бир гуруҳ проф. ўқитувчилари пахта йиғим-теримида (1984 йил, Жиззах вилояти).



ферментлардан сомон, беда, хашак ва бошқа озукаларни тўйимли қилишда қилинган ишлар самара берди. Тошкент қоғоз комбинати чиқиндилардан турли пластиклар ишлаб чиқариш асосидаги ишлар ҳам амалга оширилди. Боғловчи материал сифатида Фарғонадаги фуран бирикмалари заводи маҳсулотларидан фойдаланиш ишлари проф. Ф.А. Мағрупов томонидан таклиф қилинди. Полимерчи тадқиқотчилар ацетат толаси таркибига 3% ли кремний органик модификат киритиш билан унинг электр ўтказувчанлигини ўргандилар. Табиий каучукни шундай модификат билан қайта ишлаб олинadиган резина термостабиллик ва яхши изоляцион хоссаларга эга бўлиши тажрибаларда исботланди.

Шу каби муҳим илмий ишлар ўғитларнинг янги хилларини яратишда ва ҳосилини 20 % гача оширишда, Вьетнам апаратыдан суюқ ўғит олиш мумкинлигини исботлашда қорахад фосфоритига лигнин ва кўмир кўшиш билан самарадор ўғитга айлантирилганлигини айтиб ўтамыз.

Кафедрага доц. И.М. Сиров, проф. Ф.А. Мағрупов ва доц. Н. Зайнутдиновлар раҳбарлик қилишди. Кафедра ёғочсозлик корхоналари, мебель, хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан мустаҳкам алоқада бўлди. Кафедранинг Тошкент мебель фабрикасида янги жиҳозланган филиали очилди, унда ёғочни қайта ишлаш апаратылари талабалар учун ўрнатила бошлади. Бу ёшларнинг илмга қизиқишини оширишга ёрдам берди.

«Кимёвий технологик жараёнларни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш» кафедраси. Мазкур кафедра 1964 йили ташкил этилган бўлиб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари номзоди, доцент Х.П. Тошпўлатов мудир қилиб тайинланди. Унинг вафотидан сўнг раҳбарлик ёш фан номзоди, доцент



Кимёгар-технологлар пахта далаларида (1986 йил кузи, Жиззах вилояти).



Н.Р. Юсупбековга топширилади (1965 й.). Кафедра тайёрлай бошлаган муҳандислар кимёвий жараёнларни автоматлаштириш бўйича билим олишиб, кимё, озик-овкат, лойиҳалаш ташкилотларига ишга юборилади. Чорак аср давомида кафедра шундай мутахассислардан 400дан ортик йигит-қизни муҳандис-автоматчилар қилиб тайёрлади. Булар технологик жараёнларда автоматлаштиришнинг бошқариш системаларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш вазифалари билан шуғулландилар.



Автоматика кафедраси доценти Б. Мавлонқориев илмий иш устида (1980-йиллар).

1970 йилларда кафедрада проф. Н.Р. Юсупбеков, доцентлардан Ш.М. Фуломов, А.С. Зиёдуллаев, П.Р. Исмагулаев, А. Артиқов, катта ўқитувчилардан Ш. Нурийтинов, Б. Мавлонқориев, С. Қосимовлар ишладилар. Улар ўқув жараёнлари билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларини ҳам кенг қўламда олиб бордилар. Соҳага оид бир нечта монография, дарслик, ўқув қўлланмалари нашр этилди. «Навоийазот», «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий электр кимё заводи билан тузилган битим илмий ҳамкорлик шартномалари асосида ишлар олиб борилди. Кафедра талабалари ўз амалиётларини Чехословакиядаги Пардубица кимё комбинатида ўтказиб, ўзларининг чех талаба-дўстларини Ўзбекистондаги «Чирчиқэлектрохимпром»да кутиб олдилар. Кафедра Пардубицадаги олий техника ўқув юртлиридан бири бўлган кимёвий технология мактаби билан кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилди, талабалар алмашди, илмий ва техникавий ишларни бирга бажарди. Кафедра мазкур мамлакатдан катта ҳажмдаги мураккаб кимёвий лаборатория комплексини олишга ва ўзида жойлаштиришга муваффақ бўлди. Кафедра замонавий назорат ўлчов асбоб-анжомлари, ҳаракатланувчи стендлар ва ускуналар моделлари, аналог ва сонли ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланиб, ундан талаба ва аспирантлар фойдаланишди.

Кафедра мудирини проф. Н.Р. Юсупбеков институтда соҳа бўйича ташкил этилган махсуслаштирилган илмий кенгашга раислик қилган ҳолда, олий даражадаги мутахассисларни тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.

Кафедра ходимлари нафақат ўқув-услугий, илмий-техникавий ишларда, балки жамоат ишларида ҳам илғорликни қўлдан бой бермаганлигини кўпчилик яхши билади. Кафедра мудирини Н.Р. Юсупбековнинг ташкилотчилик, ҳамжиҳатчилик, маслаҳатгўйлик каби олийжаноб хислатлари кафедра ишларида ҳам ўзининг аксини топди.

«Аналитик кимё» кафедраси. Кафедра 1939 йили ташкил этилган бўлиб, тўрт йил давомида уни проф.В.А. Новиков бошқарди. Иккинчи жаҳон уруши қийинчиликларига қарамай, ўқини узлуксиз давом эттирилди, талабаларга моддий ёрдам кўрсатиб турилди. Шу даврларда кафедрада Н.А. Новикова билан А.Н. Пермякова ассистентлик вазифасида фидокорона меҳнат қилишди.

1944 йили кафедрага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, кимё фанлари доктори, проф. А.Л. Маркман мудир қилиб тайинланди. Йиллар ўтиб кафедра шароити яхшиланди, хоналар таъмирланди, илмий ва услубий ишлар сифати яхшиланди. Органик бирикмалар полярографияси ёрдамида ноаниқ бирикмалар таҳлили чуқур ўрганилди. Экин



Кафедра ўқитувчи ва ходимлари: доц. К.З. Раҳматуллаев, доц. Ў.С. Қутлуқова, доц. У.И. Ибрагимова, доц. Ш.А. Юсупов (мудир), доц. М.С. Миркомилова, лаб. мудири А. Ғиёсов, турганлар: К. Юсупова, И. Мирзаева, доц. Б.В. Раҳимова, катта ўқитувчи М. Муҳамедова ва доц. Р.А. Назирова.



Аналитик кимё кафедраси доценти М.Ф. Фозилова иккинчи курс талабалари билан лабораторияда (1957 йил).

майдонларидаги ҳолат ўрганилиб, уни микроэлементлар билан бойитиш, ўсимликлар ҳосилини ошириш ва касалликлар олдини олиш ишлари амалга оширилди. Аналитик кимёда органик реагентлардан кўпроқ фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишга аҳамият қаратилди. Натижада гос-сипол, озуқа маҳсулотлар таркибидаги пироузум кислотаси, тупроқ ҳолати, микроэлементлар кўшилиши ва бошқа тадқиқотлар ижобий натижалар берди. Никель, кобальт, ванадий, таллий, қалай, кадмий каби элементларнинг органик реагентлар учун қўлланилиши мумкинлиги аниқланди, кўп муаммоларга аниқлик киритилди. Талабаларга бериладиган «профессорлик» таҳлил иши юқори поғоналарга кўтарилиб, буларнинг



айримлари илмий иш сифатида давом эттирилди. Бу вазибаларни профессорнинг ўзи талабага берар ва бажарилишини назорат қиларди. Бу ишларда доцентлардан Е.К. Круглова ва Э.В. Зинкова проф. А.Л. Маркманга ёрдам беришарди. Шу йилларда проф. А.Л. Маркманнинг «Липидлар кимёси» ва проф. Е.К. Круглованинг «Ўзбекистон тупроклари микроэлементлари» монографиялари нашр қилинди. Доц. Б.А. Кацнинг пахта мойини госсиполдан тозалаш, Тошкент лак-бўёқ заводи учун кафедра илмий ходими М.Д. Бондянинг озуқа ёғларини ноозуқа ёғлари билан алмаштириш каби илмий ишлари амалиётга татбиқ этилди.

1960–1970 йилларда Ўзбекистонда таҳлилнинг физик-кимёвий усули лабораторияси ташкил этилиб, унда сифат таҳлилининг ярим микромер усули ишга туширилди. Шу даврда кафедра Москва, Ленинград, Киев каби шаҳарлардаги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб борди. Бу ишларга 1970 йилгача проф. А.Л. Маркман бошчилик қилиб турди. Шу вақт ичида 25 та фан номзоди ва 2 та фан доктори етишиб чиқди. Булар орасида Б.В. Раҳимова, Р.М. Мирзакаримов, С.И. Витяева, А.А. Абдурахимов, А.И. Глуценкова, А.У. Умаров, К.А. Афзамов, У.Х. Ҳалимова, Л.Р. Исаметдинова, С. Табак, М.С. Миркомилова, М. Мамадалиев ва бошқалар бор. Бу ёш олимлардан кейинрок фан докторлари, академиклар, хизмат кўрсатган фан арбоблари етишиб чиққанликларини эслатиб ўтамиз.

Кафедрада дастлаб 7 киши ишлаган бўлса, 1970 йиллар охирида улар сони икки баробар ошади. Доцентлардан Э.В. Зинкова, У.И. Ибрагимова, В.М. Славинская, М.Ф. Фозилова, Б.В. Раҳимова, Ҳ.С. Абдуллаева, У.С. Қутлукова ва бошқа устоз аёллар талабаларга оналаридек меҳрибон, бироқ талабчан, фидойилик билан меҳнат қилишди.

Айниқса ўша йилларда Тошкент давлат университетида аспирантурани битириб, ўзининг номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган ёш, иқтидорли ва изланувчан олима У.С. Қутлуковани ТошПТИга ишга таклиф қилиниши унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Унга 1975 йили ОАК томонидан доцентлик унвони берилди. Талабаларга дарс бериш билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларини ҳам йўлга қўйган олима фотокалориметрия, формаидларнинг анодли полярографияси соҳаларида кўплаб илмий мақолалар эълон қилади. Булар «Ўзбекистон ФА маърузалари», «Кимё фармацевтика журнали», «Электрохимия», «Химия ва сельском хозяйстве», «Журнал прикладной химии», «Узбекский химический журнал» каби ва бошқа журналда эълон қилиниб борди. Унинг услубий кўрсатмалари, лаборатория ишлари бўйича масала ва машқлари талабаларнинг фан асосларини чуқур ўрганишида асқотди. 40 дан ортик илмий мақола, ўқув қўлланма ва кўрсатмалар босилиб чиқиши, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги, талабаларга меҳрибонлиги, фидойилиги кўпчиликнинг назарига тушди. Республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Кафедрага 1970 йили доц. К.З. Раҳматуллаев мудир этиб, тайинланган йиллардан бошлаб маъруза аудиториялари, лабораториялар ва кабинетлар кенгайтирилди. Кафедрага келган ёш ўқитувчилардан Б. Зокиров тез орада номзодлик, Р.А. Назирова докторлик диссертацияларини ёқлашди. Кафедра ўқитувчиси проф. М.С. Миркомилонинг «Аналитик кимё»дан ёзган (1990–2004) дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Бу дарсликлардан республикамиздаги турдош олий ўқув юртлари талабалари ҳам фойдаланадилар.



У. Қутлукова.
«Аналитик кимё» кафедра-
си доценти



«Кимё саноати иқтисодиёти ва ташкил қилиниши» кафедраси. Ушбу кафедра 1968 йили ташкил этилди. Унга кафедра мудирлари қилиб техника фанлари номзоди, доц. С.Т. Тўхтаўжаев тайинланди. У кишининг вафотидан кейин техника фанлари номзоди, доцент Н.Н. Нормухамедов кафедрага раҳбарлик қилди. 1970 йилларда маърузаларни кафедра мудирлари, доц. Н.Н. Нормухамедов, доц. З.И. Цунц, доцент Ў.А. Абдуллаева, техника фанлари номзодлари Р.И. Дайчи, Н.А. Габриелян, Шокиров, ассистент Ш.Х. Муротова ва бошқалар олиб боришади.

1971 йили дастлабки иқтисодчи-кимёгар-муҳандислар етишиб чиқди. Улар кимё, озиқ-овқат саноати корхоналарида, турдош ишларда, илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларида иқтисодчи-муҳандис вазифаларида ишлашди.

Кафедра республика корхона ва ташкилотлари билан ҳам алоқада бўлиб турди, илмий маслаҳатлар, иқтисодий ҳисоблар ўтказишга ёрдамлашди. Кафедра ходимлари томонидан иқтисодиётга оид турли хил адабиётлар нашрга тайёрланди. 100 га яқин илмий мақолалар чиқарилди. Ўқув қўлланма ва услуб кўрсатмалар тайёрланди. Курс ишлари ва диплом лойиҳалари учун кўплаб услубий кўрсатмалар тайёрланди.

Кафедра доценти З.И. Цунцининг илмий-педагогик ишлари юқори баҳоланиб, унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвони берилди.

«Жамоат овқатланишини ташкил этиш ва технологияси» кафедраси. Кафедра 1971 йили ташкил этилиб, унга доцент Т.А. Абдуллаев мудир қилиб тайинланди. Кафедрада доцентлардан А.В. Абдувоҳидов, С.А. Бобоҳўжаева, У.Б. Аҳроров, кейинроқ ассистентлар Х.Х. Саъдуллаев билан Д.Т. Ҳожиевлар меҳнат қилишди.

Кафедра озиқ-овқат бўйича зарур жиҳозлар билан таъминланди, лаборатория ва кабинетлар ташкил этилди. Дарслар ва амалиётлар республиканинг йирик корхона ва ташкилотларида ўтказилди. «Зарафшон», «Ўзбекистон» ресторанлари, ошхона ва умумий овқатланиш ташкилотлари, базаларидан фойдаланиб турилди.

Кафедрада умуммуҳандислик ва техник курслар билан бир қаторда иқтисодиёт, ташкилот ва корхоналарда умумовқатланишни ташкил қилиш ва режалаштириш бўйича маърузалар ўқилди, амалиёт ва лаборатория дарслари олиб борилди. Москва ва ленинградлик мутахассислардан проф. Н.А. Головкина, проф. А.М. Вишелевский, проф. Н.И. Ковалев ва бошқалар кафедра талабалари учун маърузалар ўқиб, маслаҳатлар бериш учун вақти-вақти билан тақлиф қилиниб турилди.



Ўн саккиз йил давомида Тошкент политехника институтига раҳбарлик қилган ва «Саноат экологияси» кафедрасига асос солган акад. К.С. Аҳмедов (1983 йил).

Кафедра ходимлари мамлакатнинг йирик олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот ташкилотларида ўз малакаларини ошириб турдилар. Мазкур мутахассислик 1980 йиллар бошларида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтига ўтказилди.

«Коллоид кимё» кафедраси. Ушбу кафедра факультетининг «Физик ва коллоид кимё» кафедраси базасида 1974 йили Ўзбекистон ФА академиги, кимё фанлари доктори, Давлат мукофоти совриндори, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, проф. К.С. Аҳмедов томонидан ташкил этилди. Дарслар кимёвий ихтисосликнинг барчасида олиб борилди. Лабораториялар



Коллоид кимё кафедраси ўқитувчиси доц. Р.У. Усмонов лаборатория дарсида (1988 йил).



Кимёгар олимлар кекса авлодларидан К.С. Аҳмедов ҳамда проф. А.М. Муртазаев дўст ва шогирдлари билан (1980 йиллар).

чет элдан келтирилган жихозлар, асбоб-ускуна, реактив ва бошқа зарур нарсалар билан таъминланди.

Кафедрада ўқув ишларини тўла-тўқис олиб борилиши билан бир қаторда илмий тадқиқот ишлари ҳам йўлга қўйилди. Кафедра сувда эрувчи полимерлар синтези физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш, электролитлар олиш, уларнинг хоссаларини ўрганиш, минерал дисперс моддалар сифатида қўллаш каби масалалар билан шуғулланди. Асосий диққат қазиниш ишларида ювувчи суюқликлар сифатида ишлатилувчи лойқа суспензиялар стабиллигини оширишга қаратилди. Бу ишларни бажаришда нафақат устоз-ўқитувчилар, балки талабалар, аспирант ва илмий ходимлар ҳам иштирок этдилар. Кафедрада ўқиган аспирантларнинг асосий қисми ўша пайтларда ўзларининг номзодлик диссертацияларини ёқладилар. Улар ҳам «К», «КО», «К-4» ва шу каби бошқа препаратларни саноат миқёсида ишлаб чиқарилишига ўз хиссаларини қўшишди. Бу эса кафедра мудири проф. К.С. Аҳмедов яратган ва саноатга узатган полимер чиқиндиларини ишлатиш билан бир қаторда катта миқдордаги иқтисодий фойдани олиш имкониятини яратган эди. «Навоийазот» корхонаси чиқиндисидан фойдаланишнинг ўзидан давлатга катта фойда келтирилди. Краснодардаги ВНИИК нефть, СредазНИИгаз, «Химгеолнеруд» корхоналари билан тузилган хўжалик шартномаларидан йилига қўплаб иқтисодий фойда олинди.

Кафедра ходимлари халқаро конференция, симпозиум, анжуман ҳамда йиғилишларда иштирок этдилар. Буларга 1976 йили Чехословакияда ўтказилган «Сирт-актив полимер» халқаро конференцияси, Москвадаги «Ёқилғи кимё ва технологияси» (1977 й) ва Минскда 1977 йили ўтказилган коллоид кимё конференцияларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу йилларда Ивано-Франковскда бўлиб ўтган қазиниш ва тампонаж эритмалари бўйича республика конференциясида ҳамюртларимиздан 4 кишининг маърузаси юқори баҳоланди.

Кафедра ходимлари чет эллардаги олий ўқув юртлари билан доимий алоқада бўлдилар. Академиклардан П.А. Капица, А.И. Фрумкин, И.Л. Кнунянц, И.В. Петрянов-Соколов, Н.М. Жаворонков, Украина ФА академияси академиги Ф.Д. Овчаренко, проф. С.С. Воюцкий ва бошқалар кафедрага ташриф буюриб, ҳамкасблар билан ижодий суҳбатлар ташкил этардилар. Айниқса, 1983 йили Тошкентда ўтказилган коллоид кимёнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро симпозиумда кўпгина мамлакат олимлари қатнашди.



1974 йил Ўзбекистон ФАда собиқ Иттифок академиясининг 250 йиллик юбилей тантаналари ўтказилди. Шу муносабат билан республикамызга кўпгина машхур олимлар ташриф буюришади. Сурагда: Ўзбекистон ФА Президенти акад. О.С. Содиков (ўртада), академиклардан М. Фрумкин, П.А. Капица, И.Л. Кнунянц, Н.М. Жоворонковлар ўзбекистонлик академик олимлардан И.М. Мўминов, С.А. Азимов, К.С. Аҳмедов, О.М. Акромхўжаев, С.К. Зиёдуллаев, Ё.Х. Тўракулов, С.Ю. Юнусов, Ю. Ражабий, С.Х. Сирожиддинов ва бошқалар билан Алишер Навоий номли опера ва балет театри олдида.



Академик М.М. Дубинин конференцияда маъруза қилмоқда (1983 йил).



Украина ФА академиги Ф.Д. Овчаренко конференцияда чиқиш қилмоқда (1983 йил).

Конференция катнашчиларининг кўпчилиги институтимизда, ҳозирги Миллий университетда, Самарқанд, Урганч ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртлари кафедраларида миллий маърузалари билан иштирок этган эдилар. Улар ўзбекистонлик талабаларда ўқишга чанқокликни кўриб қувонишган эди.

«Умумий ва анорганик кимё» кафедраси. Ушбу кафедра 1929 йили Ўрта Осиё давлат университети тасарруфида проф. А.П. Ростовский томонидан ташкил этилган. 1935 йили кафедрага «Кимё» номи берилди ва унга профессор В.А. Новиков мудир қилиб тайинланди. Маърузаларни А.С. Гнедовский, А.Н. Перминова ва бошқа ўқитувчилар ўқиди. Лаборатория дарсларини асс. В.А. Юхновская олиб борди. 1950–1960 йилларда кафедрага про-



фессорлардан Н.Л. Коровлёв, Ҳ.Р. Раҳимов, Ҳ.Р. Рустамов; доцентлардан Х.Б. Мединский, Ю.И. Ибрагимов, К.А. Афзамовлар мудирлик қилишди. Ўша йиллари проф. А.Л. Маркман билан К.С. Аҳмедов мазкур фандан маърузалар ҳам ўқиганлар. 1970 йиллар охирларида кафедрада 28 нафар ўқитувчи меҳнат қилди, булардан 12 нафари фан номзоди, 7 нафари доцент, 8 таси катта ўқитувчи, 13 киши ассистент, 9 таси ўқув ишлари ёрдамчилари эди. Кафедрада «В-диоксинлар тузилишининг бир қатор анорганик моддалар билан комплекс ҳосил қилишига таъсири» мавзусида олиб борилган илмий ишлар натижаси ўларок 120 та илмий мақола эълон қилинди. 1980 йиллар бошларида кафедрага кимё фанлари доктори, проф. Ф.Қ. Қурбонов мудир қилиб тайинланди. Шундан бошлаб металллар коррозияси ва унга қарши курашда ишлатиладиган ингибиторлар ўрганила бошланди.

1983 йилнинг охирида кафедрага кимё фанлари доктори, профессор, республика олий таълим аълочиси Қ.А. Аҳмеров мудир қилиб тайинланди.

1986 йили кафедра «Анорганик кимё» кафедраси билан қўшилди ва кимё-технология факультети тасарруфига ўтказилди. 30 дан ортиқ ўқитувчи, бир неча муҳандис ва лаборантлар ТошПИ талабаларига маъруза, лаборатория ва амалиёт дарсларини ўта бошлайдилар. Кафедра лабораториялари механика нефть-газ технологияси ва самолётсозлик факультетида ташкил этилди.

Ўқув ишлари билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларига кенг ўрин берилди. Давлат режаси ишлари билан бир қаторда хўжалик шартномалари тузилди. Москвадаги инсектицид ва фунгицид илмий тадқиқот институти билан олиб борилган ишлар амалий аҳамиятга эга бўлди. Натижада Новгороддаги кимё заводида 5 тонналик реактор қурилди, пиридин асослари синтези учун янги катализаторлар синовлари ўтказилди. Ўрни келганда институтнинг «Умумий ва анорганик кимё» кафедрасида ишлаб, минглаб, талабалар ва аспирантларга кимё асосларини фидойилик билан ўргатган устозлардан акад. К.С. Аҳмедов, акад. Ҳ.Р. Рустамов, профессорлардан А.Л. Маркман, Ҳ.Р. Раҳимов, А.Ҳ. Исмоилов, Ф.Қ. Қурбонов, доцентлардан А. Шамсиев, К.П. Топорнина, Ҳ.Н. Қаюмова, Қ.И. Ибрагимов, Ю.И. Ибрагимов, Н.Қ. Қодиров, К.А. Афзамов, А.В. Абдувоҳидов, Қ.Х. Холматов, катта ўқитувчилардан Ғ. Тўхташев, О.А. Шамсиев ва бошқа марҳумларнинг хотираларини ҳурмат билан эсга олишни истардик. Кафедранинг кекса ўқитувчилари – Э.Ҳ. Рустамова, Ч.Н. Юсупбекова, Г.Т. Ибрагимова, Ҳ. Ҳамрабоева, Р. Муҳаммаджонов, Н.Ю. Носирова, М.О. Одилова, М.С. Эрназарова, М.Ф. Фозилова, М.А. Мухамедова, Р.А. Ражабов, В.Ф. Попова, Н.Н. Султонхўжаева, Ф. Қиёмитдинова, А. Жалилов, А.С. Жалилов ва бошқа ўнлаб устозларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, узок умр ва доимий бардамлик тилаб қоламиз.

«Ноорганик кимё» кафедраси. Ушбу кафедра ташкилотчиси кимё фанлари доктори, проф. А.Ҳ. Исмоилов ҳисобланади. Кимё-технология факультети талабаларига фан асосларини янада чуқурроқ ва мазмунлироқ ўтказишни ўйлаган устоз кафедрани 1976 йилда ташкил этиб, уни 10 йил (умрининг охиригача) бошқарди. Кафедрага тажрибали ўқитувчи-доцентлар Ҳ.Н. Қаюмова, К.П. Топорнина, А.М. Эминов, А. Жалилов, А.С. Жалилов, С. Арслонов, асс. С. Абдусаматова ва бошқалар жалб қилинди. Атом тузилиши, модда тузилиши, кимёвий боғланиш, термодинамика, кинетика, мувозанат ва электролиз мавзулари назарий жиҳатдан янгиланди, нанокимёдаги ўзгаришлар киритилди,



Доц. Ҳ.Н. Қаюмова.



Умумий кимё кафедраси доценти Рахим Муҳаммаджонов 1 курс талабалари билан лаборатория машғулотларида (1980 йиллар).



«Ноорганик кимё» кафедраси катта ўқитувчиси С. Абдусаматова, доцентлар А. Жалилов билан С. Арслонов лаборатория дарсларида (1980 йиллар).

қолган мавзулар ҳам ихтисосликларга боғланди, республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рўйхатлар билан бойитилди. Булар билан бир қаторда илмий ишлар ҳам ривожлантирилди. Шу йилларда ўқитувчилар малакасини оширишга катта аҳамият берилди.

Ангрен каолинидан чинни ишлаб чиқариш мумкинлиги амалий исботланди, бентонит ва бошқа минерал бойликлардан амалиётда фойдаланиш ишлари ўрганилди. Кварц-далашпати каби хом ашёдан чинни олиш, сирт-актив моддаларининг тупрокка кўшилиши натижасида реологик хоссалари ўзгартирилиши тадқиқ

қилинди, унинг кинетикаси ва механизми ишлаб чиқилди. Тупроксимон моддаларнинг омиллар, шу жумладан тошсимон хом ашёни майдалаш усули таъсири тадқиқ қилинди. Кафедра ходимлари «Химгеонеруд» бирлашмаси, Тошкент чинни заводи ва бошқа кор-



1987 йили ўтказилган Халқаро 21-Менделеев олимпиадаси раиси проф. Елисеева ташкилий кўмита аъзолари билан ТошПИ кимё-технология факультетида.



Олимпиада қатнашчилари.



Доцентлардан Б.В. Раҳимова билан А.Н. Неудахина қатнашчилар билан масалалар ечиш пайғида.



Олимпиадада реакциялар ўтказиш ҳам режалаштирилганди.




Доц. А. Жалилов қатнашчилар орасида.



Олимпиада меҳмонлари.



Мусобақадош олимпиадачилар.



2008 йилда Тошкентда ўтказилган 42-Менделеев олимпиадаси катнашчиларидан бир гуруҳи.



ТошПИ олимпиадачилари раҳбари доц. Ҳ.Н. Қаюмова.



Олимпиаданинг қизгин кунлари. Расмдан олимпиадачилар раҳбарларидан бири бўлган доц. Ч.Н. Юсупбекова ҳам, катнашчи ўқувчилар ҳам масала-машқлар устида чинакамига бош қотираётганлари сезилиб турибди.

хоналар билан хўжалик шартномалари тузиб, амалий ишлар олиб боришди.

«Ноорганик кимё» кафедраси 1986 йилнинг кузида институтнинг «Умумий кимё» кафедраси билан бирлаштирилди ва «Умумий ва ноорганик кимё» кафедраси номини олди.

1987 йилнинг май ойида кафедра базасида 21-Менделеев олимпиадаси ўтказилди. Унинг ишида кафедра доцентлари Ҳ.Н. Қаюмова, А. Жалилов, Ч.Н. Юсупбекова, Ҳ. Ҳамрабоева, Г.Т. Ибрагимова, асс. О. Шамсиев ва бошқалар фаол қатнашдилар. Тақдир тақозоси билан яна 21 йилдан сўнг 42-Менделеев олимпиадасини ўтказиш ҳам кафедра зиммасига тушди.

1.3. Сиртки кимё-технология факультети

Мазкур факультет 1970 йили ташкил этилди. Тошкент политехника институтининг Ангрен кечки умумтехника, Навоий умумтехника ва бошқа факультетларининг учинчи курсини тугатганлар марказда тўртинчи, бешинчи ва олтинчи курсини битириб олий маълумотга эга бўлишарди. Ушбу факультет ташкил бўлган йили унинг талабалари сони 580 га етди. Сиртки факультетда умумовқатланишни ташкил этиш ва технологияси, ноорганик моддалар, боғловчи материаллар, керамика ва ўтга чидамли материаллар, ёғлар, ачитқи ишлаб чиқариш ва вино ишлаб чиқариш технологияси йўналишларида талабалар корхоналардаги ишларини давом эттирган ҳолда билим ола бошладилар.

Мазкур факультетнинг биринчи декани сифатида техника фанлари номзоди, доцент П.Ҳ. Мансуров фаолият юрита бошлади. Бу фидойи олим физик кимё кафедрасидаги ўқитувчилик вазифасини деканатдаги иши билан қўшиб олиб борди. Унинг фидокорона меҳнати туфайли 1970–1976 йиллар орасида сиртки факультетда ўқув, услубий, таълим-тарбиявий ва ташкилий ишлар юқори даражаларга кўтарилди, лаборатория, амалиёт, маърузаларга оид қатор адабиётлар нашр қилинди. Маърузалар ўқишга Ўзбекистон ФА



«Отелло» спектаклидаги кўринишлар. Ўзбекистон халқ артисти Қ.Хўжаев иштирокчиларни табрикламокда.



Отелло ролида доц. Н.Нормухамедов, Дездемона – З. Сатторова, Яго – проф. Т.М. Миркомиллов.

академиклари К.С. Аҳмедов, М.Н. Набиев, Н.Р. Юсупбеков, Ҳ.Р. Рустамов, фан докторлари, профессорлардан Ф.М. Мирзаев, А.А. Абдурахимов, С.Х. Абдуразоқова, М.М. Юсупов, А.А. Исматов, Т.А. Отақўзиев, Т.Р. Абдурашидов, Т.М. Миркомиллов, А.Ҳ. Исмоилов ва бошқалар жалб қилинди. 1976 йили деканлик вазифаси доцент Р.А. Назировага топширилди. Сиртқи факультетнинг саноат корхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш ташкилотлари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Талабалар Чехословакия, Болгария, Польша каби чет эллардаги саноат корхоналарида ўз амалиётларини ўткази бошладилар.



Шу вақтда Ўзбек миллий театрида режиссер бўлиб ишлаётган Республика халқ артисти Кудрат Хўжаев ТошПИ драма тўғарагига раҳбарлик ҳам қиларди. Унинг фидойилиги билан талабалар драма тўғарагида В.Шекспирнинг «Отелло» драмасини сахнага кўйишга қарор қилдилар. Ролларни талабалар билан бирга устоз-ўқитувчилар ўйнайдилар. Отелло ролини факультетнинг «Саноат иқтисодиёти» кафедраси мудири доц. Н.Н. Нормухамедов, Яго ролини «Кимё» кафедраси мудири доц. Т.М. Миркомиллов (кейинчалик академик, ТКТИ ректори), Дездемонани З. Сатторова маҳорат билан ижро этишди. Спектакль нафақат ТошПИ жамоасини, балки ҳозирги Миллий театр артистларини томошабинларининг олқишларига сазовор бўлди. Бу ишда фидойилик қилган режиссёр К. Хўжаев, институт профессорлари марҳум А. Аловитдинов, П. Мансуров ва бошқалар хотирасини ҳурмат билан эслаб ўтишни лозим топамиз. Спектакль томошабинларнинг «Шоу»сига айланганини ҳали-ҳануз эслаб юрамиз.



Ролларни ижро этган талабаларни сахна маъмури, маслаҳатчи устоз – профессор А.Б. Аловитдинов олқишламоқда



Отелло – доц. Н. Нормухамедов.



Яго – проф. Т.М. Миркомиллов Отелло билан.



1.4. ИНСТИТУТ ФИДОЙИЛАРИ

Илмий-педагогик мактаб асосчилари



Ахмедов К.С.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан ва техника арбоби, академик



Набиев М.Н.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан ва техника арбоби, академик



Рустамов Х.Р.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан ва техника арбоби, академик



Миркомиллов Т.М.
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги



Салимов З.С.
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги



Глушенкова А.И.
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги

Институтда биринчи кундан эътиборан ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари узвий боғланган ҳолда олиб борилганлиги сабабли республикада кимё фанлари, пластмассаларни қайта ишлаш ва полимерлар кимёси, целлюлоза – қозғош ишлаб чиқаришнинг замонавий янги технологияларини яратиш, турли ноорганик моддалар ҳамда минерал ўғитлар олиш технологияси, кимё-технология жараёнларини автоматлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларини кашф этиш борасида академиклар К.С. Ахмедов, Х.Р. Рустамов, М.Н. Набиев, М.А. Асқаров, Т.М. Миркомиллов, Н.Р. Юсупбеков, З.С. Салимовлар раҳбарлигида йирик илмий мактаблар барпо бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам мазкур илмий-педагогик мактаб олимлари институтда самарали фаолият олиб бориб атоқли устозлар анъаналарини изчиллик билан давом эттирмоқдалар.



Каниёпольский И.С.
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг мухбир аъзоси,
профессор



Тожибева Ф.А.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, профессор



Асқаров М.А.
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги



Ризаев Н.У.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, профессор



Қўчқоров А.Б.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
муҳандис, профессор



Юсупбеков Н.Р.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан ва техника арбоби, академик



Мирзаев Ф.М.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, профессор



Ниязов М.И.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан ва техника арбоби, профессор



Рақмонбердиев Ф.Р.
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги



Абдурайимов А.А.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
иختирочи, профессор



Исматуллаев П.Р.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
иختирочи, профессор Халқаро
олий мактаб академиясининг
академиги



Абдураҳимов Т.Р.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ишлар мураббийси, профессор



Турсунхужаев П.М.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
муҳандис, профессор



КАРИМ СОДИҚОВИЧ АҲМЕДОВ (1914–2003)

Республикамызда физик-коллоид кимё фани, шу билан бирга Олий техника таълимини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган йирик олимларимиздан бири Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Карим Содикович Аҳмедов ҳисобланади. У 1914 йили Тошкент шаҳрида туғилган. К.С. Аҳмедов дастлаб педагогика техникумида ўқиди. У 1931 йили



Ўрта Осиё давлат университетининг тайёрлов курсига, 1932 йили эса кимё факультетига ўқишга кирди. Университетни тугатгач, Москвадаги Карпов номи физик-кимё институтининг аспирантурасига қабул қилинди. 1941 йилда аспирантурани муваффақиятли тамомлаб, номзодлик диссертациясини ёқлади.

К.С. Аҳмедов Иккинчи жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтди ва 1943 йил кузида Ўрта Осиё давлат университетидеда педагогик фаолиятини бошлади. 1946 йили доцентлик унвонини олди. 1953 йили университетда «Коллоид кимё» кафедраси ташкил қилинди ва шу йили ушбу кафедрага мудир қилиб сайланди. 1955–56 йилларда университет докторанти сифатида Москва тўқимачилик институтига юборилди. 1958 йилда К.С. Аҳмедов «Полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш»га бағишланган докторлик диссертациясини химоя қилди. Шу йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институтидеда «Коллоид кимё» лабораториясини ташкил этди ва унга раҳбарлик қила бошлади.

К.С. Аҳмедов 1960 йили профессорлик унвонига сазовор бўлди. 1962–63 йиллар-

да Ўзбекистон Министрлар Советининг илмий тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетидеда раис ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди.

1963–66 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг аъзоси, «Кимё-технология ва биология» фанлари бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. К. С. Аҳмедов 1962 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йили эса ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган.

К.С. Аҳмедовнинг илмий ишлари табиий, юқори дисперсли системалар, уларнинг коллоид хоссаларини чуқур назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганишга бағишланган.

Акад. К.С. Аҳмедов ва унинг шогирдлари табиий юқори дисперсли системаларнинг электрокинетик хоссаларини ўрганиш асосида Ўзбекистонда табиий оҳра, тупроқ ва графитларни бойитишнинг электрофоретик усулини яратиб, уни ишлаб чиқаришга жорий этган.

Олим раҳбарлигида фаол дисперс системалар адсорбентлари олиниб, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва адсорбцион хусусиятлари кенг даражада ўрганилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Айниқса «К» сериясидаги препаратлар қишлоқ хўжалигида, саноатда, бурғилаш ишларида жорий этилиб, халқ хўжалиги ривожига катта ҳисса қўшган.

К. С. Аҳмедов илмий ишлар олиб бориш билан бир қаторда Тошкент давлат университетидеда, Тошкент политехника институтидеда умумий кимё, физик кимё, коллоид кимё фанларидан маърузалар ўқиб, ёш



ўқитувчиларга ўз тажрибаларини ўргатган устоз-мураббийлардан хисобланади. К.С. Аҳмедов Ўзбекистонда илм ва фанни ривожлантиришга кўшган ҳиссаси ва юкори малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди.

1958–67 йилларда Д.И. Менделеев номи кимёгарлар жамияти Ўзбекистон правлениясининг раиси сифатида фаол хизмат килди.

1972 йили К.С. Аҳмедов Тошкент политехника институтига ректор қилиб тайинланди ва шу вазифада 16 йил давомида фаолият олиб борди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, К.С. Аҳмедов қаерда раҳбарлик қилмасин, шу илмий даргоҳ, шу олий ўқув юрти ривожланган ва у раҳбарлик қилган жамоа катта ютуқларга эришган. Буни Фанлар академиясининг Кимё институти ва Тошкент политехника институтининг ривожланиши мисолида кўришимиз мумкин. Акад. К.С. Аҳмедов республикамизда коллоид кимё илмий мактабини яратган олим хисобланади. У 120 дан ортиқ фан номзодларига раҳбарлик ва 20 га яқин докторлик ишларига маслаҳатчилик қилган. Олим 800 дан ортиқ мақолалар эълон қилган. 135 та муаллифлик гувоҳномалари ва 7 та чет эл давлатларининг 12 та патентлари муаллифидир.

Олим қилган кашфиётлари ва шогирдлари билан бажарилган ишларнинг муҳим натижалари К.С. Аҳмедовни дунёга танитди. Устоз олим, педагог, раҳбар ва жамоат арбоби сифатида Россия, Америка, Гол-

ландия, Финляндия, Германия, Венгрия, Польша, Чехословакия, Болгария, Сенегал ва бир қатор ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб, Ўзбекистон фани, таълими ва маданияти ютуқларини оламга ёйди. Бу ишлар эса академик К.С. Аҳмедовни машҳур олимлар қаторидан жой олишга имкон берди. Шу боис ҳам собиқ иттифокда нашр қилинган «Жаҳоннинг буюк кимёгарлари» китоби саҳифасида олим ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида етарлича маълумот берилди. Бу эса мустақилликка эришган халқимиз учун нақадар шарафли эканлигини, ўсиб вояга етаётган ёшларимиз учун юксак намуналигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Мустақиллик йилларида академик К.С. Аҳмедов кимё-технология институти ректорининг маслаҳатчиси сифатида фаол хизмат қилди. Ёш олимларимизнинг севимли мураббийси, маслаҳатгўйи бўлиб, фан докторлари номзодларини тайёрлашда жонбозлик қилди.

Академик К.С. Аҳмедовнинг Ватан олдидаги катта хизматлари ҳукуратимиз томонидан юксак баҳоланди. Президентимиз фармони билан 1998 йилда К.С. Аҳмедов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Таниқли олим 2003 йилнинг октябрь ойида вафот этди. Республика кимё соҳасининг катта билимдони, етук олим, академик, олийжаноб педагог, ҳалол ва пок инсон К.С. Аҳмедов республикамиз илмий-педагог ходимлари ва кўплаб шогирдлари қалбида доимо сақланиб қолади.



МАЛИК НАБИЕВИЧ НАБИЕВ (1913–1992)

Мамлакатимизда минерал ўғитлар технологиясининг вужудга келиши ва ривожланишига ўзининг муносиб хиссасини қўшган олим Малик Набиевич Набиевдир.

М.Н. Набиев 1913 йили тугилган. 1935 йили Ивановодаги кимё-технология институтини тугатиб, беш йил давомида Донбасдаги Горловка ўғит заводида дастлаб смена муҳандиси, кейинроқ катта муҳандис бўлиб ишлади. 1940 йили Чирчиқ электркимё комбинатига ишга таклиф қилиниб, аввалига бош муҳандис муовини, 1941 йилдан бошлаб эса бош муҳандис вазифасида меҳнат қилди.

Малик Набиев корхонадаги муҳим ишлари билан бир қаторда илмий тадқиқотларни ҳам давом эттирди. Шу йиллари Тошкент политехника институти кимё-технология факультетининг «Анорганик моддалар технологияси» кафедрасида аввалига доцент, кейинроқ профессор вазифаларида ишлади. 1955 йили у ўзининг «Фосфатларни нитрат кислотаси билан қайта ишлаш кимёси ва технологияси» номли докторлик диссертациясини Харьковдаги политехника институтида ёқлаб келди. Ёш фан доктори 1951 йили Ўзбекистон ФА Кимё институтида ўғитлар кимёси лабораториясини ташкил этиб, у ерда умрининг охиригача ишлади. Шу билан бир қаторда кимё-технология факультетида талабаларга дарс берди. Аспирантлар илмий ишларига илмий раҳбарлик қилди, лабораторияда ўғитларни ишлаб чиқаришнинг



самарали йўллارини топиш каби муаммолар устида ишлаб, уларни муваффақиятли ечишга ҳаракат қилди. Натижада, у ёпишмайдиган аммиак селитраси олиш усулини ишлаб чиқди. Ушбу усул 1949 йили Чирчиқ электркимё, 1952 йили эса Лисичанск кимё корхоналарида ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

1970 йилларда М.Н. Набиев фосфатларни сульфат кислота билан парчалаш, кейин унга нитрат кислота таъсир эттириш устида ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Натижада нитрат-фосфорли ўғитлар хиллари олинди. Бу фанга ва технологияларга қўшилган катта илмий иш бўлди. Бундай муҳим илмий ва амалий ишлари учун олим Беруний номидаги Давлат мукофоти олишга сазовор бўлди. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида унинг ишлари олти марта олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланди. Олимнинг қатор монографиялари, 200 дан ортиқ илмий мақолалари, муаллифлик гувоҳномалари, дарслик ва ўқув қўлланмалари эълон қилинган. М. Н. Набиевнинг Ўзбекистон ФАнинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланиши бежиз эмасди, албатта. Академик М.Н. Набиев саноатчи олим, йирик илмий мутахассис, моҳир педагог бўлиши билан бир қаторда меҳрибон устоз ва мураббий ҳам эди. Олим раҳбарлигида 40 дан ортиқ фан номзодлари, маслаҳати остида 10 га яқин фан докторлари етишиб чиқди. Ҳозир институтимизда ишлаётган фан доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, проф. Ф.М. Мирзаев, техника



фанлари доктори, проф. Т.А. Отақўзиев ва бошка йирик кимёгар олимлар у кишининг содиқ шогирдлари ҳисобланади.

М.Н. Набиев давлат органларида қатор йилларда раҳбар бўлиб ҳам ишлади. Фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар ривожига ҳисса қўшди. Чирчиқ шаҳрининг раҳбари сифатида унинг йирик саноат марказига айланишига катта ҳисса қўшди. Буларни ҳисобга олиб, унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» юксак

унвони берилди. Акад. М.Н. Набиев ўз фаолиятини жамоат ишлари билан қўшиб олиб борадиган олим эди. У қатор йиллар давомида Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси, кимё-технология бўлими бошлиғи, Д.И. Менделеев номли Кимёгарлар жамиятининг фаол аъзоси бўлди.

Устоз 1992 йили вафот этди. Аммо унинг бой илмий меросини шогирдлари изчиллик билан давом эттирмоқдалар. Унинг ёрқин хотираси ҳамиша ёдимизда қолади.

ХУСНИДДИН РУСТАМОВИЧ РУСТАМОВ (1910–2009)

Республикамызда физик-кимё фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олимларимиздан бири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, кимё фанлари доктори, Тошкент кимё-технология институтининг профессори Хусниддин Рустамович Рустамовдир.

Х.Р. Рустамов 1910 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетига ўқишга кирди. 1932 йили университетни битириб, илмий фаолиятини бошлади ва 1937 йили номзодлик диссертациясини ёқлади, кейинги йили доцентлик унвонини олди.

Х.Р. Рустамов 1939 йилдан иккинчи жаҳон урушининг охиригача фронтда бўлди, 1945 йили урушдан қайтгач, ўзи севган касбига қайтди. Тошкент политехника институти кимё-технология факультетида



доцентлик қилди, шу йили физик кимё кафедрасини очди ва мазкур кафедрага мудир қилиб тайинланди. Олим узоқ йиллар давомида кафедрага раҳбарлик қилди. Хусниддин Рустамович педагогик билан бир қаторда кенг кўламда илмий ишларни ҳам олиб борди. 1954 йили докторлик диссертациясини ёқлаб, 1955 йили профессорлик унвонига эга бўлди.

Х.Р. Рустамов моҳир педагог, ажойиб амалиётчи устоз сифатида ўзининг бой илмий-педагогик тажрибасини ёшларга ўргатди. Ўзбекистондаги техника ўқув юртлари талабалари Х.Р. Рустамовнинг умумий кимё ва физик кимё бўйича ёзилган дарсликларидан ҳозиргача фойдаланадилар. Устоз 24 та фан номзоди ва иккита фан докторининг тайёрланишида раҳбар ва маслаҳатчи сифатида самарали фаолият кўрсатди. Босилиб чиққан ишларининг 256 таси илмий



макола бўлиб, олимнинг серунум меҳнати натижасидир. Проф. Ҳ.Р. Рустамов 1968 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, 2000 йили эса академиги қилиб сайланди.

Олимнинг дастлабки илмий ишлари сирт ҳодисаларини ўрганишга бағишланган. У 1946 йилдан бошлаб олим кислота-ишқорли жараёнлар кинетикасини ўрганишга киришди. Ҳ.Р. Рустамов ўттиздан ортиқ мураккаб кимёвий реакцияларнинг кинетикаси ва механизмини ўрганиб, чуқур илмий фикрлар ва хулосалар муаллифи бўлди.

Олим ионли катализ соҳасида ҳам муҳим ишлар қилди. Ионитлар иштирокида эфирлар гидролизи, глюкоза муторатацияниш реакциясининг кинетикасини ўрганиб, фан учун зарур маълумотларни олишга муваффақ бўлди.

Хусниддин Рустамов республикада кимё билимларини кенг тарқатиш ва тарғиб қилишда ҳам намуна бўларли ишлар қилди. Ўзбекча кимё атамалари маълумотномасини яратишда қатнашди, мактаб ҳамда олий ўқув юртлари талабалари учун 7 та дарслик ва бир нечта ўқув қўлланмалар ёзди. Ўзбек энциклопедияси таҳрир ҳайъатининг аъзоси ва кимё шуъбасининг раҳбари сифатида ҳам фаолият юритди. Олим Д.И. Менделеев номли кимёгарлар жамияти Республика бошқаруви раиси ўринбосари, Тошкент политехника институти маҳаллий кўмитаси аъзоси бўлди.

Проф. Ҳ.Р. Рустамов 1962–1965 йилларда Тошкент шаҳар Советининг ноиби

қилиб сайланди. Бир неча йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги услубий кенгаш раиси бўлиб ишлади.

Республикада кимё фанини ривожлантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун 1970 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» деган фахрий унвонни олишга сазовор бўлди.

Ўзбекистонда фан ва таълимни тараққий эттиришдаги фидойилиги ҳамда самарали фаолиятини ҳукуматимиз юксак баҳолаб, бир қанча орден, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирлади.

Ҳ.Р. Рустамовнинг илмий изланишлари бўйича бир неча амалий тавсиялари ва қатор муаллифлик гувоҳномалари бор. Турли катализаторлар хоссаларини яхшилаш бўйича олиб борган ишлари Люберецк нефтни ҳайдаш ва Чимкент кимё-фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шогирдлари билан биргаликда Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар корхонасида ўз ишларини амалиётга татбиқ қилди.

Азиз ва меҳрибон устоз 2009 йилда вафот этди. Шундай бўлса-да, академик Хусниддин Рустамович Рустамовни нафақат Тошкент кимё-технология институти талабалари ва ходимлари, балки бутун Ўзбекистон кимёгарларининг катта ва кичик ёшдаги олимлари ҳали ҳануз чуқур ҳурмат билан ёдга оладилар.



МИРХОЖИ АСҚАРОВИЧ АСҚАРОВ

Ўзбекистонда синтетик полимерлар кимёсининг вужудга келиши ва кенг ривожланишига ўзининг муносиб хиссасини қўпиб келаётган йирик олимларимиздан бири академик Мирхожи Асқарович Асқаровдир.

М.А. Асқаров 1931 йили Тошкентда туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Москва енгил саноат технологияси институтига ўқишга кирди. Институтни аъло баҳолар билан битириб, Д. И. Менделеев номли кимё-технология институти (ҳозир университет)нинг аспирантурасига кирди ва 1957 йили ўзининг «Алифатик полиамидлар синтези ва тадқиқоти» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йили Тошкент политехника институти «Органик кимё» кафедрасига ассистентлик вазифасига ишга қабул қилинди. 1959 йили Ўзбекистон Республикаси Полимерлар кимёси институтининг мономерлар синтези лабораториясига мудир этиб тайинланди.

1962–1964 йилларда мазкур институтга директор бўлди. (1963 йил) Англиянинг Манчестер университетига илмий синов муддатини ўтади. 1964–1967 йилларда Целлюлоза кимёси ва технологияси илмий тадқиқот институтининг полимерлар синтези лабораториясига мудирлик қилди.

М. Асқаров 1967 йили «Акрил мономерлари синтези ва хоссаларини тадқиқ қилиш ва уларни целлюлозага улаш» мавзусидаги докторлик диссертациясини химоя қилди. 1968 йили профессорлик унвонини олди. Шу йилдан 1982 йил охирларигача Тошкент политехника институтининг полимерлар муаммолари лабораториясига мудир бўлди. Ўн йил давомида (1972–1982 йй.)



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кимё институтига директорлик қилди. Проф. М. А. Асқаров 1974 йили Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, 2000 йили эса академиги қилиб сайланди.

Олим 1983–1988 йиллар давомида Й. Охунбобоев номли Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти назарий кимё кафедрасига мудирлик қилди. 1988 йили

Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Полимерлар кимёси ва физикаси институтига директор этиб тайинланди. 1990 йилдан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти назарий кимё кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Олимнинг илмий ишлари 1950 йиллар охири ва 1960 йиллар бошларида Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Полимерлар кимёси институтида ўзи ташкил қилган полимерлар синтези лабораториясидаги тадқиқотлари билан ривожланиб кетади. Унинг бевосита иштироқи ва раҳбарлиги натижасида кўплаб янги полимерлар синтез қилинди, уларнинг физик-кимёвий хоссалари мукамал ўрганилди.

Республикамиздаги арзон хом ашё манбаларидан фойдаланиб, мономер ва полимерлар олишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш амалий аҳамиятга эга. Шу сабабдан ҳам М. Асқаров раҳбарлигида яратилган пластик массалар ва кимёвий толалардан ишлаб чиқаришга ярайдиган сополимерлар олиш усули диққатга сазовордир. Акрилонитрилнинг алкило-акриламид билан қўшилишидан ҳосил бўлган сополимерлари ўзидан-ўзи вулканизация



килинадиган толалар хилига киради. Полимерларни эрувчан ва эримайдиган электролитларга айлантириб, қимматбахо металлларни ажратиш ҳамда шўр сувларни тузсизлантириш жараёнларида қўллаш борасидаги илмий ишлари М. Асқаровни кимё соҳасида йирик олимлардан бири эканлигини кўрсатиб берди.

М. А. Асқаров бошчилигида олиб борилган илмий ишларнинг яна бир йўналиши целлюлозанинг уланган винил полимерлар билан сополимерларини синтез қилиш ва уларнинг хоссаларни ўрганиш бўлди. Натижада, тола ҳамда газмолларда бактерицид, ион алмашиниш, целлюлоза материалларида эса нур ва иссиқликка чидамлик хоссалари вужудга келтирилди. Олим раҳбарлигида полихлорвинил смоласи асосида тайёрланган синтетик чарм республика Енгил саноат вазирлигига қарашли корхоналарда қўлланилди. Стабилланган полиэтилен асосида тайёрланган армирлаштирилган плёнка материали қурт боқиш хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга эканлиги исботланди. Ана шундай плёнка материални крафтс-қоғоз ёки синтетик газмолни армирлаш ёрдамида олиш технологияси ишлаб чиқилди ва амалда синаб кўрилди.

Академик М. А. Асқаров илмий маслаҳати остида 10 дан ортиқ киши ўзининг докторлик, 80 нафар ходим эса номзодлик диссертациясини ёклади. Мирҳожии Асқарович кўпгина аспирант, илмий ходим ва изланувчиларга ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб келади, истиқболли йўл-йўриқлар кўрсатади, чуқур илмий мушоҳадаларга ўргатади.

Олимнинг 500 дан ортиқ илмий мақола ва 100 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари бор. Бундан ташқари, 15 та монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр қилинган. Булардан «Полимерларни кимёвий стабиллаштириш», «Радикал полимерланишни бошқариш жараёни», «Аминоалкилакрилатларнинг полимерла-

ниши», «Ионоген полимерлар синтези», «Итаконатлар синтези ва полимерланиши», «Полимерлар кимёси» ва бошқа китоблари нафақат мамлакатимизда, балки МДХ давлатларида ҳам кенг тарқалди.

Академик М. А. Асқаров илмий-педагогик ишлари билан бир қаторда кўпгина жамоат ишларини бажаради. У бир неча йил давомида Д. И. Менделеев номи кимёгарлар жамияти Ўзбекистон бошқармаси ва «Билим» жамияти республика бўлимининг кимё илмий-услубий шўбаси раиси сифатида фаолият кўрсатди. «Ўзбекистон кимё журнали» бош муҳаррири ўринбосари ва «Фан ва турмуш» журнали таҳрир хайъати аъзоси бўлди.

У Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти, Тошкент политехника институти илмий кенгашлари аъзоси ҳисобланади.

Мирҳожии Асқаров турли халқаро конгресс, симпозиум, анжуман ва йиғилишлар қатнашчиси сифатида Россия, АҚШ, Англия, Франция, Чехия, Словакия, Испания, Дания, Исландия, Ҳиндистон, Польша, Венгрия ва бошқа жойларда, мамлакатимиз кимё фани ва технологияси, тарихи ҳамда маданият соҳасида эришган ютуқлари хақида илмий маърузалар қилди. АҚШнинг Детройт ва Миннеаполис Сентпол шаҳарларининг фахрий фуқароси этиб сайланди. Сорос халқаро мукофоти лауреати бўлди. Тинимсиз ҳалол меҳнати, илмий маълумотларни тўла таҳлил қила олиши ва ўз соҳасини чуқур билиши уни етук олимларимиз каторига қўшди. М. Асқаров ёшларнинг ғамхўр устози, улардан ўзининг қимматли маслаҳатларини аямайди, йўл-йўриқ кўрсатади, уларнинг ҳар томонлама камол топишида ёрдамини аямайди. Қадрдон дўст, меҳрибон устоз, оддий ва камтарин инсон Мирҳожии ака билан суҳбат кишига завқ бағишлайди, вақтингиз қандай ўтганини сезмай қоласиз, дилингиз қувонади.



НУСРАТ АҒЗАМОВИЧ ПАРПИЕВ

Нусрат Ағзамович Парпиев 1931 йил Тошкентда туғилган. У ўрта мактабни тугаллаб, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг кимё факультетига ўқишга кирди. 1953 йил Москва давлат университети аспирантурасида ўқиди. 1958 йили номзодлик ва 1974 йили «Оралик металллар комплекс бирикмаларининг баъзи синфлари синтези ва физик-кимёвий тадқиқотлари» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлади. Олим ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтидан бошлади. У 18 йил давомида кичик, катта илмий ходим, лаборатория мудир, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимларида ишлади. Нусрат Ағзамович Ўзбекистон Фанлар академиясининг физик-кимёвий таҳлил усуллари тадқиқот лабораторияси ва оралик металлларнинг координацион бирикмалари кимёси бўйича илмий йўналишлар ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди.

Н. А. Парпиев 1976–1977 йиллар давомида Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий тадқиқот институти директори, 1977–1989 йилларда Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг ректори бўлиб ишлади. 1981 йили профессорлик унвонини олди.


Н. А. Парпиев 1984 йили Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, 1995 йили эса академиги қилиб сайланди. 1986 йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди. 1992 йилдан бошлаб Тошкент давлат университетининг биринчи проректори, 1994–2001 йиллар



давомида Тошкент кимё-технология институти ректори вазифаларида ишлади. 1994–2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми аъзоси ва кимё-технология бўлими раиси лавозимида фаолият юритди.

Академик Н. А. Парпиевнинг илмий ишлари рангли ва нодир металллар кимёси билан боғлиқ. Бундай металлларнинг азотли, кислород ва олтингугурт-

ли комплекс бирикмаларини олиш, улар таркибини ўрганиш ва кераклиларини амалиётга татбиқ этиш олимнинг асосий мақсади эди. Тоза металлларни ажратиш олиш, уларни яратиш ва амалий қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар маромига етказилди. Азотли лигандлар таркиби чуқур ўрганилди, асосий константалар топилди, комплекс ҳосил қилишдаги аҳамияти тадқиқ этилди, назарий фикрлар илгари сурилди. Органик бирикмалар молекулаларининг металл ионлари билан реакцияга киришишидаги хусусиятига тавсиф берилди, лигандлар селективидиги ҳамда ҳосил бўлган комплекс бирикма хоссалари тушунтирилди. Шогирдлар билан бирга гидроксилламин ҳосилалари, молибден, рений ва бошқаларнинг комплекс бирикмаларининг электрод тузилиши ўрганиб чиқилди. d-элементлар координацион бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг аминокислоталар, амидлар ва гидрозидлар билан реакцияларини ўрганиш йўлга қўйилиб, ванадил (II) сферасининг координацион таркибидаги донор гуруҳларнинг амид ва гидрозид гуруҳларига ўтиш қонуниятлари аниқланди. Натижада «таркиб-структура-хоссалар» орасидаги боғлиқлик тушун-



тириб берилди. Биологик фаол комплекс бирикмалар олишга асос солинди. Ацетилацетон арилгидрозон икки валентли мис комплекслари каттик ҳолда 1 ҳалқали бўлиб, эритмаларда олти ҳалқалиларга айланиши илмий исботланди. 60 га яқин янги моддалар, жумладан, илгари номаълум қатор бўлган гидрозон ҳосилалари ва гидроксам кислоталари комплексларининг монокристаллари ўстирилди, хосса ва таркиби аниқланди, кимёвий боғланиш табиати ўрганилди. Хоссаларини олдиндан айтиб бериш орқали янги моддалар синтез қилиш асослари ишлаб чиқилди. Тебранма спектроскопик усуллар ёрдамида моддалар таркиби аниқ ўрганилди, оксипиразолиннинг мавжудлиги исботланди. Металлар комплексларининг каталитик хоссалари ўрганилди ва амалиётга қўллаш учун таклиф этилди.

Академик Н. А. Парпиевнинг шогирдлари билан олиб борган тадқиқотлари нафақат фундаментал ва назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Молибден, рений, вольфрам ва симобни аниқлаш ҳамда юқори даражада тоза молибден олишнинг термик усули ишлаб чиқилди. Ўзбекистон қийин эрувчан ва ўта чидамли металллар комбинатида амалиётга татбиқ қилинган тадқиқотларнинг яна бир амалий томони шундаки, олинган комплексларнинг айримлари юқори каталитик ва биологик фаоллик хусусиятига эгадир.

Академик Н. А. Парпиев илмий ишларининг натижалари хорижий ва республика миқёсидаги илмий журналларда чоп этилган бўлиб, 565 та мақола, 7 та монография ва тўпламлар, 22 та муаллифлик гувоҳномалари ва 2 та патентдан иборат. Олим томонидан ўзбек тилида ноорганик кимёдан 3 та дарслик ёзилган.

Академик Н. А. Парпиев кенг қўламда илмий-педагогик ишлар олиб боради, илмий-услубий жиҳатдан юқори даражада умумий ва ноорганик кимё курсларидан

маърузалар ўқийди ҳамда олий даражадаги малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор беради. Унинг илмий маслаҳатлари остида 11 та докторлик ва раҳбарлигида 32 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Н. А. Парпиев жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон кимёгарлар жамиятининг раиси, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация Комиссияси Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш махсус кенгаши аъзоси, «Ўзбекистон кимё журнали» таҳрир ҳайъати аъзоси ва Ўзбекистон олий ўқув юртлари ахборотномаси журнали «Кимё ва биология» сериясининг бош муҳаррири сифатидаги ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Академик Н. А. Парпиевнинг тадқиқотлари ноорганик кимё фанига улкан ҳисса қўшиши билан бирга координацион бирикмалар кимёси соҳаси учун янги тузулмавий ва назарий муаммоларни қўяди. У Ўзбекистонда ноорганик кимё фанининг координацион бирикмалари бўлими бўйича илмий иш олиб боровчи йирик илмий мактаб раҳбаридир. Бу илмий мактаб аъзолари халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда фаол қатнашадилар. Улар бир қанча хорижий мамлакатлардаги илмий марказлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Н.А. Парпиев раҳбарлигидаги илмий изланишлар ЎзР ФА умумий ва ноорганик кимё институти лабораторияларида, ЎЗМУ кимё факультетининг ноорганик кимё кафедрасида, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ва Бухоро давлат университети кафедраларида давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси академик Н.А. Парпиевнинг фақат республикамиз олимлари



жамоатчилиги ўртасидагина эмас, балки чет давлатлардаги олимлари орасида ҳам чуқур ҳурмат қозонишига олиб келди. У 1998 йилда олий таълим халқаро фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди ва кимё фанини ривожлантиришга

ва ўқитишга қўшган улкан хизматлари учун Американинг биография институти унинг номини «Буюк шахслар халқаро каталоги» таркибига киритди. У республикамызнинг орден ва бир неча медаллари ҳамда Фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

АННА ИВАНОВНА ГЛУШЕНКОВА

Анна Ивановна Глушенкова 1926 йил Волгоград вилоятининг Руднянск туманига қарашли Матишево қишлоғида туғилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида унинг оиласи Термизга эвакуация қилинди.

Анна Ивановна Глушенкова 1943 йили Ўрта Осиё индустриал институти (ҳозирги Тошкент кимё-технология институти)нинг кимё-технология факультети ёғлар технологияси ихтисослигига ўқишга киради. 1948 йили институтни тамомлаб, аспирантурага киради. 1951 йили институтнинг ёғлар технологияси кафедрасида ассистент вазифасида ишлай бошлайди. 1953 йили у «Пахта кунжарасининг ёғлилигига баъзи омиллар таъсири» номи номзодлик диссертациясини ёқлайди. 1955 йили доцентлик унвонини олади.

А. И. Глушенкова 1955–1961 йилларда Ўрта Осиё политехника институтида ёғлар технологияси кафедрасига мудирлик қилди. 1961–1982 йилларда Ўсимлик моддалари кимёси институтида катта илмий ходим сифатида ишлади. Илмий ишларини муваффақиятли давом эттириб, 1972 йили «Катализатор табиати ва пахта ёғининг гидрирланиши режимининг гидрогениза-



торлар таркибига таъсири» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлади. 1982 йили профессорлик унвонини олди. 1983 йили Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти липидлар кимёси лабораториясига мудир қилиб сайланди.

Проф. А. И. Глушенкова 1984–1989 йилларда Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтига директорлик қилди. 1984 йили Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, 2000 йили академиги этиб сайланди. У 1989–1991 йиллар давомида Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси бўлди.

А.И. Глушенкованинг дастлабки илмий ишлари бундан ярим аср олдин нашр қилинди. Бу ишлар маҳаллий лой-тупроқлардан мойни тозалаб тинитишга бағишланган эди. Мой ва кунжарадаги госсипол миқдорини камайтириш ҳисобига уларнинг сифатини яхшилаш, технологик жараёнларини соддалаштириш ҳамда пахта мойини гидрогенизациялаш унинг илмий ишининг асосий йўналиши бўлди. Анна Ивановна доимий ишловчи шнекли прессларда пахта мойи олиш технологиясини ишлаб чиқди. Кунжара мойлигида намликнинг роли, ҳарорат, майдаланиш дара-



жаси ва бошқа омиллар таъсири ўрганилди. Натижада пахта чигитини янги пресслаш аппарати – супердуоэкспеллерларда қайта ишлаш йўлга қўйилди. А.И. Глушенкова билан А.Л. Маркман биргаликда яратган технология асосида республикамизнинг қатор заводларида мой ишлаб чиқарила бошланди. Кейинроқ улар экстракция усулига ўтишди. Олима пахта мойи ва кунжа-радан госсиполни ажратиб олиб, уни дори-дармон ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида қўлланилишини таклиф қилди. Госсиполнинг кимёвий хоссаларини ўрганиб, унинг молекуласи нокомплонар эканлигини исботлади, натрий гидроксиди билан реакцияда 7.7 ҳолатдаги гидроксинларгина таъсирлашувини кўрсатди. Госсиполнинг метанол билан реакциясида унинг моно- ва диацетали ҳосил бўлишини илмий равишда тасдиқлади.

А.И. Глушенкова бир қатор муаллифлар билан ҳамкорликда пахта мойини паст ҳароратли шароитда гидрирлаб, озуқа гидрогенизатини олишга муваффақ бўлди, бунда мой сифати яхшиланди, йўқолиши камайди ва металл катализаторларини эътисод қилиш мумкин бўлди. Ушбу усул МДХ давлатларидаги гидрогенизациялаш заводларида ҳам қўлланилди. Олима триглицерин молекуласидаги ацилларнинг транс-изомерланишига дисперс мис-никел катализаторидаги металлларнинг нисбати таъсир этишини ҳам кўрсатди. Гидрогенизация жараёнида мужассамлашган қўшбоғли кислоталар системаси ҳосил бўлиши ҳам тушунтириб берилди. У ёғларнинг тўйинмаганлик даражасини аниқлашнинг янги фойдаланиб келинган «Йод сони» ўрнига «Тўйинмаганлик сони»дан фойдаланишни таклиф этди. Бу мой кислоталарнинг юзта молекуласидаги қўшбоғлар сонини билдирувчи катталиқ бўлиб, анча қўлайлиги билан ажралиб туради.

Ёғлар, мой ва булар билан учровчи гидрофил бирикмасининг таҳлил усул-

ларини такомиллаштириб, қуйи молекула ёғ кислоталари ва госсиполнинг госсипурпурин аралашмасини аниқлаш усулларини аниқлаб чиқди. Леҳ оиласига кирувчи ўсимликларнинг хематаксономик аҳамиятини ўрганди, липидлар таркибига аҳамият берди. Касалликка учраган пахта чигити липидларидаги ўзгаришни ўрганди, касалликка қарши кураш йўллари изланди. Ёғ таркибини аниқлашда глицеринларнинг стереоспецифик таҳлилини амалиётга қайта киритди. Бунинг натижасида ацилглицерин биосинтезининг янги қирралари очилди ва мойларни этерефикациялаш жараёни механизми ўрганилди.

Проф. А. И. Глушенкова Ҳ. С. Мухамедова билан бирга ўсимликларда янги синфга кирувчи фосфолипидлар — денгиз ҳайвонларига хос фосфонолипидлар мавжудлигини биринчи бўлиб аниқлади. Бундан ташқари, улар фосфолипидларни фосфонолипидлардан ажратиш усулини ишлаб чиқишди, фосфонолипид фатидилэтанолламин структурасини аниқлашди. Олима А.Рашкес ва бошқа шогирдлари билан бирга чигит таркибида янги кислоталар борлигини тажриба ёрдамида исботлади. *Acanthopanax sessiliflorus* меваси липиди таркибида олтита гидроксикислоталарнинг таркибини ўрганиб, микродорий қисмларини топишди.

А. И. Глушенкова ўз ишларини саноат технологияси билан боғлаб олиб боради. Бу борада унинг фармацевтлар озик-овқат ва қишлоқ хўжалигидаги иккиламчи маҳсулотлар липидларини ўрганишда эришган ютуқлари ҳам диққатга сазовордир. Ажратиб олинган биологик фаол моддаларни маиший кимёда ва яраларни тез битирувчи инфузол олишда қўллади.

Академик А. И. Глушенкованинг илмий ишлари 35 та муаллифлик гувоҳномалари ва патентларда ўз тасдиғини топди. Унинг маслаҳати остида битта докторлик ва илмий раҳбарлигида 12 номзодлик диссертаци-



цияси муваффақиятли ёқланди. Олиманинг «Ёғларни гидрогенлаш», «Госсипол, унинг ҳосилалари ва қўлланилиши» номли монографияси, 400 га яқин илмий мақолалари, услубий кўрсатмаларидан кимёгар-технологлар самарали фойдаланмоқдалар. Анна Ивановна нафақат йирик олима, балки кўзга кўринган жамоат арбоби ҳамдир. Бир неча йил давомида «Ўзбекистон кимё журнали», «Табиий бирикмалар кимёси» журналла-

рида таҳрир хайъати аъзоси ва муҳаррир ўринбосари бўлди. Ҳиндистон, Россия, Туркия, Малайзия, Япония, Монголия ва бошқа мамлакатлардаги халқаро конгресс ҳамда симпозиумларда, шунингдек қатор илмий кенгашлар ишида катнашди. Олий Аттестация комиссияси эксперт кенгашида эксперт бўлди.

А.И. Глушенкова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби»дир.

НОДИРБЕК РУСТАМБЕКОВИЧ ЮСУПБЕКОВ

Ўзбекистонда технологик жараёнларни автоматлаштириш, технологик жараёнларни бошқариш учун назорат асбобларини яратиш ва уларни кенг даражада жорий этиш бўйича республикамызда ва чет эл мамлакатларида эътироф этилган олимларимиздан бири академик Нодирбек Рустамбекович Юсупбековдир.

Юсупбеков 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1957 йили ўрта мактабни тугатиб, шу йили Тошкент политехника институтининг «Ўсимлик ёғлари технологияси» ихтисослигига ўқишга киради. 1962 йили институтни тамомлагач, ассистентлик лавозимига ишга қабул қилинди. Шу йилдан бошлаб то ҳозирги кунгача унинг фаолияти дастлаб Тошкент политехника институти, Тошкент машинасозлик институти, сўнгра Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) билан чамбарчас боғланиб, шу олий ўқув юртларида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор,



кафедра мудири лавозимларида, институт ректори вазифаларида фаолият кўрсатди.

У 1966 йили номзодлик диссертациясини ёқлади ва 1967 йили доцентлик илмий унвонига эга бўлди. Иқтидорли олим ўз атрофига ёш тадқиқотчиларни йиғиб, кенг доирада илмий ишларни олиб борди. 1971 йили фан доктори илмий даражасини олди. 1973 йили профессорлик унвонига сазовор бўлди. 1980–86 йилларда ТошПИ таркибидаги

«Автоматлаштирилган бошқариш тизимлари факультети» декани вазифасида фаолият кўрсатди. 1989–91 йилларда Тошкент машинасозлик институти ректори, 1991–92 йилларда эса Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ректорлик қилди. Кейинги икки йил ичида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раиси лавозимида ишлади. 1994–2001 йилларда Ўзбекистон Кимё саноати уюшмаси «Ўзкимёсаноат»га бошқарув раиси сифатида самарали фаолият кўрсатди.



Проф. Н.Р. Юсупбеков 1994 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йили эса ҳақиқий аъзоси – академиги қилиб сайланди. Н.Р. Юсупбеков раҳбарлигида бажарилган илмий ишлар Россия, Америка, Германия, Франция, Туркия каби давлатларда эътироф этилган. У 1992 йили Халқаро мухандислик академиясининг академиги, 1993 йили эса Халқаро олий мактаб академиясининг академиги қилиб сайланди. Акад. Н.Р. Юсупбеков раҳбарлик қилган илмий ишлари кимёвий технологиянинг долзарб йўналиши ҳисобланган кимёвий кибернетика масалаларини ҳам қамраб олди, натижада олим бошчилигида дунёга танилган илмий мактаб вужудга келди.

Н. Р. Юсупбеков ва унинг шогирдлари олиб бораётган илмий ишлари натижа-сида технологик ўлчов асбоблари, жумладан, сарф ва сатҳ ўлчаш, қовушқоқлик, зичлик ҳамда намликни ўлчаш, газлар ва суюқликлар таркибини таҳлил қилувчи янги асбоблар яратилди. Ҳозирда бу асбоблар Ўзбекистонда ва чет элларда Кимё саноати ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этилиб, кенг даражада жорий қилинган. Олим олиб борган илмий-амалий ишлари натижаси сифатида у «Тизимлар ва бошқариш» монографияси чоп этилган.

Н.Р. Юсупбеков амалга оширилган илмий ишларини Навоий электрокимё заводида катаран ишлаб чиқариш амалиётга татбиқ этилганлиги учун унга Беруний номидаги Давлат мукофоти берилган. Илм-фанни ривожлантириш, олий таъ-

лимни такомиллаштириш ва илмий кадрларни етиштиришга қўшган улкан хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга 1979 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1983 йили Республика Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг «Халқ таълими соҳасидаги ютуқлари учун» нишони, 1991 йилда Циолковский номли медаль, 1992 йили Мустақиллик эсдалик медали (нишони), 1999 йили эса «Дўстлик» ордени берилди.

Олим олиб борган илмий ишлари натижасида 12 та монография, 7 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, 10 та илмий оммабоп асарлар, 500 дан ортиқ илмий мақолалар нашр қилинган. Унинг илмий маслаҳатчилиги асосида 15 та фан доктори, илмий раҳбарлигида эса 80 га яқин фан номзодлари тайёрланган. Акад. Н.Р. Юсупбеков республикамизнинг нафақат таниқли олими, балки катта жамоат арбоби ҳамдир. У Тошкент шаҳар кенгаши депутаты, Республика ёш олимлар кенгаши раиси, кўплаб илмий кенгашлар аъзоси ва ихтисослаштирилган Илмий Кенгаш раиси сифатида фаолият кўрсатди ва кўрсатиб келмоқда.

Таниқли олим, меҳрибон ва шу билан бирга талабчан раҳбар, талабаларнинг докторант ва илмий-педагогик ходимларнинг сеvimли устози, академик Н.Р. Юсупбеков шу кунларда ҳам республикамиз илм-фани ривожига ва олий таълимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган аҳамият кўрсатаётган фидойи олимларимиздан бири ҳисобланади.



ТЎЛҚИН МИРОЛИМОВИЧ МИРКОМИЛОВ (1939–2004)

Республикамызда пахта целлюлозасини қайта ишлаш ва чиқиндисиз технологиялар бўйича янги, турли муҳим маҳсулотлар яратиш илмий мактабининг асосчиси Тўлқин Миролимович Миркомиллов 1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. У ўрта мактабни битиргандан сўнг Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига, пластмасаларни қайта ишлаш технологияси мутахассислиги бўйича ўқишга кирди.

Т.М. Миркомиллов кимё фанини чуқур ўзлаштирганлиги сабабли 1959–62 йилларда мавжуд бўлган ишчи-ёшлар мактабида кимё фанидан дарс бера бошлади. 1963 йили ТошПИнинг кимё-технология факультетини тамомлаб, муҳандис-технолог сифатида бўлиб илмий тадқиқот институтида фаолият кўрсата бошлайди. 1966 йили ёш иқтидорли муҳандис-илмий ходим Санкт-Петербург шаҳридаги целлюлоза, қоғоз саноати институтига мақсадли аспирантурага ўқишга киради ва 1966 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилади. Шу йилдан бошлаб Т.М. Миркомиллов ТошПИ, Тошкент қурилиш-архитектура институтида ва Тошкент давлат техника университетида самарали меҳнат қилди.

1972–73 йилларда ТРЕХ жамғармаси танлови ғолиби сифатида АҚШ га илмий жиҳатдан малака оширишга юборилди. 1983 йилда Т.М. Миркомиллов докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва 1968 йилдан 1992 йилгача доцент, профессор, кафедра мудири, факультет дека-



ни лавозимларида фаолият кўрсатди.

1992 йилнинг декабридан 1994 йилнинг ноябригача ТошКТИ да, 1994–2000 йилларда Тошкент давлат техника университетида ректор лавозимида фаолият кўрсатди. Шу давр ичида Т.М. Миркомиллов республикада олий кимё-технология ва олий техника таълимларини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Проф. Т.М. Миркомилловнинг ил-

мий фаолияти асосан маҳаллий ресурслардан фойдаланиш ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашни, чиқиндисиз, экологик жиҳатдан тоза янги технологияларни яратишга қаратилган. Унинг раҳбарлигида таркибида целлюлоза бўлган хом ашёларнинг таркибий тузилиши билан уларнинг физик-кимёвий хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқликни, сорбентлар, ионитлар ва физиологик фаол полимерларни олиш мақсадида целлюлозани кўп функционал органик кислоталар ёрдамида модификациялаш усуллари чуқур ўрганилди. Олинган муҳим илмий натижалар асосида таркибида целлюлоза бўлган саноат чиқиндиларидан юқори сифатли целлюлоза олиш технологияси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Мустақиллик йилларида проф. Т.М. Миркомилловнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида муҳим илмий муаммоларни ечишга катта эътибор қаратилди. Айниқса, кимё саноати чиқиндиларига қайта ишлов бериш ва унинг натижасида янги олигомерлар ва полимерлар олишга эришилди. У ўз меҳнат фаолияти даврида кимё-техноло-



гия институти таркибида саноат экологияси кафедрасига, Тошкент давлат техника университети таркибида «Кимёвий технология ва саноат экологияси» кафедрасига асос солди. Ўзбекистон Республикасида экологик жиҳатдан тоза саноат технологияларини яратиш, маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланган ҳолда пластмасаларнинг янги турларини синтез қилиш ва пахта саноати чиқиндиларини қайта ишлаб халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларни яратишда қўшган янги илмий ютуқлари учун 1995 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси-академиги қилиб сайланди.

Олимнинг илмий маслаҳатида 6 та докторлик ва раҳбарлигида 15 та номзодлик диссертациялари тайёрланган. У 7 та дарслик, 4 та монография ва бир қанча рисоалар муаллифи ҳамдир. Академик Т.М. Миркомиллов Тошкент давлат техни-

ка университетини ректори бўлиб ишлаган даврида жамоатчилик асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари ректорлари кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатиб, дунёнинг бир қатор йирик университет ва институтлари билан узвий алоқалар ўрнатди. У 1994 йили Халқаро олий мактаб академиясига, 1996 йилда АҚШ индустрия, таълим маданияти ва Фан халқаро академиясига ва 1998 йили Нью-Йорк Фанлар академиясига академик этиб сайланган. Унинг Тошкент шаҳар кенгашининг депутаты, Олий Мажлис депутаты сифатида кўрсатган фаолияти ҳам эътиборга лойиқ эди.

Республикамизнинг кўзга кўринган йирик олимларидан бири, талабаларнинг меҳрибон устози ва мураббийси Тўлқин Миромиллович Миркомиллов 2004 йилда вафот этди. Унинг порлоқ хотираси шогирдлари қалбида абадий яшайди.

ЗОКИРЖОН САЛИМОВИЧ САЛИМОВ (1940–2015)

Зокиржон Салимов 1940 йил Ўш шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1962 йили Тошкент политехника институтини имтиёзли тугатган. Меҳнат фаолиятини Ўш вилоятидаги Қорасув ёғ-экстракция заводининг мой тозалаш устаси вазифасидан бошлаган. 1964–1967 йилларда Тошкент политехника институтининг аспирантурасида ўқиган. Номзодлик диссертациясини химоя қилган.



3. Салимов 1967–1985 йиллар мобайнида Тошкент политехника институтининг катта ўқитувчиси, доценти, профессори,

президенти қилиб сайланган. 1980–1998 йилларда Кимё институтининг директори бўлди. 1998–2011 йилларда «Умумий ва

кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 1975 йили докторлик диссертациясини ёқлаган. У 1984 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. 1985–1987 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари лавозида ишлади. 1987 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, кимё-технология фанлари бўлимининг академиги, котиби ва вице-



ноорганик кимё» институтининг директори бўлиб ишлади.

3. Салимов кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари соҳасидаги таниқли олимлардан бири ҳисобланади. Унинг илмий йўналиши жадаллашган янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва замонавий қурилмаларни яратишдан иборат эди.

У 430 та илмий ишлар (жумладан, 97 муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар, 7 та монография, 4 та дарслик) соҳиби. 3. Салимов 11 нафар фан докторига маслаҳатчи ва 30 та фан номзодининг илмий ишларига раҳбарлик қилган.

3. Салимов мустақиллик йилларида институтда янги илмий йўналиш – нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш соҳасини очиш ва ривожлантириш борасида ташаббускорлик қилди. Унинг раҳбарлигида институтда 5 та янги лаборатория ташкил этилди. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотлар янги нефть конлари (Кўкдумалок, Мингбулок, Жарқўрғон ва бошқа) нинг кимёвий, физик-кимёвий, реологик хоссаларини ўрганиш, ишлаб турган қурилмаларни мукамаллаштириш ва янги, чиқиндисиз, экологик жиҳатдан соф технологияларни яратиш орқали нефтни қайта ишлашни чуқурлаштиришга қаратилди ва илмий натижаларга эришилди. Қовушқоклиги юқори бўлган нефть ва газ махсус танланган моддани (1 тонна нефтьга 1,5 кг микдорида) қўшиш орқали хом ашёни узатиш учун сарфланадиган энергия микдорини 25–30% га камайтириш мумкинлиги исботлаб берилди. Юқори қовушқоклик нефтларнинг реологик хоссаларини яхшилаш мақсадида бипланетар аралаштиргичли янги қурилма ишлаб чиқарилди. Авиакеросинни тозалаш мақсадида четдан келтирилган адсорбент (атопуль) ўрнига маҳаллий хом асо-

сида олинган адсорбент композицияси ва нефтни қайта ишлаш корхоналаридаги иссиқлик алмашилиш қурилмаларининг юзасини тозалаш учун четдан келтирилган препарат (а-фос) ўрнига маҳаллий кимёвий моддалар асосида арзон нархдаги янги бирикма таклиф этилди. Тоза конденсатдан турлиэритувчилар (бензол, толуол, экстракцион бензин) олишнинг самарали технологиялари ишлаб чиқилди; никель, молибден ва регенерация қилинган цеолит асосида янги кўп функцияли катализаторлар олиш технологияси яратилди. Бу қайта ишлаш даражасини 20–25% га ошириш имкониятини юзага келтирди.

3. Салимов раҳбарлигида бажарилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари нефтни қайта ишлаш (Фаргона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари), кимё (Самарқанд кимё заводи), металлургия (Ўзбекистон қийин суюқланувчи ва ўтга чидамли металллар комбинати), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Оҳангоронлинпласт» АЖ) ва ёғ-мой саноатида (Қарши, Бухоро, Қўкон, Когон, Урганч ёғ-мой заводлари) қўлланилмоқда.

Олим томонидан эришилган илмий-амалий натижалар жаҳон миқёсида тан олинган. У 1995 йили Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанлар Халқаро академияси (Россия) ва 1996 йили Нью-Йорк Фанлар академиясининг академиги этиб сайланган. Олимнинг таржимаи ҳоли ва илмий фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумотлар «Инсон ютуқлари» (Буюк Британия, Кембридж, 1995 йил), «Дунёнинг 5 минг шахслари» ва «Халқаро Ҳурмат китоби» (АҚШ, Шимолий Каролина, 1996 йил) энциклопедик тўпламларига киритилган. 3. Салимов 1998 йили Л.М. Ломоносов номи Халқаро медаль билан тақдирланган ва Нобель Комитетининг кимё соҳаси бўйича эксперти қилиб тайинланган.



2000 йили З. Салимов Иктисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) нинг фан ва технологиялар йўналиши бўйича биринчи даражали мукофотини олишга сазовор бўлди.

Унинг илмий фаолияти бўйича асосий маълумотлар «Фан ривожланишда» номли янги тўпламга киритилган. Ушбу тўплам 2003 йили Буюк Британиянинг Кембридж шаҳрида нашр этилди.

2003–2005 йилларда 6 та лаборатория ходимларидан иборат илмий жамоа З. Салимов раҳбарлигида «Ўзбекистоннинг янги нефтларини чуқур қайта ишлашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш ва қўшимча нефть маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш» номли уч йил муддатга мўлжалланган давлат буюртмаси (№ П-622) асосидаги илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

З. Салимов томонидан тайёрланган «Кимёвий технологиянинг асосий жараёнлари ва қурилмалари» номли икки жилдли дарслигидан мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари фойдаланишмоқда. Академик З. Салимовнинг ташаббуси билан ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий жамоаси чет эллардаги 10 та олий ўқув юртлари ва 4 та касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик ришталарини ўрнатишга муяссар бўлди. Масалан, 2000–2003 йиллар мобайнида олий ўқув юртла-

ри магистратураси талабаларидан 137 таси ўзларининг илмий ишларини институт лабораторияларида бажаришди. З. Салимовнинг шогирди, техника фанлари номзоди Тойиржон Раҳмонов билан биргаликда касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ёзган «Кимёвий ишлаб чиқариш жараёнлари ва қурилмалари» номли дарслиги чоп этилди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида халқаро илмий ҳамкорлик учун кенг йўл очилди. З. Салимовнинг ташаббуси билан Германия, Италия, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Жанубий Корея ва Япониянинг йирик илмий марказлари билан мустаҳкам илмий ҳамкорлик ўрнатилди, «Юза ҳодисалари кимёси» номли ўзбек-корейс қўшма илмий тадқиқот лабораторияси ташкил этилди.

З. Салимов жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этди. У «Ўзбекистон кимё» журнали бош муҳаррири, умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги Д.015.13.01 рақамли ихтисослашган кенгаш раиси ҳамда «Нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш муаммолари» илмий семинарига раҳбарлик қилиб келди.

Академик Зокиржон Салимов 2015 йилда вафот этди. Унинг илмий ишлари шогирдлари томонидан изчил давом эттирилмоқда.



ФАФФОР РАҲМОНБЕРДИЕВИЧ РАҲМОНБЕРДИЕВ

Кимё фанлари доктори, Қозоғистон фанлар академиясининг академиги, Россия табиий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Нью-Йорк фанлар академиясининг академиги, Америка кимё жамиятининг аъзоси, профессор Фаффор Раҳмонбердиев 1938 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ф.Р. Раҳмонбердиев 1957 йили ўрта мактабни битиргандан сўнг Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди ва 1962 йили муваффақиятли битирди.

Институтни битиргандан сўнг у Санкт-Петербург шаҳридаги Юқори молекулали бирикмалар институти аспирантурасига ўқишга кирди. У целлюлоза кимёси соҳасида таниқли олимлар Россия ФАнинг мухбир аъзоси Н.И. Никитин, проф. Г.А. Петропавловский лабораторияларида сабоқ олди.

1968 йилда проф. Г.А. Петропавловский раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилгандан кейин «Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси» илмий текшириш институтига (НИИХТЦ) кичик илмий ходим вазифасига ишга олинди. Шу институтда катта илмий ходим, сектор мудир, лаборатория мудир ва бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. У 1983 йилда докторлик диссертациясини химоя қилди. 1992 йилда унга профессор унвони берилди.

Ф.Р. Раҳмонбердиев целлюлоза кимёсини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олим. Проф. Ф.Р. Раҳмонбердиев томонидан пахта целлюлозаси кимёси соҳасида ноёб янги бир йўналиш ривожлантирилди. Целлюлозанинг сувда эрийдиган янги



ҳосилаларини олиш усуллари ишлаб чиқилди, саноатда ва халқ хўжалигида уларни ишлатиш истиқболлари аниқлаб берилди. Илк маротаба целлюлоза эфирларини сувда эриш омиллари кўриб чиқилди ва аниқланди. Илмий тадқиқотлар натижасида олинган қонуниятлари нафақат целлюлозанинг эфирларини, балки юқори молекулали бирикмаларнинг сувда эриш сабабларини тушун-

тиришда назарий аҳамиятга эга бўлди. Биринчи марта целлюлоза эфирларининг сувда эриш сабаблари нафақат физик (аморф тузилишига, функционал гуруҳларини бир текис жойлашишига), балки кимёвий омилларга (гидроксил гуруҳлари билан бир қаторда эфир гуруҳларини ҳам сольватацияга учрашига) ҳам боғлиқлиги кўрсатиб берилди. Шунингдек, целлюлозанинг бир нечта (10 га яқин) сувда эрийдиган янги ҳосилалари олинди, уларни кичик молекулали доривор моддалар билан физик ва кимёвий модификациялаш орқали вирусга, онкологик ва сил касалликларга қарши ишлайдиган, қон тўхтатувчи ва интерферон индуктори ва бошқа қимматли хоссаларга эга бўлган полимер материаллар олинди.

Москвадаги Гамалея номли микробиология ва эпидемиология институти, Ўзбекистон онкология ва радиология институти олимлари билан ҳамкорликда вирус (гепатит) касаллигига қарши ишлатиладиган модда – интерферон индуктори «САВРАЦ», кўз рак касаллигини тўзатадиган янги кўз пардаси «ГЛП» ва қон тўхтатадиган полимер формадаги «Лагоден» моддалар яратилди. «САВРАЦ» тўлиқ токсикология ва клиник синовлардан ўтиб, 1998 йил Москвада чоп этилган «Вирус-



ларга қарши ишлатиладиган препаратлар» ахборотномасидан энг истиқболли препаратлар рўйхатига киритилди.

Ғ.Р. Раҳмонбердиев ва унинг шогирдлари целлюлозани модификация қилиш соҳасида ҳам самарали ишлар олиб бормоқдалар. Целлюлозанинг кўп асосли кислоталар билан реакциялари ўрганилиб, бу ишлар натижасида ҳажм сизими катта бўлган сорбентлар олинди ва улар оксиларни тозалашда, саноат оқава сувларидан оғир металл ионларини ҳамда радионуклидларни ажратиб олишда ионитлар сифатида ишлатиб кўрилди (НИИХТБАВ, Новосибирск ш). Москванинг 1- сонли чит фабрикасида кема қурилиш саноатида ишлатиладиган ёнмайдиған матолар, Фарғона кимё толаси корхонасида ацетилцеллюлоза асосида фасонли ўралган толалар олиш технологиялари саноатга татбиқ этилди.

Проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев 1992 йилдан 2012 йилгача Тошкент кимё-технология институтида кафедра мудири, ҳозир кафедра профессори лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

2004 йилда проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев томонидан институтда «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси» кафедраси ташкил этилди ва унга мудир қилиб тайинланди. Бу кафедра ташкил этилгандан сўнг целлюлоза соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари янада ривожланиб, бир ва кўп йиллик ўсимликлар чиқиндиларидан целлюлоза олиш ва унинг асосида қоғоз, қоғоз маҳсулотлари ва эфирларини олиш технологиялари ишлаб чиқилди. Жумладан, Марказий Осиё терагидан, «Топинамбур» (ер ноки), сомондан, сорго ва сафлор ўсимликларидан кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлоза ва унинг асосида қоғоз, қоғоз маҳсулотлари, целлюлоза эфирлари (КМЦ, ацетат ва нитрат целлюлозалар) олиш технологиялари ишлаб чиқилди ва қисман саноатга татбиқ этилди.

Экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев ўз ҳамкасблари

билан биргаликда чиқиндисиз ва экологик тоза технологиялар яратиш, саноат чиқиндиларидан ва маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланиш устида ҳам катта ишлар олиб борди. Жумладан, «Навоий-азот» ИЧБ да ҳосил бўладиган кўп минг тоннали саноат чиқиндиларидан резина техника корхоналарида ишлатиладиган техник углерод ўрнини боса оладиган ацетилен қурумнини ҳамда кротон альдегиди асосида коррозия ингибиторларини олиш технологияси яратилди ва саноатга татбиқ этилди.

Ғ.Р. Раҳмонбердиев томонидан 500 дан ортиқ илмий мақола чоп этилган. Бу мақолаларнинг кўпчилиги чет эллардаги (АҚШ, Хитой, Руминия, Туркия, Италия, Швейцария, Германия, Австрия) нуфузли журналлардан ҳам ўрин олган. Олим монография (2), дарсликлар (5), ўқув қўлланмалар (25), 20 та муаллифлик гувоҳномаси ва 25 та Ўзбекистон патенти-га эга. Унинг раҳбарлигида 5 та фан доктори ва 20 та фан номзоди (булардан 5 таси мустақил ҳамдўстлик давлатлари: Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон) тайёрланган. У ўз илмий маърузалари билан кўп чет эл халқаро анжуманларида қатнашган ва илмий жамоалар орасида катта обрў қозонган.

Ғ.Р. Раҳмонбердиев 2015 йилнинг августидан Россия табиий Фанлар академиясининг Альфред Нобель медали билан мукофотланди. Унинг физик ва коллоид кимёдан ёзган маърузалар матни Республика кўриктанловида фахрли II ўринни эгаллаб, унга «Хизмат кўрсатган профессор» унвони берилган. Шунингдек, целлюлоза кимёси ва технологияси соҳасида ҳаммуаллифликда ёзган дарсликлари «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танловининг фахрли II (2010) ва III (2011) ўринларини эгаллаган.

Ғ.Р. Раҳмонбердиев жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У Тошкент кимё-технология институтининг илмий



даражалар берадиган ихтисослаштирилган илмий кенгашининг аъзоси ва кенгаш қошидаги семинарнинг раиси, «Кимё ва кимё технологияси», «Композицион материаллар» ва ЎЗМУ нинг «Ахборотнома» илмий журналларининг хайъат аъзоси, ўз вақтида собик иттифоқ ФА илмий техник кенгашининг «Целлюлоза физикаси ва кимёси» комиссиясининг аъзоси, Ўз ОАК-нинг кимёвий технологиялар бўйича эксперт аъзоси, ЎЗМУ ва Термиз давлат университетлари давлат имтиҳон хайъатининг раиси сифатида фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев халқаро илмий анжуманларда иштирокчи сифатида кўпгина чет эл, жумладан, Венгрия, Чехословакия, Туркия, Хитой, Италия,

Швецария, Германия, Франция, Люксембург давлатларида бўлган.

Проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев бир неча бор Ўзбекистон Олий таълим вазирлигининг фахрий ёрликлари ҳамда «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирланган.

1998 йили Ўзбекистон Республикаси «Олий таълим аълочиси» нишони билан мукофотланган. У Республикада «Яхши ўқитувчи» (1996–1997), «Олий таълим аълочиси» (1998), «Институтда хизмат кўрсатган профессор» (2004), «Йил олими» (2006)дир. Ғ.Р. Раҳмонбердиев Қозоғистон Халқлар Дўстлиги ҳамда Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоғистон – Туркия университетларининг «Фахрий профессори», Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманининг «Фахрий фуқароси» унвонларига эга.

АБДУЛЛА СУЛТОНОВИЧ СУЛТОНОВ (1913–1980)

Москвадаги А.В. Топчиев номи Нефть кимёси синтези институти мажлислар зали саҳнаси турли график, реакциялар ва уларнинг механизми ёзилган ватман қоғозлари билан тўла. Кўпгина йирик санат корхоналарининг вакиллари тошкентлик кимёгар Абдулла Султонович Султоновнинг катализаторлар кимёси ҳамда технологиясига бағишланган докторлик диссертациясини тингламоқда. Диссертант маърузани тугатгач, бирин-кетин саволлар берилди бошланди. Саволларни катализ фани соҳасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган таниқли академиклар, профессор ва илмий ходимлар беришарди. Абдулла ака ҳар бир саволга раво, чуқур



жавоб қайтаради. Тажрибада олинган маълумотларга асосланиб, у баъзи олимларнинг реакция йўналишлари бундай бориши мумкин эмас, деган фикрларини чиппака чиқарди. Абдулла ака қатъий равишда ўз фикрларини ёқлади, исботлади. Илмий тортишувлар ватандошимиз фойдасига ҳал бўлди. Ўз даврининг йирик илмий марказларидан бўлган А.В. Топчиев номи

Нефть кимёси синтези институти илмий кенгаши А.С. Султоновга кимё фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилди. Залда ўтирган биз тошкентлик ёш аспирантлар Абдулла Султоновичнинг илм соҳасидаги қатъиятлилиги, ўз фикрларини ёрқин мисол ва далилларда исбот қилиб бе-



риши ҳамда катализ соҳасида йирик олим бўлиб етишганига ишонч ҳосил қилган эдик. Бундан 50 йил аввал бўлиб ўтган бу воқеа Абдулла ака ҳаётидан бир лаҳза холос.

Абдулла Султонович Султонов 1913 йилда Тошкентда хизматчи оиласида дунёга келди. 1924 йили бошланғич мактабни, 1929 йили эса педагогика техникумини битириб чиқди. 1935 йили А.С. Султонов Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетини тамомлади. 1940 йили у ўзининг номзодлик диссертациясини ёқлади ва университетнинг органик кимё кафедрасига доцент қилиб тайинланди. 1947 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институтида ташкил этилган органик катализ лабораториясига раҳбарлик қилди.

1964 йили докторлик диссертациясини ёқлади. Орадан кўп ўтмай профессорлик унвонини ҳам олди. А.С. Султонов 1966 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди. У бир неча йил Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш илмий тадқиқот институтининг директори бўлиб ишлади. Олим институтнинг гидрогенлаш жараёнлари катализаторларини синтез қилиш ва текшириш лабораториясида илмий раҳбар ҳам эди. Абдулла ака 1960 йилларнинг охирида Тошкент политехника институтида асосий органик синтез технологияси кафедрасини ташкил этди.

А.С. Султоновнинг илмий ишлари катализ фанини ривожлантиришга бағишланган. Унинг дастлабки ишлари электролитик диссоциланиш константаси ўзгариши билан карбон кислоталарни декарбоксиллаш реакцияларида рўй берувчи қонуниятларни топиш, декарбоксилловчи катализаторлар роли ва механизмини аниқлашга бағишланган. Олимнинг крекинг, гидрирлаш, фурфуролни қайтариш, углеводород хом ашёсини олтингугуртсизлантириш, фуран ядросининг полимерланиши каби реакциялар учун самарали катализаторлар тайёрлаш соҳасидаги ишла-

рининг саноат учун аҳамияти катта бўлди. Абдулла Султонов оддий фуран ҳалқаси (фуран ва сильван)нинг полимерланиши мумкинлигини биринчи бўлиб кўрсатди ҳамда бир қатор катализаторларни таклиф қилди. Никель катализаторларининг фаолиятини никель билан водород бирикмаларининг ҳосиласи бўлган гидрид комплекслари орқали тушунтирди. Қотишма ва қотишма-скелет ҳолдаги никель катализаторлари орасидаги фарқларни биринчи бўлиб аниқлади.

А.С. Султонов органик катализ соҳасида ўзининг мактабини яратди. Унинг илмий раҳбарлигида алюминий-никель-молибден ва алюминий-рух-молибден катализаторларини тайёрлаш рецептураси берилди. Бу катализаторлар Азот саноати давлат институти (ГИАП), Бошқирдистон нефтни қайта ишлаш илмий тадқиқот институти ва бошқа ташкилотларда саноат-тажриба синовларидан ўтди. Абдулла ака яратган бир неча катализатор ҳозир саноатда муваффақиятли қўлланмоқда. У ташкил этган органик катализ синтези лабораторияси фан ва саноат учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал қилмоқда.

А.С. Султонов ўз илмий ишлари бўйича 200 дан ортиқ илмий мақола эълон қилди, кўпгина муаллифлик гувоҳномаларига эга бўлди. Республикада хизмат кўрсатган рационализатор деган фахрий унвон олди. А.С. Султонов «Д. И. Менделеев кимёвий катализ назарияси ва унинг ривожланиши» номли монография эълон қилди.

А. С. Султонов ўрта мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган кимё дарсликларини таржима қилди. У йирик олим бўлиши билан бир қаторда ажойиб педагог ҳамда устоздир. Абдулла ака бир неча йиллар давомида Тошкент политехника институти кимё-технология факультетида кафедра мудири бўлди, дарс берди, аспирантлар илмий ишларига раҳбарлик қилди, илмий ходимларга консультациялар берди. Олим илмий



раҳбарлигида 20 дан ортик фан номзоди ва маслаҳати билан 4 киши докторлик диссертациясини ёқлади.

А.С. Султонов йирик раҳбар бўлиши билан бирга катта жамоат арбоби ҳам эди. У ўз вақтида Тошкент ва унинг атрофидаги туманларда саводсизликни тугатиш ишига муҳим хисса қўшди. Олим Д. И. Менделеев номли кимёгарлар жамияти ишида фаол қатнашди. Россия илмий тадқиқот ишлари Давлат қўмитасининг олтингугурт бирикмалари кимёси ва технологияси бўйича доимий илмий-техника комиссияси аъзоси бўлди. А.С. Султонов бир неча илмий кенгашлар аъзоси, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси пленуми, Россия нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш вазирлиги ва нефтни қайта ишлаш шубаси илмий кенгаши аъзоси эди. У иккинчи жаҳон уруши иштирокчисидир.

А.С. Султоновнинг илмий ва педагогик иш соҳасидаги улкан меҳнати муносиб тақдирланди. У иккинчи даражали Ватан уруши ордени, кўпгина медаллар ҳамда фахрий ёрликлар соҳиби эди.

А.С. Султонов чинакам меҳнат синовларидан ўтди. Катта ижодий фикр ва интилишлар эвазига халқимиз орасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Бу эъзозли инсон умри, у босиб ўтган илмий йўлда қолдирган салмоқли изи диққатга сазовордир. Олим яшаб ўтган умрнинг ярим асрлик илмий фаолияти кўпчилик учун ибрат бўла олади. Олим 1983 йилда вафот этди. 1990 йиллар ўрталарида Абдулла Султонович ишлаган ҳозирги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-текшириш институтига у кишининг номи берилди.

Халқимизда «Зар қадрини заргар билди» деган мақол бор. Ватанимизда фан қадра, эъзозда. Демак, уни ривожлантирган, юксак чўққиларга кўтарган олимларимиз ҳам қадра ва эъзозда. Ана шундай олимлардан бири бўлмиш Абдулла Султонович Султоновнинг ижодий меҳнати ҳурматда, ардоқда дея оламиз. Ватан равнаки, халқ бахт-саодати йўлида яшаб ўтган инсон умри боқийлиги ҳам шундир.

ФАТТОҲ МИРЗАЕВИЧ МИРЗАЕВ

Республикамызда ноорганик моддалар технологияси фанини ва уларни ишлаб чиқаришнинг ривожланишига катта хисса қўшиб келаётган олимларимиздан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, Тошкент кимё-технология институтининг профессори Фаттоҳ Мирзаевич Мирзаевдир.

Ф.М. Мирзаев 1921 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1938 йили ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Ўрта Осиё давлат университетининг



кимё факультетига ўқишга кирди. 1939 йили Ўрта Осиё индустриал институти қошида кимё-технология факультети ташкил этилгандан сўнг, шу факультетга ноорганик моддалар технологияси мутахассислигига талаба бўлиб ўтди. 1945 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу кафедрада ассистент сифатида қолдирилди.

У 1953 йилда фосфоритларни нитрат кислотаси билан парчалаш мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1945 йилдан бошлаб



ассистент, 1955 йилдан доцентлик лавозимларида педагогик ишларини давом эттирди. Олим ноорганик моддалар технологияси мутахассислигининг энг масъул фанлари: умумий кимё технологияси, минерал ўғитлар технологияси бўйича маърузалар ўқиди. Фаттоҳ Мирзаевич педагогик билан бир қаторда аспирант ва илмий ходимлар билан бирга илмий ишлар олиб борди. Кафедрада янги минерал ўғитларнинг турларини ишлаб чиқиш йўналишида самарали ишлар қилинди. Натижада моҳир устоз раҳбарлигида 25 киши номзодлик диссертациясини ёқлади. Иккита докторлик диссертациясига маслаҳатчи бўлди.

У 1970 йили докторлик диссертациясини ёқлаб, кейинроқ профессор унвонига эга бўлди.

Олим 1968 йилдан бошлаб, 20 йилдан ортиқ ноорганик моддалар технологияси кафедрасида мудирлик вазифасида ишлаб, юзлаб юқори малакали муҳандис-технологлар тайёрлади. Устознинг шогирдлари ҳозирда кимё саноатининг турли тармоқларида илмий-текшириш институтларида фаолият кўрсатмоқдалар. Фаттоҳ Мирзаевич ўзининг илмий ва педагогик фаолияти даврида 250 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этди ва 25 та муаллифлик гувоҳномасига эга бўлди. Кафедрада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш саноатининг чиқиндиларини қайта ишлашга бағишланган кўпгина илмий ишлар бажарилди. Олинган натижалар проф. Т.А. Отақўзиев билан ҳаммуаллифликда дарслик ва монографияда ўз аксини топди.

Олим ўзининг педагогик ва илмий ишлари билан бир қаторда 1953 йилдан 1970 йилга қадар факультет декани муовини ва декани сифатида самарали фаолият юритди. Бир қатор янги кафедралар ташкил қилишга (кимё саноати, автоматлаштириш,

гўшт ва сут технологияси асосий органик синтези ва бошқалар, уларни замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлашга бевосита раҳбарлик қилди.

Ф.М. Мирзаев «Ноорганик моддалар технологияси» кафедрасининг Чирчиқ ва Навоий шаҳридаги филиалларининг тараққий қилишида ҳам самарали фаолият кўрсатди, талабаларга маърузалар ўқиди ва маслаҳатчи бўлди. Ф.М. Мирзаев республикада кимё билимини кенг тарқатишда фаол қатнашди, 30 йилдан ортиқ Ўзбекистон фанлар академиясининг кимё фанлари бўйича диссертациялар химоясини ўтказувчи ихтисослашган илмий кенгашга аъзо бўлиб, юздан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига оппонентлик, кўпгина илмий ишлар бўйича эса экспертлик қилди.

Олим республикада кимё фанини ривожлантиришда ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун 1981 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон олишга сазовор бўлди.

Ф.М. Мирзаев самарали меҳнатлари учун ҳукуматимиз томонидан бир қатор Фахрий ёрлиқлар, медаллар ва «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Проф. Ф.М. Мирзаев нафақат Тошкент кимё-технология институтининг талабалари ва жамоаси, балки бутун республика кимёгарлари ўртасида ҳам катта ҳурматга сазовор бўлган камтарин олим, фидокор тарбиячи, шогирдларга ва «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» кафедраси профессор-ўқитувчиларига маслаҳатчи устоз. Бугунги кунда табаррук ёшдаги устоз ўз билим ва тажрибасини ёш авлодга бериш, уни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва баркамол авлод вакиллари бўлиб етишувига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.



ФУАТ ХУСАИНОВИЧ ТОЖИЕВ (1913–2001)

Ўзбекистонда силикатлар кимёси ва технологиясини ривожлантиришга ўзининг муносиб хиссасини қўшган олимлардан бири техника фанлари доктори, профессор Фуат Хусаинович Тожиевдир. Ф.Х. Тожиев 1913 йил Каттақўрғонда туғилган. Бўлажак олим 1920 йили ўрта мактабга ўқишга кириб, 1931 йили тугатган. 1937 йили Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетидаги керамика ва ўтга чидамли буюмлар технологияси мутахассислигини битирган. Фуат Хусаинович талабалик даврида механика, топография ва индустриал техникумларида кимё, физика ҳамда кимёвий технологиядан дарс ҳам берган.

Ф.Х. Тожиев Ўзбекистон Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги йўлланмаси билан 1938 йили Маҳаллий саноат илмий текшириш институтининг керамика секторига ишга ўтказилди. Бу ерда у Ўзбекистоннинг қадимий архитектура ёдгорликларида қўлланилган глазур ва керамик массалар таркибини қайта олиш бўйича илмий ишлар олиб борди.

II Жаҳон урушининг дастлабки йилларида ҳаракатдаги армияда, батальонда, кейинчалик эса полкда кимёвий хизмат бошлиғи бўлди. Сталинград жанглирида иштирок этди. 1943 йил оғир яраланган Ф.Х. Тожиев ватанга қайтди. Шу вақтдан бошлаб, у қурилиш материаллари Ўрта Осиё трестида ишлай бошлади.

Ф.Х. Тожиев 1945 йили «Лёсс (соз тупрок)даги эрувчан тузларнинг керамик буюмлар хоссасига таъсири» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йилнинг октябрида Тошкент поли-



техника институтига ишга ўтказилди. 1947 йили «Силикатлар технологияси» кафедрасига мудир қилиб тайинланди. У умрининг охиригача шу кафедрада хизмат қилди.

Ф.Х. Тожиев силикатларнинг умумий технологияси, печь ва қуриткичлар, силикат саноатининг машина ва аппаратлари, керамика ва ўтга чидамли буюмлар махсус технологияси, кремний кимёси ва силикатлар-

нинг физик-кимёси каби курслардан маърузалар ўқиди, ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилди, лаборатория ишларининг инструкция ҳамда дастурларини тузди, ўқув-методик ишларини яхшилаш борасида доимий илмий изланишда бўлди.

Фуат Хусаинович илмий ишларининг умумий сони 150 дан ортиқ. Булар орасида бир неча муаллифлик гувоҳномалари, саноатда қўлланишга тақдим этилган ишлар ва илмий мақолалар бор. Силикатларга оид монографияси нашр қилинган. Қувасой, Қизилкия тупроқлари ва Дарбоза бентонитларини ўрганиш ҳамда технологик хоссаларини ёритиб беришда олимнинг улкан хизмати бўлди. Бу ишлар натижасида Қувасой ва Дарбоза тупроқлари асосида завод масштабида ғовак ғиштларнинг тажриба партияси ишлаб чиқилди, уларнинг техника – иқтисодий жиҳатдан афзалликка эгаллиги исботланди. Фуат Хусаинович раҳбарлигида Ангрен тупроғининг хоссалари мукамал ўрганилди. Олиб борилган илмий ишлар Марказий Осиё республикалари саноат корхоналарини изолятор билан таъминлаб туришга, Темир йўл вазирлигига қарашли заводда плита ишлаб чиқаришга асос бўлди.



Олимнинг қурилиш ғиштининг хоссаларини яхшилаш борасидаги илмий кузатув ишлари диққатга сазовордир. Совуқка чидамли черепица завод шароитида синаб кўрилди.

Ф.Х. Тожиев силикат материалларда катион алмашиш жараёнини чуқур ўрганди. Ангрен каолини устида олиб борган кузатувлари амалий аҳамиятга эга бўлди.

Кузатувлар Тошкент чинни заводида ҳам ашё сифатида ишлатилувчи Просянов (Украина) каолинини Ангрен каолини билан бемалол алмаштириш мумкин эканлигини исботлади. Ангрен каолинидан электр токи саноатида изолятор сифатида ишлатилувчи чинни буюмлар ишлаб чиқаришга имкон борлиги маълум бўлди. Ангрен тупрогидан янги технология бўйича канализацион трубалар ишлаб чиқариш ўрганилди.

Олим 1967 йилда «Ўзбекистондаги соз тупроқ жинсларининг технологик хоссалари, уларни яхшилаш йўллари ва улардаги

катион алмашинувининг физик-кимёвий табиати» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлади. 1970 йили профессор унвонини олди. Унинг раҳбарлигида 8 киши номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ф.Х. Тожиев фаол жамоатчи эди. Кимё-технология факультети маҳаллий комитет аъзоси, талабалар илмий жамият раҳбари бўлди. У кейинги бир неча йил давомида факультет илмий-методик кенгашига бошчилик қилди. 14 йилдан ортиқроқ вақт ичида «Билим» жамияти Тошкент иаҳар бўлими илмий техника шубъасининг раиси бўлди.

Проф. Ф.Х. Тожиев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига эга эди. Олим қатор орден ва медаллар, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва бошқа бир неча жамиятларнинг ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Мохир педагог, олим ва ёшларнинг меҳрибон устози Фуат Ҳусаинович Тожиев 2001 йили вафот этди.

НАБИ УБАЙДУЛЛАЕВИЧ РИЗАЕВ (1929–2000)

Республикамизда кимё технологиясининг жараёнлари ва усқуналари фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва ушбу фанни талабаларга ўзбек тилида тушунарли ва чуқур ўргатишни биринчи бўлиб ўтган асрнинг ўртасида бошланган устоз истеъодли олим ва педагоглардан бири Наби Убайдуллаевич Ризаев ҳисобланади.

Н. У. Ризаев 1929 йили Наманганда туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1944 йили Ўрта Осиё индустриал институт (САИИ)-



нинг «Озиқ-овқатлар технологияси» мутахассислигига ўқишга киради. 1949 йили институтни тугатгач, Самарқанд вилоятидаги Каттакўрғон мой-экстракция заводида смена мастери бўлиб ишлай бошлайди. 1950 йили Тожикистоннинг Конибодом шаҳридаги мой-экстракция заводида, кейинчалик «Ўзглавмол-маслопром» ташкилотига бош муҳандис қилиб тайинланди. 1951–52 йилларда Ўзбекистон Давлат назорати вазирлигида ишлади.



1953 йили Д. И. Менделеев номли кимё-технология институтининг аспирантурасига ўқишга кириб, 1957 йили номзодлик диссертациясини ёклайди. Шу йили Тошкент политехника институтига ишга келди, кимё технологиясининг жараён ва қурилмалари кафедрасида аввал ассистент, доцент ва кейинчалик эса профессор бўлиб ишлади. Пластмассалар технологияси кафедрасига мудирлик қилди, кимё-технология факультети декани вазифасида ишлади, ўқув ишлари бўйича институт проректори бўлди.

Н. У. Ризаев 1964 йили «Эритмадаги адсорбция шароитида масса алмашинув процессини текшириш» мавзусида докторлик диссертациясини ёклади.

1968 йилдан бошлаб Пахта целлюлозаси кимё ва технологияси илмий текшириш институтида «Кимё технологиясининг жараён ва қурилмалари» бўлими мудирлиги бўлиб ишлади. Олим «қаттиқ жисм суюклик» системасидаги гидродинамика ва масса алмашинув жараёнларини текшириш борасида ўзининг кенг қўламдаги илмий йўналишини шогирдлари билан ҳамкорликда давом эттирди.

У 1978 йили Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий ишлар проректори вазифасига ўтди. 1986–89 йилларда институтнинг «Иссиқлик техникаси ва гидравлика» кафедраси профессори бўлиб ишлади. У шу йиллари институтнинг «Кимёвий толалар технологияси» ва «Кимёвий технологиянинг жараён ва ускуналари» махсулаштирилган Илмий Кенгаш раиси бўлди. Олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кимёвий технология назарий асослари» кенгаши бюроси аъзоси ҳам эди.

1989 йилдан бошлаб етти йил давомида Тошкент автомобиль йўллари институтида «Гидравлика ва гидравлик машина-

лар» кафедрасида мудир, 1996 йилдан 2000 йилнинг октябригача «Кимё» кафедраси профессори лавозимида фаолият юритди. Проф. Н.У. Ризаевнинг кейинги илмий изланишлари филтрлаш, масса алмашинуви, ионитлар синтези ва улардан амалиётда фойдаланишга бағишланди. Олимнинг изланишлари 500 дан ортиқ илмий мақола, 5 та монография, 30 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари ва кўргазмаларда олган олтин медалларида ўз ифодасини топган. Қатор ишланмалари амалиётга жорий қилинган.

Фарғонадаги кимёвий тола заводида унинг филтрлашнинг янги усулига бағишланган иши амалда қўлланилган.

Олим кўплаб олий тоифали илмий даражага эга шогирдлар тайёрлади. 90 дан ортиқ фан номзодлари ва бир неча фан докторлари унинг шогирдлари ҳисобланади.

Проф. Н.У. Ризаевнинг илмий ва педагогик соҳадаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 2000 йилда «Шухрат» медали соҳиби бўлди.

Н. У. Ризаев 2000 йил 9 октябрда вафот этди.

Олим меҳрибон устоз, мураббий, ёшлар маслаҳатгўйи бўлиши билан бир қаторда йирик жамоат арбобларидан бири эди. У «Прогресс»-Теле Университет раҳбари, республика кураш федерацияси раиси, Олимпия миллий қўмитаси аъзоси эди. Устоз мамлакатимиз фани ва педагогикасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганлиги, ёшларни илм чўққиларига олиб чиқишдаги беқиёс хизматлари, фидойилиги, бағрикенглиги, инсонларга меҳрибонлиги ва ширинсуханлиги билан кўпчиликнинг меҳрини қозongan, фарзандларининг ҳам отаси, ҳам дилкаш дўсти ва маслаҳатгўйи эди. Унинг ёрқин хотираси қалбимизда яшаб келмоқда.



МУҲАММАД ИБРОҲИМОВИЧ НИЁЗОВ (1908–1980)

Республикада кимё-технологиясининг жараён ва қурилмалари фанини ривожлантиришга муносиб хисса қўшган олимлардан бири Тошкент политехника институти кафедра мудири, профессор Муҳаммад Иброҳимович Ниёзов эди.

М.И. Ниёзов 1908 йили Қозоғистоннинг Чимкент уездида деҳқон оиласида туғилди. Ёшлигидаёқ ота-онасидан ажралиб, Тошкентдаги болалар уйида тарбияланди.

1924 йили Қозоқ халқ маорифи техникумига ўқишга кирди ва орадан икки йил ўтгач, қайтадан кириш имтиҳонлари топшириб, Қозоқ педагогика институтига ўқишга кирди. 1928 йили Муҳаммад ака Ўрта Осиё давлат университети кимё факультетига ўқишга кириб, уни 1934 йили битирди. Шу йили университетнинг техник кимё кафедрасига аспирантурага қабул қилинди ва бир йилдан сўнг Москвадаги кимё машинасозлиги институтида ўқишни тавом эттирди.

У ўқишни иш билан бирга қўшиб олиб борди. Бошланғич мактабларда арифметикадан дарс берди, тарбиячи бўлиб ишлагани. Тайёрлов курслари тингловчиларини ўқитди, лаборантлик қилди. Талабалик ва аспирантлик даврида ректор ёрдамчиси, кимё факультети декани бўлди. 1938 йили номзодлик диссертациясини ёқлади.

М.И. Ниёзов 1940–1946 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маориф вазирининг ўринбосари, кейинги етти йил давомида Тошкент политехника институти «Ёшлар технологияси» кафедраси доценти ва мудири бўлди. Олим 1947 йилдан бошлаб салкам ўн етти йил Тошкент политех-



ника институтига ректорлик қилди.

Муҳаммад Иброҳимович мохир педагог, ажойиб лектор ва малакали илмий ходим эди. Унинг илмий ишлари кимё ва озиқ-овқат саноатида технологик жараёнларни интенсификациялаш, пахта кунжарасидан мойларни экстракция қилиш, гидродинамика ва масса узатиш масалаларини тадқиқ қилишга бағишланган. Чи-

гитни қуришиш, нефтни сувсизлантириш, пахта мисцелласини дистиллаш ва шу каби бошқа илмий ишлари ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга бўлди. Бу ишлар Учкўрғон мой-экстракция заводи, Навоий кимё комбинати, Тошкентдаги асфальт-битум заводи ва бошқа корхоналарда синовлардан муваффақиятли ўтди.

Олим раҳбарлигида олиб борилган олти йил илмий иш давлат комитети координацион режасига киритилганлиги Муҳаммад Ниёзов ишларининг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

М.И. Ниёзов ўз илмий кузатувларини 150 дан ортиқ мақола ва муаллифлик гувоҳномалари сифатида эълон қилди. Олим 20 га яқин фан номзодлари етиштириб чиқарди, унинг шогирдларидан уч нафари фан докторлари илмий даражасига эришди.

Муҳаммад Ниёзов раҳбарлигида олиб борилган илмий ишларнинг айримлари халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намоиш қилинди ва кумуш медаль билан тақдирланди. Унинг илмий ишлари нафақат мамлакатимизда, балки чет мамлакатларида ҳам эълон қилинди.



Истеъдодли олим М.И. Ниёзов йирик жамоат арбоби ҳам эди. У бутун умри бўйи жамоат ишларида фаол катнашди.

Хукуматимиз проф. М.И. Ниёзовнинг ёш авлодни тарбиялаш, етук муҳандис кадрлар тайёрлаш ва фанни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссасини муносиб тақдирлади. У орденлар, Республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва медаллар билан мукофотланди. Унга

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилди.

Талабаларнинг ажойиб мураббийси, ёш педагоглар маслаҳатгўйи, кўпгина аспирант ва илмий ходимлар устози бўлган Муҳаммад ака 1980 йили вафот этди. Унинг эзгу ишларини шогирдлари давом эттириб келмоқда.

АБДУРАҲМОН АБДУРАҲИМОВ

Абдурахмон Абдурахимов 1924 йилда Тошкентда туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди. 1942 йилдан 1945 йилгача Украина фронтида жангларда иштирок этди. Жанг майдонларида кўрсатган жасоратлари учун «Қизил Юлдуз», I даражали Ватан Уруши орденлари ва медаллар билан мукофотланди.

1945 йилда Абдурахмон Абдурахимович Ўрта Осиё политехника институтига кириб, «Ёғлар технологияси» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тамомлади. 1952 йил аспирантурага кириб, 1955 йил номзодлик диссертациясини ёқлади. 1955–1960 йилларда «Физик ва коллоид кимё» кафедрасида ассистент, доцент лавозимларида ишлади. 1961 йил у «Ёғлар технологияси» кафедрасига мудир қилиб тайинланди. 1975 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олди ва 1977 йил профессор унвонига сазовор бўлди.

Проф. А. Абдурахимов 28 йил «Ёғлар технологияси» кафедраси мудир лавозимида ишлади. Унинг раҳбарлигида ўсимлик ёғлари ва ёғ кислоталарни гидрогенлаш ва переэтерификациялаш, катализаторлар яратиш борасида илмий мак-



таб шаклланди: учта фан доктори ва 21 нафар фан номзодлари ишларини муваффақиятли якунлади. А. Абдурахимов 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 45 та ихтиро учун муаллифлик гувоҳномаси ва 5 та ўқув қўлланма муаллифидир.

Устоз олий ўқув юртарининг «Озиқ-овқат технологияси» Иттифок журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси бўлди. У 5

марта Олий Совет Президиумининг фахрий ёрлиғи, Олий таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг фахрий ёрлиқларини олган. 2004 йил экологик тоза технологиялар яратиш ва ёшларнинг экологик билимларини оширишдаги самарали хизматлари учун «Экосан» дипломи билан тақдирланди. Халқ хўжалигига салмоқли фойда келтиргани учун А. Абдурахимов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи» унвони билан мукофотланди.

Ҳозирги вақтда проф. А. Абдурахимов илмий ишлар, ёшларга билим бериш билан бир вақтда талабаларни ватанга муҳаббат, илм-фан чўкқиларини эгаллаш руҳида тарбиялаб, ибратли ишларни амалга оширишга ҳисса қўшиб келмоқда.



АҲМАД БАРАТОВИЧ ҚЎЧҚОРОВ (1911–1995)

Органик кимё фанининг йирик соҳиб ва давлат арбоби бўлган Аҳмад Баратович Қўчқоров 1911 йили Самарқандда туғилган.

Аҳмад Қўчқоров 1926 йили Самарқанд педагогика техникумига кириб, уни 1930 йили тугатди. 1930–1931 йилларда Бухоро туманида колхоз ёшлари мактабида ўқитувчилик қилди. 1931 йили Москвадаги Д. И. Менделеев номи кимё-технология институтига ўқишга кирди. 1936 йили институтни битириб, аспирантурага киради ва қирқинчи йили номзодлик диссертациясини ёқлади. Москва кимё техникумида дарс беради. Ўша ўқув масканида директор бўлиб ишлади.

1941 йилнинг мартида Олий мактаб комитети уни Ўрта Осиё индустриал институти (Тошкент политехника институти) га ишга йўллайди. Ёш олим ва педагог «Мойлар технологияси ва органик кимё» кафедрасида доцентлик қилди.

А.Б. Қўчқоров 1943–44 йилларда Кува-сой кимё заводида директорлик қилди. 1944 йилнинг охирида Ўрта Осиё индустриал институти кимё-технология факультетига декан бўлди. 1946 йили институтнинг органик кимё кафедрасига мудир қилиб тайинланди.

1951–1954 йиллар давомида Н. Д. Зелинский номи Органик кимё институтида докторлик диссертацияси устида ишлади. 1954 йили докторлик диссертациясини ёқлади ва орадан бир оз вақт ўтгач, профессорлик унвонини олди.

У қирқ йилдан зиёд органик кимё кафедрасига бошчилик қилди. Органик кимёдан талабаларга маърузалар ўқиди, лаборатория



машғулотларининг сифатли ўтишини талаб қилди, фандаги янгиликларга алоҳида аҳамият билан қаради. Ёш ўқитувчи педагогларга йўл-йўриқ кўрсатди, ўргатди, уларга талабалар олдида ўрнак бўлиш, тарбиячи деган номнинг шарафли ва қийин бурч эканлигини ўқитди. Аҳмад аканинг ажойиб хислатларидан бири ёшларга доимо фойдали маслаҳатлар беришдан иборат эди.

Аҳмад Баратович ажойиб устоз эди. Унинг раҳбарлигида 10 киши номзодлик ва маслаҳати остида 4 нафар фан докторлари тайёрланди. Олимнинг 300 га яқин илмий иши бўлиб, булардан 40 таси муаллифлик гувоҳномаларидир. Унинг раҳбарлигида бажарилган ишларнинг маълум қисми саноат миқёсида амалга оширилган (Тошкент лак-бўёқ заводида, Славянск сода заводи, Березники азотли ўғитлар комбинати ва бошқа корхоналарда).

А. Б. Қўчқоров раҳбарлигида олиб борилган илмий ишлар органик кимёнинг алкиллаш реакциялари, физиологик фаол моддалар олиш, металллар коррозиясига қарши ишлатилувчи ингибиторлар, ацетилен билан аммиак конденсацияси асосида пиридин асосларини синтез қилиш ва баъзи бир юқори молекулали бирикмалар кимёсини ўрганишга оид йўналишларни ўз ичига олган, кафедрада ишлаб чиқилган гумин кислоталари асосидаги орғано-минерал ўғитлар республика кишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлардир.

Кейинги бир неча йил давомида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кимё шубҳаси раиси сифатида фаолият юрит-



ди. У Тошкент политехника институти, Тошкент давлат университети ва Тошкент давлат педагогика институти илмий кенгашлари аъзоси бўлган. Ана шу олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчи ва илмий ходимлари орасида хурматга сазовор бўлган Аҳмад Баратович Қўчқоров республика-миз кимёгарлари орасида ҳам катта обрўга эга эди.

Проф. А.Б. Қўчқоровнинг узок йиллик педагогик ва илмий ишлари муносиб тақдирланган. У бир неча орденлар, фахрий ёрликлар ва медаллар билан мукофотланган. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис» унвони берилган эди.

А. Б. Қўчқоров 1995 йилда вафот этган бўлса-да, унинг номи шогирдлари қалбида мангу яшайди.

ПАТХУЛЛА РАҲМАТОВИЧ ИСМАТУЛЛАЕВ

П.Р. Исмаатуллаев 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1964 йилда Москва кимё-машинасозлиги институтини тамомлаган. Шу йили Тошкент политехника институтининг Кимё-технология факультети таркибида янги ташкил қилинган «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедрасида ассистентлик лавозимида ўз илмий-педагогик фаолиятини бошлаган. П.Р. Исмаатуллаев 1964 йилдан 2012 йилгача ассистент, катта ўқитувчи, декан муовини, илмий бўлим бошлиғи, доцент, профессор, илмий ишлар бўйича ректор муовини, ўқув ишлари бўйича ректор муовини ва кафедра мудир лавозимларида фаолият кўрсатиб келди.

П.Р. Исмаатуллаевнинг ўз ўқув-услугий ва илмий фаолияти ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш йўналишига мос равишда кимё ва озик-овқат саноатларида технологик ўлчашлар, ўлчаш услублари ва улар асосида ўлчаш асбобларини яратиш муаммоларига бағишланган.

П.Р. Исмаатуллаев 1969 йилда «Адсорбцион моддалар намлигини ўлчаш усуллари» мавзусида номзодлик, 1986 йилда эса



«Ёғ-мой саноатида пахта чигитини ва уни қайта ишлашда ишлаб чиқариладиган материаллар намлигини ўлчаш усуллари тадқиқот қилиш ва асбобларини яратиш» мавзусида докторлик диссертациясини ёклаган.

П.Р. Исмаатуллаев 1970 йилда доцентлик ва 1988 йилда эса профессор унвонига сазовор бўлган.

П.Р. Исмаатуллаев ва унинг шогирдлари томонидан пахта, пахта чигити, буғдой каби халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган материаллар намлигини автоматик равишда ўлчаш асбоблари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Проф. П.Р. Исмаатуллаев муаллифлигида ва ҳаммуаллифлигида 2 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, 2 та монография, 200 дан ортиқ мақолалар ва маърузалар чоп этилган.

П.Р. Исмаатуллаев юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда ҳам фаол иштирок этмоқда. У Тошкент давлат техника университети қошида Д 067.07.01, Тошкент кимё-технология институти қошидаги Д 067.24.03-махсуслаштирилган кенгашларда фаол қатнашиб келмоқда.



П.Р. Исматуллаев ўз фаолияти давомида Олий таълим тизимини ривожлантиришда, айниқса олий ўқув юртларида илмий ишларини ташкил қилишда ўзининг муносиб хиссасини қўшган ва қўшиб келмоқда. Жумладан, 1969 йилдан 1979 йилгача ТошПИда илмий бўлим бошлиғи, 1979 йилдан 1989 йилгача ТошПИда илмий ишлар проректори муовини ва 1989 йилдан 2004 йилгача ТошПИ, кейинчалик ТошКТИ да илмий ишлар ва ўқув ишлари бўйича ректор муовини лавозимларида фаолият кўрсатди. Шу билан бирга у 1996–1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг Олий ўқув юртлари бош бошқармасининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатиб, Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этди. Унинг раҳбарлигида ва шахсан иштирокида бир неча техника йўналишлари бўйича давлат таълими стандартлари, уларнинг намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган. Тошкент давлат техника университети таркибида, олим ташаббуси

билан «Метрология стандартлаштириш ва сертификациялаш» йўналиши ва махсус кафедраси очилган ва ҳозирда ҳам кафедра сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Проф. П.Р. Исматуллаев «TEMPUS-TASIS» фонди дастури бўйича Туркия, Голландия, Греция, Бельгия, Германия, Италия давлатлари олий ўқув юртларида хизмат сафарида бўлган. Олиб борилган илмий ишлар натижалари бўйича 50 дан зиёд муаллифлик гувоҳномаларига эга.

Проф. П.Р. Исматуллаев маслаҳатчилигида 4 та фан докторлари ҳамда раҳбарлигида 15 дан зиёд фан номзодлари тайёрланган. Олий таълимдаги хизматлари учун П.Р. Исматуллаев 1979 йилда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 1984 йилда унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи» деган фахрий унвон берилган. 2001 йилда эса «Шухрат» медали билан тақдирланди. Ҳозирги вақтда у Тошкент давлат техника университетиде профессорлик лавозимида ишламоқда.

ПЎЛАТ МУҲАМЕДОВИЧ ТУРСУНХЎЖАЕВ

Пўлат Муҳамедович Турсунхўжаев 1930 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент ун-элеватор техникумига ўқишга кирди ва уни 1951 йили битирди. 1951–1956 йилларда Москва озиқ-овқат институтида ўқиб, ун-ёрма саноати муҳандис-технологи мутахассислигига эга бўлди. У Ўзбекистонда озиқ-овқат, ун-ёрма саноати ва фанини ривожлантиришга катта хисса қўшиб келаётган мутахассис олимлардан бири.



«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис» ва ун-ёрма саноатида кўп йиллик самарали меҳнати ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол қатнашганлиги учун «Ўздонмаҳсулот аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланган.

У ўз фаолиятини ун-ёрма саноатининг мураккаб техника ва технология жараёнларини ўрганиш билан бошлади. П.М. Турсунхўжаев институтни тамомлагач, 1956 йили Тошкент шаҳридаги иккинчи Тошкент ун тор-



тиш корхонасида смена муҳандиси, бош муҳандиснинг ўринбосари бўлиб ишлади. 1959 йили Тошкентдаги учинчи ун ишлаб чиқариш корхонаси директори лавозимига тайинланди. Бу даврда у тегирмоннинг ун тортиш бўлимини реконструкция қилиб, цех унумдорлигини 130 т/с дан 160 т/с га оширди. Қўл билан бажариб келинаётган ишларни механизациялаштирди ва корхонанинг механизация билан бажариладиган жараёнларининг даражаларини 30% дан 90% олиб чиқди. П.М. Турсунхўжаев 1963 йили Тошкентдаги биринчи ун комбинати-га директор қилиб тайинланди.

1970 йили ун-ёрма саноатида янги техника ва технологияни жорий этишда юқори иқтисодий самараларга эришганлиги учун П.М. Турсунхўжаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис» фахрий унвонига сазовор бўлди. У 1977 йили Ўзбекистон Тайёрлаш вазирлиги илмий техника кенгаши раиси, сўнг техника бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланди. 1979 йили П.М. Турсунхўжаев янги ташкил бўлган «Донни сақлаш ва уни қайта ишлаш технологияси» кафедрасига мудир этиб тайинланди. Бу кафедра Бухорога ўтказилганлиги сабабли, у 1982 йил «Кимё – саноатининг иқтисодиёти ва ташкил қилиш» кафедрасига мудир бўлиб сайланди ва шу кафедрада 1995 йилгача фаолият кўрсатди. П.М. Турсунхўжаев 1995–1997 йилларда «Ўздонмахсулот»ДАК раҳбарлари ва мутахассислар малака ошириш курсига директор қилиб тайинланди. Докторлик илмий ишини тамом қилиш мақсадида 1998 йили ТошКТИ «Донни сақлаш ва уни қайта ишлаш» кафедрасига ишга қайтди. 2000 йили докторлик диссертациясини ёқлади.

П.М. Турсунхўжаев озиқ-овқат ва ун-

ёрма саноатида янги техника ва технологияни ўзлаштириш мақсадида 160 дан ортиқ илмий ва услубий мақолалар чоп қилган. Шулардан 7 таси ўқув қўлланма 12 таси рисола ва 40 дан ортиғи ўзбек ва рус тилларида ёзилган услубий қўлланмалардир. Халқаро ва республика журналларида 35 дан ортиқ мақола чоп этган. У 4 та муаллифлик ва 16 та саноат намунаси гувоҳномаларига эга. Улар ун-ёрма ва омихта-ем саноатининг техника ва технологиясини такомиллаштириш ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган.

П.М. Турсунхўжаев «Ўздонмахсулот» компанияси корхоналари билан ҳамкорликда амалий, илмий ва назарий ишлар олиб боради. Асосий илмий ишлар мавзуси «Маҳаллий буғдой донларидан унумли фойдаланиш учун дон тозалаш ва ун тортиш жараёнларини такомиллаштириш» устида илмий тадқиқот ишлари ҳисобланади. Олим Москва озиқ-овқат академияси, Олма-ота Технология университети, Бухоро озиқ-овқат институтлари билан олий тоифадаги кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик асосида илмий ишлар олиб борди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти, «Ўздонмахсулот» илмий ишлаб чиқариш маркази лабораторияси билан магистрлар тайёрлашда илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиб қатнашади.

П.М. Турсунхўжаев ўзининг педагогик илмий ишлари билан бир қаторда жамоат ишларини бажаришда ҳам фаол иштирок этмоқда. ТошКТИнинг мониторинг ва ички назорат бўлими ҳамда Фахрийлар маслаҳат кенгаши аъзоси. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаол қатнашади.



ТҶХТАМУРОД РАШИДОВИЧ АБДУРАШИДОВ

Тўхтамурод Абдурашидов 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1949 йилда Тошкент политехника институтининг қанд моддалари технологияси мутахассислигига ўқишга кирди. Институтни тугатгач, шу институтда аспирант, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларида фаолият юритиб келмоқда.



Проф. Т.Р. Абдурашидовнинг илмий-педагогик фаолияти 50 йиллик тарихга эга. 1960 йилдан буён «Пластмассанинг кимёвий технологияси» ва ундан кейин «Пластмассани қайта ишлаш технологияси» кафедрасини ташкил этиб, шу кафедрага 1994 йилгача мудирлик қилиб келган. 1966–1984 йилларда Тошкент политехника институти умумий техника ва кимё-технология факультети декани лавозимида ишлади. 1991–1992 йиллари Тошкент кимё-технология институти «Органик бирикмалар кимёвий технологияси» факультетининг декани лавозимида фаолият юритди.

1998 йилдан бошлаб бир неча йиллар давомида «Ўзбекнефтгаз» миллий Холдинг компаниясида «Шўртон газ-кимё мажмуаси» (ШГКМ) бўйича бош маслаҳатчи бўлиб ишлади.

Т.Р. Абдурашидов ўтган йиллар давомида асосий илмий йўналиши ҳисобланган маҳаллий хом ашё асосида пластмассаларни яратиш бўйича илмий фаолият юритган бўлса, 1998 йилдан буён республикада ишлаб чиқарилаётган полиэтилен маркалари устида илмий ишлар олиб бормоқда.

Т.Р. Абдурашидов Тошкент политехника, ундан кейин Тошкент кимё-технология институтида фаол ишлаб, кўплаб илмий-педагогик кадрларни ва муҳандис-

технологларни етказиб берди. У юқори савияли педагог сифатида мутахассислик фанларидан маърузалар ўқиб, малакавий битирув ишларига, магистрлик диссертацияларига, кафедрада олиб бориладиган илмий ишларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг тинимсиз меҳнати натижасида Тошкент политехника институтида яхши жиҳозланган кафедра тузилди. Кафедра битирувчилари ҳозирги

қунда юртимизнинг етакчи корхоналарида фаолият кўрсатмоқдалар.

Проф. Т.Р. Абдурашидов раҳбарлигида илмий ишларни бажаришда аспирантлар, магистрлар ва юқори босқич бакалаврлари кенг жалб қилинади.

Олим раҳбарлигида 21 киши номзодлик диссертациясини, илмий маслаҳати остида 3 киши докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. У докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича иккита ихтисослашган Илмий Кенгаш аъзоси бўлган.

1962–1963 йилларда проф. Т.Р. Абдурашидов АҚШнинг Бруклин политехника институти, ҳозирги Нью-Йорк Техника университети қошидаги полимерлар кимёси ва технологияси институтида машҳур олим Герман Марк раҳбарлигида малакасини оширди. ЮНЕСКО кўмагида Индонезиянинг Манила шаҳрида ўтказилган семинарда фаол иштирок этди. 2000 йилда Канадада «NOVO-Chemical» фирмасида полиэтилен ишлаб чиқариш соҳаси бўйича малакасини ошириб қайтди.

Проф. Т.Р. Абдурашидов Тошкент кимё-технология институти Илмий Кенгаш аъзоси ва институт бўйича фахрийлар маслаҳат кенгаши раиси бўлди.



Проф. Т.Р. Абдурашидов ўз фаолияти давомида юртимизнинг кўпгина корхоналарига, пластмассани қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналарга ўзининг кимматли маслаҳатларини бериб келмоқда.

Проф. Т.Р. Абдурашидов институтда фаолият юритиб келган давр мобайнида медалъ ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвонига сазовор бўлган.

ТЕМУРЖОН АЗИМ ЎҒЛИ ОТАҚЎЗИЕВ

Темуржон Азим ўғли Отақўзиев 1936 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1953 йилда ўрта мактабни тугатгач, Ўрта Осиё политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди.

1958 йилда Ўрта Осиё политехника институтининг «Силикатлар технологияси» кафедрасини тугатиб, 1962 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институти қошидаги аспирантурага ўқишга қабул қилинди ва 1965 йилда «Цементларнинг кислотадаги коррозияси» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди; 1964–67 йилларда дастлаб кичик илмий ходим, сўнгра катта илмий ходим сифатида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институтида хизмат қилди. 1968 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтида, 1991 йилдан Тошкент кимё-технология институтида катта ўқитувчи, доцент, профессор, ректор муовини лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирги кунда «Анорганик моддалар» технологияси кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

1983 йилда Т.А. Отақўзиев «Юқори самарали сульфоцементлар энергия тежовчи технологиясининг кимёвий технологик параметрларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлатиш соҳалари» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.



Т.А. Отақўзиев агрессив мухитларда (тузлар, кислота ва ишқор эритмаларида) цементларнинг кимёвий коррозияси соҳасида катта илмий тадқиқот ишларини бажарди. Натижада кислота, тузлар ва ишқорлар таъсирига чидамли цемент қоришмаси ва бетон олишнинг бир неча йўлини кўрсатди.

Т.А. Отақўзиев боғловчи материаллар кимёси ва технологиясида ётақчи олимлардан ҳисобланади. У фосфогипс асосидаги сульфалоюминат-сульфосиликат цементлари соҳасига асос солган илмий асарлари билан ном чиқарган олим. У атроф-мухитнинг ифлосланишига қарши курашда тобора ривожланаётган саноат шароитида мувозанатни сақлаш муаммоси ва унинг ечими устида ишлади. Натижада саноат чиқиндиларидан фойдаланиш соҳасида муваффақият билан ишлаётган илмий мактабни яратди.

Т.А. Отақўзиев фосфогипсдан бир вақтда сульфат кислота ва цемент, сульфат кислота ва гидравлик қўшимча олишнинг мақбул йўлини тақлиф қилган олим.

Олим ва унинг шогирдлари томонидан мустаҳкамликнинг бошланғич муддатларда ва қотишнинг кейинги муддатларида барқарор ўсиши, сув ўтказмасликнинг юқорилиги, манфий ҳароратларда қошиш қобилияти, тузли эритмаларга ва



иссикка чидамлилиги, тез кенгайиши ва тарангланиши ҳамда арзонлиги билан фаркланадиган янги тур клинкер ва янги синф сульфоцементлар ишлаб чиқилган. Натижада бу цементларнинг ишлатиш соҳалари кенгайиши таъминланди. Сульфат кислота, белитли боғловчилар ва янги гидравлик қўшимчалар фосфогипс асосида олинган цементнинг ва унинг негизида тайёрланган бетон аралашмасининг технологик хоссаларини оширувчи, бетон қотиш жараёнини тезлаштирувчи ва турли эксплуатацион таъсирларга чидамлилигини оширувчи технологияси ишлаб чиқилди.

Т. А. Отақўзиевнинг гоёлари новаторлик характериға эға: у, энг муҳими, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан максимал фойдаланиб, сезиларли даражада ресурс ва энергияни тежовчи технология негизида фосфогипс муаммосини оддийгина йўл билан ечди. У ишлаб чиқарган технологияға ўхшаши бизнинг ватанимизда ва чет мамлакатларда йўқ. Бу эса клинкернинг куйдириш ҳароратини, ёқилғи сарфини, электр энергияни анчагача камайтириш, айланма печларнинг унумдорлигини ошириш ва юқори техник-эксплуатацион хоссали сульфоцементлар олиш имконини берди. Т.А. Отақўзиев томонидан ишлаб чиқилган цементларни ишлатишда анъанавий боғловчи материалларға қараганда ишлаб чиқаришининг устунлиги, техник ва иқтисодий афзаллиги тасдиқланган.

Т.А. Отақўзиев томонидан таклиф қилинган хом ашё аралашмаси ва янги тур клинкер ва сульфоклинкерларнинг минералогик таркибини ҳисоблаш учун формулалар, клинкер фазовий таркибини миқдорий кимёвий йўл билан аниқлаш усули цемент саноатида, академик ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, олий ўқув юртлирида кенг қўламда фойдаланилмокда.

Т.А. Отақўзиев шогирдлари билан фосфогипснинг хоссаларини, уни қайта ишлаш

технологияларининг мақбул йўналишларини танлашда катта комплекс илмий тадқиқот ва тажриба ишларини бажарди. Натижада саноат миқёсида турли шаклдаги ва ўлчамдаги қурилиш блоклари, шифт тахталари, қоплама тахталар, кичик меъморий шакллар, сувоқ ва сувоқ аралашмалари, қуруқ қурилиш аралашмалари, ковак девор материаллари, гипс картон листлари (варақлари), гипстолали тахталар, товуш ўтказмас тахталар ва бошқалар олинди.

Т.А. Отақўзиев 1200 тадан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи, шу жумладан, 10 та монография, 38 та дарслик ва ўқув қўлланма, 8 та русча-ўзбекча атамалар луғати, 12 та илмий-оммабоп брошюралар, 20 та ўқув-услугий қўлланма ва кўрсатмалар, ЎзР 14 та патент ва 26 та муаллифлик гувоҳномаси муаллифидир.

Т.А. Отақўзиевнинг МДХ мамлакатларининг етакчи илмий олий ўқув юртлири билан яқин дўстлик алоқаларини ўрнатишдаги ва шунингдек, республика саноат корхоналари билан мунтазам равиюда илмий тадқиқот ишлари хўжалик шартномаси орқали амалға оширилиб келишдаги хизматларини алоҳида қайд қилиш мумкин.

Проф. Т.А. Отақўзиев илмий тадқиқот ишлари билан биргаликда катта илмий-педагогик ишларини ҳам олиб боради ва юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашға катта эътибор қилади. Унинг раҳбарлигида 41 та техника фанлари номзоди ва илмий маслаҳати билан 6 та техника фанлари доктори тайёрланди.

У «Боғловчи материаллар технологияси» ва «Ноорганик моддалар технологияси» мутахассисликлари ва ихтисосликлари бўйича қўплаб муҳандислар, бакалаврлар ва магистрларни тайёрлади. 1996 йилда ТКТИ да хизмат кўрсатган профессор бўлди. Қўп йиллар давомида ЎзР Кимё институти қошидаги фан докторлари даражасини олиш учун ихтисослаштирилган кенгаш



азбоси, ТошПИ қошидаги докторлик даражасини олиш учун ихтисослаштирилган кенгашнинг илмий котиби, ТКТИ қошидаги докторлик даражасини олиш учун ихтисослаштирилган кенгашнинг раиси. ЎзР ОАК нинг «Кимёвий технология» эксперт кенгашининг азбоси, сўнгра раиси сифатида фаолият юритди. «Кимё» ва «Кимёвий технология» эксперт кенгашларининг бирлаштирилиши муносабати билан эксперт кенгашининг раис ўринбосари қилиб тайинланди. Ҳозирги кунда ТКТИ даги «Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси» йўналиши бўйича докторлик даражасини олиш учун ихтисослаштирилган кенгашнинг азбоси ҳисобланади.

Олимнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларидан бир нечтаси «Истеъдод» жамғармасининг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти» танлови ғолиби сифатида тақдирланган.

Т.А. Отақўзиев самарали илмий, педагогик ва ижтимоий фаолияти учун «Буюк хизматлари учун» ордени ва бир неча бор Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Проф. Т.А. Отақўзиев серғайрат, ўзи яратган илмий мактабнинг чинакам йўлбошчисидир. Уни кўп қиррали олим, педагог шогирдларининг талабчан ва ғамхўр устози сифатида шогирдлари ҳамиша ҳурмат қилиб келадилар.

СОБИРА ХЎЖАЕВНА АБДУРАЗОҚОВА

С.Х. Абдуразоқова 1928 йил Урганч шаҳрида туғилган. 1951 йили Ўрта Осиё Политехника институтининг озик-овқат факультетини тамомлаб, қандли моддаларнинг технолог-муҳандиси ихтисослигини эгаллади. У Янгийўл қанд заводида кимёгар-аналитик лавозимида ишлади. 1953 йили аспирантурага кириб, 1957 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1960 йилдан 1995 йилгача «Бижғиш маҳсулотлари ва шароб ишлаб чиқариш технологияси» кафедрасига мудирлик қилди.

С.Х. Абдуразоқова озик-овқат саноатининг энг муҳим тармоқларини яхши биладиган мутахассисдир. Илмий ишларининг



асосий йўналиши «Биокаталитик асосда шароб ва пиво ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш» га бағишланган.

Проф. С.Х. Абдуразоқова биринчи бўлиб виночилик ва пивочилик биокимёсида ачитқиларни бошқариб ўстиришда иккиламчи метоболизм маҳсулотларининг хужайра сиртидаги ферментлари, витаминлари ва терпеноид бирикмаларининг юқори даражадаги синтезини аниқлади. Шу назария асосида Ўзбекистон виночилигида жорий этилаётган икки босқичли бижғитиш усули ишлаб чиқилди. Бу усул виночиликдаги бир қатор муаммоларни ҳал этишда биокимёвий ва технологик афзалликларга эга бўлиб, виноларнинг этилишини тезлаштиради, эко-



логик тоза виноларни олишни таъминлайди. Хурушларсиз (оклейкасиз) узоқ муддат сақланадиган винолар асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Проф. С.Х. Абдуразоқова кўпгина витаминлар, эфир мойлари ва бошқа экстрактив моддаларга бой вино олиш мумкинлигини кўрсатди. Бу Ўзбекистонда экспорт учун «маркали вино»ларни ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

Озиқ-овқат саноатининг чиқиндиларини қайта ишлаш С.Х. Абдуразоқованинг илмий фаолиятидаги қизиқарли йўналишларидандир. Собира Хўжаевна 1974 йилда пахта чаноғидан пектин олди, шогирдлари билан биргаликда олма, узум, қанд лавлаги ва бошқа хом ашёлардан пектин олиш технологиясини ишлаб чиқди. Пектинларнинг хусусиятини ва тузилишини ўрганишда чуқур тадқиқотлар олиб борди.

С.Х. Абдуразоқова сут заводларининг чиқиндиларидан фойдаланиш муаммосини ечди. Ёғсизланган молнинг сути ва зардобидан қимиз олиш усулини ишлаб чиқди. Бу қимиз таъми ва биокимё хусусиятлари бўйича табиий қимиздан фарқ қилмайди.

С.Х. Абдуразоқованинг илмий тадқиқотларида кўрсатилганидек, катализаторли сувни нон пиширишда, қандолатчиликда, пивочиликда, спирт саноатида қўллаш долзарб йўналишдир. Бу ишлар ишлаб чиқаришда жорий этилмоқда ва яхши натижалар бермоқда. Пиво заводларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида солод ферментларининг активлиги кўпайиб, пивонинг сифати яхшиланди ва унуми ошди.

Проф. С.Х. Абдуразоқова ўз меҳнат фаолиятининг асосий қисмини озиқ-овқат саноати учун муҳандис ва илмий кадрларни тайёрлашга бағишлади. У Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун сут-гўшт технологияси, шаробчилик технологияси, пиво ва алкоголсиз ичимликлар технологияси, консервалаш технологияси бўйича мутахассисларни ўқитди. Кафедра С.Х. Абдуразоқова бошчилигида 1500 дан ортиқроқ мутахассислар тайёрлади. Барча озиқ-овқат корхоналарида ва озиқ-овқат саноатининг тармоқларида раҳбарлик лавозимларида кафедра мутахассислари ишламоқдалар.

Проф. С.Х. Абдуразоқова 10 нафар фан номзодини тайёрлади, докторлик диссертацияларига илмий маслаҳатчи сифатида иштирок этди. Собира Хўжаевна 300 дан ортиқ мақола, монография, 13 патент ва қатор авторлик гувоҳномаларининг муаллифидир.

С.Х. Абдуразоқова илмий-педагогик ва маъмурий фаолиятлари билан бир қаторда, қатор жамоат ишларини ҳам бажарди. 3 марта шаҳар Советига ва Олий Советга депутат бўлиб сайланган. Институтнинг диссертациялар химоя қилиш бўйича кенгаши илмий котиби вазифасини бажарган.

Устоз олима орденлар, медаллар ва Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ҳозирги вақтда проф. С.Х. Абдуразоқова муҳандис ва илмий кадрларни тайёрлашда озиқ-овқат саноатининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фаол қатнашмоқда.



САДРИДДИН МАҲАМАТДИНОВИЧ ТУРОБЖОНОВ

Садриддин Маҳаматдинович Туробжонов 1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1982 йил мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига талабалikka қабул қилинган, 1983–85 йиллар ҳарбий хизматни ўтаб, сўнгра ўқишни давом эттирган ва 1989 йил «Ачитки

ишлаб чиқариш технологияси» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тугатган ҳамда шу йили институтнинг «Органик кимё» кафедрасида Илмий Кенгаш қарори билан тадқиқотчи-изланувчи лавозимида ишга қолдирилган.

1990 йилда кундузги бўлимга аспирантурага қабул қилинган. 1993 йили «Органик кимё» кафедраси ассистенти, 1994 йилда «Ацетиленли, этиленли бирикмалар ва аминлардан пиридин асосларининг каталитик синтези ва олиниш технологияси» мавзусидаги номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилган, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида тайинланган. 1995 йили Тошкент давлат техника университети (ТДТУ)нинг «Саноат экологияси» кафедраси доценти, 1996 йилдан эса шу кафедра мудири лавозимида ишлаган.

С.М. Туробжонов 1996 йилдан ТДТУ ўқув-услугий ишлар бўйича, 2000 йилдан эса ўқув ишлари бўйича ректор муовини лавозимида фаолият кўрсатган. 1999 йил «Ацетилен ва унинг ҳосилалари асосида пиридинлар, ацетон ва мураккаб эфирларнинг кам чиқиндилли технологияларини яратиш» мавзусида докторлик диссертация-



сини ҳимоя қилиб, техника фанлари доктори илмий даражасига, 2002 йил профессор илмий унвонига эга бўлган.

1998–2002 йилларда «Устоз» жамғармаси йўланмасига асосан Жанубий Корея, Исроил, Англия ва Бельгия давлатларининг кўзга кўринган олий ўқув юртларида малака ошириш ва тажриба алмашилиш мақсадида хорижий хизмат

сафарларида бўлган.

У олий таълимнинг барча поғоналарида ўзининг ҳалол меҳнати, ташаббускорлигини, ёш иқтидорли олим эканлиги ҳамда ривожланган давлатлар олий таълими тажрибаларини инобатга олиб, 2003 йил 20 ноябрдан Олий таълим вазирлигининг тавсиясига биноан Тошкент кимё-технология институтининг ректори лавозимида тайинланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаб, юқори малакали, ҳар томонлама баркамол кадрлар тайёрлаш, жамоада соғлом ижодий-илмий муҳит яратиш ҳамда профессор-ўқитувчи ходимлар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини амалга ошириш учун, у ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ишга солган ҳолда фаолият юритмоқда.

Проф. С.М. Туробжонов ёш бўлса-да, унинг раҳбарлик маҳорати етарли даражададир. У, энг аввало, институтда олиб борилаётган ва келажакда режалаштирилган ишлар жамоа билан ҳамкорликда олиб борилиши керак, деган қатъий фикрга келди. Шунинг учун, институтда биринчи марта иш тажрибаси катта профессорларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш



мақсадида «Фахрийлар кенгаши» ташкил қилинди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан, кимё ҳамда озик-овқат саноатларининг ривожланиш истикболлари асосида, тажрибали, фидойи устозлар билан ҳамкорликда кимё-технология институтининг яқин муддатга мўлжалланган тадбирлари ва институт ривожланишининг истикбол режалари ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу қисқа даврда институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув лабораторияларини замон талаби даражасида таъмирлаш, унинг базаларини бойитиш бўйича қатор ишларни амалга ошириш давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунда институтда 250 дан ортиқ сўнгги русумли компьютер техникаси мавжуд бўлиб, уларнинг 91 таси ички локал тармоққа уланган, 70 таси Интернет тармоғига чиқиш имкониятига эга.

Институтнинг илмий салоҳиятини кўтариш ва илмий мактабларини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясидан ва бошқа олий таълим муассасаларидан ўндан зиёд фан докторлари кафедра мудирлиги, профессорлик ҳамда раҳбарлик лавозимларига жалб қилинди.

Институтда 2004–2005 ўқув йилидан бошлаб 11 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 26 та магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёни ташкил қилиниб, уларга сўнгги йилларда 19 та дарслик, 200 дан ортиқ маъруза матнлари, 61 та ўқув қўлланмалари ҳамда 400 дан зиёд услубий кўрсатмалар чоп этилиб, талабалар фойдаланишига топширилди.

С.М. Туробжонов ташаббуси билан институтнинг бир неча чет давлатлар билан халқаро алоқаси самарали йўлга қўйилди. 2004 йил институт ТЕМПУС дастури Европа Иттифоқи ҳамкорлик лойиҳасига асосан «Озик-овқат хавфсизлиги» йўналиши

бўйича (463 055 евро), 2005 йилда «Кимё-технология жараёнларини математик моделлаштириш» мавзуидаги магистрлик курсини яратиш лойиҳаси Европа Иттифоқи ТЕМПУС жамғармасининг JER-25221-2004 (491380 евро) грантларига сазовор бўлди. Ушбу лойиҳалар Голландия, Англия, Германия ҳамда Австриянинг университетлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланган.

Бугунги кунда Германия, Япония, Австрия, Жанубий Корея, Англия, Чехия, Словакия Россия, Қозғистоннинг нуфузли олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2003–2004 ўқув йилидан бошлаб Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва назик кимёвий технологиялар академияси, Москва озик-овқат маҳсулотлари университети, РФ Академиясининг «Юқори молекулалар бирикмалар институти» (Санкт-Петербург), Санкт-Петербург Давлат ёғоч академияси билан ўзаро ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди ва фалолликда ишлар бошлаб юборилди. Ҳозир институтнинг докторантлари, аспирантлари ва магистрларининг кўпчилиги Япония, Чехия, Словакия Россия ва Жанубий Корея мамлакатларида таълим олмоқдалар ва ўз малакаларини оширмоқдалар.

С.М. Туробжонов институт ходимлари ва талабаларини мунтазам ижтимоий ҳимоялаб келмоқда, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг ташаббуси билан институт жамоасини ижтимоий ҳимоялашда «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзнефтгаз МХК корхоналари ҳар томонлама ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқдалар.

Талабаларнинг танлаган соҳасига ва ўқишга қизиқишларини рағбатлантириш мақсадида ҳар ойда ўқишдаги ютуқлари, давомати ва маънавий-маърифий ишлардаги фаолияти учун танлов ўтказиш йўлга қўйилган.



Фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш мақсадида институт «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзнефтгаз» МХК, «Ўзқурилишматериаллари» АК, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ХК, «Ўздонмахсулот» ДАК билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, ушбу ташкилотлар ҳисобидан магистрларни чет элларга ўқишга юбориш, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш учун стипендиялар таъсис этиш, ходимларнинг малакасини ошириш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Ректор С.М. Туробжонов институтда илмий мактаб яратишга қодир ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Юксак малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида институтда 5 та Ихтисослаштирилган Илмий Кенгаш фаолият кўрсатди. Уларда сўнгги йилларда 5 нафар фан докторлари ва 11 нафар фан номзодлари муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Бошқа илмий фаолият олиб бораётган ёш олимлар учун ҳам барча шароитлар яратиб берилган.

Проф. С.М. Туробжонов институтда раҳбарлик фаолияти билан бирга ўзи яратган илмий мактабининг ишларини ҳам олиб бормоқда. Унинг илмий йўналиши асосий органик (оғир) синтез технологияси соҳасидаги илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳисобланади. Пиридин ва унинг гомологларининг ацетилен, аммиак ва карбонилли бирикмалар асосида синтези, ацетиленнинг гидратация реакциялари, биокимёвий ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўладиган тажриба алмашилиш

мақсадида, у хорижий хизмат сафарларида бўлган.

Унинг илмий ишларининг натижаси иқтисодиётимизда кенг қўлланилиб келинмоқда, жумладан, Навоий «Электромеххимзавод» АЖ-КК да биокимёвий заводлар чиқиндиси бўлган эфиральдегид фракциясини қайта ишлаб этилацетатни ишлаб чиқиш завод шароитида йўлга қўйилган.

С.М. Туробжоновнинг 130 дан зиёд илмий ишлари, жумладан, 6 та муаллифлик гувоҳномаси ва патентлари, дарсликлари чоп қилинган. Унинг раҳбарлигида 4 нафар фан номзодлари тайёрланган. Бундан ташқари, 4 нафар аспирантларга раҳбарлик ва докторантларга илмий маслаҳатчилик қилмоқда. Проф. С.М. Туробжонов институт илмий кенгаши ҳамда докторлик бўйича ихтисослаштирилган Илмий Кенгаш раиси, институтда чиқариладиган «Кимё ва кимёвий технология» журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳисобланади. У Ўзбекистон Миллий энциклопедияси томларида ўзининг илмий мақолалари билан фаол қатнашди.

Унинг қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари истеъдод жамғармасининг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти» танловлари голиби сифатида диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланган.

Проф. С.М. Туробжонов ҳар доим олимлар, талабаларнинг муаммоларини сидқидилдан эшитади ва тегишли ёрдам ҳақида кўрсатмалар беради. Шунинг учун, проф. С.М. Туробжонов жамоанинг барча аъзолари ва талабалар ҳурматиغا сазовор бўлиб келмоқда.



АБДУЛАҲАТ ТУРАПОВИЧ ЖАЛИЛОВ

Республикада полимерлар кимёси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимларимиздан бири техника фанлари доктори, профессор Абдулаҳат Турапович Жалилов 1942 йилда Тошкентда туғилган. 1965 йил Д.И. Менделеев номи Москва кимё-технология институтининг «Органик ва элементоорганик юқори молекуляр бирикмалар» кафедрасини имтиёзли диплом билан тамомлагач, шу институтнинг аспирантурасига тавсия қилинди ва аспирантурани 1968 йилда номзодлик диссертациясини химоя қилиш билан тамомлади. У 1968 йилдан бошлаб ҳозирги даврга қадар Тошкент кимё-технология (аввалги Тошкент политехника институти) институтида ишлайди. А.Т. Жалилов 1975 йилда «Таркибида актив функционал группалар бўлган карбозанжирли полимерларнинг ҳосил бўлиши қонуниятлари ва хоссаларини ўрганиш» мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилди.

Проф. А.Т. Жалилов юқори молекуляр органик кимё соҳасида таниқли олим. У кимёвий актив полимерларнинг назарияси ва амалиётига катта ҳисса қўшган. Проф. А.Т. Жалилов томонидан реакция актив олигомерлар ва полимерлар олиш учун асос бўлган органик тўйинмаган бирикмалар синтез қилиш соҳасида муваффақиятли ишлаётган илмий мактаб яратилди. У мономерлар, котиргичлар, стабилизаторлар, коррозияга қарши ингибиторлар, антипиренлар олиш ва бошқа юқори молекулали органик бирикмалар синтез қилишнинг қатор усулларини ишлаб чиқди. Бир қатор стабилизаторлик хусусиятига эга, таркибида азот, фосфор ва олтингугурт бўлган



олигомерлар акрил кислотаси ҳосилалари асосида олинди.

А.Т. Жалилов илмий ишлари учун кенг изланишларнинг фундаментал йўналишларини уларнинг амалий долзарблиги билан боғлаш характерлидир. Масалан, А.Т.Жалилов ишлаб чиққан ўз-ўзидан полимерланишнинг аввал маълум бўлмаган механизми янги юқори самарали

органик олигомер стабилизаторларнинг яратилишига олиб келди ва улар ишлаб чиқаришда кенг қўлланиляпти.

А.Т. Жалилов шогирдлари билан бирга айрим винил мономерларнинг тўртламчи органик мономер тузлари иштирокида альтернант сополимерланишини тадқиқ қилиб, янги натижалар олишди. Натижада таркибида турли функционал гуруҳлари бўлган ўта юқори молекулали полимерлар ва сополимерлар олинди.

А.Т. Жалилов томонидан олиб борилган изланишлар орасида полимерланиш жараёнида самарали инициаторлар сифатида ишлатиладиган, эпоксид ва фуран смоласини қотирувчи ҳамда полимер материаллар учун стабилизаторлар сифатида ишлатиладиган таркибида металл бўлган олигомер ва полимерларни ўрганиш алоҳида ўрин тутади.

А.Т. Жалилов ўз изланишларида юқори кинетик ва сорбцион хоссалари билан ажралиб турадиган ион алмашувчи материалларни синтез қилиш, уларнинг хоссаларини яхшилаш ва ўрганишга катта аҳамият берди. Унинг томонидан ион алмашувчи смолаларни олишнинг бир қатор услублари, шу жумладан, ўз-ўзидан полимерланиш услуби таклиф қилинган. А.Т. Жалилов тарафи-



дан катор янги диаллил мономерларнинг тўртламчи тузлари (метилдиаллиламиннинг) ҳар хил алифатик ва гетероциклик радикаллар билан олинди. Бундан ташқари ацетилен бирикмаларининг (моно- ва дипропаргил) ҳосилалари синтез қилинди. Уларнинг полимерланиш ва сополимерланиш кинетикаси ҳар томонлама ўрганилди.

Винил полимерларни синтез қилиш, радикал полимерланиш жараёнларини бошқариш назариясини муваффақиятли ривожлантириш билан бир қаторда олим ўз тадқиқотларини амалиётда қўллаш борасида кўп ишлар қилди. У пластификаторлар, плёнкалар, флокулянт ва ингибиторлар олишнинг саноат учун фойдали бўлган услубларини таклиф қилди. Ёғ-мой ва кимё саноатининг иккиламчи чиқиндиларидан полиолефинларнинг стабилизаторлари ва коррозия ингибиторларни синтез қилишнинг йўллари ўрганилди.

Проф. А.Т. Жалиловнинг илмий изланишлари натижалари кўп сонли илмий рисоаларда баён қилинган. У 5 та монография, 700 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 200дан ортиқ ихтироларнинг муаллифидир. А.Т. Жалиловнинг илмий маслаҳати ва раҳбарлигида шогирдларининг 10 нафари докторлик ва 61 нафари номзодлик диссертациялари ҳимоя қилдилар.

Проф. А.Т. Жалилов республикамізда фан, олий таълим ва экологиянинг яхшилашига катта ҳисса қўшяпти. 1988–1991 йилларда Тошкент политехника институти-

нинг ректори вазифасида ишлади. У 1990–1995 йилларда Ўзбекистон халқ депутати этиб сайланди ва Республика Олий кенгаши Фан ва экология қўмитаси раиси вазифасида ишлаб, шу даврнинг ичида ОАКнинг кимё-технологияси бўйича эксперт кенгаши раиси вазифасини бажарди.

А.Т. Жалилов 1995–1998 йилларда Ўзбекистоннинг Туркменистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси лавозимида хизмат қилди. У 1998–2002 йилларда Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси ва бир пайтнинг ўзида Ўзбекистоннинг Жанубий Африка Республикасидаги элчиси лавозимларида ишлади.

2003–2004 йилларда А.Т. Жалилов Тошкент кимё-технология институтининг Нефть ва нефтгазни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси мудири ва 2004 йилдан бошлаб 4 йил давомида Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси мудири лавозимида фаолият юритди. Проф. А.Т. Жалилов ҳозирги кунда «Кимё ва кимё технологияси» журналининг бош муҳаррири ҳамда докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган кенгаш ишида иштирок этиб келади.

Проф. А.Т. Жалилов қайси лавозимларда ишлагани, топширилган вазифаларни юқори савияда, тўла-тўқис, ҳалол бажариб келди. Шу сабабли ҳам, у жамоа, оила ва шогирдлари орасида чуқур ҳурмат ҳамда эътиборга эгадир.



АНВАР ҲАКИМОВИЧ ИСМОИЛОВ (1935–1986)

Силикатлар кимёси ва технологияси фанининг йирик намоёндаларидан бири Анвар Ҳақимович Исмоилов 1935 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1953 йили Ўрта Осиё политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кириб, 1958 йили «Силикатлар технологияси» ихтисослиги бўйича муҳандис бўлиб етишди.



Халқ хўжалиги Кенгашининг Тошкент бўлимида муҳандис вазифасига ишга юборилди. 1959 йили ўзи битирган «Силикатлар технологияси» кафедрасига ишга таклиф қилинди.

1962 йили Д. И. Менделеев номи Москва кимё-технология институтига аспирантурага ўқишга киради. 1966 йили ўзининг номзодлик диссертациясини ёқлади. Бир йилда доцентлик унвонини олди. 1968 йили у ТошПИНинг илмий тадқиқот бўлими бошлиғи вазифасига ўтказилди. 1969 йилнинг ноябрида эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг илмий бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди. 1971 йилдан бошлаб Тошкент политехника институти илмий котиби ҳамда Керамика ва ўтга чидамли материаллар технологияси кафедраси доценти вазифаларида ишлай бошлади. 1976 йили институтда «Анорганик кимё» кафедрасини очди ва унга мудирлик қилди. У педагогик ва маъмурий ишларини ил-

мий тадқиқотларини давом эттириш билан қўшиб олиб боради.

Олим ўз аспирантлари, илмий изланувчи ва ёш илмий ходимлар билан фаол ишлар олиб борди, улар ишларини корхоналар билан боғлади.

Доц. А.Ҳ. Исмоилов 1982 йили ўзининг маҳаллий хом ашёлар асосида яратган чинни олиш технологиясига бағишланган доктор-

лик диссертациясини ёқлади. Унинг бу асосда яратилган чинни идишлари халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бронза медалига сазовор бўлган. У 1983 йили профессорлик унвонини олди ва Тошкент политехника институти, кимё-технология факультетига декан лавозимига сайланди ва умрининг охиригача (1986) шу вазифада ишлади. Олим бир неча фан номзодлари ишига илмий раҳбарлик қилди.

Проф. А.Ҳ. Исмоиловнинг жамоа ишларидаги хизмати ҳам диққатга сазовордир. У институт касаба уюшмаси кўмитаси раиси, илмий кенгашлар аъзоси эди. Ректорлар кенгашининг Тошкент ва Сирдарё вилоятлари илмий котиби сифатида ҳам фаолият кўрсатган. У Республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, «Олий таълим аълочиси» белгиси билан тақдирланган. Унинг ёрқин хотираси ўқувчилари, шогирдлари, дўстлари ва ҳамкасблари хотирасида доимий қолади.



РУСТАМ МИРЗАКАРИМОВИЧ МИРЗАКАРИМОВ (1926–2002)

Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим, техника фанлари доктори, профессор Рустам Мирзакаримов 1926 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1949 йилда Ўрта Осиё политехника институти «Ёғлар технологияси» мутахассислиги бўйича тамомлади. 1954 йилдан Тошкент политехника институтида лаборант, сўнгра ассистент, 1957 йилдан «Ёғлар технологияси» кафедрасида доцент лавозимида ишлади. 1954 йилда номзодлик диссертациясини, 1982 йилда эса «Пахта чигити ва мева данакларини экстракциялаш технологиясининг тадқиқоти ва уни такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 йили профессор унвонига эга бўлди.

Р.М. Мирзакаримов педагогик фаолиятида Ёғлар кимёси фанидан маърузалар ўқиди, лаборатория машғулотларини олиб борди. Битирув иши, курс лойиҳаларига, технологик ва дипломолди амалиётларига раҳбарлик қилди.

Олим пахта ва данак мойларини экстракциялаш жараёнининг кинетикасини тадқиқ қилиш ва бу жараёнларнинг самарадорлигини ошириш, пахта ва мева данаклари шротининг сифатини ошириш, пахта ва мева данаклари шротидан фитин моддасини экстракциялаш ва техник фитиндан ино-



зит олиш усуллари технологиясини ишлаб чиқди. Унинг ташаббуси билан 1980 йилда «Ёғлар технологияси» кафедраси қошида «Госсипол» тармоқ илмий тадқиқот лабораторияси ташкил этилди. У бу лабораторияда 1990 йилгача илмий раҳбар бўлиб ишлади. Лабораторияга раҳбарлик қилган йилларда пахта чигитини қайта ишлаш жараёнида госсиполни зарарсизлантириш, пахта

мойини рафинациялаш технологиясини такомиллаштириш каби илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу ишлар натижалари Қарши, Косон мой экстракция заводларида ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Бундан ташқари, пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг самарадор биотехнологик усуллари ишлаб чиқилди. Бу тадқиқотлар натижасида олинадиган мой микдори 6–7% га кўпаяди ва кунжара таркибидаги госсипол микдори 8–9 марта камаяди.

Проф. Р.М. Мирзакаримов раҳбарлиги ва маслаҳатида 11 нафар фан номзодлари ва 1 нафар фан доктори илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишган ва олим томонидан 170 дан зиёд илмий мақолалар чоп этилган. У ҳукуматимизнинг қатор ордени ва медаллари билан тақдирланган. Бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Камтарин устоз ва олим профессор Р. Мирзакаримов шогирдлари қалбида яшаб келмоқда.



ФАРҲОД АСАДУЛЛАЕВИЧ МАҒРУПОВ

Фарҳод Асадуллаевич Мағрупов 1944 йилда Тошкентда туғилган. 1966 йилда Тошкент политехника институти кимё-технология факультетининг «Пласт-массалар технологияси» кафедрасини тамомлагач, шу кафедра аспирантурасига тавсия қилинди ва уни 1970 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан тамомлади. Ф.А. Мағрупов 1982 йилда «Гидроксил сақловчи фуран полимерларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари ва хоссалари» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Проф. Ф.А. Мағрупов юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида таниқли олим. У таркибида қайтарилувчи бикр ва эластик гуруҳ боғлари сақловчи гетерозанжирли термореактив олигомерларни яратиш ва уларнинг тиқилган полимерларга айланиш назарияси ва амалиётига катта ҳисса қўшган.

Проф. Ф.А. Мағрупов тарафидан нейтрал муҳит ва ўртача ҳароратда тиқилган полимерларга айланувчи, асосий занжирида фуран ҳалқаси сақловчи олигомерлар синтез қилиш соҳасида муваффақиятли ишлаётган илмий мактаб яратди. Унинг фуран ҳалқасидаги реакцияга фаол ҳамда фуран ҳалқаларини бириктириб турган гуруҳларни фаоллик даражаларини ўрганиш натижасида илгари сурган назарияси асосида, умуман, янги авлодга мансуб бир қанча гидроксил сақловчи фуран мономерлари ва олигомерларини синтез қилиш услубиятлари ишлаб чиқилди.

Ҳар бир қўйилган тажрибанинг фундаментали томонларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган натижаларни



умумлаштириш қобилияти Ф.А. Мағрупов томонидан гидроксил сақловчи фуран олигомерларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг тиқилган полимерларга айланишининг илгари маълум бўлмаган янги механизмини ишлаб чиқиш имконини берди. Ушбу қонуният ва механизм бошқа синфларга мансуб гидроксил ва фаол водород гуруҳлари сақловчи термореактив олигомерларида ҳам сақланиши кўрсатилди.

Унинг тадқиқотларида синтез қилинган олигомерлар асосида комплекс хусусиятларга эга композицион полимер материаллари яратиш ва уларни қайта ишлаб тайёр буюмлар олиш каби масалалар чуқур ўрганилган.

Ф.А. Мағрупов шогирдлари билан юқори ҳарорат таъсирига чидамли, оловбардош пресс-кукунлар, толали пресс-массалар, қатлам пластиклар ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқди. Гидроксил сақловчи фуран олигомерлари асосида юқори сифатли оловбардош, иссиқлик таъсирига чидамли ва юқори мустаҳкамликка эга кўпик полиуретанлар ишлаб чиқариш мумкинлиги амалда биринчи бўлиб кўрсатиб берилди.

Оддий шароитларда ўта кимёвий инерт ҳисобланган полиэтилен ва полипропилен каби полимерларнинг полимерланиш ҳамда деструкцияланиш қонуниятларини ўрганиши натижасида биринчи бўлиб ушбу полимерлар ва ёғоч таркибидаги лигнининг кимёвий таъсирланиши аниқланди.

Ф.А. Мағрупов 300 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 50 дан ортиқ ихтироларнинг муаллифидир. Унинг маслаҳати ва раҳбарлигида 2 та докторлик ва 19 та



номзодлик диссертациялари ҳимоя килинди.

Проф. Ф.А. Мағрупов республикамызда фан билан бирга олий таълимни ривожлантиришга катта ҳисса қўшяпти. Унинг бутун иш фаолияти Тошкент кимё-технология институти (аввалги Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультети) билан боғлиқ. У ушбу институтда 1960–1966 йиллари талаба, 1966–1970 йиллари аспирант, 1970–2006 йиллари ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1990–1991 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Илмий ишлар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш» бошқарма бошлиғи, 1991–1992 йилларда Тошкент кимё-технология институти ректо-

ри вазифасида ишлади. 1993–1995 йилларда Ўзбекистан ОАКининг кимё-технологияси эксперт кенгашининг илмий котиби, 1995–2000 йилларда кенгашнинг раиси вазифаларини бажарди. Ф.А. Мағрупов 1982 йилдан бошлаб бир неча йил давомида докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси ҳамда раиси бўлди.

Ф.А. Мағрупов қандай лавозимда ишламасин, топширилган вазифаларни масъулиятни сезган ҳолда юқори савияда ва ҳалол бажариб келади. Камтаринлик ва бажараётган барча ишларга ижобий ёндашиш проф. Ф.А. Мағруповга у билан мулоқотда бўлган барча инсонлар орасида катта ҳурмат келтирди.

МИРЖАЛИЛ ЮСУПОВИЧ ЮНУСОВ

Миржалил Юсупович Юнусов 1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1967 йили Москвадаги Д.И. Менделеев номидаги кимё-технология институтига ўқишга кириб, уни 1973 йилда битирган. У 1974–1988 йилларда Тошкент шаҳридаги «Миконд» корхонаси муҳандис-технолог, сўнгра Тошкент политехника институтида илмий ходим, катта ўқитувчи сифатида фаолият юритди. Икки йил давомида Тошкент политехника институти кундузги бўлими докторанти, сўнгра «Шиша ва керамика кимёвий технологияси» кафедраси доценти, кейин профессори бўлди. 1998 йил ЎЗРФВВ Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи сифатида фаолият юрит-



ди. 2004 йилдан Марказий кимё-радиометрик лабораторияси бошлиғи вазифасида ишлади. 2006 йилдан Тошкент кимё-технология институтида илмий котиб сифатида ишлаб келмоқда.

Проф. М.Ю. Юнусовнинг илмий тадқиқот олиб бориш фаолияти йўналиши кимё, силикат ва унга яқин саноат тармоқларининг технологик жараёнларини такомиллаштириш, ушбу соҳалардаги назарий ва илмий-

техник муаммоларни ҳал этиш борасида керакли таркибдаги ва хоссаларини бошқариш мумкин бўлган янги турдаги ноорганик бирикмалар асосида керамика, шиша, шишаэмак каби материалларни маҳаллий минерал хом ашёлар, оксид ма-



териаллар, саноат чиқиндилари асосида олиш билан боғлиқ. Илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида шогирдлари билан 200 тадан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Ҳозирги кунда институтда юқори малакали кадрлар – бакалавр, магистр, фан номзоди ва докторларини тайёрлаш борасида фаолият олиб бормоқда.

Проф. М.Ю. Юнусовнинг ваколати доирасида олиб бориладиган ишлар ҳақидаги маълумотларга қуйидагилар киради:

Ҳар ойда ўтказиладиган институт Илмий Кенгаш мажлисининг иш режаси бўйича ўтказилишини ташкиллаштириш ва кенгаш ҳақида кенгаш аъзоларига хабар бериш ва уни назорат қилиб бориш;

Илмий Кенгаш қарорлари лойиҳаси расмийлаштирилиб тайёр бўлгач, барча кенгаш аъзоларига тарқатиш;

Илмий Кенгаш қарорлари ижроси устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш;

Илмий Кенгаш қарорларини баённома билан расмийлаштириш. Баённомаларни илмий кенгашнинг раиси ва илмий котиби томонидан имзолаб тасдиқланишини таъминлаш;

Илмий Кенгаш тасдиғидан ўтган барча институт ҳужжатларининг баённомадан кўчирмасини тасдиқлаб бериш;

Илмий Кенгаш қарорига мувофиқ профессор, доцент илмий унвонини олишга интилаётган изланувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва белгиланган тар-

тибда илмий унвонга тасдиқлаш учун тақдим этиш ҳамда ҳужжатларни ЎзР ОАКга жўнатиш;

Илмий Кенгаш муҳокамасидан ўтган докторлик ва номзодлик диссертацияси мавзуларига баённомадан кўчирмани тасдиқлаш;

Кафедра мудирини, профессор лавозимларига кафедралик бўйича вақант лавозимларга ёпиқ овоз бериш йўли билан танлов ўтказиб, расмийлаштириш;

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишларини чоп этишга тавсия этиб тасдиқлаб бериш;

Илмий Кенгаш режаси Илмий Кенгаш томонидан кўриб чиқилгандан сўнг институт ректори томонидан тасдиқлатиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъати қарорлари ҳамда буйруқлари асосида иш режасига ўзгартиришлар киритиш;

Илмий Кенгаш йиғма жилдлар номенклатурасини доимий тарзда юритиш ва барча ҳужжатлар мониторингини амалга ошириш.

Проф. М.Ю. Юнусов институт ва ўзи яшаб турган маҳалланинг фаолларидан ҳисобланади. Олим илмий-педагогик фаолияти, ёшларни тарбиялашдаги жонбозлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги туфайли 2004 йили «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган.



ҚУДРАТ АҲМЕРОВИЧ АҲМЕРОВ

Ватанимизда кимё фанини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган олимлардан бири Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси, кимё фанлари доктори, Тошкент кимё-технология институти профессори Қудрат Аҳмерович Аҳмеровдир.

Қ.А. Аҳмеров 1937 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё политехника

институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. 1960 йили институтни тамомлагач, Органик кимё кафедрасига ассистент вазифасида олиб қолинди. 1962–1964 йилларда Москвадаги М.В. Ломоносов номи нозик кимё-технология институтининг аспирантурасида ўқиди. 1966 йили номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йиллардан бошлаб Тошкент политехника институтида ассистент, катта ўқитувчи ва доцент бўлиб ишлади. 1969 йилдан 1983 йилнинг охиригача кимё-технология факультети декани ўринбосари вазифасини қўшиб олиб борди. Шу йилларда Ўзбекистон Миллий энциклопедияси редакцияси кимё бўлимида катта илмий муҳаррирлик ҳам қилди.

Ёш олимнинг илмий ишлари Чичибабин реакцияси – ацетиленнинг аммиак билан каталитик таъсирлашувини ўрганишга бағишланди. Ушбу реакция орқали сирка кислотанинг нитрили бўлмиш ацетонитрил олишнинг янги усули ўрганилди. Бу жуда қўшгина моддаларни ўзида эрита оловчи эритувчидир. Бу иш 1970 йилларда Украинадаги Шостка кимёвий реактивлар ишлаб чиқариш корхонасида амалиётга қўлланилди. Жараён кинетикасини



ўрганишда циркуляцион оқимли реактордан фойдаланилди, уни ишлатишда катта ҳажмли циркуляция ҳосил қилиниб, автоматик равишда ишловчи импульсатор асбобини яратиб, амалиётга қўлланди.

Қ.А. Аҳмеров таклиф қилган импульсатордан турли илмий тадқиқот институтлари ва баъзи корхоналар ўз тажрибаларида фойдаланди.

У ацетилен аммолизининг каталитик реакциясини чуқур ва атрофлича ўрганиб, 1981 йили докторлик диссертациясини ёқлади. Диссертацияда пиридин асослари, юқори молекулали азотли бирикмалар, смола ва бошқа маҳсулотлар олиш усуллари кенг ўрин берилган. Жараён учун маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган янги, селектив ишлайдиган мустаҳкам катализаторлар топилди, уларни тозалаш йўллари ишлаб чиқилди. Муаллифнинг рух ва висмут асосидаги катализаторлари Украинада босилиб чиққан «Катализаторлар маълумотномаси»дан ўрин олиб, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Бу ишлар асосида олимнинг иккита монографияси эълон қилинди. Юқори пиридин асосларининг баъзилари кимматбаҳо металлларни экстракция қилиши, «ЭД-20» смоласи учун қотиргич, коррозияга қарши ишлатилувчи материаллар сифатида ишлатилиши мумкин бўлган маҳсулотлар эканлиги исботланди.

Унинг технологик схемаси макети халқ хўжалиги ютуқлари кўرғазмасининг бронза медалига сазовор бўлди.

Кези келганда бир воқеани эслатиб ўтишни лозим топамиз. 1981 йилнинг 23 мартида Москвадаги нозик кимё техно-



логия институти (хозир Академия)нинг асосий Органик синтез технологияси бўйича махсулаштирилган илмий кенгашида Қ.А. Аҳмеров ўзининг докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Мажлис сўнгида илмий ишнинг кенг қамровли, мураккаб реакция механизми очиб берилганлиги, қатор янги катализаторлар яратилганлиги уқтирилади. Буни ҳисобга олган кенгаш аъзоси проф. О.Н. Тёмкин ўзбекистонлик ёш олим Чичибабин бошлаган реакцияни кенг ва чуқур ўрганганлигини айтиб, бундан буён бу реакцияни Органик кимёда «Чичибабин-Аҳмеров реакцияси» номи билан юритилишини таклиф қилди.

Қ.А. Аҳмеров пиранлар билан аммиак ва аминлар реакциясини ўрганиб, турли азотли бирикмалар олиш йўлини ишлаб чиқди. Ангарск кимё корхонаси чиқиндиларини Москвадаги Органик кимё институти профессори В.Шарф билан ҳамкорликда ўрганиб, муҳим илмий маълумотларни қўлга киритди. Бу борада проф. Қ. Аҳмеровнинг корейлик аспиранти Ли Ен Хен маълум илмий ва амалий ютуқларга эришди.

Илмий ишлар бўйича 8 фан номзодининг ишига раҳбарлик қилди. Буларнинг 3 таси фан докторлари бўлиб етишди. Пиридин асослари ҳосилаларидан янги препаратлар, химикатлар, дефолиантлар, коррозияга қарши кураш воситалари, қотиргичлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқаларни олиш устидаги ишлар кенг қўламда ривожлантирилмоқда. Келажакда кўмирни ер остида газификациялаш ва ҳосил бўлган мураккаб аралашмаларни бир-биридан ажратиб, кимёвий хом-ашёга айлантириш борасида ишлар олиб боришга киришилди.

Проф.Қ.А. Аҳмеров илмий ишлар билан бир қаторда педагогик вазифасини ҳам фидойилик билан олиб боради, талабаларга керакли маслаҳатлар беради,

илмий ишлар ва олимпиадаларга жалб қилади. Унинг раҳбарлигида бажарилган илмий ишлар талабаларнинг техника университетида, Бухоро тўқимачилик ва енгил саноат институти ва бошқа олий ўқув юртларида юқори баҳолашиб, мукофотлар билан тақдирланган. Талабаларимизни бир неча йил давомида Чехословакиядаги кимё корхоналарига амалиётга олиб бориб, технология асослари билан таништирди.

Унинг қатор дарслик, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалари, илмий-оммабоп китоблари, мақолалари ва суҳбатлари нашр қилинган. «Умумий ва аорганик кимё» ва бошқа дарсликлари Республика танловларида 5 та диплом билан тақдирланди. Проф. Қ. Аҳмеров жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Д.И.Менделеев жамияти съездларида, «Билим» жамияти, халқаро анжуманлар ишларида муносиб қатнашди. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси сифатида газета ва журналларда кўплаб мақолалар эълон қилиб, кимёдаги янгиликлардан ўқувчиларни хабардор қилади. Бир неча йиллар давомида «Гулхан» журнали, «Политехник» ва «Сирли олам» газетаси ва бошқа бир қатор илмий нашрларда таҳрир ҳайъати аъзоси бўлди.

Мақолалари яқин йилларгача «Огонёк», «Химия и жизнь», «Театр» журналлари ва Россия газеталарида эълон қилиниб келинди.

У 12 жилдлик Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг кимё шубҳаси раиси ўринбосари сифатида фаол иштирок этди. Унинг кимёга доир қатор мақолалари мазкур китобдан ўрин олган. Олим илмий-услубий ва махсулаштирилган кенгаш аъзоси бўлди.

Ёшлар устози ва мураббийси профессор Қ.А. Аҳмеров ҳамон изланиш-ҳаракатда. У роҳатни меҳнатдан қидиради, доимо, одамларга яхшилик қилишни ўйлайди. Шу сабабли ҳам жамоа ва талабалар уни севади ва ҳурмат қилади.

*Ушбу мақолани к.ф.д., профессор Абдуваҳоб Иқромов ёзган.



РАМЗИТДИН САЙФУТДИНОВ

Рамзитдин Сайфутдинов 1949 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1966 йил Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда «Пластмассалар технологияси» мутахассислиги бўйича битирди. У даврида илмий тадқиқот ишларига мойиллиги борлиги сабабли талабаларнинг илмий ишларида фаол қатнашди ва уларнинг натижалари бўйича илмий анжуманларда маърузалар билан чиқди.

Р. Сайфутдинов 1975–1978 йилларда аспирантурага ўқишга кирди ва 1982 йилда Санкт-Петербургдаги «Целлюлоза – коғоз саноати технологияси институти»нинг ихтисослашган илмий кенгашида номзодлик диссертациясини 05.21.03. «Ёғоч кимёси, ёғочни кимёвий қайта ишлаш технологияси ва қурилмалари» мутахассислиги бўйича ҳимоя қилди.

1999 йили «Пахтачилик саноатининг чиқиндиларидан ёғоч қиринди плиткалар ва целлюлоза ишлаб чиқариш учун кимёвий технология яратиш» мавзусида 05.17.06. «Пластик масса ва шиша пластиклари технологияси ва уларни қайта ишланиши» ҳамда 05.21.03. «Ёғоч кимёси, ёғочни кимёвий қайта ишлаш технологияси ва қурилмалари» икки мутахассисликлараро техника фанлари доктори илмий даражаси бўйича диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Р. Сайфутдинов раҳбарлигида учта номзодлик ишлари тайёрланди. У 100 дан ортик мақола ва 7 та ихтиро муаллифи. Ҳозирги вақтда целлюлоза, унинг эфирларини олиш, қоғоз ишлаб чиқариш технологияларининг маҳсулот сифатини ошириш ва



экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий изланишларга раҳбарлик қилмоқда.

Р. Сайфутдинов илмий ишлар билан бир қаторда ўқув-услубий ишларни ҳам самарали олиб борди. Унинг 30 дан ортик услубий кўрсатмалари, «Умумий ва аорганик кимё» фанидан дарслиги ва «Умумий ва аорганик кимё» фанидан маъруза

матнлари чоп этилган. «Умумий ва аорганик кимё» фанидан ёзилган дарслиги «Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи» кўригида фахрли учинчи ўринни эгаллаган.

Р. Сайфутдинов Тошкент кимё-технология институти ташкил этилгандан буён турли раҳбарлик лавозимларида самарали ишлади.

Масалан, 2003–2005 йилларда Ўқув ишлари проректори, 2005 йилдан ҳозиргача ўқув бўлими бошлиги вазифасида ишлаб келмоқда. Р. Сайфутдинов бевосита раҳбарлигида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган муҳим вазифаларни амалга ошириш ҳамда республикамиз ривожланишининг устувор йўналишлари бўлган кимё, озиқ-овқат, нефть ва газни қайта ишлаш, қурилиш материалларни ишлаб чиқиш соҳалари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида маълум ишлар амалга оширилди, жумладан, таянч олий ўқув юрти бўлган Тошкент кимё-технология институти бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бўйича янги давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари ишлаб чиқилди, янги бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очилди.



НЕЪМАТУЛЛА ИБРАГИМОВИЧ ҲАМИДОВ

Неъматулла Ибрагимович Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатини, хусусан, ёғ-мой саноати тармоғини ривожлантиришда катта ташкилотчилик ва жонбозлик кўрсатган мутахассислардан бири, техника фанлари доктори, ТКТИ «Саноат менежменти» кафедрасининг профессоридир. Н.И. Ҳамидов 1939 йили Наманганда туғилган. У 1956 йилда Тошкент политех-



ника институтига ўқишга кирди ва 1961 йилда «Ўсимлик ёғлари технологияси» мутахассислиги бўйича битириб, муҳандис-технолог димломини олди. Н.И. Ҳамидов 1961–1963 йилларда Каттақўрғон шаҳридаги ёғ-мой комбинатида технолог, муҳандис, бош бино бошлиғи, пахта ёғини қайта ишлаш заводи раҳбари лавозимларида ишлади. Айни вақтда у Каттақўрғон кечки Озиқ-овқат саноати техникумида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси, жиҳозлари ва қурилмалари, ёғлар кимёси фанларидан талабаларга маъруза ва амалий машғулотлар олиб борди, комбинатнинг жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Н.И. Ҳамидов 1963 йилда Учқўрғон шаҳридаги «Ёғ-экстракция» заводига бош муҳандис лавозимига тайинланди. 1965 йилдан бошлаб завод директори сифатида фаолият кўрсатди.

Н.И. Ҳамидов 1976–1977 йилларда Республика «Озиқ-овқат саноати» вазирлигининг «Ўзёғмойсаноат» бошқармасида бошлиқ ўринбосари – бош муҳандис вазифасида ишлаб, соҳа корхоналарининг техник-технологик даражасини оширишга

йўналтирилган янги техника ва технологияни жорий этиш ишларига бош-қош бўлди. У етук тажрибали мутахассис сифатида 1977 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат Режа Комиссияси озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати тармоқлари бўлимига бошлиқ этиб тайинланди ва бу лавозимда 1992 йилгача фаолият кўрсатди.

Н.И. Ҳамидов 1992–1997 йилларда «Ўзозик-овқатсаноат» концерни, кейинчалик республика «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси лавозимларида хизмат қилди.

1997–1999 йилларда у Ўзбекистон Республикаси «Макроиктисодстат» вазирлигида Агросаноат комплекси бўлим бошлиғи лавозимида ишлади.

1999 йилдан то шу кунга қадар ТКТИнинг «Саноат менежменти» кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

«Менежмент» мутахассислиги бўйича магистрантларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатиб келаяпти.

Унинг 70 дан ортиқ илмий ишлари, шу жумладан, 10 та брошюра ва монографиялари чоп этилган. Ёғ-мой саноати бўйича 3 та патентга эга. Илмий раҳбар сифатида 3 та фан номзодини тайёрлаган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари, аппаратлари ва технологиялари йўналишларида докторлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган махсус кенгаш раиси бўлиб ҳам фаолият кўрсатган.

У самарали меҳнатлари учун давлатимиз томонидан қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.



АБДУЛЛА АҲМЕДОВИЧ ИСМАТОВ (1940–2010)

Абдулла Аҳмедович Исмамов 1940 йили Тошкент шаҳрида туғилган.

У 1957 йили ўрта мактабни тамомлаб Тошкент политехника институтига ўқишга кирди ва 1962 йили институтнинг «Силикатлар технологияси» ихтисослигини битирди.

У 1964 йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Технология институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. 1968 йили «Стронций ва лантаноид оксидларини ўз ичига олган системаларни физик-кимёвий ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг тўрт йил давомида Ўз ФА «Умумий ва ноорганик кимё» институтида илмий ходим (1968–1969) ва Тошкент политехника институтида катта ўқитувчи (1969–1971) лавозимларида ишлади.

У 1971 йили Санкт-Петербург Технология институти докторантурасига ўқишга киради ва икки йил давомида докторлик диссертациясини ниҳоясига етказди ва «Ноорганик бирикмаларнинг баъзи бир синфларини олиш ва физик-кимёвий текшириш» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ёш олим ТошПИда 1973–1974 йиллар давомида катта ўқитувчи, 1974–1976 йиллари доцент ва 1976–1983 йилларда кафедра профессори лавозимларида ишлади. 1983 йили А.А. Исмамов «Боғловчи моддалар технологияси» кафедраси мудириликка танлов асосида сайланди.

1991 йили Тошкент кимё-технология институти ректорининг илмий ишлар бўйича муовини этиб тайинланди. Шу вақтнинг ўзида у «Боғловчи моддалар тех-



нологияси» кафедраси мудириликдан «Керамика ва шишалар технологияси» кафедраси мудириликка ўтказилди.

Профессор А.А. Исмамовнинг илмий қизиқиши кенг ва кўп қиррали. А.А. Исмамов т.ф.д. Д.У. Тўлаганов, к.ф.н. Ш.Ю. Азимов, т.ф.н. Ш.М. Абду-саттаров, т.ф.н. Т.Н. Ёқубов ва т.ф.н. Р.И. Аҳмедовлар билан биргаликда фосфат бирикмалар асосида 150 га

якин апатит, пирофосфат ва витлокитларнинг ҳосилаларини чуқур ўрганди.

1990–2005 йилларда А.А. Исмамов раҳбарлигида Д.У. Тўлаганов, М.Х. Орипова, З.А. Бобохановалар томонидан техника ва тиббиёт учун муҳим силикат ва қийин эрийдиган нометалл материалларнинг диаграмма ҳолатлари ўрганилган. Олинган маҳсулотлар тўқимачилик, кимё, силикат, тиббиёт соҳаларида синовлардан ўтказилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Чиқиндисиз технология, энерготехкорлигига асосланган ва паст ҳароратда эрувчи юқори самарадор таркибли шишалар яратиш бўйича А.А. Исмамов раҳбарлигида бажарилган ишлар таҳсинга лойиқ.

А.А. Исмамов ва унинг шогирдлари томонидан 600 та илмий мақола, 5 та дарслик ва ўқув қўлланмалари, 10 та илмий-оммабоп рисолалар чоп этилди ва 50 та муаллифлик гувоҳномалари олинди. 5 та монография босмадан чиқди. Кафедрада умуман 4 та докторлик (М.Ю. Юнусов, Р.И. Абдуллаева, Д.У. Тўлаганов, М.Х. Орипова) ва 30 та номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди.



У Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Россия, Венгрия, Болгария, Украина каби давлатларда ўтказилган илмий-техникавий ва илмий-назарий анжуманларда катор маърузалари билан иштирок этган. 1987 ва 1991 йилларда Д.И. Менделеев номи Россия кимё-технология университетида «Ўқитиш жараёнини ташкил қилиш ва такомиллаштириш» тематикаси бўйича малака ошириш курсларида билимларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилди.

А.А. Исмамов камтар, меҳнатсевар, ўз ишига талабчан, талабаларни тарбиялашда жонкуяр бўлиши билан бир қаторда вазирлик, институт, факультет ва кафедранинг жамоат ишларида фаол қатнашди. У 1975–1981 йиллар давомида Ўзбекистон талабалари илмий тадқиқот иши Республика Кенгаши раиси, 1976–1980 йиллари Ўзбекистон саноат қурилиш материаллари вазирлиги Илмий-техника шубаси раиси, 1981–1984 йиллар Тошкент политехника институти касаба уюшмаси раиси муовини

бўлди. А.А. Исмамов 1993 йилдан бошлаб Д.067.24.01- «Силикат ва кийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси» ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражаси берадиган Ихтисослашган кенгаш раиси, 1990 йилдан Ўзбекистон кимё журнали тахририяти аъзоси, институт «Фахрийлар Кенгаши», илмий ва илмий-услубий кенгашлари аъзоси бўлди.

Проф. А.А. Исмамовнинг илмий ва педагогик фаолиятлари юқори баҳоланди. У кўп марта Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Фахрий ёрликлари, «Ишдаги аъло ютуқлари учун» (1988 йил) ва «Олий таълим аълочилиси» (2000 йил) кўкрак нишонлари билан мукофотланган. У халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза (1984 йил) ва кумуш (1988 йил) медаллари соҳиби, 1999 йили «Шухрат» медали билан тақдирланди. Хўрматли педагог ва олим 2010 йилда вафот этди. Аммо унинг ишлари ва бой илмий мероси шогирдлари томонидан муносиб давом эттирилмоқда.

ФАРҲОД ҚУРБОНОВ (1937–2005)

Фарҳод Қурбонов 1937 йилда Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Низомий номи Тошкент педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг кимё-биология факультетига ўқишга кирди ва 1959 йил уни имтиёзли диплом билан татомлади. Меҳнат фаолиятини шу университетнинг умумий кимё кафедрасида ассистентликдан бошлади.

У 1961 йил Москва давлат педагогика институтига аспирантурага ўқишга юбо-



рилди ва металллар коррозиясига бағишланган мавзуда аспирантура муддати тугамасдан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ТДПУнинг ўзи ишлаган кафедрасига қайтиб катта ўқитувчи, 1994 йилдан доцент лавозимларида ишлади. 1965 йил Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетидаги Органик кимё кафедрасига доцент лавозимига ишга қабул қилинади.

Фарҳод Курбонув бу кафедрада педагогик фаолияти билан бирга докторлик диссертацияси устида илмий ишларини



олиб борди. Унинг докторлик диссертацияси ацетилен ҳосилалари асосида синтез килинган бирикмаларни металллар коррозиясига қарши ингибитор сифатида қўлланишга бағишланган эди. Диссертация ишини 1980 йилда яқунлаб Москвадаги Физик-кимё институтида докторлик ишини ҳимоя қилди ва кимё фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. 1981 йил ТошПИНинг умумий кимё кафедрасига мудир қилиб сайланди. 1982 йил профессор илмий унвонига сазовор бўлди. 1983–1987 йиллар ТошПИНинг Жиззах шаҳридаги филиалида директор лавозимида ишлади. 1987 йил ТошПИНинг физикавий кимё кафедрасига мудир қилиб тайинланди. Ушбу кафедрада фаолият кўрсатганда республикаимиз кимё-санот корхоналари чиқиндилари асосида металллар коррозиясига қарши ингибиторлар яратилди ва уларнинг физик-кимёвий асослари назарияси ва амалиёти муаммолари мукамал ўрганилди. Бу мавзуларда унинг раҳбарлигида бир неча фан номзодлари тайёрланди. Ёшларни илмга жалб қилиш мақсадида мамлакатимизда бу соҳада илк бора кафедрада доимий ишлайдиган илмий семинар ташкил қилинди.

Ф. Қурбонов «Электрокимёвий ишлаб чиқариш технологияси» йўналиши ва мутахассислиги бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрловчи «Электрокимёвий технология» кафедрасининг асосчисидир (2003 йилдан). У умрининг сўнгги дамларигача ушбу кафедранинг мудирини бўлиб фаоли-

ят кўрсатади. Проф. Ф. Қурбонов моҳир раҳбар эди. У ТошПИНинг Жиззах филиалида директор (1983–1987 йиллар) бўлиб ишлаганида барча кафедраларни замонавий жиҳозлашда жонбозлик кўрсатди, ишга етарли миқдорда юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинди. Қўпгина ёшларни Россия ва Украинанинг олий таълим муассасалари аспирантурасига ўқишга жўнатилди. Деярли барчаси фан номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди ва эндиликда филиалда фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Фарход Қурбонов кимёгар олим сифатида ноёб истеъдод соҳиби эди. У металллар коррозияси бўйича Марказий Осиёда ягона фан доктори бўлиб, ўз соҳасини чуқур биладиган олим саналарди. Олим олиб борган илмий ишлари натижасида 150 дан зиёд илмий мақолалар нашр эттирган. 50 дан зиёд муаллифлик гувоҳномаси ва патентларига эга. Олимнинг илмий маслаҳати билан 2 нафар фан доктори ва раҳбарлигида 10 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланган.

Фарход Қурбонов илмий ишларининг кўпчилигини бевосита ишлаб чиқаришда қўллашга эришган тадбиркор олимларимиздан бири эди. У киши Амир Темурнинг «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир» деган фикрига мос олим бўлганидан хотираларини ёдда тутиб фахрланамиз.



НАСРУЛЛО ПАТХУЛЛАЕВИЧ ИСМОИЛОВ

Насрулло Патхуллаевич Исмоилов 1935 йил Тошкентда туғилди. У мактабни 1955 йилда тугатиб, шу йили Ўрта Осиё политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди ва уни 1960 йил ноорганик моддалари технологияси мутахассислиги бўйича тугатди. Н.П. Исмоилов 1960 йилдан 1962 йилнинг ноябрь ойигача Ўзбекистон «Ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати»да катта муҳандис вазифасида ишлаган. 1962 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб 2013 йилгача, унинг илмий педагогик фаолияти ТошПИ ва Тошкент кимё-технология институти билан ҳаммаси боғлиқдир.



1962–1966 йилларда Н.П. Исмоилов «Физколоид кимё» кафедраси ассистенти, 1966–1970 йилларда аспирант, 1970 йилда «Анабазин ва лупинин алкалоидларини ион алмашилишининг физик-кимёвий усуллари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1971 йилдан 1993 йилгача «Физик кимё» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келган ва кимё-технология, тоғ-геология, нефть ва газ ҳамда муҳандис физика факультети талабаларига маъруза ва лаборатория машғулотларини олиб борган. Физик кимё фанидан янги лаборатория ишларини ташкил қилган. Талабаларнинг лаборатория машғулотларини олиб бориши учун услубий қўлланма яратишда фаол қатнашган.

Педагогик иш билан бир вақтда физик кимё кафедрасида камёб ва нодир металлларни ажратиш олишнинг экстракцион технологик усуллари бўйича катта ҳажмда

илмий тадқиқот ишларини амалга оширган. Н.П. Исмоилов 1992 йилда «Mo, W, Co, Si, Fe металлларининг диалкил фталат эфирлари билан экстракцияси ва уларни ажратиш» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги илмий кенгашда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Н.П. Исмоиловга 1993 йилда профессорлик

унвони берилди. 1994–96 йиллари «Аналитик кимё» ва «Аналитик ва ноорганик кимё» кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди. 1996 йилдан то 2005 йил декабрь ойигача янги ташкил қилинган «Камёб, тарқоқ ва нодир металллар технологияси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш кафедраси мудири бўлиб ишлади. Бу даврда кафедра ўқув жараёни, лаборатория базасини ташкил қилишда ҳамда камёб ва нодир металллар технология йўналишининг Давлат стандарти ва фан дастурларини ишлаб чиқиш учун катта меҳнат ва энергия сарфлади.

Унинг «Ноорганик материаллар кимёвий технологияси» (2001 йил), «Камёб, тарқоқ ва нодир металллар кимёвий технологияси» (2005 йил) каби дарсликлари чоп этилган.

Проф. Н.П. Исмоилов раҳбарлигида 6 та фан номзоди тайёрланди. Ҳозирги кунда улардан 5 нафари докторлик диссертациялари устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Н.П. Исмоилов камёб ва нодир металлларни гидрометаллургик жараёнларида экстракцион ва ион алмашилиш технологиялари, уларнинг конуниятлари, металлларни ажратиш, металлларни бойитиш, соф



ҳолатда олиш технологиялари бўйича илмий мактаб яратган олимдир.

У 170 дан ортиқ илмий мақолалар, авторлик гувоҳномалари муаллифи бўлиб, улар камёб ва нодир технология соҳаси мутахассислари учун асосий илм манбаидир.

Проф. Н.П. Исмоилов ТКТИ Илмий Кенгаш аъзоси, докторлик ва номзодлик

илмий даражаси бериш илмий кенгашининг илмий котиби (1996–2000 йиллар) ҳамда «Кимё ва кимё технологияси» журнали таҳрир хайъати аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келди.

Проф. Н.П. Исмоилов ҳозир ҳам институт ва факультетнинг жамоат ишларида ўз маслаҳатлари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

ДИЛМУРОД ЮСУПОВ (1946–2009)

Кимё фанлари доктори, профессор Дилмурод Юсупов, 1946 йил Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган.

Дилмурод Юсупов 1965 йилда Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кириб, 1970 йилда «Асосий органик ва нефть кимёвий синтез технологияси» ихтисослигини битирди. «Органик кимё» кафедрасининг кундузги аспирантурасига ўқишга кирди. 1973 йилда «Ацетиленни катализатор аммолиз қилиб монометилпирдинлар олиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг 1987 йилгача кафедрада лаборатория мудир, ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

1987 йилда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат нозик кимёвий технология Академиясида «Ацетилен бирикмаларини аммиак ва аминлар билан катализатор гетероцикллаш» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда унга профессор илмий унвони берилди. 1992 йилдан 2004 йилгача «Органик кимё» кафедрасига мудирлик қилди.



Д. Юсупов раҳбарлигида ва маслаҳатида 20 нафар фан номзодлари ва 4 нафар фан докторлари диссертация ҳимоя қилдилар.

Проф. Д.Юсупов 400 дан ортиқ илмий мақола, шу жумладан, 3 та монография, 2 та дарслик, 100 га яқин ихтиролар муаллифи. Унинг асосий ишлари, «Химическая промышленность» (Кимё саноати) (Москва); «Журнал аналитической химии» (Аналитик кимё

журнали) (Санкт-Петербург), «Химия гетероциклических соединений» каби қатор нуфузли журналларда босилиб чиққан.

Д. Юсупов раҳбарлигида олиб борилаётган илмий ишлар гетероген катализ, маҳаллий хом ашёлар асосида четдан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини боса оладиган, экспорт қилишга қаратилган маҳсулотлар олишнинг экологик тоза, ресурсларни тежайдиган технологияларини яратишга қаратилган. Кейинги йилларда проф. Д. Юсупов томонидан бажарилган 10 дан ортиқ илмий иш саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ацетилен ва аммиакдан пиридин асослари олиш (Новгород «Азот» ИЧБ); ацетилендан аце-



тон олиш, коррозия ингибитори олиш («Навоийазот» ОАЖ); этилацетат, ацетилен куруми ишлаб чиқариш. («Электрокимё» заводи, АЖКК); қуйқага қарши ингибитор ишлаб чиқариш (Қўконспирт ОАЖ), экологик тоза антидетонаторлар ишлаб чиқариш («Навоийазот» ОАЖ) ва Фаргона нефтни қайта ишлаш заводларида амалиётга жорий этилди.

Проф. Д. Юсупов Россия Фанлар академияси Сибирь бўлимидаги «Катализ», «Кимёвий кинетика ва ёниш институти»,

Санкт-Петербургдаги Технология институти, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат нозик кимёвий технология Академияси, А. Султонов номидаги Ўзбекистон Кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти, ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимё институти олимлари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борди.

Проф. Д.Юсупов 2009 йили вафот этди. Унинг номи шогирдлари қалбида мангу яшайди.

ЙЎЛДОШХОН ҚОДИРОВИЧ ҚОДИРОВ

Республикамызда ёғларни қайта ишлаш технологиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган олимларимиздан бири техника фанлари доктори, профессор Йўлдошхон Қодирович Қодировдир. У 1941 йили Фаргона вилояти Ўзбекистон туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. 1965 йилда институтни «Ёғлар технологияси» мутахассислиги бўйича битирди ва шу кафедрада стажёр-тадқиқотчи бўлиб иш бошлади. 1966 йили аспирантурага кирди ва 1969 йилда аспирантурани битиргач, «Ёғлар технологияси» кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. 1970 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1971 йилдан бошлаб кафедрада катта ўқитувчи, 1975 йилдан доцент лавозимида ишлаб, 1977 йилда доцент унвонини олди. 1977–1978 йилда Москва чет тиллар институтида 10 ойлик тезлаштирилган «Француз тили» курсини тамомлади ва 1978 йилдан 1982



йилгача Жазоирда хизмат сафарида бўлди. 1978–1982 йиллар давомида лаборатория машғулоти, курс ва диплом лойиҳаларини бажариш учун француз тилида 7 та услубий қўлланмаларни нашр қилди. Меҳнатда эришган юқори кўрсаткичлари учун 1981 йилда ЖХДР элчихонасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

И.Қ. Қодиров 1989–1993 йилларда «Ёғлар технологияси» кафедрасига мудир бўлди, 1994 йилда «Ўсимлик мойларини никель-мис катализаторларида гидрогенлаш технологиясини такомиллаштиришнинг илмий-техник асослари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. 1998 йилда профессор унвонига эга бўлди. 1995 йилдан яна «Ёғлар технологияси» кафедрасида мудир бўлиб ишлади.

Й.Қ. Қодиров мохир педагог ва услубий устоздир. Педагогик фаолиятида «Ёғ-мой корхоналарини лойиҳалаш асослари», «Ёғларни қайта ишлаш технологияси», «Ёғларни қайта ишлаш корхоналарининг



технологик ускуналари», «Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологиясининг назарий асослари», «Ёғларни рафинациялаш ва каталитик модификациялашнинг назарий асослари» фанларидан маърузалар ўқиди, лаборатория машғулотларини олиб борди. Битирув иши, курс лойиҳаларига, технологик ва битируволди амалиётларига раҳбарлик қилди. У 4 та ўқув қўлланма ва 26 та услубий қўлланмаларнинг муаллифидир.

Олим, малакали технологлар ва магистрлар тайёрлаш билан бир қаторда катта илмий ишлар олиб борди. Хусусан, ўсимлик мойларини гидрогенлаш учун никель-мис-алюмин қотишмаси асосида янги, юқори самарали катализаторлар, пахта ва рапс мойларини узлуксиз гидрогенлаш технологияси яратилди. Янги катализаторлар иштирокида пахта, рапс ва махсар мойларини гидрогенлаб маргарин ва совун ишлаб чиқариш учун хом ашё озиқавий ва техник саломаслар олинди. Ёғ ва мойларни гидрогенлаш, гидрогенлашга тайёрлаш ва махсар, соя мойларини рафинациялаш каби самарадор технологиялар ишлаб чиқилди. Бу тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш гидрогенлаш жараёнини 20–30 % га тезлаштиради, рапс мойини тозалашда чиқинди миқдорини 3–6 % га камайтиради, мой сифатини яхшилайдди. Пахта ва рапс мойларини гидрогенлаш, рапс мойини тозалаш технологияларини такомиллаштириш каби илмий тадқиқот ишлари натижа-

лари Тошкент, Фарғона ёғ-мой комбинатларида ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. «Эрук кислотасиз рапс мойини турғун катализаторлар иштирокида гидрогенлаш», «Ўсимлик мойлари мисцелласини турғун катализаторлар ёрдамида паст температурада гидрогенлаш» ва «Пахта мойини турғун катализаторлар иштирокида гидрогенлаш технологияси» каби илмий ишлар саноатга тавсия этилди. Нашр этилган ишларнинг 162 таси илмий мақола ва 20 таси муаллифлик гувоҳномасидир. Проф. Й.Қ. Қодиров раҳбарлигида 5 та фан номзодлари, 17 та магистрлар ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишган. Олим ҳозирги кунда 1 та докторант, 2 та аспирант, 2 та аспирант-тадқиқотчи, 3 та магистрантнинг илмий ишларига раҳбарлик қилмоқда.

У ўқув услубий, илмий тадқиқот ишларидан ташқари факультет ва институт жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Ётоқхонада тарбиявий ишлар бўйича декан муовини бўлиб ишлаган. Д. 015.40.01 Ихтисослашган кенгашнинг аъзоси ва Д. 067.24.03 Ихтисослашган кенгашнинг Илмий котиби бўлган. Факультет услубий кенгашини ва илмий семинарининг раиси бўлган.

Проф. Й.Қ. Қодиров 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган ва 2000 йилда унга ТКТИ-да «Хизмат кўрсатган профессор» фахрий унвони берилган.



АБДУВАҲОБ ИКРОМОВ

Абдуваҳоб Икромов 1948 йилда Жиззах вилоятида туғилган.

А. Икромов 1966 йил ўрта мактабни тугатиб, 1967 йил Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. 1972–79 йилларда Органик кимё кафедрасида катта лаборант, сўнгра лаборатория мудири лавозимларида фаолият кўрсатди.



А. Икромов 1979 йил «Пиридин асосларининг ацетиленли ва карбонилли бирикмалар асосида синтези» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди.

1979–1981 йилларда Органик кимё кафедрасида катта илмий ходим, 1981–1983 йилларда Умумий кимё кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. 1983–1987 йилларда Тошкент политехника институтининг Жиззах шаҳридаги филиалида кафедра мудири сифатида фаолият юритди.

1987–1998 йилларда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетнинг «Умумий кимё» кафедрасида доцент лавозимида ишлади. У 1998 йил «Карбонилли бирикмалар ва ацетиленнинг аммиак билан гетероген катализик реакциялари асосида пиридин асосларининг синтези ва технологияси» мавзусида техника фанлари бўйича докторлик диссертациясини ЎЗР ФАнинг «Ўсимлик моддалари кимёси» институти қошидаги ихтисослаштирилган кенгашда химоя қилди. 2001 йили профессор илмий унвонига эга бўлди.

1998–2000 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази таркибидаги Аттестация бошқармасида бош эксперт бўлди.

2000–2005 йиллар Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти (2004 йил 20 июлдан Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти) да ректор лавозимида ишлади. Унинг раҳбарлигида институтда «Инновацион технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш маркази» ташкил қилинган ва респуб-

ликада биринчи марта 20 дан зиёд патентланган электрон китоблар ишлаб чиқилиб, УМКХТ муассасаларига тарқатилди.

У моҳир ташкилотчи ва тадбиркор раҳбардир. У ректор бўлиб ишлаган даврда УМКХТРИ моддий техника базаси тубдан янгиланди. Институтнинг ўқув бинолари ва ётоқхонаси тўла таъмирдан чиқарилишида тинмай ишлади ва институтни халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирди.

Институтда кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берди. Ихтисослаштирилган кенгашда у ишлаган муддатда 3 нафар фан доктори ва йигирмадан зиёд фан номзодлари тайёрланди. 10 дан зиёд фан доктори ва 30 дан зиёд фан номзодлари ишга жалб қилинди.

А. Икромовнинг республикамиз таълимини халқаро даражада амалга оширишда ўз ўрни бор. У 2002–2004 йилларда Инвент халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда Германия гранти ҳисобига 4 йўналиш (информацион технология, автомобиль, сантехника, металлларга ишлов бериш) бўйича 72 нафар махсус фан ўқитувчилари Германиянинг нуфузли 4 та Халқаро малака ошириш институтларида 6 ойлик малака оширишини рўёбга чиқарди.



Проф. А. Икромов мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида халқаро анжуманларда (Германия, Швеция, Италия, Япония, Белоруссия, Россия, Қозоғистон) ватанпарварлик руҳи йўғрилган маърузалари билан қатнашди. Бундан ташқари, ватандошларимизни чет эл таълим тизимлари билан таништириш мақсадида «Образование в Швеции», «Германия таълим тизими» сингари рисоалар чоп этди.

Европа таълим фонди (ЕТФ) Форуми маслаҳатчиси (2001–2005 йиллар) сифатида ЕТФнинг раислари (аввалгиси ва кейин тайинланган раҳбари ҳам) ва экспертлари иштирокида маҳаллий экспертлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида «Инвестицион лойиҳалар координацион советини ташкил қилиш» (2002 йил), «Касб-хунар таълими йўналиши бакалаврлари тайёрлашдаги муаммолар» (2003 йил) ва «УМКХТ тайёрлов йўналишлар классификаторини, халқаро даражадаги муҳокамаси» (2004 йил) мавзуларида халқаро семинарлар ташкил қилди.

2005 йилнинг сентябридан Тошкент кимё-технология институтининг «Органик кимё» кафедрасида профессор, 2006–2012 йилларда институтда илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича ректор муовини лавозимида ишлади.

Тошкент кимё-технология институти қошидаги Д 067.24.04-рақамли ихтисослаштирилган кенгаш аъзоси ҳисобланади ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти қошидаги

К.067.68.01-рақамли ихтисослаштирилган кенгаш раиси муовини бўлди. У илмий тадқиқот ишларини экспертиза қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, «Касб-хунар таълими» журналининг муҳаррир ўринбосари лавозимида ҳам фаолият юритган.

УМКХТ муассасалари раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича Давлат талабларини ишлаб чиқишда илмий раҳбарлик қилган. Проф. А. Икромовнинг 150 дан зиёд илмий ишлари, жумладан, 11 та муаллифлик гувоҳнома ва патенти, 7 та дарслиги, 20 га яқин методик қўлланмалари нашр қилинган. Халқаро миқёсдаги ва республикада ўтказилган симпозиумлар, конференцияларнинг фаол иштирокчиси ва ташкилотчиси. Унинг раҳбарлигида 2 нафар фан номзоди тайёрланган ва 2 нафар тадқиқотчи номзодлик ишларини яқунламоқда. Профессор А. Икромов республикада кимё саноати муаммолари билан жадал иш бошлади. У ҳозир С.М. Туробжонов билан ҳамкорликда «Навоийазот» ОАЖ билан хўжалик шартномаси асосида катализаторларни янги маҳаллий хом ашё асосидаги вариантларини яратиш устида илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Проф. А. Икромов маҳалладаги оилаларнинг тарбиявий ишларида фаол қатнашади. У турли мавзуларда ҳам қалам тебратиб туради. Унинг «Сени дерман» шеърый тўплами ва ёшлар учун ёзилган «Қирқ бир насиҳат» китоблари нашр этилган.



АСФАНДИЁР БАҲОДИРОВИЧ АЛОВИТДИНОВ (1939–2012)

Асфандиёр Баҳодирович Аловитдинов 1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1962 йил Тошкент фармацевтика институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1966 йили Д.И. Менделеев номи Москва кимё-технология институти аспирантурасини битириб, у ерда номзодлик диссертациясини ёқлаган.



саноат оқава сувларидан танлаб тутиб олишга асосланган.

А. Аловитдинов раҳбарлик қилаётган илмий гуруҳ «Комплексонлар» илмий йўналишини бошқарди. У 250 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи бўлиб, уларнинг 22 таси дарслик ва ўқув қўлланмалари, 15 таси муаллифлик гувоҳномаси, 4 таси Республика патентларидан иборат.

1966–67 йиллари илмий фаолиятини Тошкент «Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси» институтида давом эттирди. 1967 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетидаги «Органик кимё» кафедрасида аввал катта ўқитувчи, сўнг доцент бўлиб ишлади.

1981 йили Д.И. Менделеев номи Москва кимё-технология институтида докторлик диссертациясини ёқлади. 1982 йилдан бошлаб ТошПИНинг, 1991 йилдан Тошкент кимё-технология институтининг «Органик кимё» кафедрасида профессор лавозимида ишлади.

1986 йили А. Аловитдинов ТошПИНинг Навоий шаҳар филиалига директор этиб тайинланди. Ижтимоий фаоллиги учун Навоий шаҳар халқ депутатлари Кенгашига аъзо қилиб сайланди.

Унинг илмий ишлари халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятли фосфор ва азот сақловчи ионалмашғич смолалар ва комплексонлар синтези ва уларнинг қонуниятларини аниқлашга бағишланган. Илмий ишларининг натижалари Хўжанд тоғ-металлургия комбинатида татбиқ қилинган. Улар поливалент-металларни

Унинг «Органик кимёдан кичик практикум» (1979), «Полимерлар кимёси» (1981), «Физик катталикларнинг Халқаро бирликлар системаси» (1983), «Органик кимёдан саволлар, масала ва машқлар» (1990), «Умумий кимё. Бошланғич асослар» (1995), «Умумий кимё. Элементлар кимёси» (1997), «Органик кимё. Синов ва имтиҳонлар учун тест саволлари» (1995, I ва II қисмлар), «Органик кимёдан амалий машғулотлар» (1997), «Умумий ва органик кимёдан масалалар ечими» (2003), «Қизиқарли кимё» (2005), лотин алифбосида «Органик кимё» (2005) дарслиги ва ўқув қўлланмалари талабаларнинг кундалиқ ўқув дастурларига айланиб қолган. Унинг илмий раҳбарлигида 15 нафар шогирдлари номзодлик, 2 нафар шогирди докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади. Яна 3 нафар шогирдлари докторлик диссертацияларини яқунлаш арафасида.

А. Аловитдинов атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ечимини излаётган олимлардан ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида Чирчиқдаги «Капролактама» заводининг ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилардан импорт ўрнини бо-



сувчи қимматбаҳо комплексонлар синтез қилиниб, бу ишлари учун ресиубликанинг 2 та патентини олишга муяссар бўлган.

А. Аловитдиновнинг илм-фандаги ютуқлари турли мамлакатларда ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда кўплаб баён этилган. У икки ихтисослашган Илмий Кенгаш аъзоси, фаол жамоатчи эди. Ўзининг салкам 40 йиллик илмий-педагогик фаолияти даврида олий ўқув юртининг масъул раҳбарлик лавозимларида ишлади.

А. Аловитдинов кимёгар бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон тарихи, адабиёти ва миллий қадриятларини яхши ўрганган ва уни асосли тарғибот қиладиган шахс сифатида кўплаб ўткир бадий-публицистик мақолалари билан республика газеталарида қатнашиб турди.

Олим Республика Атамашунослик комиссияси кимё шуъбасининг аъзоси эди. У Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссиясига раис, Миробод туман топонимика комиссиясида раис муовини бўлиб ишлади.

1998 йили Тошкент кимё-технология институтининг илмий кенгаши А.Б. Аловитдиновни «Хизмат кўрсатган профессор» даражасига кўтарди. У 1999 йилда Республиканинг «Энг яхши дарслик» конкурсида иккинчи даражали дипломга эга бўлди.

А. Аловитдиновнинг олий таълимдаги кўп йиллик фаолияти, ишчанлиги, ҳалоллиги, илмий-услубий ишлардаги улкан тажрибасини инобатга олиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти «Стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар» бўлимига мудир қилиб тайинланди.

А. Аловитдинов Олий таълим соҳасидаги улкан хизматлари учун 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Профессор А.Б. Аловитдинов 2012 йилда оламдан ўтди. Аммо унинг илмий изланишларини шогирдлари муносиб давом эттирмоқдалар.

МАСТУРА ҲИКМАТОВНА АРИПОВА

Мастура Ҳикматовна Арипова 1957 йилда Тошкентда туғилган. У 1980 йилда Тошкент политехника институтини тугатган. 1982–86 йилларда мазкур институтнинг «Богловчи материаллар технологияси» кафедрасида лаборант вазифасида ишлаган. 1986–1989 йилларда аспирантурада таҳсил олган. 1990 йилда «Фторпатит – каолинит – кварц системаси асосида тезлатилган усулда пишириш учун мўлжалланган кошинлар таркибини яратиш» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган. 1990–1992



йилларда «Силикат» илмий тадқиқот лабораториясида катта илмий ходим лавозимида ишлаган. 1995 йилда Тошкент кимё-технология институти докторантурасига кириб, уни 1998 йилда тугатган. 1998 йилдан бошлаб «Силикат материаллар технологияси» кафедрасида катта ўқитувчи ва етакчи илмий ходим, 1999–2005 йилларда доцент лавозимида фаолият кўрсатган.

2005 йилда Тошкент кимё-технология институти қошидаги Д 067.24.01 Ихтисослашган кенгашда 05.17.11 - «Силикат, қийин эрувчи ва но-



металл моддалар технологияси» ихтисослиги «Магний ортофосфати, фторapatит ва анортит асосида биоситаллар назарий ва технологик асослари» мавзусида техника фанлари доктори илмий даражасини олиши учун диссертация ишини химоя қилган, 2006 йилдан кафедра профессори, 2010 йилдан бошлаб «Силикат материаллар технологияси» кафедраси мудир лавозимида ишлаб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида у 10 дан ортиқ маъруза матни, 50 та услубий қўлланма, 100 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этган. Ҳозирда ушбу адабиётлардан олий таълим тизимида ўқув қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда.

М.Ҳ. Арипова илмий фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирмоқда. Унинг раҳбарлигида 2 та номзодлик, 1 та докторлик, ўнлаб магистрлик ва бакалаврлик ишлари тайёрланган ва тайёрланмоқда.

1997 йилдан бошлаб Давлатнинг илмий-техникавий дастурларида иштирок этиб келмоқда.

Проф. М.Ҳ. Арипова бир неча хорижий Испания, Франция, Германия, Россия, Қозоғистон каби мамлакатларнинг халқаро илмий анжуманларида иштирок этган.

2010 йили «Шухрат» медали билан мукофотланган. 2011 йилда Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Тошкент кимё-технология институти илмий кенгаши, илмий-услубий кенгаши, «Ноорганик моддалар технологияси» факультети илмий-услубий кенгаши аъзоси ва «Олима аёллар» уюшмаси раиси, Тошкент кимё-технология институти Т.08.01 рақамли Илмий Кенгаш аъзоси.

М.Ҳ. Арипова 5522400-кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) бакалавр йўналиши, 5А320404-Қурилиш материаллар кимёвий технологияси магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандарти ва махсус ўқитиладиган фанлар бўйича намунавий, ишчи ўқув дастурлари ва тест рейтинг саволларини тайёрлашда фаол иштирок этади.

Шу билан бирга у бошчилигида республикамиздаги бир неча соҳа корхоналарининг муаммолари ижобий ҳал қилиниб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Тошкент шаҳридаги «Асл Ойна» АЖ, «Мед Глаз» АЖ, «Art Gloss Category» МЧЖ, Самарқанддаги «Асл Нафис» чинни корхонаси шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, проф. М.Ҳ. Арипова томонидан биомослашувчан материал синтез қилиниб, суяк нуқсонлари мавжуд бўлган беморларни даволашда Тошкент тиббиёт академияси олимлари билан биргаликда илмий изланишлар олиб борилган ва амалиётга татбиқ қилинган, яъни касалланган суяк ўрнини сунъий биомослашувчан материал билан алмаштирилиб ижобий натижаларга эришилган.

М.Ҳ. Арипова меҳнат фаолияти давомида ўзининг дунёқараши кенг, юқори, маданиятли ва етук мутахассис ҳисобланади. У иш давомида ўзига талабчанлиги, ҳалоллиги, ўта камтаринлиги, шунингдек, принципааллиги билан ажралиб туради. Агрофдаги ҳамкасблари, талабалар билан бўладиган ўзаро мулоқотларда беғаразлик, талабчанлик каби инсоний сифатлари билан яхши таассурот қолдиради. Шу тўғрисида институт раҳбарияти, ходимлари ва талабалари олдида ўз хурмат ва нуфузига эгадир.



АҲМАДЖОН СОБИРЖОНОВИЧ ИБОДУЛЛАЕВ

Аҳмаджон Собиржонович Ибодуллаев 1957 йили Хоразмда туғилган. У 1976 йили ўрта мактабни тугатиб, Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. 1981 йилда «Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси» кафедрасининг резина технологияси йўналишини тугатди. Унинг бажарган битирув илмий диплом иши институтлар ичида иккинчи ўринни олган. Натижада у аспирантурага тавсия этилиб, 1988 йилда «Модификация қилинган теҳуродлар билан тўлдирилган эластомер композицияларини яратиш ва оптималлаш» мавзусида 02.00.16-композицион материаллар кимёси ва технологияси ихтисослиги бўйича номзодлик ва 2005 йилда эса «Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёларни қўллаб эластомер композициялар ишлаб чиқариш технологияси илмий асосини яратиш» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

А.С. Ибодуллаев полимерлар ва эластомерлар асосида композицион материаллар олиш технологияси соҳасида кўзга кўринган олим. Унинг илмий ишлари қаттиқ жисмлар механо-кимёсининг илмий асосларини ишлаб чиқишга, аорганик ва органик моддалар асосида полимер ва эластомер композицион материаллар яратишга, моддаларнинг радиоактив, магнит, электр, ишқаланиш, тебраниш қувватини ютиш, мустаҳкамлигини ошириш, энергия ва ресурсларни тежовчи ва чиқиндисиз технологияларини яратишга бағишланган.

А.С. Ибодуллаев маҳаллий минерал ва иккиламчи хом ашёларни (бентонит, волластонит, тальк, базальт, каолин, фосфогипс ва ҳ.к.) физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиб, полимер ва эластомер материал-



лар олиш таркиби асосларини ишлаб чиққан. Яратилган илмий концепциялар асосида минерал ва иккиламчи хом ашёни кимёвий ва механик фаоллаштириш, композицион материаллар хусусиятларини ўрганишнинг янги усулларини таклиф қилган. Полимер ва эластомер материаллари ва маҳаллий хом ашёлардан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан машинасозликда, кимё-нефть-газ саноати ма-

шина аппаратларида, қурилишда, кабель, резина-техника ва шина ишлаб чиқаришда ва антифрикцион ейилишга бардошли буюмлар олишда ишлатилувчи композициялар яратган ва ишлаб чиқаришга тақдим қилган.

Унинг раҳбарлиги остида 5 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган ва ҳозирги кунда 3 та докторлик диссертацияси тайёрланмоқда. У 150 дан ортиқ илмий мақолалар, 7 та ихтиро, 1 та илмий рисола, 1 та дарслик ва 50 дан ортиқ ўқув қўлланмалар муаллифидир.

А.С. Ибодуллаев 1981 йилдан бошлаб ТашПИ нинг Ангрен филиалида кафедра мудири, ТКТИ Ангрен филиали декани, ТКТИ докторанти, ТДТУ қошидаги «Фан ва тараккиёт»ДУКда лаборатория мудири, бош илмий котиб, ТКТИ магистратура бўлими бошлиғи, «Менежмент ва касб таълими» факультети, «Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси» факультети декани бўлди. У талабаларнинг талабчан мураббийси, магистр ва ёш илмий ходимлар устози, профессор-ўқитувчиларнинг фидойи раҳбари. Олим ҳозирги кунда институт профессори, махсуслаштирилган илмий кенгаш котиби сифатида фаолият юритиб келяпти.



АСҚАР АРТИҚОВИЧ АРТИҚОВ

Асқар Артиқов 1944 йилда Паркентда туғилди. Ёшлигидан у ўзининг ташкилотчилиги, серғайратлиги, илмий салоҳияти билан кўпчиликнинг ҳурматиға сазовор бўлди. А. Артиқов Паркентдаги 22-ўрта мактабни битириб, 1961 йилдан ТАПОиЧда слесарь бўлиб ишлаган, 1962–67 йилларда ТошПИДа Давлат олий стипендиясини олиб ўқиган, сўнгра аспирантурада ўқишни давом эттирди. 1970 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, кафедранинг катта ўқитувчиси сифатида ишлай бошлаган. 1974 йили доцент илмий унвонини олган.



У Бухоро технология институтида, ТошПИДа, ТКТИда кафедралар, факультетлар ва илмий мактаблар ташкил қилишда фаоллик кўрсатди. Шогирдларидан 6 таси фан доктори ва 30 дан ортиғи фан номзодларидир. У ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ва ихтиролар муаллифи ҳисобланади. 1970 йилда фан номзоди, 1984 йилда фан доктори, кейинги йил профессор ва 1997 йилда ТКТИда хизмат кўрсатган профессор унвонини олган.

А. Артиқов 1979 йили Бухорода озик-овқат ва енгил саноат технологияси институти очилиши муносабати билан мазкур институтда ўқув-услугий, илмий-услугий ва илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйишда кўмаклашиш учун ёрдамға борди. У кафедра мудирини ва факультет декани лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Институтда янги кафедра, янги лабораториялар ва янги факультетлар ташкил қилди; янги йўналишдаги илмий мактабни шакллантирди. Фан докторлари ва фан номзодларини тайёрлади.

1988 йилда ТошПИДа проректор лавозимида ишлади ва янги «Озик-овқат технологияси» факультетининг шаклланишиға ўз хиссасини қўшди.

А.А. Артиқов 1991–1996 йилларда Тошкент кимё-технология институтида кафедра мудирини сифатида самарали меҳнат қилди. У институтда «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедрасини қайтадан ташкил этди, қисқа давр ичида лабораториялар ташкил қилинди, ўқув-услугий қўлланмалар тайёрланди, докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди, ишлаб чиқариш корхоналари билан катта шартномалар тузилди.

Кейинчалик ёғ-мой саноатида дистилляторнинг янги турлари таклиф қилинди ва Бухоро корхонасида жорий қилинди. Ҳозирги вақтда ўн баробар яхши ишлайдиган дезодораторлар ва ректификация қурилмалари таклиф қилинмоқда. 1982 йилда суюқликларнинг қайнашида учинчи кризис ҳолати у томондан топилди. Натижада буғлатгичларнинг иш унумдорлигини бир неча баробар кучайтириш мумкин бўлди. Янги аппаратлар таклиф қилинди ва ишлаб чиқаришға жорий қилинди. Ёғли маҳсулотларнинг нам ва иссиқлик ишловини ўрганиш фанда янгилик очилишиға сабаб бўлди, хужайралар деворлари инфрақизил нурнинг таъсирида биокимёвий ўзгариш натижасида бузилиши аниқланди. 1981 йилдан бошланган изланишлар 72°C да ишлайдиган (110–120°C ўрниға) чигит мағзини қовуриш қурилмаларини шакллантириш имкониятини берди. Иссиқлик энергияси берилишини 500 марта қўпайтириш имконияти топилди. Ёғ ва

ториялар ташкил қилинди, ўқув-услугий қўлланмалар тайёрланди, докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди, ишлаб чиқариш корхоналари билан катта шартномалар тузилди.

Кейинчалик ёғ-мой саноатида дистилляторнинг янги турлари таклиф қилинди ва Бухоро корхонасида жорий қилинди. Ҳозирги вақтда ўн баробар яхши ишлайдиган дезодораторлар ва ректификация қурилмалари таклиф қилинмоқда. 1982 йилда суюқликларнинг қайнашида учинчи кризис ҳолати у томондан топилди. Натижада буғлатгичларнинг иш унумдорлигини бир неча баробар кучайтириш мумкин бўлди. Янги аппаратлар таклиф қилинди ва ишлаб чиқаришға жорий қилинди. Ёғли маҳсулотларнинг нам ва иссиқлик ишловини ўрганиш фанда янгилик очилишиға сабаб бўлди, хужайралар деворлари инфрақизил нурнинг таъсирида биокимёвий ўзгариш натижасида бузилиши аниқланди. 1981 йилдан бошланган изланишлар 72°C да ишлайдиган (110–120°C ўрниға) чигит мағзини қовуриш қурилмаларини шакллантириш имкониятини берди. Иссиқлик энергияси берилишини 500 марта қўпайтириш имконияти топилди. Ёғ ва



кунжара сифатининг яхшиланиши ҳамда энергия тежамкорлиги сабабли жуда катта иктисодий самара олинди кўрсатилди. «Биоиссиқликмоддаалмашинув» илмий йўналиши шакллантирилди.

У 1997–2001 йиллар давомида «Озиковкат технологияси» факультетининг декани лавозимида самарали меҳнат қилди. 2001 йилда «Менежмент ва саноат экологияси» факультетини шакллантирди. 2002 йилдан буён эса «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедрасининг профессори лавозимида унумли меҳнат қилиб келмоқда.

Проф. А. Артиқов шогирдлари билан илмий ишлар олиб борапти.

У ташкил қилган илмий мактаблар Бухоро, Самарқанд, Андижон ва Тошкентда фаол изланишлар олиб бормоқда. А. Артиқовнинг илмий изланишлари натижасида ёғ-мой саноатига янги технология, унумдорлиги беш марта кўп дистилляторлар, чучитилган пахта мойи чиқарувчи арзон нархдаги дезодоратор, чигит мағзини қовурувчи аппарат яратилди. Нон саноатига экологик тоза, энергия тежамлик электр тандирлар таклиф қилинди. Унинг таклифи асосида жорий қилинган уч поғоналик дистилляция қурилмаси С. Петербургда чоп қилинган «Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров» қўлланмасига киритилиб, 70 дан ортиқ корхоналарга жорий қилинган.

Унинг раҳбарлигидаги илмий изланишлар фаннинг кўп томонлама ривожланишига асос бўлди:

Фундаментал – технологик жараёнларни кўп поғонали анализ, компьютерда моделлаштириш ва синтез қилиш назарий асослари шакллантирилди; янги «Биоиссиқликмоддаалмашинув» илмий йўналишига асос солинди;

Услубий – технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштиришнинг янги кўп поғонали услуби таклиф қилинди.

Амалий – жуда катта унумдорликка эга бўлган янги аппаратлар авлодлари шакллантирилди.

1968 йилда у таклиф қилган икки қарали олд дистиллаш кейинчалик ўсимлик мойларини уч поғоналик дистиллаш қурилмаси ёғ-мой саноатида 70 дан ортиқ корхоналарда жорий этилди. Шогирдлари билан бажарилган ишлар, янги йўналиш ва қурилмалар (жумладан, электр тандир) ташкил этиш имкониятини берди.

Проф. А. Артиқовнинг илмий йўналишлари бўйича республиканинг бир нечта грантлари асосида ишлар бажарилди, ҳозирги вақтда у олиб бораётган йўналиш асосида институт Европанинг ТЕМПУС гранти бўйича «Табиий фанлар ва кимёвий технологияда компьютер услублари» мутахассислигининг илмий-услубий ишланмаларини ва янги турдаги мутахассислар тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.



РАЪНО АГЗАМОВНА НАЗИРОВА

Республикамизда ион-алмаштиргич полимерларини синтез қилиш, тадқиқ қилиш, саноат тармоқларида қўллаш, технологиясини ишлаб чиқиш ва бўйналишни ривожлантиришга катта хисса қўшиб келаётган олималаримиздан бири техника фанлари доктори, Тошкент кимё-технология институти «Аналитик физикавий ва коллоид кимё» кафедраси профессори Назирова Раъно Агзамовна 1940 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1963 йили Тошкент политехника институтини тугатиб, муҳандис-технолог дипломини олди ва «Органик кимё» кафедраси аспирантурасига таклиф этилди.



асосида термокимёвий таъсирларга бардош ва баъзи металл ионларига сорбцион танловчанликка эга бўлган янги ион-алмаштиргич полимерлари синтез қилинди ва амалиётга тадқиқ қилинди.

Олима раҳбарлигида 7 та аспирант ва тадқиқотчи номзодлик диссертация ишларини ҳимоя қилганлар.

Р.А. Назированинг 130 дан ортиқ илмий мақоласи чоп этилган. Буларнинг 22

таси муаллифлик гувоҳномаларидир.

Р.А. Назирова ҳозирги кунда ҳам фуран бирикмалари асосида ион-алмаштиргич полимерларини синтез қилиш, уларни қўллашнинг аниқ объектларини излаш борасида бир қатор илмий ишларга раҳбарлик қилмоқда.

Проф. Р.А. Назирова 1976 йилдан 1983 йилгача кимё-технология факультетининг сиртки бўлимида декан лавозимида ишлади. 1978 йилдан «Аналитик кимё» кафедрасида доцент, 1996 йилдан «Аналитик кимё ва нодир металллар технологияси» ва 2000 йиллар бошларидан эса «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедрасида ишлаб келмоқда.

Р.А. Назирова кимё-технология ва озиқ-овқат технологияси йўналишларида таҳсил олувчи талабаларга юқори ва замонавий савияда маъруза ва лаборатория машғулотларини олиб боради.

Р.А. Назирова кўп йиллик меҳнат фаолиятида илмий-услубий, илмий-назарий ва техникавий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашиб келади. У институт жамоат ишларида иштирок этади. Олима ўз устида мунтазам ишлайди. Шу сабабли ҳам кафедра ходимлари орасида катта эътибор ва ҳурматга эгадир.

1966 йили «Фурфурол асосида ион-алмаштиргич полимерларини синтез қилиш ва уларни қўллаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва «Полимерлар муаммоси» лабораториясида катта муҳандис лавозимида иш бошлади. 1967 йилдан 1978 йилгача катта илмий ходим лавозимида фаолият юритди.

1995 йили «Фуран бирикмалари асосида ион-алмаштиргич материалларини олиш усулини ишлаб чиқиш, уларни тадқиқ қилиш ва қўллаш» мавзусида техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ишини ҳимоя қилди.

Р.А. Назирова «Полимерлар муаммоси» лабораториясида ишлаш билан бирга бир гуруҳ ходимларга илмий раҳбарлик қилди. У фуран асосида янги ион-алмаштиргич полимерларини синтез қилиш ва уларни тадқиқ қилиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борди. Унинг раҳбарлигида ва иштирокида фурфурол



ПЎЛАТ ҲАМИДОВИЧ МАНСУРОВ (1939–2011)

Пўлат Ҳамидович Мансуров 1939 йили Тошкентда туғилган. 1956 йили Ўрта Осиё политехника институтига ўқишга кириб, «Пластмассалар технологияси» мутахассислигини битади. 1961–63 йилларда ушбу институтда муҳандис, 1963–66 йилларда аспирант, 1966–68 йилларда катта ўқитувчи, 1968–1989 йилларда ТошПИНинг физик кимё кафедрасида доцент ва 1989–93 йилларда шу кафедрада профессор бўлиб хизмат қилди.

1982–1983 йилларда Москвадаги Морес Торез номли Давлат педагогика институтида француз тилидан таҳсил олди.

1984 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини, 1987 йилда эса профессор илмий унвонини олди.

1985–1988 йилларда Жазоир Миллий энгил саноат институтида физик, коллоид, органик кимё кафедрасида мудар бўлиб ишлади, француз тилида илмий-услубий ишлар эълон қилди.

1993–1995 йилларда Тошкент кимё-технология институти ноорганик моддалар технологияси факультети декани ва кафедра мудири бўлиб ишлади.

1995 йилдан умрининг охиригача ноорганик моддалар ва электрокимёвий ишлаб чиқариш технологияси кафедрасида профессор бўлиб ишлаб келган.

П.Ҳ. Мансуров ўз иш фаолиятида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этишда ва талабалар билимини рейтинг усулида баҳолаш бўйича услубий қўлланмалар яратишга ўз хиссасини қўшиб келган. У 80 дан ортиқ ил-



мий мақолалар, методик қўлланмалар ва брошюралар эълон қилган, 5 та фан номзоди етиштирди. Аспирант ва стажерларга раҳбарлик қилди. У Ўзбекистон Фан ва техника Давлат Комитети ва Олий Аттестация Комиссияларининг эксперт аъзоси эди.

П.Ҳ. Мансуров мактаб ўқувчиларига Д.И. Менделеев даврий қонуни ва системасининг мазмун моҳияти тушунарли бўлиши учун кўп бош қотирди. У таклиф

қилган даврий жадвал айланма шаклда бўлиб, ўзига хос тузилишга эга. Ушбу жадвал марказида еттита айланма бўлиб, булар элементлар даврини, бошқача айтганда, орбиталар сонини англатади. 4 даврдан бошлаб айланалар ичида яна айланалар чизилган. Айланаларга гуруҳча элементлари жойлаштирилган. Шундай қилиб, айланалар сони 10 системадан иборат эди.

Марказдан ҳисоблаганда, биринчи айланма – водород ва гелий орбитаси; иккинчи айланма – литий, бериллий, бўр, углевод, азот, кислород, фтор, неон орбитаси; учинчи айланма – натрий, магний, алюминий, кремний, фосфор, олтингугурт, хлор, аргон орбитаси; тўртинчи айланма – калий, кальций, скандий, титан, ванадий, хром, марганец, темир, кобальт, никель орбитаси; бешинчи айланма – мис, рух ва бошқа шу кабилар.

Марказга яқин жойлашган элементлар анча содда элемент, марказдан узоқда жойлашганлари мураккаброқ бўлиб бораверади. Етти давр ва ўн айланалар туркумидан иборат айланма система тўққиз секторга бўлинган. Ҳар қайси сектор элементлар группасини белгилайди. Маълумки, груп-



палар асосий ҳамда ёнаки бўлади. Асосий группача элементлари секторда чапроқ томонга ва ёнаки группача элементлари эса ўнгроққа жойлаштирилган. Группаларнинг рақамланиши соат стрелкаси бўйича ошиб боради.

Нолинчи секторга гелий, неон, аргон, криптон, ксенон, радон жойланган. Биринчи сектордан водород, литий, натрий, калий, мис, рубидий, кумуш, цезий, олтин, франций жой олган. Иккинчи секторда эса бериллий, магний, кальций ва бошқалар жойлаштирилган. Тўққизинчи секторда темир, кобальт, никель рутений, родий, палладий, осмий, иридий, платина бор.

Менделеев элементлар даврий системасининг янги вариантыда ҳамма элементлар бир-бири билан боглиқ ҳолда кетма-кет

жойлаштирилган. Учинчи группага тегишли лантенидлар ва актинидлар биргина секторга ўрнаштирилган.

Муаллиф ва кимё олимларининг фикрича элементлар даврий системасининг янги варианты мактаб ва ўқув юртларида дарс бераётган кимё ўқитувчиларига анча осонлик туғдиради. Элементларнинг хоссаларини ўқувчиларга тушунтиришда методик жиҳатдан қулайлик яратилади.

Ўзбек олимлари ичида биринчи бор қўл урилган ушбу мунозарали таклиф ўз вақтида кимёгар олим ва педагоглар, чет эллик тадқиқотчилар орасида анчагина шов-шувларга сабаб бўлган эди.

Профессор П.Х. Мансуров огир касалликдан кейин 2011 йилда вафот этди.

РАЖАББОЙ РЎЗИЕВИЧ РЎЗИЕВ (1951–2006)

Ражаббой Рўзиевич Рўзиев 1951 йил Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. 1967 йил ўрта мактабни битиргач, 1968 йили Тошкентдаги ёғочни қайта ишлаш заводида оддий ишчи бўлиб ишлади. 1969–1974 йилларда Тошкент давлат университетининг кимё факультетида ўқиди. Университет йўлланмаси орқали Сув хўжалиги ва мелиорация вазирлигида катта муҳандис лавозимида ишлади.



1975 йилдан Тошкент политехника институти кимё факультетидаги «Полимерлар муаммоси» илмий тадқиқот лабораториясида катта лаборант, 1976 йилдан Москвадаги Нефть кимёси синтези институтида илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва 1981 йили «Таркибида азот тутган бирик-

маларнинг полимерланиши хоссаларини ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1983 йилдан катта илмий ходим, 1986 йилдан шу лаборатория илмий мудир лавозимида ишлади. 1989 йил Тошкент политехника институти докторантурасига ўқишга кирди. 1992 йили «Азот сақловчи айрим катион полиэлектрولитларнинг хоссалари, ҳосил бўлиш жараёни ва ишла-

тилиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 1995 йил бўйича профессорлик унвонини олди. 1995 йилдан 2001 йилгача Тошкент кимё-технология институти «Полимерлар муаммоси» илмий тадқиқот лабораторияси мудир, 2001 йилдан кафедра профессори, 2002 йилдан 2005 йилгача «Аналитик кимё» кафедраси мудир-



ри, 2005–2006 йилларда «Аналитик кимё ва нодир металлар технологияси» кафедраси профессори лавозимида ишлади.

Р.Р. Рўзиев маслаҳатида 1 нафар техника фанлари доктори, раҳбарлигида 15 нафари фан номзодлари етишиб чиқди.

Р.Р. Рўзиев республикамиз фанининг ривожланишига бир неча грантларга раҳбарлик қилиб, Фан ва технология давлат қўмитаси томонидан ажратилган маблағ асосида илмий тадқиқот ишларини бажариб келди. У докторлик ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгашлар аъзоси (02.00.16 ва 05.17.06), Фан ва технология давлат қўмитаси эксперт аъзоси, Тошкент кимё-технология институти ва Органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш факультети илмий кенгашлари аъзоси, талабалар гуруҳ мурабийси сифатида фаолият кўрсатиб келди.

Р.Р. Рўзиев талабалар учун ҳаммуаллифликда 2002 йил «Анорганик кимё»,

2003 йил «Анорганик кимёдан машқ ва масалалар тўплами», «Анорганик кимёдан амалий машғулотлар», 2004 йил «Аналитик кимё» 2005 йил «Органик кимё», 2006 йил «Полимерлар кимёси ва физикаси» каби китоблари нашр этилган. Шунингдек, 10 дан ортиқ ўқув ва услубий кўрсатмалар, 25 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар, 130 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган.

Р.Р. Рўзиев 2004 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъдод» жамғармасининг учинчи даражали дипломи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди.

2006 йил бевақт ўлим уни 55 ёшида орамиздан олиб кетди. Аммо унинг китоблари ва қолдирган бой илмий ишлари яшаб келмоқда. Бу эса истеъдодли олим тирик-лигининг нишонасидир.

ОТАБЕК ТҲЙЧИЕВИЧ ИЛЁСОВ (1950–2006)

О.Т. Илёсов 1950 йилда Тошкентда туғилган. 1967 йилда ўрта мактабни битириб, ТошПИга киради ва 1972 йилда «Ёғлар технологияси» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тасмоллади. 1972 йилдан бошлаб ТошПИда муҳандис, стажёр-тадқиқотчи, кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаб келган. 1979 йилда 05.17.06 «Кимё технологияси жараёнлари ва қурилмалари» ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1990 йилда унга катта илмий ходим унвони берилган. 1985 йилдан «Озиқ-овқат ва озуқа» илмий тадқиқот



лабораторияси (аввалги «Госсипол» илмий тадқиқот лабораторияси) мудири лавозимида ишлайди.

1997 йилда «Россия ёғлар илмий тадқиқот институти»да 05.18.06 ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1999 йилда докторлик дипломи ЎзР ОАК томонидан нострификация қилиниб, 2003 йилда профессор унвонига эга бўлди.

Олимнинг асосий илмий иши пахта мойини тозалаш (оқартириш) ва чигитни қайта ишлаш технологиясини мукамаллаштиришга ва республикамиз шароитида жаҳон стандартига жавоб



берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бағишланган. Жумладан, проф. О.Т. Илёсов раҳбарлигида республика шароитида жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли «Ёғду» тозаланган пахта мойи ҳамда кам госсиполли пахта шроти олиш технологияси саноатга татбиқ этилган; паст сифатли пахта мойини ишқор-карбамид усулида тозалаб унинг йўқотишларини камайтириш усули Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистоннинг бир қанча корхоналарида татбиқ қилинган; пахта шротини биотехнология усулида қайта ишлашни амалга оширган.

О.Т. Илёсов олиб борган илмий тадқиқот ишларининг бир йўналиши пахта чиқиндиларидан сифатли озиқабоб маҳсулотларни паррандачиликда қўллаш эди. У бу соҳада шогирдлари билан бирга яхши натижаларга эришди.

Проф. О.Т. Илёсов 130 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, шундан 30 дан ортиғи ихтиро, 40 тага яқин мақолалар ва 2 таси монография. Олим Республика ва Халқаро илмий техника симпозиумлари ва конфе-

ренцияларида маърузалар билан қатнашган. 1991 йилда Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ўтказилган Бутуниттифок кўрик-танловида қумуш медаль, 2003 йилда ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. О.Т. Илёсов раҳбарлигида 4 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Олим тайёрлаган 2 та аспирант Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти, 3 нафари Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндорлари бўлган.

О.Т. Илёсов бир қанча долзарб муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб борган. ТКТИ қошидаги Д 067.24.03 ихтисослашган кенгаш аъзоси, ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар маркази эксперт кенгаши аъзоси эди.

Техника фанлари доктори, проф. Отабек Тўйчиевич Илёсов етук олим, ғамхўр устоз ва мураббий, изланишлар натижасини ишлаб чиқаришга татбиқ қилувчи юқори савияли илмий ходим эди. У 2006 йил 27 февралда вафот этди. Олим шогирдлари қалбида мангу яшайди.

МАВЛУДА МИРҒАНИЕВНА ВАКИЛ (1938–2006)

Мавлуда Мирғаниевна Вакил 1938 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, 1955–60 йилларда Ўрта Осиё давлат университетида таҳсил олади. 1960–1970 йилларда ЎзР ФА нинг «Микробиология» илмий тадқиқот институтида илмий ходим ва аспирант бўлган. 1968 йили фан номзодлиги диссертациясини ёқлайди.

Илмий изланишлари асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий қийматини ўрганиш, ноанъанавий



хом ашё асосида янги асортиментлар яратишга қаратилган. Илмий ижоди давомида 110 дан ортиқ илмий мақолалар ва ўқув-услубий ишлар ёзди. Жумладан, 2 та илмий монография ва 5 та патент муаллифидир.

М.М. Вакил 1971–83 йилларда ТошПИда, 1983–93 йилларда Тошкент иқтисодиёт университетида ишлаган. 1992 йили докторлик диссертациясини ҳимоя

қилган. 1993 йилдан 2005 йилгача ТКТИ да ишлади. Ушбу муддатда «Консервалан-



ган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедрасини ташкил этган ва танлов асосида мудирлик лавозимига сайланган.

Сўнгги йилларда халқаро «Евроиттифок» гранти асосида «Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги» йўналишида магистратура очиш, Голландия ва Бельгия мамлакатлари билан биргаликда ўқитиш бўйича маълум ишларни амалга оширди.

Шу йиллар мобайнида «Ўзбексавдо» АЖ озиқ-овқат департаментида, Махсус комиссия таркибида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги аскарлари учун

овқатланиш рационини тузишда фаол иштирок этди.

Жамоат ишларида қатнашиб, институт Илмий кенгаши ва Фахрийлар кенгаши аъзоси, институт хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари ва Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасини бажариб келган.

М.М. Вакил маънавий етук, меҳрибон мураббий, талабчан раҳбар эди. Проф. Мавлуда Мирғаниевна Вакил 2006 йилда вафот этди. Аммо унинг эзгу ишлари давом этмокда.

ОЙТЎРА СИТДИҚОВНА МАҚСУМОВА

Ойтўра Ситдиқовна Мақсумова 1949 йилда Тошкент вилоятида туғилган. У 1966 йил ўрта мактабни тугатиб, Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди ва 1971 йилда муваффақиятли тамомлади.

У 1981 йилда Тошкент политехника институти аспирантурасига тавсия қилинди ва 1985 йилда Тошкент политехника институти хузуридаги К 067.

03.04 ихтисослашган кенгашда «N, N-диметиламиноэтилметакрилатнинг баъзи бир тўртламчи тузларининг полимерланиш ва сополимерланишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида 02.00.06 – Юқори молекулали бирикмалар кимёси ихтисослиги бўйича бажарилган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1989 йилда унга юқори молекулали бирикмалар кимёси ихтисослиги бўйича катта илмий ходим 1997 йилда эса доцент илмий унвони берилди.



У Тошкент кимё-технология институти хузуридаги Д.067.24.21 ихтисослашган кенгашда 05.17.06 – Пластмассалар ва шиша пластиклар олиш технологияси ва уларни қайта ишлаш ихтисослиги бўйича «Баъзи бир фаол функционал полимерлар олиш жараёнлари ва хоссаларининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги докторлик диссертациясини 2005 йил ҳимоя қилди ва кимё фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

2008 йилда унга Ўзбекистон ОАК раёсати томонидан профессор илмий унвони берилди.

Проф. О.С. Мақсумова функционал-фаол мономерлар синтези, хоссалари ва полимерланиш, сополимерланиш жараёнлари қонуниятларини ўрганиш бўйича таниқли олим. У таркибида азот, кислород ва фосфор сақловчи гетерофункционал органик бирикмалар олиш усулларини яратиш ва уларнинг олигомерланиш ва полимерланиш реакциялари қонуният-



ларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этишга катта ҳисса қўшган.

О.С. Мақсумова томонидан олиб берилган илмий изланишлар орасида таркибида азот, кислород ва галоген сақловчи бирикмаларни ҳам радикал, ҳам ионли полимерланиш реакциялари орқали янги структурага эга полимерлар олиш усулларини яратиш алоҳида ўрин тутди. Айниқса, биологик-фаол хусусиятга эга бўлган гетероҳалқали паст ва юқори молекулали бирикмалар синтез қилиш унинг асосий илмий ишлари ҳисобланади.

У шогирдлари билан бирга юқори ҳароратга чидамли антипиренлар, бўялиш хусусияти яхшиланган синтетик кимёвий толалар, коррозияга қарши олигомер ингибиторлари, дизель ёқилғилари учун депрессор присадкалар, юқори самарали ғоваксимон, тўрсимон тузилишли ҳалқа шаклидаги катализатор ташувчилар, қовушқоқлиги юқори бўлган сувда эрийдиган полимер композициялари яратиш мумкинлигини амалда кўрсатиб берди.

Тадқиқот натижалари «МаксамЧирчиқ» ОАЖ, «Навоийазот» ОАЖ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Бухоро ип-йигириш фабрикаси, Москвадаги Губкин номли нефть-газ институтида синаб кўрилди.

Кейинги йилларда проф. О.С. Мақсумова ўз илмий изланишларини шогирдлари билан биргаликда «Шўртан газ-кимё мажмуасида пиролиз жараёнида ҳосил бўладиган суюқ олефинлар асосида кислородли ва азотли бирикмалар олишнинг назарий асослари» ва «Мочевина, полимочевина ва морфолин ҳосилалари олиш-

нинг илмий асослари» ҳамда «(Мет)акрил кислота эфирлари синтези, уларнинг (со) полимерланиш жараёнлари қонуниятлари ва хоссаларини ўрганиш» устида давом эттирмоқда.

О.С. Мақсумова томонидан олиб берилган илмий изланишлар матбуотда чоп этилган. У 200 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 10 дан ортиқ ихтиролар муаллифи. Унинг раҳбарлигида 5 та номзодлик ва 20 дан ортиқ магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозирда Ф.А. Хўжаева ва У.К. Ўриновларнинг докторлик диссертация ишларига раҳбарлик қилмоқда.

О.С. Мақсумова республикада илмий ишлар билан бир қаторда олий таълимнинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. У томонидан 4 та дарслик ва 20 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар чоп этирилган. У 5320400–Кимёвий технология (органик моддалар) бакалавр йўналиши ва 5А320402–Органик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режа, намунавий, ишчи ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, тест саволларини тайёрлашда фаол ишлар олиб бормоқда.

2007–2008 йилларда Тошкент кимё-технология институти қошидаги Д 067.24.02–Бирлашган ихтисослашган кенгашда илмий котиблик қилди.

О.С. Мақсумова Тошкент кимё-технология институти илмий кенгаши ва илмий-услубий кенгашлари, «Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси» факультети илмий-услубий кенгаши аъзоси.



МУҲАББАТ САЪДУЛЛАЕВНА МИРКОМИЛОВА

Муҳаббат Саъдуллаевна Миркомилова 1939 йилда Андижон вилоятида туғилган. 1956 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё политехника институтига ўқишга кирди ва 1961 йилда муваффақиятли тамомлади. 1961 йилдан 1964 йилгача Ўзбекистон Фанлар академияси полимерлар кимёси институтида кичик илмий ходим вазифасида хизмат қилди. 1964 йилда Россия ФАнинг «Органик элементлар бирикмаси» илмий текшириш институтида кундузги аспирантурага кириб, 1968 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1968 йилдан 1980 йилгача ТошПИ кимё-технология факультетининг «Аналитик кимё» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. Мазкур кафедрада 1980–2004 йилларда доцент, 2004 йилдан 2010 йилгача профессор, сўнгра «Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси» кафедрасига ишга ўтди.

М.С. Миркомилова ишига ҳалоллик ва меҳнатсеварлик билан муносабатда бўлиб, талабаларга билим беришда бой тажрибага эга. У аналитик кимёдан мазмунли маърузалар ўқиди, лаборатория дарсларини ва амалий машғулотларини олиб борди.

Муҳаббат Миркомилова кафедранинг давлат бюджети билан бажариладиган илмий тадқиқот ишларида фаол ишти-



рок этади. Унинг 102 та илмий мақолалари журналларда ва тўпламларда чоп этилган. Илмий тадқиқотлари натижалари бўйича 3 та муаллифлик гувоҳномаси олинган. Унинг раҳбарлигида 1 та фан номзоди тайёрланган.

М.С. Миркомилова кўп йиллик педогогик маҳоратга эга бўлиб, 50 та услубий кўрсатма ва қўлланмалари, шу жумладан,

«Аналитик кимё» фанидан 5 та дарслик яратган. Унинг «Аналитик кимё» дарслиги 1996 йилда, «Аналитик кимёдан сифат ва миқдорий анализ» дарслиги эса 2003 йилда чоп этилди. 2001 ва 2003 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Устоз», кейин «Истеъдод» жамғармасининг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида қатнашиб ғолиб чиқди. Унинг коллежлар учун ҳам дарслиги нашр қилинган (2005 й.)

М.С. Миркомилова талабалар орасида маънавий ва маърифий ишларда фаол қатнашиб, қатор фахрий ёрликлар, дипломлар билан тақдирланган. 1999 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланган.

М.С. Миркомилова институт профессор-ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва талабалар орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган олимидир.



ШАВКАТ ПАЙЗИЕВИЧ НУРУЛЛАЕВ

Шавкат Пайзиевич Нуруллаев 1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У 1972 йили Тошкент Политехника институти кимё-технология факультетининг «Асосий органик ва нефткимё синтези технологияси» мутахассислигини тугатган, муҳандис-кимёгар технолог.



Ш.П.Нуруллаев 1972 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача институтда самарали фаолият кўрсатиб, юксак ватанпарварлик,

фидойилик, меҳнатсеварлик фаолияти туфайли, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва талаба ёшларга таълим-тарбия беришда жонбозлик кўрсатиб келаяпти. Ўзининг илмий-педагогик йўналишида айрим нодир, рангли ва камёб металл ионларининг координацион бирикмаларини синтез қилиш, табиий газларни турли қўшимчалардан янги синтез қилинган композицион абсорбентлар ёрдамида тозалаш жараёнини инновацион технологиясини яратиш, суяқ автомобил ёқилғиларини стабиллаштиришнинг физик-кимёвий асослари назарияси ва технологиясига улкан ҳисса қўшган олим.

Номзодлик диссертациясини 1981 йилда Тошкент политехника институти хузуридаги К067.03.04 ихтисослашган кенгашида «Физико-химические закономерности экстракции молибдена из кислых растворов дибутилфталатом» мавзусида 02.00.04 физикавий кимё ихтисослиги бўйича ҳимоя қилган.

1990 йилда доцент илмий унвони берилган.

Ш.Нуруллаев 1972–1974 йилларда Тошкент политехника институти «Физикавий кимё» кафедраси катта лаборанти,

муҳандиси, кичик илмий ходими; 1974–1976 йилларда – ТошПИ «Физикавий кимё» кафедраси стажер-тадқиқотчиси; 1976–1979 йилларда кафедра кундузги бўлими аспиранти бўлиб илмий изланишлар олиб борди.

1979–1987 йилларда кафедра ассистенти, 1988–1991 йилларда эса доцент лавозимларида фаолият юритган.

1993–1994 йилларда

Тошкент кимё-технология институти «Органик моддалар ишлаб чиқариш кимёвий технологияси» факультети декани, 1995–1996 йиллар мобайнида ТошКТИ «Асосий органик ва нефткимё синтези технологияси» кафедраси мудири, 1997–2000 йилларда эса ТКТИ Фундаментал фанлар факультети декани бўлиб самарали меҳнат қилган.

2001–2004 ва 2008–2010 йиллар мобайнида ТКТИ «Ўқув-услубий бирлашма бошлиғи лавозимида ишлади. 2010 йилдан институт таркибида янги «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси ташкил қилинганлиги боис Ш.Нуруллаев 2010–2012 йилларда шу кафедра мудири ва 2015 йилдан ҳозирги вақтгача «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси профессори вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият олиб бормоқда.

2009–2015 йиллар мобайнида Ш. Нуруллаевнинг «Физикавий кимё» фанидан 2 та дарслик ва 1 та ўқув қўлланмаси (хаммуаллифликда) чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъдод» жамғармаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши дарс-



лиги ва ўқув адабиёти муаллифи – 2010) Республика танловига «Физикавий кимёдан масалалар тўплами» ўқув қўлланмаси 3-даражали ва «Нефтни қайта ишлаш» ўқув қўлланмаси 2 даражали дипломлар билан тақдирланди.

Ш.П.Нуруллаев 05.17.01–Ноорганик моддалар кимёвий технологияси ва 02.00.01–Ноорганик кимё ихтисосликлари бўйича 2 нафар изланувчига илмий раҳбарлик қилган ва улар 1990, 1991 йилларда номзодлик диссертациясини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Кимё институти ҳузуридаги Д 015.12.01 ихтисослашган Кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилишган.

Ҳозирги кунда ТКТИ «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси ассистенти Ж.С.Қаюмов билан «Суюқ автомобиль ёқилғиларини стабиллаштириш жараёнининг физик-кимёвий асосларини ўрганиш» ҳамда «Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси» кафедраси катта ўқитувчиси О.Ю.Арипжанов билан «Табий газларни турли кўшимчалардан янги синтез қилинган композицион адсорбентлар ёрдамида тозалаш технологиясининг интенсивлигини ошириш» бўйича илмий-тадқиқот ишларини самарали олиб бормоқда. Илмий тадқиқот натижалари Муборак газни қайта ишлаш заводида ҳамда Шўртан газ-кимё комплексида чиқинди газларни янги композицион адсорбентлар ёрдамида тозалаш синондан ўтказилиб, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишнинг технологик регламенти, техник шарт-шароитлари тайёрланди ва мазкур ишлаб чиқариш корхоналарида ўзлаштирилмоқда.

Шу кунгача 109 та илмий ишлари эълон қилинган, шулардан диссертация ҳимоясидан кейин 70 та илмий иш, жумладан, нуфузли хорижий журналларда ва халқаро анжуманлар мақолалари илмий тўпламида 14 та илмий мақола ҳамда 27 та ўқув-услубий ишлари чоп этилган, булардан олий таълим ўқув жараёни педагогик амалиётида фойдаланиб келинмоқда.

Ш.П.Нуруллаев «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедрасида ўқитилган фанлардан бериладиган таълимни мажбурий итоаткорликдан онгли интизомлилик тамойилига ўтиш омиллари бўйича юқори илмий-услубий даражада, инновацион педагогик ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини татбиқ этган ҳолда олиб боради. Шунингдек, ўқитишнинг ноанъанавий ва интерфаол услубларини қўллаб, таълим сифат самардорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга фидойилик билан ёндашиб келмоқда. Талабаларнинг илмий изланишларига раҳбарлик қилиб келади.

Ш.П.Нуруллаев ТКТИ Илмий Кенгаши, Фахрийлар маслаҳат кенгаши аъзоси ҳамда 2009 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест Марказининг Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш (нострификациялаш) бўйича «Қишлоқ хўжалиги, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари» соҳаси комиссиясининг эксперти сифатида қатнашиб келмоқда.

Ш.П.Нуруллаев талабчанлиги, ҳалоллиги ва шу билан бирга талабаларга, шогирдларга, ҳамкасбларига меҳрибонлиги, одамийлиги, фидойилиги билан ўрناк бўлиб келмоқда. У қайси лавозимда ишламасин, ишига сидқидилдан ёндашади, кўпчилик билан ишлаш қобилиятига эга. Иш жараёнида ўта талабчан ва унга топширилган жамоат ишларини масъулият билан бажарувчи устоз. У институт музейи директори бўлгач ўзини жонкуяр ва ташаббускор раҳбар сифатида кўрсатди. Талабалар, магистрантлар, педагог-ҳодимлар ва меҳмонларга ТКТИнинг 25 йиллик тарихидан қизиқарли суҳбатлар ўтказди, дунёга машҳур олимлар, ТКТИ фидойилари ҳақида маълумотлар беради, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлади. У ўзининг фидойилик хислати билан ажралиб турувчи педагог ва устозларимиздан биридир.



ТЎЛҚУН ТУРСУНОВИЧ ТУРСУНОВ

Тўлқун Турсунович Турсунов 1949 йил Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, 1966 йилда Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда институтни тамомлаб, «Пластмассалар технологияси» мутахассислиги бўйича мухандис-технолог дипломини олди.



1972 йилдан кимё-технология факультетидаги «Полимерлар муаммоси» лабораториясида катта лаборант лавозимида ишлади ва диплом ишини давом эттирган ҳолда «Фуран бирикмалари асосида ион-алмашинувчи моддалар олиш усуллари ва уларни текшириш» мавзуси асосида илмий изланиш олиб борди.

1986 йилда «Кимё» кафедрасида ассистент, 1989 йилдан бошлаб эса доцент лавозимида ишлади.

1987 йилда Киевда «Фуран бирикмалари асосида ион-алмаштирувчи моддаларни олиш ва уларни текшириш» мавзусида номзодлик диссертация ишини муваффақиятли химоя қилди ва кимё фанлари номзоди илмий даражасини олди.

1991–1993 йилларда ТошДТУ «Умумий кимё» кафедрасида доцент лавозимида ишлади.

1993 йилда Тошкент кимё-технология институтининг «Саноат экологияси» кафедрасида доцент, 1996–2012 йилларда «Саноат экологияси» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келди.

2005–2008 йилларда «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» факультети декани лавозимида ишлаб, факультетнинг равнақи учун тинмай ҳаракат қилди

ва факультетнинг институт факультетлараро кўригида I ўринни эгаллашига ўзининг ҳиссасини кўшди.

Т.Турсунов кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида илмий-услубий, назарий ва техникавий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашади. 3 та ўқув қўлланма, 3 та дарслик ва 100 дан ортиқ услубий қўлланмалар ҳамда 160 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

Т.Турсунов институтимизда илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг илмий раҳбарлигида 4 та фан номзоди тайёрланди. Ҳозирги кунда, унинг шогирдлари институтимизнинг равнақи учун тинмай меҳнат қилиб келишмоқда. Жумладан, Ш.А.Муталов институт ўқув ишлари бўйича проректор, Ҳ.Л.Пўлатов «Саноат экологияси» кафедраси мудири, Б.З.Зайнитдинова «Саноат экологияси» кафедраси доценти, Н.М.Абдутаалипова «Саноат экологияси» кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида ишламоқдалар.

Т.Турсунов «Атроф-муҳит муҳофазаси» бакалавриатура йўналиши ва «Атроф-муҳит муҳофазаси» магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартлари ва намунавий дастурлар яратишда фаол қатнашиб, шу йўналишга раҳбарлик қилди.

У ўқув, ўқув-услубий, илмий ишлар билан бирга институтда ўқитувчи ва талабалар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу фазилатлари туфайли, у бир неча марта институт ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва



ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

Т.Турсунов ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасининг «Экология ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари» қўмитасининг эксперт гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент

шаҳар кенгаши аъзоси сифатида Республикадаги экологик муаммоларни ҳал қилишда тинмай меҳнат қилиб келмоқда.

2015 йилнинг февраль ойидан институт Илмий кенгаши қарорига асосан «Саноат экологияси» кафедрасига профессор вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

ШАРИФА ИСМОИЛОВНА ҲАКИМОВА

Шарифа Исмоиловна Ҳакимова 1940 йилда Фарғона вилоятининг Қўқон туманида туғилди. Қўқон шаҳридаги ўрта мактабни 1958 йилда тамомлаб, Тошкент Давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультетига ўқишга кирди. 1963 йили ўқишни имтиёзли диплом билан битириб, Ўзбекистон фанлар академиясининг микробиология институтига йўлланма олди.

Аспирантурага киргач, Шарифа Ҳакимова илмий изланишларини давом эттириш учун Урганч шаҳридаги Бутуниттифок илмий-текшириш ёғ ва пишлоқ саноати институтига ва Белоруссия фанлар академиясининг микробиология институтига юборилди.

1967 йилда у номзодлик диссертациясини ёқлади ва ўзи дастлаб иш бошлаган микробиология институтида илмий котиба, кейинчалик катта илмий ходим лавозимида фаолият кўрсатди. 1974 йилда Шарифа Ҳакимова Тошкент политехника институтида иш бошлади. Бу ерда у катта илмий ходим, ассистент, 1981 йилдан эса доцент лавозимида ишлай бошлади. 2005 йилда Биотехнология кафедрасининг профессори лавозимига ўтказилди.



Жамоа орасида ҳурматга сазовор бўлган Шарифа Ҳакимова моҳир педагог, амалиётчи устоз, меҳрибон мураббийдир. Унинг шогирдлари ҳам анчагина. «Микробиология ва биотехнология асослари», «Шаробчилик микробиологияси», «Спирт микробиологияси», «Алкоголсиз ичимликлар ва пиво микробиологияси» фанларидан ўқиган мазмунли ва қизиқарли маърузалари билан кўпчилик эътиборини

қозонган. Бу билан бир қаторда, шароб, пиво, консерва, сут, гўшт маҳсулотлари ва бошқа турдаги озиқ-овқатлар ишлаб чиқараётган корхоналар мутахассисларига қимматли маслаҳатлар беради. Маҳсулотлар сифатини оширишда амалий ёрдам кўрсатиб, зарарли микроорганизмларга қарши кураш усулларида мутахассисларни бохабар этади. Фидойи олима ўзининг кўп йиллик илмий-амалий тажрибаларини ёшларга ўргатиб, иқтидорли талабалар билан илмий тадқиқот ишларини ўтказиб боради.

У бакалавр, магистрлар ва соҳа мутахассислари учун мўлжалланган «Озиқ-овқат микробиологияси» китоби учун 2006 йилда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика



танловида совриндор бўлди. Бугунги кунда республикамиздаги кўпгина олий ўқув юртлари ва коллежлар талабалари Шарифа Ҳакимованинг «Озиқ овқат микробиологияси» ва «Виночилик микробиологияси» дарсликларидан самарали фойдаланишди. Битта илмий номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилган Шарифа Ҳакимова ҳамиша ўз устида ишлайди, илмий изланишларини тўхтатмайди. Кейинги йилларда у юздан ортик илмий маколаларини чоп эттирди. Шунингдек, ўқув қўлланмалари ва ихтирочилик изланишларини такомиллаштириб борди.

Олиманинг 12 та муаллифлик гувоҳнома ва патентлари бор. 2014 йилда олинган 04983 сонли «Шифобахш хусусиятга эга бўлган пархез сут-қатик ичимлигини тайёрлаш усули» номли патенти ишлаб чиқариш ходимларида қизиқиш туғдирди. Пишлоқ, творог, бринза каби маҳсулотларни тайёрлашда кўп миқдорда зардоб ажралиб чиқади, унинг асосий қисми ишлатилмай тўкиб юборилади, ваҳоланки, уни қандли диабет билан оғриган кишилар учун муҳим ичимликка айлантириш мумкинлиги аниқланди.

Дастлаб сут кислотали бактерияларни ўрганиш бўйича иш олиб борди. У сутдан ажратиб олган иссиққа чидамли бактериялар ёрдамида ситатли қаттиқ пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кўмаклашди. Қатик маҳсулотидан эса антибиотик фаолликка эга сут кислотали бактерияларни ажратиб олиб, улардан махсус томизғи ихтиро қилди. Бу томизғи ошқозон-ичак касалликларини кўзгатувчи бактерияларнинг ўсишига йўл қўймайди. Томизғидаги бактерияларни бошқариш ва ўстириш усулини қўллаган олима қатикнинг 50–60 дақиқада ивиб тайёр бўлишига эришди. Янги усул Тошкент ва Олмалик сут комбинатларида кенг қўлланилди.

Бундан ташқари, Шарифа Ҳакимова микроорганизмлар ёрдамида пахта барг-

лари ва уруғидаги госсиполни парчалашга эришди. Шафтоли, олхўри, олча, аччиқ бодом данаклари мағзида мавжуд бўлган захарли модда циангликозидларни микробиологик усулда парчалаб, сўнг зарарсизлантириб, мағизларидан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкинлигини кўрсатди. Республикамизда хамиртуруш ачитқиларини етиштиришда ишлатиладиган хомашё мавжуд бўлмагани учун олима бундай хомашё ўрнига маҳаллий гуруч заводлари чиқиндиси – гуруч кепагидан озуқа муҳитини ихтиро қилди.

Шунингдек, уй ҳайвонлари учун чеканка пайтида тўпланадиган пахта баргларида гуруч пўстлоғи ва кепагидан яхши ҳазм бўладиган тўйимли (витаминли) ем тайёрлаш усулларини таклиф этди.

Тиниб-тинчимас олима ўзининг илмий педагогик ишлари билан бир қаторда, жамоат вазифаларини бажаришда ҳам қатнашади. У Ўзбекистон «Билим» жамиятининг маърузачиси сифатида республиканинг барча вилоятларида, қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарида бўлиб, микробиология ва биотехнология фанлари бўйича эришилган ютуқларни кенг оммага етказган. Узоқ йиллик самарали меҳнатлари эвазига олима 1990 йилда «Меҳнат фахрийси» унвони билан тақдирланди.

«Дарё сувини баҳор тоширар, киши қадрини меҳнат оширар» дейди халқимиз. Ҳикматга айланиб кетган бу ибора бекор айтилмаган. Орамизда жамият манфаатларини ўз маишатидан устун қўйиб, фидоийлик кўрсатаётган ва умр саҳифаларини ўзининг ибратли меҳнати билан безатаётган одамлар оз эмас. Ана шундай инсонлардан бири Тошкент кимё-технология институтида узоқ йиллардан бери тер тўкиб келаётган аёлларимиздан бири Шарифа опа Ҳакимовадир. Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси бўйича заҳматқаш педагогимизга узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

**САЪДУЛЛА АТАМУРАТОВИЧ АТАМУРАТОВ**

Саъдулла Атамуратович Атамуратов 1944 йилда Хоразм вилоятида туғилган. У 1965 йили ўрта мактабни тамомлаб, 1966–1971 йилларда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети (ўша пайтдаги ТошДУ) тарих факультетида таҳсил олди. 1971–1972 йиллари тарих факультетида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1972–1975 йилнинг декабригача университетнинг кундузги аспирантурасига кирди. Аспирантурани тугатгандан кейин у Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институтига катта ўқитувчи лавозимида ишга юборилган.

1976–1988 йилларда А.Р.Беруний номидаги Тошкент Политехника институтида (ҳозирги ТДТУ) катта ўқитувчи, доцент бўлиб ишлади ва 1988 йил октябрда Фанлар академияси фалсафа институтининг этнология бўлимига докторантурага юборилди. У 1990 йилнинг октябрида докторантурани тугатиб ТошПИннинг политология кафедрасига доцент лавозимида ишга қайтиб келди.

Саъдулла Атамуратов 1991 йилда Тошкент кимё-технология институтида аввал доцент, сўнгра ижтимоий-фанлар кафедрасига мудир қилиб тайинланди.

У аввал сиёсий фанлар, кейинчалик унинг базасида ташкил қилинган «Сиёсатшунослик», «Иқтисодиёт назарияси» ва «Ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедрасига мудир қилиб тайинланди. 2005 йилнинг декабридан бошлаб мавжуд кафедралар базасида ташкил қилинган «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедрасига танлов асосида мудир қилиб тайинланди. У 15 йил давомида институтда ташкил қилинган ижтимоий-гуманитар фанлар кафедрасига



мудир ҳамда 30 йил давомида Республикамиз учун кимёгар-технологларни тайёрлашда фаол иштирок этиб келди.

Проф. С.А. Атамуратов Республикамизда сиёсат фалсафаси мутахассислиги бўйича ўз мактабини яратган олимдир. Унинг раҳбарлигида 2 та фан доктори, 5 та фан номзодлари етишиб чикди, 12 та докторлик ва 1 та номзодлик дис-

сертацияларига расмий оппонентлик қилди ва бугунги кунда республикамиз учун кадрлар тайёрлашда фаолият кўрсатиб, ўзи бошқараётган «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедрасини республикамизнинг етакчи кафедралари даражасига кўтара олган олимдир. Кафедрадаги 1 нафар аспирант ва 3 нафар тадқиқотчиларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилмоқда. У 2003 йилда «Миллий истиқлол ғоясининг миллий-маънавий тараққиётда тутган ўрни», 2006 йилда «Глобаллашув жараёнида миллий ривожланиш ғоясининг ўрни» мавзуларидаги Давлат грантларини ютди ва уларда белгиланган илмий-тадқиқот режаларини самарали амалга ошириб келмоқда.

Саъдулла Атамуратов 1978 йилда фалсафа фанлар номзоди, 1992 йилда «Жамиятни янгилаш жараёнида миллий маданият ва миллий ўзликни англаш жараёнлари масаллари» (масаланинг ижтимоий-фалсафий аспекти) бўйича фалсафа фанлар доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини химоя қилди ва 1993 йилда сиёсат фалсафаси бўйича профессор илмий унвонини олди. У илмий фаолиятини 3 та йўналишда олиб борди.

Биринчи йўналиш. Республикамизда биринчилардан бўлиб, мустақиллигимизни



мустаҳкамлаш ва миллий тикланишимизнинг долзарб вазифалари бўлган: миллий ўзликни англашни миллатнинг асосий белгиси сифатидаги мақомини илмий-назарий жиҳатдан асослади, миллий онг, миллий тарбия, миллий-маънавият, миллий гоя, миллий-маънавий тикланиш каби масалалар бўйича самарали меҳнат қилиб, бир қатор янги концептуал ғояларни илгари сурди.

Иккинчи йўналиш. Сиёсат фалсафасининг долзарб масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, инсон ва ҳокимият, демократия ва ҳокимият, ҳокимият ва бошқарув, сиёсий партиялар ва демократия, сиёсий саводхонлик ва сиёсий маданият, фуқаролик жамиятида бошқарув институтлар каби демократик жамият қураётган мамлакатимиз учун ғоят катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган мавзуларда илмий мақолалар эълон қилди.

Учинчи йўналиш. Унинг фаолияти Республикамиз олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув дастурлари, маърузалар матни, ўқув қўлланмаси ва дарсликлар яратилиши билан боғлиқдир. Унинг илмий раҳбарлигида «Маънавият асослари», «Политология»дан ўқув қўлланмалари яратилди. «Политология» ўқув қўлланмаси 2000 йилда Республика «Устоз» жамғармасининг биринчи мукофотини, «Маънавият асослари» ўқув қўлланмаси эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2002 йилда энг яхши ўқув қўлланмаси учун эълон қилинган танловда учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Бундан ташқари, у «Миллий истиқлол ғояси», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» каби фанлар бўйича яратилган дарслик, ўқув қўлланмаларида ҳаммуаллифлик қилди.

Саъдулла Атамуратов ўз илмий фаолиятида 200 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 4 та монография, 15 та брошюра, 150 та илмий мақола ва 30 тадан ортиқ илмий-услубий қўлланмаларни эълон қилди. «Миллий маданиятнинг байналминал асос-

лари», «Миллий ўзликни англаш ва байналминал тарбия», «Ўзбекистонда миллий-маънавий тикланиш» (хаммуаллифликда), «Миллий ривожланиш фалсафаси» каби йирик монографик асарларини яратди. У йирик олим сифатида бир неча йиллар давомида сиёсий фанлар ва ижтимоий фалсафа бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини берувчи ихтисослашган илмий кенгашлар аъзоси сифатида фаол иштирок этиб келмоқда. 2002–2005 йиллар давомида у Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАҚда тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик ва сиёсий фанлар бўйича илмий даража ва илмий унвонларга тавсия берувчи экспертлар гуруҳига раҳбарлик қилди. Айни пайтда у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги гуманитар фанлар ва санъат йўналиши бўйича илмий методик ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси, Президент асарлари бўйича фан докторлари, профессорлар (қўмиссия аъзоси) ва фан номзодлари, доцентликка давогарлар учун ОАҚ томонидан ташкил этилган махсус комиссияси раиси лавозимларида жамоатчилик асосида ишлаб келмоқда. «Фалсафа ва ҳуқуқ» ҳамда «Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар» журналларида редколлегия аъзоси ҳисобланади.

Проф. С.А.Атамуратов институт талабалари ва жамоаси ўртасида тарбиявий ишларда фаол иштирок этади. Унинг Республика олий ўқув юртлари талабалари учун яратилган ўқув қўлланмаларини тайёрлашдаги ва талаба ёшларни ватанпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочилиги кўкрак нишони билан мукофотланган. Таниқли олим, фан, миллат ва маънавият фидойиси, жамоатчи, талабчан, айни пайтда шогирдлар ва талабаларнинг меҳрибон устози сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

II БОБ



**КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА
КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ**





2.1. Ректорат фаолияти

Институт собик Тошкент политехника институтининг кимё-технология ва муҳандислик технологияси факультетлари асосида вужудга келган. Олий ўқув юрти жамоаси олдида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кимё, газ ва нефтни қайта ишлаш корхона ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотларига олий тоифали муҳандис-кадрларни етказиб беришдек масъулиятли вазифа юкланган. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1991 йил 6 майдаги ПФ-230 фармони билан Тошкент кимё-технология институти ташкил этилди.

Институтга ректорлик лавозимида 1991–1992 йилларда техника фанлари доктори, проф. Ф.М. Мағрупов, ўқув ишлари бўйича проректор вазифасида доц. А.М. Эминов фаолият кўрсатдилар. Шу даврда институт таркибида учта: ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияси (декан т.ф.д., проф. Т.А. Отақўзиев), органик моддалар ишлаб чиқариш технологияси (декан т.ф.д., проф. Т.Р. Абдурашидов) ва озик-овқат ишлаб чиқариш технологияси (декан к.ф.д., проф. Қ.А. Аҳмеров) факультетлари ташкил этилди.

1992 йил декабридан техника фанлари доктори, профессор Т.М. Миркомиллов институт ректори этиб тайинланди. У институтнинг кенг жамоатчилиги билан келишган ҳолда билим маскани таркибини замон талабига мослаштириш, структуравий янгиликлар киритиш, махсус жиҳозланган кутубхона, кафедра ва лаборатория жиҳозларини янгилашга катта эътибор берди. Ўша йиллари институтда ўқув ишлари бўйича проректорлари бўлиб техника фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи проф. П.Р. Исматуллаев, маънавият бўйича доц. А.М. Эминов, илмий ишлар бўйича к.ф.д., проф. А.А. Исматов, сиртки таълим бўйича проректор т.ф.д., проф. Т.А. Отақўзиевлар фаолият кўрсатдилар.

1993 йилнинг бошларида факультетлар сони ошиб, янги таркибий тузилмага эга бўлди: фундаментал фанлар факультети (декан-доц. Р.С. Сайфутдинов), ноорганик моддалар ишлаб чиқариш факультети (декан-проф. П.Х. Мансуров), органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш факультети (декан-доц. Ш.Ф. Нуруллаев) ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш факультети (декан-доц. Т.Т. Мирҳоликов) фаолият кўрсатди.

Т.М. Миркомиллов 1994 йил Тошкент Давлат техника университетига ректор бўлиб тайинланиши муносабати билан ТКТИ ректори қилиб академик Н.А. Парпиев тайинланди. Фундаментал фанлар факультетида доц. Ш.Ф. Нуруллаев, озик-овқат факультетига проф. А.А. Артиқов ва ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияси факультетида декан лавозимларида доц. Б.Х. Ҳасанов ишладилар.

2001 йил институтга академик Н.Р. Юсупбеков ректор қилиб тайинланди. ТКТИнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, таълим тизимида ва илмий ишларни олиб боришда информацион технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилди. Қисқа давр ичида информатика ва ахборот технологиялари маркази, информатика лабораториялари ташкил этилди ва замонавий компьютерлар билан таъминланди.

2003 йил ноябрида Тошкент кимё-технология институтига техника фанлари доктори, проф. С.М. Туробжонов ректор этиб тайинланди. Институтда ўқув ишлари бўйича проф.



Р.С. Сайфутдинов, илмий ишлар бўйича проф. З.А. Тожиқўжаев илмий ишлар ва инфор- мацион технологиялар бўйича проф. А.И. Икрамов, коллеж ва лицейлар бўйича доц. Д.Т. Қорабоев, иктисодиёт ва тадбиркорлик ишлари бўйича Ғ. Қобиловлар ишладилар.

Проф. С.М. Туробжонов раҳбарлигида институтда маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришда, ўқув ва тарбия жараёнининг уйғунлигини таъминлашда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 123-сон қарорига биноан, муҳандислик соҳалари бўйича бакалавр тайёрлашда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фой- даланиб рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлашда муҳим негиз ҳисобланган янги тузилмаси ташкил этилди.

Жамоада касбий, илмий, маъмурий ва маънавий ўсиш имкониятлари мавжуд бўлган истиқболли ёш кадрларга ўсиш учун имконият бериш ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаёти, давлат қурилишидаги аҳамиятини ошириш мақсадида аёллар меҳнатини қўллаб- қувватлаган ҳолда раҳбарлик лавозимларига тавсия қилинди.

Ҳозирги кунда институтда дарслар Навоий кўчасидаги Озиқ-овқат маҳсулотлари тех- нологияси факультетида, Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факуль- тетида, М.Улуғбек кўчасидаги Ноорганик моддалар кимёвий технологияси факультети ва Ғ.Ғулом кўчасидаги Менежмент ва касб таълими факультетларида олиб борилмоқда.

Кимёгар олимларимиз яратган илмий мактаблари, олиб борган илмий тадқиқот ишлари орқали Республикамиз кимё саноати ва кўплаб соҳалари ривожига кўшган ҳиссаларидан фахрлансак арзийди. Саноат ва илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшаётган чинакам кадрлар тайёрлаш институтнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Тошкент кимё-технология институти таркибида докторантура бўлими (мудир А.Наримов) мавжуд. Мазкур бўлим орқали Республика миқёсида фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлашни такомиллаштириш, уларга бўлган талабни тўлароқ қондириш ва Ўзбекистоннинг илмий-техникавий салоҳиятини янада ривожлантириш ишига ҳисса қўшади.

Институтда 15 та мутахассислик бўйича аспирантлар ва 8 та мутахассислик бўйича док- торантлар тайёрланди. 1991–2005 йиллар мобайнида институтда 296 та аспирант, 54 та док- торант, 128 та аспирант-тадқиқотчи, 20 та докторант тадқиқотчи ўз илмий тадқиқотларини муваффақиятли олиб бордилар.

Институтда 1991–2005 йилларда 43 та докторлик ва 140 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Институтда 4 та Ихтисослашган Кенгашлар фаолият юритади. Силикат ва қийин эрий- диган нометалл материаллар технологияси, пластик массалар ва шиша пластикани қайта ишлаш технологияси, ёғлар, эфир мойлари ва пардоз косметик маҳсулотлар технология- си, озиқ-овқат саноати жараёнлари, машина ва агрегатлари, асосий (оғир) органик синтез маҳсулотлари технологияси соҳалари бўйича техника фанлари доктори илмий даражасини бериш кўзда тутилган.

Институтнинг алоҳида лаборатория корпуси, лицейи, компьютер хоналари, катта ку- тубхонаси, талабалар уйи ва боғи мавжуд.

Мазкур ўқув юртининг ривожланган Европа мамлакатлари ва МДХ давлатларининг қатор йирик билим масканлари билан халқаро алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Институтнинг 2015 йилгача мўлжалланган режасида ҳар йили 4–5 фан докторлари ва 10–15 фан номзодларини тайёрлаш кўзда тутилганди. Бу режалар амалга оширилди.

ИНСТИТУТ РЕКТОРЛАРИ



Проф. Ф. Магрупов
(1991-1993)



Акад. Т. Миркомиллов
(1993-1994)



Акад. Н. Парпиев
(1994-2001)



Акад. Н. Юсупбеков
(2001-2003)



Проф. С. Туробжонов
2003 йилдан

ИНСТИТУТ ПРОРЕКТОРАРИ



Доц. Ш. Муталов
Ўқув ишлари бўйича



Доц. М. Караходжаева
Маънавият ва маърифат
ишлари бўйича



Доц. Р. Адилов
Илмий ишлар бўйича



Доц. Д. Қорабоев
Академик лицей ва касб-хунар
коллежлари билан ишлаш бўйича



Доц. О. Султонхўжаев
Молиявий-иқтисодий
ишлар бўйича



Институтнинг муҳим вазифаларидан бири шу йилларга келиб 60 дан ортиқ фан докторлари ва 200 дан ортиқ фан номзодларига эга бўлиш ҳамда илмий даражалиликни янада оширишнинг режалаштирилганлиги бўлди.

2.2. Институтда ўқув жараёнининг ташкил қилиниши

Тошкент кимё-технология институтининг катта илмий салоҳияти профессор ўқитувчиларнинг юқори илмий даражага эгалиги ва бой тажрибалари институтда ўқув жараёнини мукамал ташкил қилишга имконият яратди ва ўтган 25 йиллик даврда ўқув ишларини замон талабларига мос равишда ташкил этишда, сифатли билим беришда ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашда институт жамоаси юқори натижаларга эришди ва эришиб келмоқда.

Ўтган йилларда институтда тажрибали, етук олимлар проректорлик лавозимларида ишлаб фаолият кўрсатдилар: 1991–1993 йилларда доц. А.М.Эминов, 1993–1996 йилларда проф. П.Р.Исмагуллаев, 1996–1998 йилларда доц. Р.С.Сайфутдинов, 1998–2003 йилларда проф. П.Р.Исмагуллаев, 2003–2005 йилларда проф. Р.С.Сайфутдинов ўқув жараёнини бошқарган. 2005 йилдан бошлаб доц. Л.А.Исмоилова ўқув ишлари проректори лавозимида фаолият кўрсатди. 1991 йил май ойидан 1999 йил охиригача доц. З.Қ.Тоиров, 2000–2004 йилларда доц. Ш.П.Нуруллаев ўқув бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритдилар. 2004 йил ноябридан бошлаб доц. Р.А.Ҳабибуллаев бир неча йил давомида шу лавозимда хизмат қилди. Институтнинг ўқув-услубий бўлими 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, унга дастлаб проф. М.Искандарова, сўнг А.С.Жалиловлар раҳбарлик қилишди, 2003 йилдан доц. И.И.Юнусов ушбу бўлимни бир неча йил давомида бошқарди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганидан кейин мутахассис кадрларни 2 та босқичда – бакалаврият ва магистратурада тайёрлаш бошланди.

Муҳандислар тайёрлаш 1991–2001 йиллар давомида олдинги ўқув-меъёрий хужжатлар асосида олиб борилди. 1997 йилдан бошлаб таянч олий таълим муассасаси сифатида 2 та «050800 – Кимёвий технология ва биотехнология», «052400 – Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» бакалаврият йўналишлари бўйича янги Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва кучга киритилди. Шунингдек, ўша ўқув йилидан «021900 – Менежмент» ва «251300 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» йўналишлари бўйича ҳам бакалавриятга қабул ташкил қилинди. 2004 йилдан институт таянч олий таълим муассасаси сифатида бакалавриятнинг 11 та йўналиши бўйича Давлат таълим стандартларини қайтадан ишлаб чиқди, улар Олий Таълим Вазирлиги томонидан ўқув режа ва дастурлари билан биргаликда тасдиқланди ва кучга киритилди.

2002 йилда бакалавриятнинг иккинчи авлод Давлат таълим стандартлари (ДТС) ишлаб чиқилиб, Вазирлик томонидан тасдиқланди. Институт таянч Олий таълим муассасаси сифатида ДТС, намунавий ўқув режалар ва намунавий фан дастурларини ишлаб чиқди. Бу ишларни юқори савияда ташкил қилишда, давлат таълим стандартларини Вазирлик белгиланган тартибда амалга оширишда проф. П.Р.Исмагуллаев, доц. А.Ҳабибуллаев, профессорлар Т.А.Отақўзиев, Ф.А.Мағрупов, А.А.Артиқов, А.А.Исमतов, Й.Қ.Қодиров, Н.П.Исмоилов, Қ.А.Ахмеров, доцентлардан Т.Т.Турсунов, А.Жалилов, И.И.Юнусов ва бошқалар фидойилик билан фаолият кўрсатдилар. Қуйида 7 йўналишнинг номлари келтирилмоқда:

5522400 – Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича):

5522500 – Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси



5522600 – Ёғочсозлик саноати технологияси, машиналари ва жиҳозлари.

5522900 – Биотехнология.

554100 – Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси (маҳсулот турлари бўйича).

5850100 – Атроф-муҳит муҳофазаси.

5140900 – Касб таълими (кимёвий ва озиқ-овқат технологияси йўналишлари бўйича)

Бу меъёрий ҳужжатлар билан ТКТИга турдош бўлган 12 та олий таълим муассасалари, шу жумладан: Тошкент Давлат техника университети; Тошкент фармацевтика институти; Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти; Жиззах политехника институти; Қорақалпоқ Давлат университети; Урганч Давлат университети; Фаргона политехника институти; Наманган муҳандислик-педагогика институти; Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти; Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти; Термиз Давлат университети; Навоий Давлат кончилик институти таъминланди.

Шунингдек, институт таянч олий таълим муассасаси сифатида 2002 йилда магистратураинг 37 та мутахассислиги бўйича ДТС, намунавий ўқув режалар ва намунавий ўқув дастурларни ишлаб чиқди.

Вазирлик кўрсатмаларига биноан 2004 йилда 7 та бакалавриат таълим йўналишлари учун учинчи авлод Давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув режалари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун тақдим этилди.

Институтда 2003–2004 ўқув йилида иккита янги 5522900 – «Биотехнология» ва 5521800 – «Автоматлаштириш ва бошқариш» бакалавриат йўналишлари очилиб, талабалар қабули амалга оширилди.

Тошкент кимё-технология институтида 1994 йилдан эътиборан рейтинг баҳолаш тизимига ўтилган. 2005 йилдан бошлаб талабалар давомати ва рейтинг ўзлаштириши мониторинги ўқув бўлими томонидан тизимли олиб борилмоқда.

2001 йили институт таркибида «Мониторинг ва ички назорат» бўлими фаолият кўрсата бошлади. Дастлаб бўлим бошлиғи лавозимида доц. Ж.Муҳитдинов, 2003–2005 йилларда доц. Б.Ҳ.Ҳасанов, кейинроқ доц. И.М.Алимов бошлиқ, ўринбосар бўлиб Ҳ.А.Адинаев ишлашди. 2011 йил февралидан 2015 йил охиригача бўлимга доц. Т.О.Қаршиев раҳбарлик қилди.

Бўлим вазифаси қилиб кадрлар тайёрлаш, ўқув жараёнидаги лаборатория ва амалий ишлар бажарилиши, рейтинг тизими, меҳнат ва ижрочилик, ўқув жадвали тузиш, ўқитувчилар, доцентлар аттестацияси ва битирувчиларнинг малакавий битирув ишлари сифатларини талаб даражасида ўтказилишини назорат қилиб туриш юклатилган.

Мутахассис кадрлар тайёрловчи 15 та, умумтаълим фанларидан дарс берувчи 9 та, жами 24 та кафедра фаолият кўрсатмоқда.

2015 йилда институтда 4 та факультет, шу жумладан:

«Ноорганик моддалар кимёвий технологияси».

«Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси».

«Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси».

«Менежмент ва касб таълими» факультетлари фаолият кўрсатди.

1 та махсус сиртқи факультет, Ахборот ресурс маркази, мутахассис кадрлар тайёрловчи 15 та ҳамда 9 та умумтаълим фанларидан дарс берувчи жами 24 та кафедра ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида дарслар олиб борилмоқда.

Институтда 11 та бакалавриат таълим йўналишида 3898 нафар, 22 та магистратура мутахассислигида 355 нафар, жами 4253 нафар ёшлар таҳсил олмоқда.



Ушбу талабаларнинг 445 нафари Қўнғирот сода заводи қошидаги институтнинг махсус сиртки бўлимида таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 173 нафари бакалавриятнинг сиртки шаклида, 272 нафари кундузги шаклда, 27 нафари магистратура ихтисослиги талабалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1667-сонли Қарорига асосан, 2012–2013 ўқув йилидан эътиборан Қўнғирот сода заводи қошидаги Махсус сиртки бўлим негизида таълимнинг кундузги шакли бўйича Устюрт газ кимё комплекси учун кадрлар тайёрлаш бошланган бўлиб, унда 2014–2015 ўқув йилида 1, 2 ва 3 курс талабалари таҳсил олишди.

Факультетлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 5 декабрдаги 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг факультет тўғрисида»ги Низом талабалари асосида ташкил этилган. 2015 йилнинг баҳорги семестрида:

«Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» факультетида – 922 нафар (833 бакалаврият, 89 магистрантлар).

«Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» факультетида – 1155 нафар (1039 бакалаврият, 116 магистрант).

«Ёкилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси» факультетида – 1265 нафар (1155 бакалаврият, 110 магистрант).

«Менежмент ва касб таълими» факультетида – 442 нафар (429 бакалавр, 13 магистр), «Махсус сиртки бўлим»да – 200 нафар (173 бакалавр, 27 магистр).

«Махсус сиртки бўлим» қошидаги кундузги бўлимда 272 нафар бакалаврият талабалар таҳсил олмақда.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш Вазирликнинг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли ҳамда 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли буйруқлари билан ўзгартиришлар киритилиб, тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом талабалари асосида ташкил этилган.

Институтда таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда ўқув жараёнида фан ва ишлаб чиқаришдаги энг сўнгги ютуқ ва янгиликлардан тўлиқ фойдаланиш, фанларни инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан, кўргазмали куроллар ва анимациялардан самарали фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Кафедраларда очик маърузалар ўтказиш ва ўзаро дарсларга ташриф жадваллари шакллантирилган.

Фанлар кесимида рейтинг жадваллари тузилиб, ректор томонидан тасдиқланганлиги, ҳамда қайта ўзлаштириш ва мустақил таълимнинг тизимли ташкил этилганлиги, холисликни таъминловчи кўмак гуруҳларини шакллантирилганлиги, ўзлаштириш ҳолатининг ректор хузуридаги йиғилишларда муҳокама этиб борилиши ўзлаштириш кўрсаткичларининг ошишига сабаб бўлган. Жумладан, 2012 йилга нисбатан 2015 йил баҳорги семестрларидаги биринчи қайдномалар солиштирилганда ўзлаштириш 77 % дан 86,5 % гача кўтарилган.

Институтда асосий штатда фаолият кўрсатаётган 2014–2015 ўқув йилида жами 356 нафар профессор-ўқитувчилардан 148 нафари илмий даража ва илмий унвонга эга. Фан докторлари 29 та, фан номзодлари 119 тани ташкил қилади. Улар 4 та факультетга бириктирилган бўлиб, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари факультетларда тайёрланаётган бакалавриатура йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва катта илмий ходим-изланувчилик ихтисосликлари билан мос тушади.



2.3. Ўқув-услугубий бўлим

Институтнинг Ўқув-услугубий бўлими 1991 йилда ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси институтда ўқув жараёнини тўғри ташкил этишга қаратилган.

Ўқув-услугубий бўлим институтнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Олий ўқув юрти Низоми» асосида ўз фаолиятини олиб боради. Мазкур бўлим Вазирлик буйруқлари, Ҳайъат Қарорлари ҳамда институт ректорининг буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилган ҳолда қуйида келтирилган вазифаларни режалаштиради:

- ўқув жараёни жадвали;
- ишчи ўқув режалари;
- ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;
- семестр ўқув режасини ишлаб чиқиш;
- ўқув юклама учун талабалар контингентини аниқлаш;
- катта гуруҳлар, гуруҳлар ва гуруҳчалар жадвалини ишлаб чиқиш;
- кафедралар ўқув юкласини ишлаб чиқиш;
- ўқув йили учун кафедралар профессор-ўқитувчилари рўйхатини аниқлаш;
- штатлар жадвалини ишлаб чиқиш;
- кафедралар ўқув юкласини профессор-ўқитувчиларга тақсимлаш;
- профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини расмийлаштириш;
- соатбай юкламаларни расмийлаштириш ва тўловни амалга ошириш;
- институт аудитория фондини аниқлаш;
- дарс жадвалларини ишлаб чиқиш;
- дарсларнинг тасдиқланган жадваллар асосида ўтилишини назорат қилиш;
- қўшимча машғулотлар дарс жадвалларини ишлаб чиқиш;
- якуний Давлат аттестацияси жадвалини ишлаб чиқиш;
- фанлар бўйича ОБ ва ЯБ шакллари белгилаш;
- фанлар бўйича рейтинг жадвалларини ишлаб чиқиш;
- малакавий амалиётларни ташкил қилиш;
- ЯДА комиссияси фаолиятини назорат қилиш;
- ўқув бўлимининг йиллик режасини ишлаб чиқиш;
- семестр ва ўқув йилида фанларни ўзлаштиришни таҳлил қилиш;
- институт талабалари давоматини аниқлаш;
- очиқ лекциялар мониторингини юритиш;
- ўзаро дарсга ташрифлар мониторингини юритиш;
- амалдаги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этилишини ўрганиш ва бу борада семинар ўтказиш;
- ўқув жараёнига тегишли институт ички буйруқларини тайёрлаш;
- ўқув ишларига оид хат ва маълумотларни тайёрлаш ва бошқалар ҳам шулар жумласига киради.

Ўтган йиллар давомида ўқув бўлими бошлиги лавозимларида доц. З.Қ. Тоиров, доц. Ш.П. Нуруллаев, доц. Ж.Ф. Муҳиддинов, доц. А.А. Ҳабибуллаев, доц. Н.Р. Баракаевлар ишладилар. 2012–2013 ўқув йилидан бошлаб бўлимга проф. Р.С. Сайфутдинов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ўқув услубий бўлими Республикамиздаги қуйидаги таянч ва турдош бўлган Олий таълим муассасалари:



ЎзМУ, ТДТУ, ҚКДУ, ТАЙИ, ТАКИ, ТТЕСИ, ТИМИ, Анд.МИИ, ФарПИ, СамДУ, Ург-ДУ, БухМТИ, ҚарДУ, НавДКИ, Қарши МИИ, ЖизПИ, ТошФарИ, НамМТИ ва бошқалар билан яқин ижодий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ўқув-услугий бўлим бошчилигида институтнинг 1998, 2001, 2008, 2011, 2014 ва 2015 йилларда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича барча Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилган, тасдиқдан ўтказилган. Намунавий фан дастурлари янгитдан яратилиб, ўрнатилган тартибга кўра тасдиқланди. Тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар электрон нусхага ўтказилган ва барча турдош ОТМни улар билан таъминлади.

Институт таянчи ҳисобланган бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг асосий фанлари бўйича Ўқув-услугий мажмуалар яратилиб, тегишли ОТМларини улар билан таъминлаб келмоқда.

Ўқув-услугий бўлими Ахборот ресурс маркази, Ахборот технологиялари маркази ҳамда Таҳририят ва нашриёт бўлимлари билан биргаликда ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича ўз фаолиятларини ҳамкорликда олиб борадилар.

Жумладан, институт профессор-ўқитувчилар томонидан етишмайдиган ўқув адабиётлари асосида нашр режасини тузиш, уларни яратиш ва чоп этиш ҳамда Вазирликнинг 2012 йил 6 августдаги 284-сонли «Ўқув адабиётларни босқичма-босқич электрон шаклга ўтказиш тўғрисида»ги буйруғига асосан институт АРМининг ахборот ресурс базасини шакллантириш бўйича АРМдаги мавжуд асосий дарслик ва ўқув қўлланмаларни электрон шаклга ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2010–2015 йиллар давомида институт профессор-ўқитувчилари томонидан 40 та дарслик, 56 та ўқув қўлланма, 277 та услубий қўлланмалар чоп этилди. 2013–2015 йиллар давомида чоп этилган дарсликлар 23 та, ўқув қўлланма 36, услубий қўлланмалар 203 тани ташкил этди.

Электрон ўқув-услугий мажмуаларни яратиш бўйича олиб борилган ишларнинг натижасига 2015 йилга келиб бу кўрсаткич факультетлар бўйича қуйидагича бўлди:

Ноорганик моддалар кимёвий технологияси факультетида 141 та электрон ўқув-услугий мажмуа;

озик-овқат маҳсулотлари технологиясида 103 та электрон ўқув-услугий мажмуа;

ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологиясида 96 та электрон ўқув-услугий мажмуа;

менежмент ва касб таълими факультетида 68 та электрон ўқув-услугий мажмуа тайёрланган.

Жами институт бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган электрон ўқув-услугий мажмуаларнинг сони 408 тага етди.

Ўқув жараёнини ташкил қилишда меъёрий иш ҳужжатларини юритувчи (ўқувчи ва гуруҳ журналлари, фан бўйича календар режалар, фаннинг ишчи дастури, фанни ўзлаштириш бўйича рейтинг тизими ва ҳоказолар) билан услубий таъминланганликни ўқув-услугий бўлими амалга ошириб келмоқда.

2.4. Илмий тадқиқот ишлари ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўлими

Институтдаги илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари бўлиб sanoat чиқиндилари ва иккиламчи ресурслардан амалий мақсадларда фойдаланиш, экологик хавфсиз, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган технологияларни ишлаб



чиқиш, энергияни тежовчи маҳаллий минерал хомашё базасини ташкил қилиш, улардан самарали фойдаланиш, нефть ва газлардан олинаётган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш ва сифатини яхшилашни кўзда тутати.

Илмий-тадқиқот ишлари ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш институт таркибида ташкил этилган илмий-тадқиқот сектори ва унинг раҳбарлари – ректорнинг илмий ишлар бўйича муовинлари: 1991 йилдан – т.ф.д. А.А. Исматов, 2002 йилдан – т.ф.д., проф. У.В. Маннонов, 2004 йилдан – т.ф.д. проф. З.А. Тожихўжаев, 2005 йилдан – доц. Д.Т. Қорабоев, 2006 йилдан к.ф.д., проф. А.И. Икрамов ва 2012 йилдан т.ф.н., доц. Р.И. Адиловга юклатилди.

Тошкент кимё - технология институти илмий тадқиқот бўлимнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1999 йилдан республика Фанлар Академияси институтлари, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа илмий марказлар ва корхоналар билан илмий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш, «Фан - таълим - ишлаб чиқариш» интеграциясини ривожлантириш;

2000 йилдан тегишли ишлаб чиқариш соҳаларининг долзарб муаммолари ечимига қаратилган илмий-тадқиқотларни олиб бориш, фан ва техника ютуқларининг натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга кўмаклашиш;

республикада кимёвий технология, нефть-газни қайта ишлаш, озиқ-овқат йўналишларида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналаридаги мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган янги техника ва технологияларни яратиш мақсадида фанлар академияси институтлари ва таълим соҳалари учун магистратура ва докторантурада юқори салоҳиятли илмий - педагогик ходимларни тайёрлаш;

республикадаги ва хорижий Олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва саноат корхоналари билан илмий-техник, ўқув-услубий ва илмий-услубий ҳамкорлик олиб бориш, тажриба алмашиш ва профессор - ўқитувчиларнинг илмий-педагогик малакаларини ошириш;

таълим йўналишлари ва соҳа мутахассисликлари бўйича ўқув-услубий ва илмий услубий ишланмаларни чоп этиш, меъёрий техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

илмий ютуқларни тарғиб қилиш, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-техник анжуманларда иштирок этиш ва институтда уларни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти инновацион жараёнга ўтганлиги муносабати билан, биринчи навбатда, ватанимиз олимлари олдида мураккаб масалалар қўйилди - иқтисодиётимиз субъектларини инновацион ғоя, лойиҳа ва технологиялар билан бойитиш ҳамда ушбу субъектлар фаолиятини инновацион ишланмалар асосида янада жонлаштириш. Ушбу масалалар ечимини топиб, ечимларни амалиётда қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Иқтисодиёт вазирлиги ташкиллаштирилган инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар Республика ярмаркаси ҳар йили ўз ишини олиб боради. Ярмаркада барча олимлар ижодкор гуруҳлари ўз инновацион ишланмалари натижаси, ушбу натижалардан фойдаланиши мумкин бўлган ташкилотлар ўз муаммолари тақлифи билан қатнашадилар.

Инновацион ишланмаларни Республика ярмаркасига олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига (ПҚ-916, 15 июль 2010 й.) асосан, жумладан, барча олий таълим муассасаларида инновацион марказлар, бўлинмалар, гуруҳлар ташкил этиш масаласи қўйилган.

Тошкент кимё-технология институти Илмий кенгашининг 2010 йил 28 январдаги 4/2 сонли қарорлари асосида Илмий-тадқиқот бўлими негизда Инновация маркази (ИМ)



ташқил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъат қарорини бажариш мақсадида Тошкент кимё-технология институтининг 2010 йил 6 майдаги 99-сонли буйруқ эълон қилинди.

Институт ташқил топган кундан бошлаб Республикамиз эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Давлат фан ва технологиялари маркази буюртмалари асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Бу ишлар кимё саноати ва унга турдош нефтни қайта ишлаш, янги қурилиш материаллари ҳамда бошқа соҳаларни қамрайди. Импорт ўрнини босувчи технологияларни ўзлаштириш, экспортбоб моллар ишлаб чиқаришга аҳамият бериш, экологик муаммоларнинг ечимини топиш устида ишлашга эътибор кучайтирилди. Бундай ишларнинг тўқсонинчи йиллар охирида ва XXI аср бошларида, кўп қисми бажарилди ҳамда ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

Давлат маблағи билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларининг умумий ҳажми 1996 йилда 2 млн. сўмдан ортиқ, 1999 йилда 4 млн. сўмни ташқил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 1млрд. 200 млн. сўмни ташқил қилди. Халқ хўжалиги тармоқларига 50 тадан ортиқ илмий-тадқиқот ишларининг натижалари татбиқ этилди ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган бир қатор тавсиялар берилди. Ўтган йиллар мобайнида институтда 7 та инновацион лойиҳалар асосида илмий изланишлар олиб борилди. «Аммофос» ОАЖ, Самарқанд кимё заводи, «Green World» КК, Олмалик ТМК ОАЖ, «Электрокимёсаноат» ОАЖ ва бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Институтда 1991 йилда 735 минг сўмлик маблағ асосида хўжалик шартномаси тузилган бўлса, 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 12 млн. сўмни ташқил қилди. 2015 йилга келиб эса 400 млн. сўмдан зиёд шартномалар тузилган. Тузилган хўжалик шартномалари корхоналарнинг муаммоларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириб бажарилди. Ҳар йили бажарилган хўжалик шартномаларининг тугалланганлари халқ хўжалигига татбиқ этилиб, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги сарфланган 1 сўмга нисбатан 1,5–2,4 сўмни ташқил этди.

Янги «Енгил рафинацияланадиган пахта мойи ва кам госсиполли шрот олиш усули» Ўзбекистон Республикасининг IAP 03125 рақамли патенти билан ҳимояланган ва Ўзбекистоннинг 18 та ёғ-мой корхоналарида жорий этилмоқда, булардан 10 таси, яъни «Ёғгар» АЖ, «Турон Хожели» ОАЖ, «Кўкон ёғ-мой» ОАЖ, «Фарғона ёғ-мой» ОАЖ, «Асака-ёғ» ОАЖ, «Андижон ёғ-мой» ОАЖ, «Каттақўрғон ёғ-мой» ОАЖ, «Қарши ёғ экстракция» АЖ, «Косон ёғ экстракция» ОАЖ, «Surxonoziqovqatsanoati» АЖ корхоналари билан лицензия шартномалари тузилган. Ҳар йили тушаётган даромад 2 млрд. сўмдан ортимоқда.

Бугунги кунда «Ёғлар» АЖ, «Турон Хожели» ОАЖ, «Кўкон ёғ-мой» ОАЖ, «Фарғона ёғ-мой» ОАЖ, «Асака-ёғ» ОАЖ, «Андижон ёғ-мой» ОАЖ, «Каттақўрғон ёғ-мой» ОАЖ, «Қарши ёғ экстракция» АЖ, «Косон ёғ экстракция» ОАЖ, «Surxonoziqovqatsanoati» АЖ корхоналари билан лицензия шартномалари тузилиб шу усул қўлланмоқда.

Давлат илмий-техник дастурлари ҳамда хўжалик шартномалари доирасида бажарилаётган илмий тадқиқот ишларига ёш олимлар (докторант ва магистрлар) жалб этилган. Илмий тадқиқотларини давом эттириш мақсадида улар МДХ ва чет эл мамлакатларининг етакчи институтларига ўқишга юборилмоқда.

Тошкент Кимё-технология институтида сўнгги йилларда иқтидорли ёшларнинг институтда ишга қолдирилишлари ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишларига жиддий эътибор берилмоқда. Масалан, 2003–2005 йилларда магистратурани битирган 20 та магистр институт аспирантурасига қабул қилинди ва аспирантурадан сўнг уларнинг



институтда ўқитувчиликка қолдирлишлари режалаштирилган. Бунда уларга институт раҳбарияти яратиб бераётган имкониятлар, ёрдамлар туртки бўлмоқда. Масалан, 35 ёшгача диссертация ҳимоя қилган фан номзодларига ва 45 ёшгача ҳимоя қилган фан докторларига 2 йил мобайнида 100% устама ҳақ тўланиши ёшларимизни ўзларининг илмий-тадқиқот ишлари устида сидқидилдан ишлашларига олиб келмоқда.

Тармоқлараро илмий-тадқиқот лабораториялари ва кичик корхоналар фаолияти. Бундай масалалар ҳам институт раҳбариятининг тасарруфидаги муҳим фаолиятлардан биридир. 1991–2005 йиллар давомида институтда 4 та илмий-тадқиқот лабораториялари фаолият кўрсатди: «Полимерлар» – раҳбари к.ф.д., проф. А.Т. Жалилов, «Синтетик ва табиий бирикмалар» – раҳбари к.ф.д., проф. Р.Р. Рўзиев, «Озиқ-овқат ва озуқа» – раҳбари т.ф.д., проф. А.Т. Ильёсов, «Дисперс системалар» – раҳбари т.ф.н., доц. А.Қ. Қодиров. Институтда турли йилларда 7 та кичик корхона фаолият кўрсатди.

Ҳамкорлик алоқалари. Институт Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 12 та илмий-тадқиқот институтлари, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрглари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасида шартномалар тузган. Ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун Республика ФА ва тармоқ ИТИларидан 3 та академик, 13 та фан доктори жалб қилинган. Умумий ва аорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Биорганик кимё институти билан яхши алоқалар ўрнатилган.

ТКТИда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва уларнинг истикболи республиканинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва турдош муассасалар билан яқиндан ҳамкорликка боғлиқ. Бу мақсадга эришиш учун МДХ мамлакатларидаги нуфузли институтлар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг институтлари билан илмий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилган.

«Экологик тайёрлов маркази»ни ташкил қилиш юзасидан инститраутционал лойиҳаси тайёрланди. БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси Дастури бўйича «ЮНЭП» билан ҳамкорликда совиткич техникаси мутахассисликларини тайёрлаш, илмий изланишларни олиб бориш учун 5,2 минг АҚШ доллари миқдоридagi янги замонавий ускуна олиб келинди. «Сувли горизонтлар назорати учун интеллектуал датчиклар» номли лойиҳа Украина илмий-тадқиқот маркази билан биргаликда тайёрланиб, рўйхатдан (STCU) ўтказилди. 2004 йили январь ойидан Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада мамлакатларининг илмий ишларга йўналтирилган маблағлари ҳисобидан маблағ ажратила бошланди.

Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетида ассистент А.А. Абдусаломов ўзининг илмий ишини мувафакқиятли ҳимоя қилди, техника фанлари номзоди бўлди. Ассистент М.И. Хўжамбердиев Японияда экологик муаммолар мавзусида ўз малакасини оширди.

Ихтирочилик ва патентлаштириш фаолияти. Институт олимлари, катта илмий ходимлар ва ўқитувчиларининг ихтирочилик ва патентлаштириш фаолияти билан кенг шуғулланилди. Бу ишларда академиклардан К.С. Аҳмедов, М.А. Асқаров, Н.Р. Юсупбеков, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоблари Ф.М. Мирзаев, Ф.Х. Тожиев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторлар А. Абдурахимов, П.Р. Исматуллаев, О.С. Сафаев, Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочилари проф. Қ.А. Аҳмеров ва Ғ.Р. Раҳмонбердиев, профессорлардан С.Х. Абдуразоқова, С.М. Туробжонов, Т.А. Отақўзиев, А.Т. Жалилов, А.А. Исматов, А.И. Икромов, А.У. Эркаев, Ҳ.Ч. Мирзақуловларнинг ишлари бошқалар учун ўрнақдир. Олинган кўплаб муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар ишлаб чиқаришга берилди. Халқ хўжалиги



ютуклари кўргазмаларида, Инновацион ишланмалар Республика ярмаркаларида намоиш қилинган технологиялар, технологик моделлар, схемалар, буюмлар намуналари турли мукофотлар билан тақдирланди.

Илмий нашр ва ноширлик фаолияти. Институт раҳбарияти ноширлик фаолиятига жуда катта аҳамият бериб келади. 2001–2015 йиллар давомида институтда олиб борилган илмий тадқиқот ишлар натижалари («Аналитик кимё фанининг долзарб муаммолари» 2- Республика Илмий амалий конференцияси «Термиз-2005»; «Инфотекстиль-2005; Ахборот-коммуникацион технологияларни тўқимачилик ва энгил саноатларга жорий қилиш» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция, Тошкент, 2005; Международная научная конференция «Инфокоммуникационные и вычислительные технологии в науке, технике и образовании», Тошкент, 2005; Республиканская научно-практическая конференция «Физика в Узбекистане», Тошкент, 2005), МДХ мамлакатларидаги (XVIII Международная конференция «Математические методы в технике и технологиях». -Казань, 2005; The Third International Conference Ecological Chemistry, 2005, Chisinau) ҳамда юқори нуфузли хорижий нашрларда (International Symposium on the chemistry of Natural Compounds (SCNC). 2005, Ankara (Turkey); Международная научно-техническая конференция «Технология и продукты здорового питания» Москва, 2005; 2-я Международная конференция «Образование и устойчивое развитие» Москва, 2004, Proceedings of the International scientific-practical conference «Science, Education and production as a leading factors in strategy Kazakhstan» Часть 3. 26-27 июнь, 2014. Kazakhstan, Karaganda, Международная научная конференция «Актуальные проблемы прикладной математики и информационных технологий Аль-Хорезми, Тошкент, 2014, Материалы V Международной научно-практической конференции. 2014. г.Казань., Материалы XV Международной научно-практической конференции. «Экология и развитие общества» 2014г. Санкт-Петербург, международная конференция «Современная техника и технологии горно-металлургической отрасли и пути их развития». – Навоий. 2010 да ўз аксини топган.

2001–2015 йиллар давомида илмий мақолалар чоп этилиш ҳолати қуйидаги жадвалда келтирилган.

Йиллар	Чет элда	Республика микёсида	Монографиялар	Жами
2001	24	302	2	326
2002	35	241	2	276
2003	70	204	3	274
2004	62	255	1	317
2005	76	272	3	301
2010	74	445	3	529
2015	85	448	3	546

Жадвалдан кўринадики, чет элларда нашр қилинаётган мақолалар сони йил сайин органлиги олимларимиз илмий ишлари салоҳиятининг юқори кўтарилаётганлиги ва уларга бўлган қизиқиш ортаётганидан далолат беради.

Институтнинг салоҳиятли проф-ўқитувчилари илмий тадқиқот ишларини бажариш билан бирга дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар ёзиш билан шуғулланади. Академик-



лардан Ҳ.Р. Рустамов, Н.А. Парпиев, Т.М. Миркомиллов, Н.Р. Юсупбеков, профессорлардан Т.А. Отақўзиев, Қ.А. Ахмеров, М.С. Миркомилова, П.Р.Исматуллаев ва бошқаларнинг китоблари Вазирлик ва «Истеъдод» жамгармаси томонидан ўтказилиб келинаётган танловларда қатнашиб, бир неча бор ғолиб бўлди, диплом ва мукофотлар билан тақдирланди. Корхоналар муаммолари ечимини ҳал қилишга бағишланган ишлар ҳам бажарилмоқда. Булар қаторига т.ф.д., проф. А.Т. Ильёсов томонидан бажарилган «Пахта чигитини қайта ишлашни янги технологияларининг илмий асосларини яратиш ва уларни ЎЗР ёғ-мой саноатига татбиқ қилиш» бўйича ишларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бу иш бўйича республикада 1-лицензия олинган ва Ўзбекистоннинг 19 та ёғ-мой комбинатларида ишлаб чиқариш жорий этилган.

Т.ф.д., проф. С.Х. Абдуразоқова томонидан инновацион лойиҳа асосида дунё микёсида аналоглари бўлмаган «Юқори сифатли шароб ишлаб чиқаришда экологик тоза ва тежамли технологиялар яратиш» мавзусида иш олиб борилди ва олинган натижалар Паркентдаги «Меҳнат» агрофирмасида татбиқ этилди. К.ф.д., проф. Р.Р. Рўзиев «Сувда бўқувчан синтетик полимерларнинг кишлоқ хўжалигида ишлатилиши ва ресурс тежамкор технологияларни яратиш» мавзусида иш олиб борган. Ҳозирги вақтда республикамизнинг 2 млн. гектардан ортиқ ери ўрта ва ўта шўрланган бўлиб, бу ерларда етиштирилган ўсимликлар керакли микдорда ҳосил бериш имкониятига эга эмас. Ушбу муаммоларни ечиш учун гидрогелларни кишлоқ хўжалигида қўллаш катта аҳамиятга эга. Гидрогеллар экологик тоза бўлиб, тупроқ таркибида сувнинг парланишини, ернинг турланиши ва айрим агротехник жараёнларни қисқартириш имкониятлари борлигини ўтказилган тажрибалар кўрсатди. К.ф.д., проф. Д.Ю. Юсупов раҳбарлигида бажарилган «Импорт ўрнини босувчи ацетилен куруми», «Металл коррозиясига қарши ишлатилувчи ингибиторлар», «Этилацетат кучли эритувчи», «Каучуклар вулканланишини тезлаштирувчилар» мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишлари. «Навоийазот» ИЧБда ва Ўзбекистон коммунал ҳиссадорлик вазирлигида қўлланилган; т.ф.д., проф. Т.А. Отақўзиев раҳбарлигида фосфогипс чиқиндиси асосида сульфат кислота ва белит ишлаб чиқарадиган тажриба саноат цехини лойиҳалаш бўйича дастлабки маълумотлар тайёрланди. Бу илмий ишда нисбатан паст ҳарорат (1150–1200°C) да Оҳангарон оҳақтоши билан модификацияланган фосфогипсдан Ангрен кўмири иштирокида сульфат кислота ва белит олиниш усуллари кўрсатилган.

Институтда 4 та Ихтисослашган Кенгашлар фаолият юритиб келмоқда. Силикат ва кийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси, Пластик массалар ва шиша пластикани қайта ишлаш технологияси, Ёғлар, эфир мойлари ва пардоз косметик маҳсулотлар технологияси, Озиқ-овқат саноати жараёнлари, машина ва агрегатлари, асосий (оғир) органик синтез маҳсулотлари технологияси соҳалари бўйича техника фанлари доктори илмий даражасини бериш кўзда тутилган. Институт жамоасининг муҳим вазифаларидан бири-2015 йилда мавжуд 50 га яқин фан докторлари сонини кўпайтириш режалаштирилган.

Илмий ишларни бажаришда талабалар ҳам фаол қатнашади. Ёш тадқиқотчилар «Шўртангаз», Муборак газни қайта ишлаш, Фарғона нефтни қайта ишлаш, Чирчиқ кимё корхонаси ва бошқа ерлардаги муаммоларни ўз устоз-педагоглари билан ҳал қилишда иштирок этаётганлари ҳам қувонарлидир.

Президент стипендиатлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиатларидан М.И. Хўжамбердиев, Қ.П. Серкаев, Н.И. Файзуллаев, Ш. Азимов ва бошқалар долзарб муаммоларнинг илмий ечимларини топишда, уларни саноатда қўллаш ва халқ хўжалигига фойда келтиришига оид ишларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозирги вақтда улар докторлик диссертациялари устида ишламоқдалар.



Самарали илмий тадқиқот ишлари ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги ютуқлари учун к.ф.д., проф. А.А.Исматов 1999 йили ва т.ф.д., проф. П.Р.Исматуллаев 2001 йили Республика Президенти фармониغا кўра «Шухрат» медали билан мукофотланди, 2002 йили Т.Р.Абдурашидовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» фахрий унвони берилди. 1998 йили к.ф.д., проф. Қ.А.Аҳмеров ва т.ф.д., проф. Ғ.Р.Раҳмонбердиев Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси белгиси билан тақдирландилар.

2009 йилларда Тошкент кимё-технология институти ректори т.ф.д., профессор С.М.Туробжоновга катта ишонч билдирилди. У Тошкент шаҳар кенгашининг ноиби қилиб сайланди.

Институтимизнинг бир гуруҳ аёллари – т.ф.д., проф. С.Х.Абдураззақова, проф. М.М.Вакил, т.ф.н., доц. Н.А.Габриэлян, к.ф.д., проф. М.И.Мавлонийларнинг 2005 йил натижаларига кўра «Ўзбекистон фаол аёллари» тўпламига киритилиб, уларнинг қилган илмий - тадқиқот ишларига Республика жамоаси томонидан юқори баҳо берилди.

Республикамиз мустақиллигининг 20 йиллик юбилеи арафасида «Силикат материаллари» кафедраси мудир т.ф.д., профессор М.Ҳ.Ариповага Президентимиз фармонлари билан «Шухрат» медали, мазкур кафедра профессори т.ф.д., проф.Т.А. Отақўзиевга «Буюк хизматлари учун» ордени, к.ф.д., проф. Қ. Аҳмеровга 2011 йили «Кўкрак нишони», 23 йиллик арафасида доц. З.Бобохоновага «Шухрат» медали берилди.

2.5. Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими

Тошкент кимё-технология институти таркибида аспирантура ва докторантура бўлими ташкил қилинган. Бу бўлимни ташкил этишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасида фан номзодлари ҳамда фан докторлари тайёрлашни такомиллаштириш, уларга бўлган талабни тўлароқ қондириш ва Ўзбекистоннинг илмий-техникавий салоҳиятини янада ривожлантиришдир.

1991–2012 йилларда институтда 387 нафар аспирант, 59 нафар докторант ва 2013 йилдан бошлаб бир тизимли катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтилиши муносабати билан 2013–2014 йиллар мобайнида институтда 14 нафар катта илмий ходим-изланувчилар ва 8 нафар мустақил-изланувчилар ўз илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар.



Жонқуяр устозлар даврасида (2002 йил).



Институтда ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган 35 нафарга яқин фан докторлари тадқиқотчиларга илм-фан сирларини сидқидилдан ўргатмоқдалар. Институтда ҳозирги кунда 12 та ихтисослик бўйича юқори малакали фан докторлари тайёрланади.

Юқори малакали фан докторлари тайёрловчи ихтисосликлар рўйхати

Шифр	Фан тармоғи, ихтисосликлар гуруҳи ва ихтисосликлар номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи
02.00.00	Кимё фанлари	Кимё, техника
02.00.06	Юқори молекуляр бирикмалар	Кимё, техника
02.00.08	Нефть ва газ кимёси ва техникаси	Кимё, техника
02.00.09	Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш	Кимё, техника
05.00.00	Техника фанлари	Кимё, техника
05.17.01	Ноорганик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар	Кимё, техника
05.17.02	Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар	Кимё, техника
05.17.03	Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси	Кимё, техника
05.17.05	Резина ва каучук технологияси	Кимё, техника
05.17.06	Кимёвий технологияси жараёнлари ва аппаратлари	Техника
05.18.01	Бошоқли, дуккакли экинлар, ёрма маҳсулотлари ва мева-сабзавот, узумчилик маҳсулотларига ишлов бериш ҳамда уларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси	Техника
05.18.02	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси ва биотехнологияси	Техника
05.18.03	Озиқ-овқат саноати жараёнлари ва аппаратлари	Техника
05.21.01	Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси	Техника

1991–2014 йиллар мобайнида институт аспирантлари, докторантлари, мустақил-тадқиқотчилари ва ходимларидан 226 таси номзодлик ва 57 таси докторлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Институтда докторлик илмий даражасини берувчи 16.07.2013.Т.08.01 рақамли Илмий Кенгаш фаолият кўрсатиб турибди. Кенгаш раиси техника фанлари доктори, проф. С.М. Туробжонов. Бу илмий кенгашга қуйидаги ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимоясини ўтказишга ружсат берилган:

02.00.08 - «Нефть ва газ кимёси ва технологияси».

02.00.14 - «Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар».

02.00.15 - «Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси».



№	Йиллар	Докторлик диссертациялари сони	Номзодлик диссертациялари сони
1.	2000 й.	3	3
2.	2001 й.	3	1
3.	2002 й.	1	5
4.	2003 й.	-	7
5.	2004 й.	-	5
6.	2005 й.	4	11
7.	2006 й.	2	7
8.	2007 й.	2	5
9.	2008 й.	1	25
10.	2009 й.	-	17
11.	2010 й.	-	16
12.	2011 й.	1	17
13.	2012 й.	1	17
14.	2013 й.	-	-
15.	2014 й.	3	-
	Жами	21	136

02.00.17 - «Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияси ва биотехнологияси».

Бундан ташқари, мазкур Илмий Кенгаш асосида 02.00.16 - «Кимё технологияси ва озиқ-овқат саноати жараёнлари ва аппаратлари» ихтисослиги бўйича бир марталик Илмий Кенгаш тузишга ҳам рухсат берилган. 2000–2014 йиллар давомида фаолият олиб борган Илмий Кенгашларда жами 21 та докторлик ва 136 та номзодлик диссертациялари ҳимоялари муваффақиятли ўтказилди. Йиллар бўйича маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1991–2014 йилларда докторантура ва аспирантурага қабул қилинганлар сони.

№	Йиллар	Докторантурага қабул қилинганлар сони	Аспирантурага қабул қилинганлар сони
1.	1991 й.	6	23
2.	1992 й.	6	21
3.	1993 й.	6	31
4.	1994 й.	8	25
5.	1995 й.	5	27
6.	1996 й.	8	20
7.	1997 й.	2	21
8.	1998 й.	1	23
9.	1999 й.	5	20



10.	2000 й.	2	12
11.	2001 й.	2	18
12.	2002 й.	1	15
13.	2003 й.	-	12
14.	2004 й.	2	16
15.	2005 й.	1	10
16.	2006 й.	1	17
17.	2007 й.	-	13
18.	2008 й.	-	15
19.	2009 й.	1	16
20.	2010 й.	1	16
21.	2011 й.	1	16
22.	2012 й.	-	-
23.	2013 й.	-	-
24.	2014 й.	9	-
	Жами:	68	387

Институтда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларда институт Илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент Р.И. Адилов раҳбарлигида «Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш» бўлими бошлиғи А.Т. Наримов ва 1- тоифали етакчи мутахассис И.А. Чориеваларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

2.6. Халқаро алоқалар

Институтда 1991 йиллардан бошлаб АҚШ, Европа, Осиё мамлакатларининг нуфузли олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва турдош ташкилотлари билан тўғридан-тўғри ва халқаро таълим дастурлари доирасида ҳамкорлик алоқалари амалга оширилди. Ушбу ҳамкорлик алоқалари натижасида 100 га яқин талаба, профессор-ўқитувчи ва илмий ходим хорижда ўқиш, малака ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш имкониятларига эга бўлибгина қолмасдан, хорижий мамлакатларда номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиб, халқаро ва хорижий фанлар академияларининг академиклари ва фахрий профессорлари унвонларига эга бўлдилар.

2003 йилдан бошлаб халқаро алоқалар географияси кенгайди ва янада мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда бир нечта хорижий мамлакатларнинг университет ва институтлари билан ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлар тузилган бўлиб, улар профессор-ўқитувчини, аспирантлар, тадқиқотчилар ва талабаларни ўзаро алмашиш, малакасини ошириш, етакчи хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари таълим тузилмаси билан танишиш ва бошқа йўналишлар бўйича узвий алоқа қилиш масалаларини ўз ичига олади.

Ўтган йиллар мобайнида институт Тексуна интернейшнл (АҚШ, 2001), Ош технология университети (Қирғизистон, 2003), Композицион материаллар маркази давлат илмий муассасаси (Россия), Юқори молекулали бирикмалар институти (Санкт-Петербург, Рос-



Д.И. Менделеев номли кимё-технология университети ректори П.Ж. Саркисов, Москва давлат техника университети ректори РФА мухбир аъзоси, проф. И.Б. Федоров ва ТКТИ ректори проф. С.М. Туробжонов. Москва, 2005 й.

сия, 2004), Санкт-Петербург давлат ўрмон техникаси академияси (Россия, 2004), Кангвон миллий университети (Жанубий Корея, 2006), Тараз давлат университети (Россия, 2006), Ханseo университети (Жанубий Корея, 2006), Сибир давлат технология университети (Россия, 2006), Чаоху касбий ва техника коллежи (Хитой, 2007), Братск давлат университети (Россия, 2007), Олмаота технология университети (Қозоғистон, 2007), Бийск давлат техника университети (Россия, 2008), Халқаро банк институти (Санкт-Петербург, Россия, 2007), Отрар университети (Қозоғистон, 2009), Ланджоу технология университети (Хитой, Шандун фанлар академияси Биология институти (Хитой, 2011), София кимё-технология университети (Болгария, 2011), Тулуза миллий политехника институти (Франция, 2010), Санкт-Петербург давлат технология университети (Россия, 2013), Туриба университети (Латвия, 2014), М.В.Ломоносов номли Москва давлат нозик кимёвий технологиялар университети (Россия, 2013), Воронеж давлат муҳандислик технология университети (Россия, 2012), Белоруссия давлат технология университети (Белоруссия, Омск давлат университети (Россия, 2012), Чехия табиий фанлар университети (Чехия, 2015), Новосибирск давлат техника университети (Россия, 2007) К.Жубанов номли Актюба регионал давлат университети (Қозоғистон, 2015), Кумо миллий университети (Жанубий Корея, 2015), М.Ауэзов номли Жанубий-Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон, 2005), Монс политехника институти (Белгия, 2005), Рига техника университети (Латвия, 2009), Л.Я.Карпов номидаги физик-кимё илмий тадқиқот институти (Россия, 2007) каби дунёнинг нуфузли университетлари билан имзоланган шартномалар, меморандум ва келишувлар асосида ҳамкорлик алоқалари амалга оширилди.

Европа Иттифоқининг Erasmus Mundus халқаро таълим дастури доирасида 2007–2015 йиллар давомида 3 та лойиҳа муваффақиятли бажарилиб, Сантьяго де Компостелла (Испания), Анадолу университети (Туркия), Вилнюс университети (Литва), Латвия университети (Латвия), Адам Мицкевия университети (Польша), Варшава технология университети (Польша), Варшава табиий фанлар университети (Польша), Магдебург университети (Германия), Брюссел вриже университети (Белгия), Эрасмус олий мактаби (Белгия), Финляндия, Рованиеми университети (Финляндия), Болоня университети (Италия), Кантабрия университети (Италия), Салоники Александр технологик таълим институти (Греция), Нитра университети (Словакия), Деусто университети (Испания), Дегли ди падова (Италия)



ва бошқа университетлар билан ҳамкорликда талабалар алмашинуви лойиҳалари амалга оширилиши натижасида 20 дан ортиқ талаба ва 10 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар тажриба алмашиш ва илмий тадқиқот фаолияти ўтказиш мақсадида стажировкалар ўташ имкониятига эга бўлдилар.

Тошкент кимё-технология институти Европа Иттифоқининг TEMPUS дастури лойиҳаси доирасида Европа Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилиб, MCFS, COCUZ, DABUBU, CANDI, CIBELES каби 5 та лойиҳада ҳамкорлик қилинди.

MCFS (Master courses on food safety), яъни Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича магистрлик дастури доирасида лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг бажарилиш муддати 2005 йил январидан 2008 йилнинг сентябригача бўлиб, лойиҳанинг умумий бюджети 463,0 минг евро ни ташкил этган. Лойиҳанинг ижрочилари сифатида Буюк Британиянинг Табиий ресурслар институти (Natural Resources Institute), Голландиянинг Ларенштейн университети (Larenstein University), Қозоғистоннинг Олмаота технология университети ҳамда Ўзбекистондан Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат институти (кейинчалик Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик техника институти) ва Тошкент кимё-технология институтлари иштирок этган. Лойиҳанинг муваффақиятли бажарилиши натижасида профессор-ўқитувчилар хорижда малака ошириш имкониятларига эга бўлибгина қолмасдан, Озиқ-овқат хавфсизлиги Магистратура мутахассислигига оид ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилиб, ушбу мутахассислик бўйича талаблар қабули шакллантирилди ҳамда Озиқ-овқат ва кимёвий технология соҳасида ўқув ва илмий тажрибалар ўтказиш учун мўлжалланган 40 минг евро миқдоридagi HPLC (High performance liquid chromatography) қурилмаси ва мультимедия воситалари Тошкент кимё-технология институтига келтирилди.

CANDI (Teaching Competency and Infrastructure for e-Learning and Retraining) яъни, Электрон таълим ва қайта тайёрлаш учун ўқув дастурлари ва инфраструктурани яратиш мавзусидаги лойиҳанинг бажарилиш муддати 2010 йил январидан 2013 йилнинг январигача бўлиб, лойиҳанинг умумий бюджети 977,0 минг евро ни ташкил этган. Лойиҳанинг асосий мақсади масофавий таълимни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш бўлган. Лойиҳанинг ижрочилари сифатида Вена университети (Австрия), Вена техника университети (Австрия), Мюнхен техника университети (Германия), Опен университети (Буюк Британия), Қозоғистон давлат университети ҳамда Ўзбекистондан Ургенч давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент кимё-технология институтлари иштирок этган. ТКТИ проректори доц. Д.Қорабоев масъуллигида «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси жамоасининг фаол иштироки билан лойиҳа муваффақиятли ва самарали якунланиб, унинг ижобий натижаси сифатида 8 нафар талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг хорижда ўқиш, малака оширганликлари, 40,2 минг евро миқдоридagi компьютер ва мультимедия ускуналари билан жиҳозланганлиги, ишлаб чиқариш билан олий таълим муассасаси ўртасида масофавий ўқитиш веб портали (distance.candi.uz) яратилганлигини эътироф этиш мумкин.

CIBELES: Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Болоня жараёнларини ҳисобга олган ҳолда қайта шакллантирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш мавзусидаги лойиҳа Георг-Август номи Гёттинген университети (Германия), Олденбург университети (Германия), Турин политехника университети (Италия), София кимё-технология ва металлургия университети (Болгария), Европа ва Осиё мамлакатларининг бошқа илғор университетлари иштирокида 2010 йил октябридан 2013 йил октябр ойига қадар бажарилди.

Тошкент кимё-технология институти Европа Иттифоқи, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон томонидан ажратилган бир неча грант дастурларида ҳам иштирок этди. Булар ичида



Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури доирасидаги бир нечта халқаро лойихалар, яъни CANDI (Электрон таълим учун инфратузилма таълим ва махорат), CIBELES (Болония жараёнларини ҳисобга олган ҳолда қайта шакллантирилган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўқув дастурлари), СОСUZ, МСFС (Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича магистрлик дастурини ривожлантириш) режалари бор.

2003–2005 йилларда МСFС (Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича магистрлик дастурини ривожлантириш) лойиҳаси доирасида қимматбаҳо лаборатория ускуналари ишга туширилди.

2012–2015 йилларда 45 нафар ТКТИ ўқитувчи ва талабалари АҚШ, Испания, Хитой, Австрия, Исроил, Греция, Ҳиндистон, Польша, Литва, Россия, Қозоғистон каби мамлакатларда бўлиб, анжуман, семинар ва бошқа тадбирларда қатнашдилар ва малакаларини оширдилар.

Ҳозирги кунда ТКТИ да 5 нафар чет эллик талаба таълим олмоқда. Бу ишларни координациялашда илмий бўлим ходими А.Исмоилов фаоллик кўрсатмоқда.

2.7. Илмий Кенгаш фаолияти

Ўзбекистон Республикаси «Олий таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Таълим» тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Тошкент кимё-технология институти фаолиятига тегишли асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ректор раислигида Илмий кенгаш ташкил этилган. Илмий кенгашнинг асосий вазифаси – институт жамоаси саъй-ҳаракатларини қуйидаги масалаларни бажаришга қаратилган фаолиятини бирлаштириш ва бошқариб туриш ҳисобланади.

«Кадрлар тайёрлаш» Миллий дастурини амалга ошириш, замонавий педагогик технология ва компьютерлаштириш асосида юқори сифатли бакалавр ва магистрлар тайёрлашни таъминлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик, ўз ватани билан фахрланиш, маънавий- маърифий ва маданий хусусиятларни шакллантириш. Низом бўйича Илмий Кенгаш таркибига ректор, илмий котиб, проректорлар, факультет деканлари, институт таркибига қирувчи мустақил ташкилот ва тармоқлар директорлари, мутахассис тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, институт талабалари ва ходимлари касаба уюшмаларининг ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вакиллари қиради. Илмий кенгашнинг бошқа аъзолари факультетларнинг илмий услубий кенгашларида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Илмий кенгашга сайланувчи аъзоларнинг сони ректорнинг буйруғи билан тасдиқланади. Илмий Кенгаш таркибига институтнинг муайян йўналиш муаммолари бўйича ишловчи, йирик олим ва мутахассислар, шунингдек, давлатлараро ва бевосита алоқалари бўлган хорижий ўқув юртларининг вакиллари киритилади. Илмий кенгаш аъзоларининг фаолият олиб бориш ваколат муддати 5 йил қилиб белгиланган.

Илмий Кенгаш таркиби ҳар ўқув йилининг охириги йигилишида сайланиб, сўнг ректор буйруғи билан тасдиқланади.

Илмий Кенгаш мажлисларида қуйидаги масалалар таҳлил қилинади:

«Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш» доимий комиссияси тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда институт талабаларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг айримларини оилавий моддий шароитлари ёмонлиги сабабли ўқиш тўлов шартномаси маблағларини тўлай олмаётганликлари ва оилавий шароитида моддий қийинчилиги туфайли тўлов-шартнома маблағларини институтнинг ҳомийлар томонидан берилган маблағлар ва нобюджет маблағлари фойдалари ҳисобидан тўлашни амалга ошириш масаласини кўриб чиқади;



институт талабалари ва ходимларининг соғлиқларни яхшилаш, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш бўйича тадбирларни белгилайди;

тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида юқори текширув органлари томонидан ўтказилган текширув натижалари кўра институт молиявий-ҳўжалик фаолиятида қўйилган хато ва камчиларни муҳокама қилиб, чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли тавсияларни беради;

институт ривожланишининг жорий (йиллик) истикболий режаларини тасдиқлайди ва молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларини эшитади;

олий маълумотли мутахассисларнинг малака ошириш режаларининг лойиҳаларини муҳокама этади, институтнинг малака ошириш тармоқлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитади;

Илмий кенгаш, ўз ишини ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган режага мувофиқ институт таркибидаги факультет, бўлим ва бошқа тузилма раҳбарларининг ҳисоботини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги Ҳайъати қарорлари, буйруқлари, модемограммалари ҳамда институт ректори буйруқлари асосида белгиланган тартибда кенгашга киритиладиган масалаларни ҳам кўриб чиқади;

Илмий кенгашнинг умумий тартиб-қоидалари ва ваколатларига мувофиқ кенгашнинг ҳар ўқув йилида тасдиқланадиган иш режасига киритилган бошқа асосий масалаларни ҳам кўриб чиқади;

Ўқув ва илмий ишларининг барча масалалари бўйича илмий кенгашнинг қарорлари очиқ овоз бериш тартибида кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимларини эгаллашга ўтказиладиган танловлар, профессор ва доцент илмий унвонларини беришга тақдимномалар эса ёпиқ овоз бериш йўли билан белгиланган тартибда қабул қилинади. Илмий Кенгаш қарорлари институтнинг ректори тасдиқланганидан сўнг кучга киради. Илмий кенгашнинг мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар Илмий кенгашнинг раиси ва Илмий котиби томонидан имзоланади. Илмий Кенгаш раиси мунтазам равишда Илмий Кенгаш қарорлари бажарилиши бўйича текширувларни ташкил этади ва Илмий Кенгаш аъзоларига қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ахборот беради.

Ўтган ўқув йилида Илмий кенгашда кўрилган яхлит масалалар жами 85 та, жумладан, ўқув-услугий ишларга оид масалалар 31 тани, илмий-тадқиқот ишларига оид масалалар 25 тани, маънавий-ахлоқий ва таълим-тарбия ишларига оид масалалар 17 тани, ижтимоий-иқтисодий ишларга оид масалалар 9 тани, ташкилий-маъмурий ишларга оид масалалар 19 тани ташкил этди.



Акад. З. Салимов ТошПИ кимё-технология факультети доценти Ш.А. Ёқубов билан илмий кенгашда (1985 йил).



Илмий Кенгаш институт ривожланишининг йиллик истикбол режаларини тасдиқлайди ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини эшитади. Олий маълумотли мутахассисларнинг малака ошириш режалари лойиҳаларини муҳокама этади, институтнинг малака ошириш тармоқлари раҳбарларининг хисоботларини эшитади. Институтнинг йиллик маънавий-маърифий тадбирларидан ташқари ҳуқуқбузарлик ва жинойтчилик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек тумани ИИББ, Республика саломатлик маркази, Тошкент ислом университети, Тошкент шаҳар наркологик диспансери, Республика СПИДни олдини олиш маркази билан ҳамкорлик режалари тузилган.

Институт Илмий Кенгашида ҳар йили икки марта ЎЗР ОЎМТ Вазирлигининг Ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича «Диний экстремизм ва терроризм», талаба ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари, талабалари ўртасида «Ҳуқуқбузарлик ҳамда жинойтчиликнинг аҳволи, уларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тадбирларини кучайтириш тўғрисида»ги масалалар атрофича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинади. Илмий Кенгаш кун тартибига киритилиб доимий муҳокама қилиб бориладиган масалалар қаторига, талабаларнинг сиёсий фаоллигини ва ҳуқуқий онгини ошириш, таълим-тарбия жараёнларини янада такомиллаштириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Маънавият-маърифат бўлими ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари, Тошкент юридик институти билан ҳамкорликда учрашувлар, савол-жавоб кечалари, очик мулоқотлар ўтказилди.

Илмий кенгашнинг 2015 йилда бўлиб ўтган йиғилишида 2014–2015 ўқув йилининг кузги семестр натижалари таҳлил қилиниб, қуйидагилар таъкидлаб ўтилди. Олий таълим муассасалари таълим соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг амалга оширилишида етакчи ўринларни эгаллаб, профессор-ўқитувчилар жамоасининг фаолияти ва ташаббуслари шу мақсадларга эришишни таъминловчи ёндошувларни жорий этишини талаб этади. Иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига малакали мутахассис кадрлар тайёрлар эканмиз, биз албатта бугунги кундаги меҳнат бозорида мутахассисларнинг сифатига қўйилаётган иш берувчиларнинг талабларини инобатга олиб, ушбу талабларни тайёрланаётган мутахассисларимизда шакллантириш мақсадида ўқув жараёнига фаол татбиқ этишимиз лозим. Профессор-ўқитувчиларни самарали (дифференциал) меҳнат шартномаси тизимида ишлашини ташкил этишнинг жорий қилиниши, ўқув жараёнида таълим сифатини оширишга, ҳамда жамоада рақобат муҳитининг вужудга келишига муҳим омил бўлади. Шу билан бирга муассасада таълим сифатини таъминлашда профессор-ўқитувчиларнинг ўз хизмат вазифаларини ижро этишга масъулиятли ва виждонан ёндошувининг жамоат ташкилотлари томонидан назорат этиб борилиши орқали ҳам таълим сифатининг ошишига эришиш мумкин бўлади.

Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2014 йил 20 январдаги «Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини янгилаш тўғрисида»ги 32-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт профессор-ўқитувчилари жамоаси томонидан бакалавриятнинг 10 та таълим йўналиши бўйича 28 нафар, магистратуранинг 18 та мутахассислиги бўйича 33 нафар давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди ва тасдиқдан ўтказилиб, 2014–2015 ўқув йилидан ўқув жараёнига жорий этилди. Тасдиқланган ДТС ва ўқув режалар асосида ўқитиладиган фанлардан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 166 нафар, магистратура мутахассисликлари бўйича 113 нафар фан дастурлари янги талаблар асосида ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқлаш учун мувофиқлаштирувчи Кенгашга тақдим этилди.



Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида»ги буйруғи асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истикболлари, жамият эҳтиёжи, фан-техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»даги соҳалар бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва намунавий фан дастурлари лойиҳаларини ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқишга киришилди.

2.8. «Кимё ва кимё технологияси» журнали

Мазкур журналнинг дастлабки сони 2003 йилда нашр этилган. Институтнинг илмий йўналиши мамлакатимизда мустақиллик йилларида янада кенг ривож топиб, силикат материаллар, ноорганик моддалар, озик-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда нефтни қайта ишлаш, газдан хом ашё сифатида кенгроқ фойдаланиш, полимерлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалари тузилар экан, илмий-техник журнални нашр этиш эҳтиёжи вужудга келди. Педагог-профессор олимлар салоҳияти, ўсиб келаётган қатор ёш олим ва илмий ходимлар саъй-ҳаракати туфайли иш муваффақиятли бошланди. Ўтган қисқа даврда журналнинг эллиқдан ортиқ сони босилиб, мамлакатимиз турдош олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Республикаси ФА илмий тадқиқот институтлари, чет эллардаги илмий муассаса ва ташкилотлар ушбу нашр илмий материалларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Журналнинг илмий-савиявий салоҳияти тобора юксалиб бораёпти. Унинг нуфузи нафақат мамлакатимизда, балки МДХ давлатлари ва чет элларда ҳам ортиб бормоқда.

Журнал таҳририяти ҳайъати, кенгаши ва муаллифлари орасида машҳур академиклар, турли олий ўқув юртлари профессорлари, саноат корхоналари раҳбарлари ва вазирликлар вакиллари бор. Журнал 250 нусхада, 10 босма табоқ ҳажмда ва йилига 4 та сони нашр қилинади. Вақти-вақти билан журналнинг махсус сонлари ҳам нашр қилиниб туради. Бунда кимё, озик-овқат саноати, кимёвий технология ёки шу каби яқин соҳалардаги фан ҳафталиги, илмий анжуманлар материаллари тўплам сифатида ҳам эълон қилинади. Журнал сонларида «Ўзбекистоннинг таълим тармоғи», «GERMANY ДААД», «EDUCATION USA», «Тошкент кимё-технология институти илмий фаолиятининг истикболли йўналишлари», «Шўртан газ-кимёвий комплекси» каби ва бошқа маълумотлар рекламаларига ҳам ўринлар берилади.



Институт «Кимё ва кимёвий технология» илмий журнали.



2.9. Магистратура бўлими

Магистратура бўлими 2007 йил ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил ПҚ 49-сонли қарори билан Қўнғирот сода заводига мақсадли кадрларни тайёрлашни ташкил этиш мақсадида Қўнғирот сода заводи қошида махсус сиртки бўлим. ОЎМТВ нинг 2007 йил 15 июндаги 135-сонли буйруғи асосида институтнинг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлимида магистратура ташкил этилган.

Институтда кафедралар сони 24 та, шундан 13 таси магистрлар тайёрлаш бўйича мутахассислик кафедралари ҳисобланади. Булар қуйидагилардир:

5A230201-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича);

5A310903-Маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича);

5A320305- Кимё саноати ва қурилиш материаллари корхоналари машина ва аппаратлари;

5A320401-Ноорганик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича);

5A320404-Қурилиш материаллари кимёвий технологияси;

5A320407-Кимёвий технология жараёнлари ва ускуналари (ишлаб чиқариш турлари бўйича);

5A630101-Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича);

5A320306-Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнлари; 5A320307-Ёғочсозлик технологияси ва ёғочшунослик;

5A320402-Органик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича);

5A320405-Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси;

5A321302-Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси; 5A321303-Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва аппаратлари;

5A320501-Биотехнология (маҳсулот турлари бўйича);

5A321001-Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича);

5A321003- Озиқ-овқат хавфсизлиги;

5A610101-Хизмат соҳаси (умумий овқатланишни ташкил этиш).

Магистратура бўлими ЎЗР Президентининг ПФ-4456 сонли «Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш» тўғрисидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сонли «ЎЗР Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», шунингдек, ОЎМТВ нинг 2012 йил 29 октябрдаги №418 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисидаги низом» да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга мўлжалланган институт ректори томонидан тасдиқланган иш режа асосида фаолият юритади.

Институт 24 хил бакалавриат йўналишлари 33 хил магистратура мутахассисликлари бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланиб, Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режаларини шакллантиради.

Магистратура мутахассисликлари тайёрлайдиган кафедраларнинг барчаси Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, кадр тайёрловчи замонавий ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, улардан магистратурада машғулотлар олиб бориш, диссертация ишларига раҳбарлик қилиш учун етакчи



олимлар жалб қилинган. Талабаларни илмий тадқиқот, илмий-педагогик фаолият ва амалиёт объектлари этиб қуйидагилар тайинланган: ЎзР Фанлар Академияси «Полимерлар кимёси-физикаси» институти, «Ўсимлик моддалар кимёси» институти, «Умумий ва ноорганик кимё» институти, «Геология ва геофизика» институти, «Биоорганик кимё» институти, «Микробиология» институти, «Дехқонобод калийли ўғитлар заводи», «Қўнғирот сода заводи» УК, «Аммофос-Максам» ОАЖ, Олмалик тоғ-металлургия комбинати, «Навоий-азот» ОАЖ, ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Тошкент қоғоз фабрикаси», «Наманган қоғози» МЧЖ, «E'tiqod» мебель корхонаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўзбекистон шампани» ОАЖ, «Тошкент-нон шаҳри» АЖ, «Зарафшон ғишт заводи» АК, «Ғалла - Алтег» ОАЖ, Тошкентдонмахсулотлари» ОАЖ, ТДТУ қошидаги «Фан ва тараққиёт» ДУК, Шўртан – Газ Кимё Мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи АЖ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Шўртан газ-кимёси мажмуаси», Муборак газни қайта ишлаш заводи УШК, «Навоий азот» АЖ, «Ўзмевасабзавот» Миллий холдинг компанияси, «Кафолат резина» АЖ, Тошкент лок-бўёқ заводи КҚ ОАЖ, «Toshkent-sifatsut» корхонаси, «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ ва ҳ.к. Юқорида келтирилган илмий тадқиқот институтлари илмий мактаблари, корхона ва муассасалар муаммолар, улардаги хомашёни маҳаллийлаштириш борасида талабаларга диссертация мавзулари танланди, шунингдек, ташкилотлар ва институтлар базасидан талабалар ўқув ва илмий ишларини бажаришда самарали фойдаланилмоқда.

2013–2014 йиллар давомида АҚШ, Франция, Австрия, Германия, Испания, Польша, Болгария, Словакия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Исроил, Россия Федерацияси, Белоруссия, Қозоғистон мамлакатларининг нуфузли олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ўртасида фан, таълим соҳасида ҳамкорлик алоқалари амалга оширилди. Жумладан, ҳозирги кунда Франциянинг Тулуза миллий политехника институти, Болгариянинг София кимё-технология ва металлургия университети, Латвиянинг Туриба университети, Хитой Халқ Республикаси Шандун фанлар академиясининг автоматлаштириш ва биология институтлари, Ланджоу технология университети, Белоруссия давлат технология университети, Россиянинг Д.И.Менделеев номи Кимё-технология университети, М.В.Ломоносов номи Москва давлат нозик кимёвий технологиялар университети, Санкт-Петербург давлат техника институти, Воронеж давлат муҳандислик технология университетлари билан 11 та ҳамкорлик шартномалари мавжуд.

Халқаро Ҳукуматлараро шартномалар, университетлараро келишувлар, халқаро грант лойиҳалар доирасида 2013–2014 йилларда 25 нафар профессор-ўқитувчилар, 5 та магистрантлар, 3 бакалаврлар, 2 катта илмий ходим изланувчилар дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларида, халқаро конференция-симпозиумларда иштирок этди, стажировка ўтади ва малака оширди ҳамда ўқиш ва илмий-тадқиқот фаолияти билан шугулланди. Жумладан, Ҳукуматлараро битимлар доирасида Хитойнинг Нефть ва газ университети, Жиангнан университети, Хуажонг қишлоқ хўжалиги университети, Бижинг кимё-технология университетлари билан ҳамкорлик алоқалари ўнатилиб, сўнгги йилларда 4 нафар магистрантлар (Ф.Расулов, О.Алимов, Х.Ўлжаев, Ғ.Шералиев), М.В.Ломоносов номи Москва давлат нозик кимёвий технологиялар академиясида 3 нафар талаба (С.Розиев, М.Пўлатов, С.Ишмухамедов) магистратурада ўқиб, ҳозирги кунда институтда педагогик фаолият билан шугулланмоқдалар.

Жанубий Кореянинг миллий транспорт университети билан ана шундай ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.



Европа Иттифокининг ТЕМПУС дастури доирасида 2010–2013 йилларда «CANDI: Учебные компетенции и инфраструктура для электронного обучения и переподготовки», «CIBELES: Учебная программа в области охраны окружающей среды с учетом принципов Болонского процесса» мавзусидаги лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар доирасида ўқув жараёнининг моддий техник базасини мустаҳкамлаб, ахборот технология ва мультимедия воситалари келтирилган.

Халқаро НАТО ташкилотининг «Наука ради мира» дастури доирасида Норвегия фан ва технология университети, Қирғизистон миллий университети, Жанубий Қозоғистон давлат университети, Тожикистон тоғ-металлургия институтлари билан ҳамкорликда 2011–2015 йилларга мўлжалланган SFP983945 «Оценка трансграничного загрязнения воды в Центральной Азии» мавзусидаги илмий лойиҳаси бажарилмоқда. Европа давлатларида ишлаб чиқарилган суноқликларнинг физик-кимёвий таҳлилларини амалга оширишга мўлжалланган замонавий лаборатория жиҳозлари ва қурилмалари асосида илмий лаборатория жиҳозланиб, ишга туширилди.

Европа Иттифокининг Эразмус Мундус халқаро алмашинув дастури доирасида 2013–2014 йиллар давомида 7 нафар профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар Испания, Польша, Греция, Италия, Словакия давлатларининг нуфузли университетларида малака ошириш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятига эга бўлдилар.

Институтнинг 3 та илмий «Озиқ-овқат ва озуқа», «Физик-кимёвий тадқиқ қилиш», «Кимёвий технология ва нефть-газни қайта ишлаш» лабораторияси, 13 та ўқув-илмий лабораторияларида, 5 та компьютер синфларида магистрлар илмий тадқиқот ишларини бажаришлари учун шароит яратилган.

2014 йилда институтда бажарилаётган илмий тадқиқот ишларида жами 27 нафар магистратура талабаси грант ва хўжалик шартномаларида қатнашган. Ҳар йили Республика миқёсида ўтказиладиган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси»да магистратура талабалари илмий тадқиқот ишлари билан қатнашиб келмоқдалар. Институт миқёсида ўтказиладиган «Умидли кимёгарлар – 2014» ёш олимлар илмий-техникавий анжуманида 154 нафар магистрлар маърузалари билан қатнашиб, анжуман шуъбаларининг энг яхши маърузалар танловида 8 нафар магистратура талабалари фахрли ўринларни эгаллади, 16 нафари Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

2014 йилда чоп этилган «Техникавий ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари» Республика Олий ўқув юргларида илмий ишлар тўпламида 100 дан зиёд магистратура талабалари мақолалар билан қатнашдилар. «Кимё, нефть-газни қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноатлари инновацион технологияларининг долзарб муаммолари» Республика илмий-техникавий анжуманида 22 нафар магистратура талабалари маъруза билан иштирок этдилар. Ҳозирги вақтда профессор-ўқитувчи кадрлар таркибини ёшартириш мақсадида, 2013–2014 ўқув йилида институт магистратурасини тамомлаган 15 нафар магистрлар билан институт кафедраларида педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятларини юритишлари учун меҳнат шартномаси тузилган. Бўлимни доц. М.Қ Абдумавлонова бошқармоқда.

2.10. Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлими

Бу факультет Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1999 йил 19 февралдаги 57-сонли буйруғига турдош олий ўқув юрглари педагог муҳандислари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва корхона раҳбарлари, муҳандис-



технологлари ҳамда техник ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ташкил қилинган. Факультетда 2012 йилгача республикамиздаги олий таълим муассасалари ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг мутахассислик фанлари ўқитувчилари учун замонавий педагогик технологиялар асосида малака ошириш курслари ташкил этилиб, ўқув машғулотлари давомида педагог кадрлар мутахассисликлари бўйича ўз билим ва кўникмаларини ошириб бордилар. 2012 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш, ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1761-сонли қарори асосида факультетда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими педагог кадрлари учун:



Малака ошириш факультети декани
проф. Ҳ.Ч. Мирзакулов

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
2. Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)

Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси бўйича малака ошириш курслари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 48-сонли «Таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва маркетинг соҳасида кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2007 йил 10 мартдаги «ОТМ нинг таълим хизмат сервис соҳасини ривожлантириш фаолиятида самарадорликни ошириш тўғрисида»ги 98-сонли буйруғини бажариш, қизиқиш ва талабларини инобатга олган ҳолда, касбга йўналтиришни илмий асосда ташкил этиш мақсадида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларини қуйидаги соҳа йўналишларида малака ошириш ўқув курслари ташкил этилади:

- замонавий механик жиҳозлар, қурилмалар ва ускуналар;
- замонавий энергетика турлари, тармоқлари, механикаси ва технологияси;
- юқори молекулали бирикмалар синтези ва уларни қайта ишлаш;
- асосий органик синтез технологияси;
- кимёвий технологик жараён ва қурилмалар;
- автоматлаштириш ва бошқарув, назорат ўлчов ускуналари;
- ноорганик моддалар ва минерал ўғитлар технологияси;
- кимёвий биотехнология;
- метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш;
- сифат менежменти тизимлари;
- саноат иқтисодиёти менежменти;
- физик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари йўналишлари – табиий газни тозалаш ва қуришиш усуллари;
- газ кондендатидан мотор ёқилғилари олиш усуллари;
- нефтни бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш технологиялари;
- углеводородларни хроматография усулида таҳлил қилиш;



- кимё саноати чиқиндилари рекуперацияси ва агроф-мухит муҳофазаси;
- саноат экологияси;
- меҳнат ва фуқаро муҳофазаси;
- кимёвий технологик жараён ва қурилмалар;
- озик-овқат хавфсизлиги;
- сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси;
- консерванланган озик-овқат маҳсулотлари технологияси;
- биотехнология;
- микробиология;
- дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси;

– ёғ-мой маҳсулотлари технологияси мутахассисликлари бўйича 36,72 ва 144 соатлик дастурлар асосида малака ошириш курслари ташкил этилиб, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзнефтьгаз» МХК, «Ўзқурилишматериаллари» АК, «Ўзмеваабзавотузумсаноат» холдинг компанияси, «Ўзёғмойтамакисаноат» АК, «Ўзгўштсутсаноат» АК, «Ўздонмаҳсулот» ДАК-нинг ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари касбий малакаларини оширмоқдалар.

Тингловчиларга ўқув машғулотларини олиб бориш учун институтнинг юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилари жалб қилинган. Жумладан, проф. Қ.О. Додаев, проф. Ҳ.С. Нурмухамедов, проф. А.У. Эркаев, проф. Қ.Ғ. Каримов, проф. М. Раҳимжонов, проф. М.Х. Арипова, доц. Ш.Т. Канглиев, доц. Р.А. Ҳабибуллаев, доц. З.А. Бобаханова, доц.



Малака ошириш курси талабалари Юнусобод туризм коллежидаги кўчма дарс пайтида.



Қ.П. Серкаев, доц. С.С. Равшанов каби фидойи ўқитувчилар ўрта махсус касб-хунар таълими педагог-кадрлари, ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари учун машғулотлар олиб бормоқдалар. Тингловчилар учун замонавий аудитория, ўқув-лаборатория хоналари, компьютер синфлари ва барча қулайликлар яратилган. Кутубхонадан унумли фойдаланишлари учун етарли даражада имкониятлар мавжуд.



Малака ошириш курси талабалари Ҳамза меҳмонхоналар хўжалиги коллежида амалий машғулот вақтида

2014 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакаларини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 73-сонли қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги 73-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида»ги 110-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент кимё-технология институти «МО ва КҚТ» факультети негизида таянч ўқув маркази ташкил этилди.

Мазкур марказда ва корхона раҳбарлари, муҳандис-технологлари ҳамда техник ходимлари учун Ахборот коммуникация технологиялари йўналишлари бўйича 12, 24 ва 36 соатлик дастурлар асосида ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Ўтган йиллар давомида факультет раҳбари сифатида институтнинг бир қатор салоҳиятли профессор-ўқитувчилари фаолият олиб бордилар. Жумладан, доц. Х. Тиллашев (2005-2007 й.й), проф. М. Раҳимжонов (2007-2008й.й), проф. Ш. Наримов (2008-2009) ҳамда доц. М. Абдумавлянова (2009-2011 й.й.)лар ўз раҳбарлик фаолиятлари давомида фидокорона меҳнат қилиб, институт жамоаси ва тингловчиларнинг ҳурматларига сазовор бўлдилар. 2011 йилдан бугунги кунга қадар проф. Ҳ.Ч. Мирзақулов факультет раҳбари сифатида фаолият юритиб, ўрта махсус касб-хунар таълими педагоглари ва ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари малакасини ошириш учун зарур янгиликлар ва муҳим маълумотларга асосланган дастурлар асосида ўқув курслари ташкил этиб келинмоқда.

2.11. Институтнинг «Кўнғирот сода заводи» қошидаги махсус сиртқи бўлими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПҚ-49 сонли «Кўнғирот сода заводига мақсадли кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш тўғрисида» ги қарорига асосан Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими 2005 йилнинг октябрь ойидан бошлаб ўз иш фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Махсус сиртқи бўлимда «Кимёвий технология», «Технологик машина ва жиҳозлар», «Муҳандислик коммуникациялари қурилиши», «Электротехника, электромеханика ва электротехнология» бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 5А320401 – Ноорганик моддалар кимёвий технологияси, 5А320305 – «Кимёвий ишлаб чиқариш ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари, ҳамда аппаратлари», 5А310704 – «Электротехник



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сиртки факультетида талабалар билан учрашув вақтида (2007 йил).



Институт ўқитувчиси доц. А. Жалилов сиртки бўлим талабалари билан «Умумий ва ноорганик кимё» фанидан лаборатория машғулотида

қи бўлимга ҳам ташриф буюриб, талабалар билан бўлган суҳбатларида, замонавий жиҳозланган лаборатория, ўқув хоналари ҳамда ўқув жараёнига ижобий баҳо бериб, Қўнғирот сода заводини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида, махсус сиртки бўлим базасида магистратура мутахассисликларини очилиши борасида берилган тегишли кўрсатмалар асосида:

5А320401 – «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси»;

5А320305 – «Кимёвий ишлаб чиқариш ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари, ҳамда аппаратлари»;

5А310704 – «Электротехник мажмуалар ва тизимлар»;

5А340402 – «Махсус жиҳозлар ва муҳандислик тизимларини монтаж қилиш технологияси»;

5А320405 – «Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси» магистратура мутахассисликлари ташкил қилинди.

мажмуалар ва тизимлар», 5А340402 – «Махсус жиҳозлар ва муҳандислик тизимларини монтаж қилиш технологияси», 5А320405 – «Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси» магистратура мутахассисликлари бўйича «Қўнғирот сода заводи» учун юқори салоҳиятли кадрларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлаш йўлга қўйилган.

Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлимга ўрнатилган замонавий тизимдан унумли фойдаланиш мақсадида 2011–2012 ўқув йилидан бошлаб махсус сиртки бўлимнинг тасдиқланган ўқув режасидаги барча маъруза машғулотлари ана шу яратилган қулайликлардан фойдаланилиб институтнинг юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Ҳозирги кунда махсус сиртки бўлимни муваффақиятли тугатган бакалавр ва магистрлар орасида корхона бош механиги, цех, смена ва бўлим бошлиқлари лавозимларида фидокорона меҳнат қилаётган ёш ишчи кадрлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2007 йил 17 майдаги «Қўнғирот сода заводи»га ташрифлари доирасида махсус сиртки



Махсус сиртки бўлимнинг 5A5200707 – «Нефтни қайта ишлаш ва кимё ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари» магистратура мутахассислигининг 2 курс талабаси Баҳодир Бахтиёрович Назруллаев «Фонд Форум», «Келажак овози» ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган Республика ёшлар танловида «Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси бўйича иштирок этиб, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2008 ва 2009 йиллар ғолиби бўлди.

Шунингдек, 5A522401 – «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» магистратура мутахассислигини 2009 йилда муваффақиятли тугатган, ҳозирда «Кўнғирот сода заводи» унитар корхонасининг бош муҳандис муовини лавозимида самарали меҳнат қилаётган Алишер Рустамович Маматходжаев ўзининг «Усовершенствование процесса обжига известняка в производстве кальцинированной соды на Кунградском содовом заводе» мавзуси бўйича химоя қилган магистрлик диссертация иши «Кўнғирот сода заводи» унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилиб, йилига 60 миллион сўм миқдоридан фойда келтирмоқда.

«Кўнғирот сода заводи» қошидаги махсус сиртки бўлимнинг бир қатор талабалари ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли юртимизнинг Давлат мукофотларига сазовор бўлишган. Булардан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида мухтарам юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фармойишларига асосан, махсус сиртки бўлим 5A320305 – «Кимёвий ишлаб чиқариш ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари ҳамда аппаратлари» магистратура мутахассислигининг 2-курс магистранти, «Кўнғирот сода заводи» унитар корхонаси бош механиги лавозимида самарали меҳнат қилаётган Шароф Кўчкарбаевич Худайбердиев «Меҳнат шухрати» ордени билан, Республикамиз Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида эса Кўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлим декани доцент Қобилжон Ғофурович Муҳамедов «Меҳнат шухрати» ордени билан, «Технологик машина ва жиҳозлар» бака-



Сиртки бўлим декани бўлиб ишлаган доц. Т.А. Низомов устозлардан проф. Ҳ.С. Нурмухамедов, доцентлардан А. Оразбоев, Ю. Алимбетов ва О. Сирожовлар талабалар билан суҳбатда.



лавриат таълим йўналишининг учинчи курс талабаси Қаллибек Сапаров Республикамиз Мустақиллигининг 21-йиллиги байрами арафасида «Шухрат» медали билан, «Қўнғирот сода заводи» Унитар корхонаси бош муҳандиси, Тошкент кимё-технология институтининг мустақил изланувчиси Аҳмед Кубайсинович Бегдуллаев эса Мустақилликнинг 23 йиллиги байрами арафасида «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27-декабрдаги «Сургиль конини ишга тушириш билан Сургиль кони базасида Устюрт ГKM қурилиши лойиҳаси бўйича молиялаштириш ва қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1667-сонли қарорининг 18 банди ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 31-декабр №528 сонли «Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлими базасида таълимнинг кундузги шакли бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш тўғрисида»ги буйруғида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида тўлақонли таъминлаш Тошкент кимё-технология институти зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқларини юқори савияда амалга ошириш ҳамда махсус сиртки бўлим базасида таълимнинг кундузги шакли бўйича «Uz-Kog Gas Chemical» ОАЖ қўшма корхонаси учун юқори малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш бўйича 2012–2013 ўқув йилидан бошлаб 5211300 – Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси, 5320400 – Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича), 5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) ва 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналишлари бўйича талабалар контингенти қабул квоталарига асосан шакллантириб келинмоқда.

Хозирги кунда Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлим базасида таълимнинг кундузги шакли бўйича жами 269 нафар, сиртки таълим бўйича 172 нафар ҳамда 30 нафар талаба мавжуд магистратура мутахассисликларида таҳсил олиб, Республикамиз иқтисодиётини янада юксалтиришга ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

2.12. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозими Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 2 мартдаги 39-а сонли буйруғи асосида ташкил этилган. 2011 йил март ойида академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Бўлимни академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор Д.Қорабоев бошқаради, бундан ташқари, бўлимда «Бўлим бошлиғи» ва «Услугачи» лавозимлари ҳам мавжуд. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 2 мартдаги 39-а сонли буйруғи, 2008 йилнинг 18 июндаги 185-сонли, 2011 йил



14 мартдаги 109-сонли, 2011 йил 1 ноябрдаги 436-сонли, 2012 йил 12 мартдаги 86-сонли буйруқлари асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига амалий услубий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш, етакчи олий таълим муассасаларининг академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириб келади:

-академик лицей ва касб-хунар коллежларининг мурожаатлари асосида олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, магистрлари ва аспирантларининг академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўриндошлик асосида педагогик фаолият олиб боришларини ташкил этиш;

-институт ва касб-хунар коллежлари педагоглари билан ҳамкорликда ўқув меъёрий ҳужжатларни мазмунан такомиллаштириб бориш ва замонавий ўқув адабиётларини яратиш;

-касб-хунар коллежларидаги ўқитишнинг мавжуд техник воситаларидан мақсадли равишда самарали фойдаланиш учун электрон ўқув қўлланмалари яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;

-олий таълим муассасаси кутубхоналарида мавжуд бўлган анъанавий ва электрон ўқув адабиётларидан академик лицей ва касб-хунар коллежларида фойдаланиш учун шартшароитлар яратиб бериш;

-академик лицей ва касб-хунар коллежларига келтирилган замонавий асбоб-ускуналарни ишга тушириш, янги лаборатория ишларини йўлга қўйиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

-лаборатория ва амалий машғулотларни услубий қўлланма ва кўрсатмалар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

-ҳамкор академик лицей ва касб-хунар коллежларида олий таълим муассасаси кафедралари филиалларини очиш учун таклифлар тайёрлаш, улар ишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

-олий таълим муассасасининг турдош кафедраларида, касб-хунар коллежлари йўналишларининг тармоқ таълим стандартларини ўрганишни ташкил этиш;

-олий таълим муассасаси, касб-хунар коллежлари ва иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг етук мутахассислари иштирокида семинарлар ташкил қилиш ва уларда кичик мутахассисларга қўйиладиган замонавий малака талабларини аниқлаштириш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқиш.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг жами 43 та касб-хунар коллежлари ва 3 та академик лицей билан ҳамкорлик шартномалари мавжуд бўлиб, уларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда, шу жумладан, майший хизмат соҳасига қарашли 19 та, қишлоқ хўжалигига қарашли 12 та ва технология соҳасига қарашли 12 та касб-хунар коллежларидан иборат. Шу билан бирга Тошкент кимё-технология институти васийлигидаги Узун агросаноат ва Шаҳрихон озик-овқат касб-хунар коллежлари ва вилоятлардаги турдош касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик ишларини олиб боради.

Бу коллежлар ўртасида тузилган барча шартномалар бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими ташаббуси ва Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг мурожаатлари асосида институтнинг профессор-ўқитувчилари, магистрлари ва докторантлари академик лицей ва касб-хунар коллежларида



Ўриндошлик асосида педагогик фаолият олиб боришга жалб этилган. Олий ва касб-хунар таълимининг интеграциясини таъминлаш соҳасида академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб борилади. Жумладан, мутахассислик кафедраларининг мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчиларининг касб-хунар коллежлари билан алоқаларини мустаҳкамланди. Айниқса, ўриндошлик асосида касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатиш, давлат аттестация комиссияларида раислик қилиш, амалиёт ва битирув ишларга раҳбарлик қилиш каби ҳамкорлик ишлари кенг шакллантирилиб борилади. Хар йили мутахассислик кафедраларининг 30-40 нафар профессор ўқитувчилари касб-хунар коллежларида ўриндошлик, соатбай ва ДАК раиси сифатида фаолият олиб боришади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан тўпланган тажрибаларни атрофлича таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида таълим-тарбия жараёнининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, институт қошидаги академик лицейда таҳсил олаётган ўқувчиларни билим олишга, ўқитилаётган фанларни чуқур ўзлаштиришга, келажакда маълум ихтисосликларни танлаб ўқишларини давом эттиришлари борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш, мутахассис кадрлар тайёрловчи кафедралар билан узвий ҳамкорлик фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга ошириб келинади:

Институт қошидаги академик лицейда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрловчи кафедраларнинг «Кафедра кунлари» ва фанлардан маслаҳат дарслари жадвал асосида амалга ошириб келинади. Академик лицей битирувчиларининг олий ўқув юртларига ўқишга кириш кўрсаткичларини янада кўтариш мақсадида «Абитуриент» штаби ташкиллаштирилган. Академик лицей ўқувчиларини кафедраларнинг ўқув-лабораториялари билан таништириш учун экскурсия шаклидаги очик эшиклар кунларини ўтказиб борилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими ташаббуси билан ҳамкор академик лицей ва касб-хунар коллежларида институт кафедралари филиаллари ташкил этилган. Ҳамкорлик ишлари институт қошидаги академик лицей ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик асосан 6 та махсус кафедраларнинг филиаллари орқали амалга оширилмоқда.

Юқорида номи келтирилган коллежларда касбий таълим йўналишидаги IV курс 7-8 семестрида ўтиладиган «Мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими методикаси», «Ўқувчиларда кимёвий технологик фикрлашни шакллантириш» каби фанлар, «Консервалаш технологияси», «Ёғ-мой ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси» кафедраларининг бакалавр ва магистратура бўлими талабаларининг мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлари ҳамда битируволди амалиётлари Кенсой кишлок хўжалик ва Мирзо Улуғбек технология ҳамда Қўйлик маиший хизмат, Чингелди маиший хизмат, Чирчиқ саноат иқтисодиёт, Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис каби бошқа ҳамкор касб-хунар коллежларида олиб борилади.

Мазкур филиаллар институт профессор-ўқитувчиларининг илмий-услубий ишланmalarини ҳаётга татбиқ қилиш, касб-хунар таълими тизимида ўқув жараёни сифатини ошириш ҳамда олий ва ўрта-махсус таълим тизими орасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш воқитаси ҳисобланади.



**ТошКТИ нинг турдош КХК лар билан кафедра филиаллари ташкил этиш
бўйича тузилган ҳамкорлик шартномалари**

№	Кафедра номи	Йўналиш	КХК номи	Кафедрадан маъсул
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси	Ёғ ва мойлар, дон маҳсулотлари технологияси. Виночилик технологияси. Нон, макарон, қандолат маҳсулотлари технологияси	Янгийўл технология иктисодиёт КХК, Мирзо Улуғбек технология КХК, Қибрай маиший хизмат КХК, Қўйлик, маиший хизмат КХК, Занги ота озиқ-овқат КХК	Проф.Й.Қодиров, Доц.П.Илҳомжонов, Проф.П.М.Турсун-хўжаев доц.Н.К.Ойхўжаева, асс. У.Болтаев, Доц.Х.Ҳасанов, Доц.З.Сапаева
2	Озиқ-овқат хавфсизлиги	Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, гўшт сут маҳсулотлари технологияси	Кенсой агросаноат ва бизнес КХК, Занги ота озиқ-овқат КХК	Доц. К.Додаев, У.Ахроров, А.Чориев, Т.Исмоилов
4	Силикат ва металллар технологияси	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимёвий технология	Бекобод техника ва иктисодиёт КХК, Охангарон саноат КХК	Проф. М.Х.Арипова
5	Ноорганик моддалар технологияси	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё технологияси	Бекобод техника ва иктисодиёт КХК, Охангарон саноат КХК, Чирчиқ саноат иктисодиёт КХК, Чирчиқ политехника коллежи	Доц. А.Искадеров, Проф.Т.А.Отақўзиев, Проф.А.Эркаев
6	Касб таълими	Педагогика	Ҳамза педагогика КХК, Чилонзор педагогика КХК, М.Улуғбек технология КХК, Тошкент мехмонхона хўжалиги КХК	Доц. Ш.Канглиев

Институт ва касб-хунар коллежлари педагоглари билан ҳамкорликда яратилган замонавий ўқув-услубий ишлар ва адабиётлар.

2005 йилдан ҳозиргача бўлган даврда академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими институт йўналишларига турдош бўлган 50 га яқин кимё ва озиқ-овқат технологиялари йўналишига мансуб КХКлар билан ҳамкорликда ўқув-услубий ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу вақт мобайнида 62 та дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилган бўлиб, ўтган ўқув йили мобайнида институт профессор-ўқитувчилари томонидан КХКлар учун 12 та ўқув қўлланма нашрга тайёрланди. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 2009–2010 ўқув йилида касб-хунар коллежларининг тайёрлов йўналишлари бўйича махсус фанлардан 16 та, 2011–2012 ўқув йилида эса озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш йўналиши бўйича 6 та ўқув адабиётлари яратилган. Ўзбекистон Республика-



си Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги «2009-2013 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш дастури тўғрисидаги» 80-сонли Қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълим марказининг 2010 йил 16 декабрдаги 84-05-951-сонли хатининг ижросини таъминлаш, ўқув қўлланмаларни тез ва сифатли яратиш мақсадида институтнинг профессор-ўқитувчиларидан бир қисми бу ишга жалб қилинган ва 2012–2013 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун институт профессор-ўқитувчилари томонидан 12 та дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Сўнги 5 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун жами 34 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий қўлланмалар, амалиётларни ташкил этиш ҳамда битирув ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, электрон таълим ресурслари тайёрланган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

АЛ ва КХК ларда касбга йўналтириш ишларини самарали ташкил этиш, иқтидорли ёшларни топиб, уларни ОЎЮ ларига ўқишга жалб этиш мақсадида институт фармойиши билан жадвал асосида ҳар бир факультетда «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилиб борилади, бундан ташқари, институтга бириктирилган КХК ларда касбга йўналтириш бурчаклари ташкил этилган бўлиб, булар институт йўналишлари ҳақидаги проспект ва буклетларда ёритилган.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларига келтирилган замонавий асбоб-ускуналарни ишга тушириш, янги лаборатория ишларини йўлга қўйиш ва ўқув жараёнига жорий этилганлиги лаборатория ва амалий машғулотларни услубий қўлланма ва кўрсатмалар билан таъминлашда кўрсатилаётган амалий ёрдамлар. Озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси томонидан Ангрен маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида консервалаш тизимлари, жумладан, ерёнғок, бодом, ўрик данаги мағзи, майизга глазурь қилиш, стерилланган томат шарбати ва пастаси, томат ва бодринг маринадлари, салатлар тайёрлаш технологик тизимларини ишлатиш бўйича маслаҳатлар бериб борилмоқда. Тошкент тумани Кенсой агросаноат ва бизнес, Зангиота озиқ-овқат касб-хунар коллежларида консервалаш тизими, жумладан, компотлар, шарбатлар, пюре ва концентратлар тайёрлаш технологик тизимларини ишлатиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиб келади. Ушбу коллежларга кафедра томонидан маъруза матнлари, услубий қўлланмалар тайёрлаб берилди. Ҳозирги кунда коллеждаги Польшадан келтирилган ускуналардан фойдаланиш учун услубий ишлар ҳамкорликда яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган КХКлардан ташқари, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон вилоятидаги қишлоқ хўжалиги ва нефть-газ йўналишига мослаштирилган КХК лар билан шартномалар мавжуд бўлиб, бу КХК педагогларига замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда машғулотларни ўтиш, махсус фанлардан ўқув услубий мажмуалар тайёрлашда ёрдам бериб келмоқда.

Касб-хунар таълими педагог ходимларининг малакасини ошириш. Кейинги йилларда касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишга катта эътибор берилмоқда. Институтнинг малака ошириш факультетида «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси», «Кимёвий технология ва ишлаб чиқариш» ҳамда махсус фанлар бўйича ҳар йили 150–200 нафар педагог ўқитувчилар ўз малакасини оширишади. Малака ошириш жараёнида кафедраларда тайёрланган ўқув-услубий ишланмалар коллежлар учун мослаштирилиб, амалий ёрдам сифатида уларга етказиб берилмоқда.



2.13. Институт қошидаги академик лицейлар фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1992 йил 26 ноябрдаги Қўшма коллегиясининг 6/42-сонли қарорига биноан институт қошида лицей ташкил этилган бўлиб, у 1992–1993 ўқув йилидан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. 1992 йилдан 2006 йилгача ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, унда 10–11 синфлар мавжуд бўлган ҳамда дарслар фақат ўзбек тилида олиб борилган. Лицейга ўқувчиларни қабул қилиш институт ректори буйруғи ҳамда лицей қабул ҳайъати томонидан амалга оширилган. Мазкур даврлар мобайнида лицейнинг 10-синфига ўқувчилар қабул қилиш йиллик режаси – 40 та белгиланган бўлиб, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят ва шаҳарларидан мактаб педагогик жамоасининг тавсияси асосида 9-синфни фақат яхши ва аъло баҳолар билан тугатган, суҳбат (тест) танловидан муваффақиятли ўтган иқтидорли ёшлар қабул қилинган.

1992–2004 йиллар мобайнида доцент Орифжон Акрамович Иргашев лицей директори лавозимида ишлади. Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Жўра Курамамов, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Элнора Абдурахимовна Махмудовалар фаолият олиб борган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлдаги «Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-427-сон Қарорини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 августдаги «Олий таълим муассасалари тасарруфидаги лицей ва лицей-интернатлар негизида академик лицейлар ташкил этиш тўғрисида»ги 188-сонли Қарорига мувофиқ, 2006 йил 2 сентябрдан Тошкент кимё-технология институти қошида академик лицей ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 майдаги «Тошкент шаҳрида 12 йиллик таълим тизимига тўлиқ ўтиш ва янгидан қурилаётган ҳамда реконструкция қилинаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларини 2007–2008 ўқув йилига ўз вақтида тайёрлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-633-сонли қарорига кўра, Юнусобод Саноат касб-хунар коллежи реконструкция қилиниб, янги бино Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейга айлантирилди. Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2007 йил 21 августдаги 150-сонли буйруғига кўра, Чилонзор туманидаги Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицей Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 3-мавзесидаги янги бинога кўчирилди. Академик лицей ўз гувоҳномаси, Низоми ва муҳрига эга.

2004–2014 йиллар мобайнида академик лицейга кимё фанлари номзоди, доцент Элнора Абдурахимовна Махмудова раҳбарлик қилиб келди. Бу давр мобайнида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида, яъни 2001–2009 йилларда Дилдора Усмоновна Усмонова, Гавҳар Тайжановна Пардаева эса 2009–2012 йилларда, 2012 йилдан шу кунга қадар Нафосат Хўжамуратовна Маткаримова фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимда Алимова Гулнора Гилмановна 2001–2009 йилларда, Турсунова Роза Ибрагимовна 2009–2011 йиллар, 2013 йилдан эса Отабек Абдижаббарович Жумаев фаолият юритмоқда. Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицей махсус умумтаълим ўқув-тарбия муассасаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги 9-синф маълумотиغا эга бўлган кимё, физика, математика ва кимёвий технологиялар йўналишларига қизиққан иқтидорли ўғил ва қизларга мўлжалланган. Давлат таълим стандартлари асосида сифатли билим бериш билан бирга



уларга қулай шароит яратиб, узлуксиз таълим беради. Шу билан бирга ўқувчиларнинг ҳар томонлама қобилияти ва ижодий имкониятларини очишга ҳаракат қилади.

Академик лицейда қабул кўрсаткичлари доимий ўсиб бориб, 2001–2002 ўқув йилида 90 та ўқувчи қабул қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2014–2015 ўқув йилида 310 тага етди. 2006 йилдан бошлаб академик лицейга русий забон ўқувчилар учун таълим йўналишлари бўйича гуруҳлар очилди.

Ҳозир академик лицейга қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилинмоқда.

Табиий фанлар: кимё-математика, кимё-биология.

Аниқ фанлар: физика-математика, математика-инглиз тили (иктисод йўналиши).

2008–2009 ўқув йилида ЎМКХТБ ва ота-оналарнинг талаб ва таклифлари инобатга олиниб, қўшимча хорижий филология гуруҳлари очилди.

Академик лицейда ўқувчиларнинг таълим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, кимё, физика лаборатория хоналари, биология хонаси, «ЭЛ» фирма жиҳозлари ва реактивлари билан жиҳозланган. Шунингдек, информатика, лингафон, ёшларни чақириққа қадар бошланғич тайёрлаш дарс хоналари кўрғазмалли қуроллар билан таъминланган. Ахборот ресурс маркази мавжуд бўлиб, 8000 дан ортиқ техник ва бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган.

2013 йил академик лицей «Энг намунали таълим муассасаси» кўрик-танловида фаол иштирок этиб, совринли 2-ўринни қўлга киритди ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

2013 йил 47-Халқаро Менделеев олимпиадасида 4–11 гуруҳ ўқувчиси Саидкамол Умаров 2-ўринни қўлга киритиб, бронза медали соҳиби бўлган. Ҳозирда у Тошкент Стоматология институти талабаси.

Кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб келаётган академик лицей ривожига ҳисса қўшган кимё фани ўқитувчиси Дилдора Усмоновна Усмонова 2014 йил «Шухрат» медали билан тақдирланди.

2014 йилдан эса педагогика фанлари номзоди, доцент Акмалов Аббос Акрамович академик лицей директори этиб тайинланди ва ҳозирда фаолият олиб бормоқда.

2005 йил 26 августда очилган Чирчиқ академик лицейи 2012 йил декабрида Тошкент кимё-технология институти қошидаги ўқув масканига айлантирилди. 2014–2015 ўқув йилида лицейда 868 нафар ўқувчи таълим олди. Шундан биринчи босқичдаги 10 та гуруҳда 304 нафар, иккинчи босқичдаги 11 та гуруҳда 320 нафар ва учинчи босқичдаги 9 та гуруҳда 244 нафар ўқувчи таҳсил олди. Ўқув масканида 56 нафар педагог ходим фаолият юритиб, улардан 2 нафари фан номзоди, 4 нафари илмий тадқиқотчи ўқитувчи, яна 4 нафари етакчи ўқитувчи, 21 нафари катта ўқитувчи ва 25 нафари олий маълумотли ўқитувчилардир. 2012–2013 ўқув йилида 245 та битирувчидан 72 нафари (29,3%), 2013–2014 ўқув йилида 265 нафар битирувчидан 98 нафари (37,0%) олий ўқув юртларига кириб, ўқишни давом эттиришмоқда. Лицейда «Абитуриент штаби» ташкил этилган бўлиб, турли ўқув юртларидаги олий таълимнинг бакалавриатига ўқишга кириш сифатини ошириш, бўлғувси ёш кадрларга касб танлашда маслаҳатлар бериш, фан асосларидан дарслар ўтказиш ва шу каби йўналишларда ишлар олиб боради. Ўқувчилар орасидан турли олимпиадалар, спорт мусобақалари, тиллар бўйича биринчиликлар ва бошқа йўналишларда совринли ўринни эгаллаганлар бор.

Лицей жамоаси турли олий ўқув юртлари билан узвий алоқада бўлиб, уларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари билан ўқувчиларнинг учрашувлари, суҳбат ва диспутларини ташкил қилиб туришига гувоҳмиз. ТКТИ профессорлари А.С.Сидиқов,



«Умумий ва ноорганик кимё» кафедраси ўқитувчилари доц. А.А. Абдурахимов билан катта ўқитувчи Т.Н. Эшбўриевлар институт 1-сонли академик лицей ўқувчилари хузурида (2013 йил).

И. Абдуғафуров, доцент Ш.Б.Бухоров, доцент Т.Б.Тўраев, доцент А.А.Абдурахимов, доц. А. Жалилов, асс. Ж.С.Қаюмов ва бошқалар лицейнинг меҳмонлари бўлиб туришади, ўзларининг маслаҳат ва билимларини баҳам кўришади. Бу ишда «Умумий ва ноорганик кимё» кафедраси мудирини доц. А.А. Абдурахимовнинг хизматлари катта.

Лицей ўқитувчиларининг доимий равишда ўз устидарида ишлашлари, илмий ва услубий ишларда қатнашишлари кўринади. Улар турли илмий-техник анжуманлар, семинарлар ва малака ошириш курслари қатнашчиларидир.

2.14. Ички назорат ва мониторинг бўлими

Институт ички назорат ва мониторинг бўлими Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 29 августдаги 207-сонли буйруғи орқали олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган Ички назорат инспекциялари «Ички назорат ва мониторинг бўлими» деб аталган ва тасдиқланган.

Ички назорат ва мониторинг бўлими Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни меъёрий ҳужжатларининг бажарилиши юзасидан фаолиятни назорат қилишни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифаларининг бажарилиши, ўқув-таълим жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг олий таълим соҳасига оид қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатлар ва услубий кўрсатмаларининг ижро этилишининг ўз вақтида бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш мақсадида ташкил этилган.



Институт ички назорат бўлими бошлиги сифатида техника фанлари номзоди, доц. Ш.А. Якубов 1998 йил 20 июлдан 2000 йил 10 сентябргача; техника фанлари номзоди, доц. Ж. П. Муҳитдинов 2001 йил 23 июлдан 2003 йил 25 августгача; техника фанлари номзоди, доц. Б.Х. Ҳасанов 2003 йил 27 ноябрдан 2005 йил 1 ноябргача; техника фанлари номзоди, доцент И. М.Алимов 2005 йил 1 ноябрдан 2009 йил 2 сентябргача; техника фанлари номзоди, доцент Н.Р.Баракаев 2009 йил 3 октябрдан – 2011 йил 15 февралгача фаолият кўрсатган. Биология фанлари номзоди, доц. Т.О. Қаршиев 2011 йил 17 февралдан 2015 йил охиригача фаолият кўрсатди.

Ҳозирги кунда ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сон, 1999 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 августдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби» ҳақидаги 11-10-сон Қарорига асосан иш олиб борилмоқда.

Ушбу бўлим томонидан институтда Ўзбекистон Республикасининг олий таълимга оид қонунлари, юқори ташкилотларнинг қарор ва фармойишлари, вазирликнинг Ҳайъат қарори, буйруқ, йўриқнома, модемограмма ва телефонограммалари, шунингдек, Институтнинг Кенгаш қарори ва буйруқларининг бажарилиш назоратини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш; кадрлар тайёрлаш сифати, уларга бўлган эҳтиёж ва меҳнат бозорини ривожлантириш, олий ўқув юртлари бўйича режалаштирилган барча тадбирлар ҳамда ўқув юрти моддий-техника базасининг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш, профессор-ўқитувчилар таркиби ва халқ хўжалиги кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифатининг ички назоратини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, институтда ўтказиладиган барча турдаги Кенгаш ишларида иштирок этиш, институт фаолиятини ўрганиш бўйича факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлимлардан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун керакли ҳужжатларни талаб қилиш ва масалага оид мутахассисларни жалб қилиш, курс лойиҳаси (ишлари)ни, битирув малакавий ишларини ҳамда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш, давлат аттестацияларининг ўтказилишини, барча турдаги назарий-амалий машғулотларни кўриб чиқиш каби ишлар олиб борилмоқда.

Институтнинг малакали профессор - ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда гуруҳлар тузилади. Ўз фаолиятини вазирлик билан келишилган ҳолда ва институт ректори тасдиқлаган йиллик режага мувофиқ амалга оширади. Ички назорат ва мониторинг бўлими фаолияти ҳар йили олий таълим муассасаси илмий Кенгашида муҳокама қилинади. Буйруқлар ижроси бўйича ойлик ва квартал ҳисоботлар, модемнолар ижроси ва уларнинг бажарилиш назорати ҳамда маълумотларни олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли бошқармаларига тақдим этиш, 500-сонли буйруқ ижроси бўйича квартал ҳисоботлар, ҳар ҳафтанинг душанба кунлари буйруқлар ижроси ҳамда институтда ўтказиладиган маънавий ва маърифий тадбирлар бўйича тезкор маълумотлар, Ҳайъат қарори бандларининг бажарилиши ва ижроси бўйича квартал ҳисоботлар белгиланган вақтда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли бошқармаларига, вазир ўринбосарларига тақдим этилиб келинмоқда.



Ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан, институтни давлат аттестацияси ва аккредитациясига тайёрлашда, ўқув-таълим жараёнининг сифатини узлуксиз назорат қилишда, илмий тадқиқот ва халқаро алоқаларни амалга оширишда, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда, институт йўналиш соҳаларига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг инспекцияга тааллуқли қарор ва кўрсатмаларини ўз вақтида бажаради, талабалар билимини рейтинг усулида баҳолаш ва тест орқали назорат қилишни ташкил этишда ва профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини тузишнинг контракт шакллари хамда олий ўқув юртини бошқариш усуллари такомиллаштиришда бевосита иштирок этишда, ўқув-услубий, тарбиявий ишларнинг сифатини назорат қилишда, меҳнат ва ижро интизомини, Илмий Кенгаш қарорларини ва институт бўйича буйруқ ва топшириқларнинг бажарилишини назорат қилишда, молиявий маблағлардан, институт моддий техника базасидан самарали фойдаланишни ва маблағ билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларнинг назоратини ташкил қилишда, курс ишлар (лойиҳалар) сифатини, битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертациялар бажарилишини ва якуний давлат аттестациясининг ишини назорат қилишда, талабалар билим даражасини аниқлаш мақсадида ўқув йили давомида улардан асосий фанлар бўйича назорат ишларини олишни такомиллаштиришда, институтда ўқув, тарбиявий, илмий тадқиқот ва услубий ишлар сифатини назорат қилишга доир бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

2.15. Кадрлар бўлими

Мавжуд энциклопедияларга кўз ташласак, «кадрлар» сўзи корхона, муассаса, идора ва жамоат ташкилотларининг муайян тармоқларида ишловчи малакали ходимларнинг асосий (штатдаги) таркибини англатишини биламиз. Кенг маънода эса умуман барча доимий ходимлар маъносини билдиради. Демократик жамиятда асосий сиёсий ва ҳўжалик масалаларини муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан кадрларни жой-жойига тўғри ва муносиб қўйиш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга боғлиқ. Ҳар бир ходим ўз маълумоти, иш тажрибаси, шахсий фазилатларига кўра жамиятга хизмат қилади ва фойда келтиради. Кадрларни тўғри танлаш деганда, уларнинг савияси, онги ва ишчанлик фазилатларига қараб танлаш тушунилади. Уларни қайта тайёрлаш эса таълимнинг барча соҳаларидан малака ошириш институтлари, факультетлар, курслар ташкил этилиши билан амалга оширилади. Лекин, ўз устида мустақил ишлаш, доимий билимини ошириш, ўқиш, янгиликлардан бохабар бўлиш, ахборотлар билан танишиб бориш кадрлар билан ишловчи масъул ходимлар зиммасидадир. Айниқса, ҳозирги вақтда раҳбар кадрларга юксак талаблар қўйилмоқда. Улар иш услубларини тобора такомиллаштириб боришлари, бошқариб боришнинг замонавий услубларини мукамал эгаллаб боришлари, янгиликларни ҳис этиш туйғуларига эга бўлиб, фан ва техника тараққиётларини кўра билишлари, юзага келадиган муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўллари қидириб топишлари, бошқаларнинг билим ва тажрибаларидан фойдалана оладиган бўлишлари талаб қилинади. Бунда улар ўз кўл остида ишловчи кишиларни, уларнинг кундалик кайфиятини яхши била олиши, ишонтира олиш ва тўғри йўлланма беришдек кучга эга бўлиши зарур бўлади. Ҳар бир жамоанинг кадрлар бўлимидаги ишига қараб муваффақияти ёки камчилиги вақт ўтиши билан ўзи ҳақида маълумот беришини кўпчилик билади. Барча жамоат ташкилотларида бўлганидек,



институтда ҳам кадрлар бўлими мавжуд. Уни ходимларимиз эркалаб «аёллар бўлими» деб ҳам аташади, бунинг боиси бу жамоада кўп йиллардан бери аёллар ишлашади.

Мана, ярим асрга яқинки, мазкур жамоага Раиса Ефимовна Шабабоева раҳбарлик қилиб келади. Коммуникацион ва ахборот тизимлари ривожланиб келаётган бир пайтда, кадрлар бўлими ходимларидан ўз ишларига масъулиятли ёндошиш талаб қилинади. Ана шунга амал қилиб ушбу жамоа аъзолари ходимларга ширинсуханлик билан муомалада бўлиш, айниқса ёшларга, абитуриент, талаба, магистр ёки профессор ўқитувчилар билан суҳбатлашганда диловарлик билан ёндошишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун бўлса керак, бўлимдан сира одам аримаиди, зарур фикр ва маслаҳат олишга кирганларнинг бу ердан илиқ ҳис-туйғу билан чиқишларини кўрасиз. Институт таълим олиш маскани ҳисобланади. Кадрлар бўлими ўз иш фаолияти давомида таълим бериш учун профессор-ўқитувчиларнинг ил-мий салоҳияти, педагогик малакаси ва маҳоратига қараб ишга қабул қилиш, ушбу даргоҳда фаолият юритиб келаётган раҳбар ходимлар, ўқув-ёрдамчи ходимлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида мувофиқлаштириб бориш, уларнинг шахсий йиғма жилдларини тегишли тартибда юритиб бориш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ равишда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни олиб бориш билан шугулланади. Институт ташкил этилганидан бугунга қадар 4350 тадан ортик фуқаролар институт томонидан иш билан таъминланган, улардан аксарият қисмини ёшлар ташкил қилади. Бундан ташқари институтда фаолият юритган ва ҳозирги даврда ишлаб келаётган барча ходимлар жамғарилиб борадиган пенсия дафтарчалари билан таъминланган. Мунтазам равишда тегишли статистик органларга, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига институт ҳақида талаб этилган маълумотларни илова қилинган шаклларга мувофиқ ўз вақтида тақдим этиб борилади.

Ҳозирги кунда ахборот коммуникация тизими жуда ривожланиб келмоқда, бу эса бўлимга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Институтда онлайн тизимда профессор-ўқитувчилар, талабалар, уларнинг ўқув жараёни ҳақидаги маълумотлар до-имий равишда киритиб борилади. Бу эса ўқув жараёнини онлайн равишда қузатиб бо-ришга имкон яратади.

Талабаларнинг шахсий йиғма жилдларини юритиш, ўқув жараёнида рўй беради-



Кадрлар бўлими ходимлари.

ган ўзгаришларни қайд этиб бо-риш, уларнинг умумий рўйхатини факультет деканатлари билан мувофиқлаштириб бориш, ўқув жа-раёнининг сўнгида эса олий маълумот ҳақида дипломларни ўз вақтида юқори савияда расмийлаштириш каби ишлар ҳам кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади. Та-рих кўрсаткичларига назар сола-диган бўлсак, 1991 йилда кундузги бўлимда 2430 талаба, шу жумладан, 298 битирувчи, кечки бўлимда 731 талаба, шулардан 138 та битирувчи, сиртки бўлимда 830 талаба, унда 101 та битирувчилардан иборат бўлган.



Ҳозирги кунда кундузги бўлимда 3447 бакалавр, 327 та магистр, қолаверса, Қўнғирот сода заводи қошида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимда 272 та кундузги бакалавриатурада, 27 та магистратурада ва 173 та сиртқи бўлим бакалавриатурасида талабалар таҳсил олиб келмоқда. 2014–2015 ўқув йилида жами 987 та битирувчи бакалавр ва магистр даражасига эга бўлди.

Кадрлар бўлимида ишлаган аёллар магистрант, аспирант, докторантлар меҳрини қозонишди, профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлар ҳурматиға сазовор бўлишди. Булар қаторида А.Мираҳмедова, Г.Қодирова, Г.Миразизова, М.Набиходжаева ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Ҳозирги кунда бўлимда ишлаб турган ходимларимиз ҳам анъаналарға содиқ ҳолда фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Улар жамоа ходимларини ўз акасингилларидек ҳурмат қилишади, керакли маслаҳатларини беришади, ишни галға солишмайди, қийинроқ вазиятда раҳбарлари Раиса Ефимовна билан фикрлашадилар ва тегишли маслаҳат беришади. Мана шундай шароитда меҳнат қилиб келаётган катта инспекторлар Г.А.Аҳмедова, Д.Б.Хушвақтова, М.А.Турсунхўжаева, инспекторлар Ф.А.Раҳимова ва архивариус Н.М.Зуфарова доимо омон бўлишсин, соғ бўлишсин.

2.16. Ахборот-ресурс маркази

Ахборот-ресурс маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 майдаги 203-сонли Фармониға биноан собиқ Тошкент политехника институти таркибидаги «кимёвий технология ва муҳандислик технологияси» факультетлари негизида ташкил топиб, шу вақтнинг ўзида унинг қошида Институт кутубхонасига ҳам асос солинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот кутубхонаси билан таъминлашни ташкил этиши тўғрисида»ги 2006 йил 20 июнь ПҚ-3 81-сонли Қарори асосида, институтнинг 2007 йил 2 мартдаги 37-буйруғига мувофиқ Ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.

Ҳозирда АРМ да 3 та тармоқ кутубхона мавжуд бўлиб, булар:

- Бош бинодаги АРМ асосий фонди;
- «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» факультети фонди;
- «Менежмент ва касб таълими» факультети фонди;
- Талабалар турар жойи фонди.

Ахборот-ресурс марказида жами 5 та ўқув зали мавжуд. Ўқув залларидаги ўриндиқлар сони 150 атрофида бўлиб, талабаларнинг мустақил таҳсил олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ахборот-ресурс марказининг жами фонди 173787 нашр, 1500 дан ортиқ электрон манбани ташкил этади. Кутубхонаға 3000 га яқин китобхон талаба ва 300 га яқин китобхон ишчи-ходим аъзо. Электрон кутубхона 15 дан ортиқ замонавий компьютерлар, 2 та сканер, 2 та принтер, битта нусха кўчирувчи аппарат билан жиҳозланган.

АРМ фондида кимё ва кимё технологиялари, нефть-газ, қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, соҳалар иқтисодиёти ва менежменти ихтисосликларига оид адабиётлар фойдаланувчилар эҳтиёжини қондиришға хизмат қилади.

Ахборот-ресурс маркази фонди 2014–2015 ўқув йилида 174219 дона нашрни ташкил этди. Шундан 123143 таси дарслиқлар, 6860 таси бадиий адабиёт, 247 таси чет эл адабиёти ҳисобланади. Бу ерда 12 ходим фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий вазифаси китобхонларни керакли ўқув адабиётлари билан таъминлаш ва мустақил билим олишларига кўмаклашишдир.



АРМ нинг электрон ресурслар базасига 1500 дан ортиқ электрон манбалар киритилган бўлиб, улар профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари, 168 та ўқув адабиётларнинг электрон версиялари, 141 та электрон кўргазмалар материаллар, 404 та амалий машғулотлар, лаборатория ишлари ва ўқув услубий кўрсатмалар, вертуал стендлар ҳамда ўқув дастурларидан иборат.

Ахборот-ресурс марказида тўртта бўлим фаолият олиб бормоқда:

1. Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимида Д.Т.Мамажонов ва Д.М. Акромова фаолият олиб бормоқдалар.

Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими Ахборот-ресурс марказига талабаларни аъзо қилиб, уларга ўқув адабиётларини етказиб беради. Бугунги кунда Ахборот-ресурс марказига 3000 га яқин талаба, 300 нафар профессор-ўқитувчи, ҳамда ишчи-ходимлар аъзо бўлиб ўқув адабиётларидан фойдаланмоқдалар.

2. Фондни комплекшлаш ва китобларни расмийлаштириш бўлимида Д.М.Мусаева ва С.М. Аксаитова фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Фондни комплекшлаш ва китобларни расмийлаштириш бўлимида 2012–2013 ўқув йили давомида 298 та лотин алифбосида, 742 та рус ва ўзбек тилларида янги китобларни қабул қилиб, расмийлаштирилди.

3. Илмий адабиётлар бўлимида М.К.Раҳимова илмий адабиётлар ва вақтли нашрларга ишлов беради.

Илмий адабиётлар бўлимидаги илмий журналлар, номзодлик ва магистрлик диссертациялар фондидан профессор-ўқитувчилар, изланувчи тадқиқотчилар ва магистрлар фойдаланиб келмоқдалар.

4. Электрон каталоглар яратиш бўлимида Р.А.Абдуллаева ва Х.А.Абдусаматова фаолият юритади.

Бугунги кунда мавжуд таълим йўналишларини ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги, ўқув адабиётларини электрон шаклга ўтказиш, АРМ фондидаги адабиётларни бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари бўйича кафедралар томонидан йўналишлар бўйича алоҳида тақсимланиши ҳолати фан ўқитувчилари томонидан амалга оширилади. АРМ фондидаги ўқув адабиётлари рўйхатлари ходимлар томонидан мунтазам равишда тўлдириб борилмоқда.



Ахборот-ресурслар маркази ходимлари М. Раҳимова, директор Д. Мансурова, Д. Мусаева, Д. Мамажонов ва С. Аксаитовалар.

Электрон каталоглар яратиш бўлимида «КАРМАТ» дастури бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Институт ахборот-ресурс марказининг корпоратив тармоққа уланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, шунга қарамай, Республика йиғма электрон каталогизаторига 138 номда ўқув адабиётлари киритилди. Республика йиғма каталоги ва «КАРМАТ» дастурини такомиллаштириш вазифаси Олий таълим вазирлигининг назоратига олинган.

«КАРМАТ» дастури бўйича бажарилаётган ишлар талабалар-



га институт кутубхонасидаги адабиётлардан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яради.

Ахборот-ресурс марказини электрон кутубхона даражасига кўтариш борасида ўқув йили давомида бир қатор ишлар олиб борилди. Нодир ўқув адабиётларининг электрон нусхалари кўчирилди. Электрон нусхалар сони 775 тадан ортиқ, шундан 525 таси Республика ахборот агентлиги томонидан PDF форматга ўтказилди. Электрон мажмуалар сони эса 330 тани ташкил этади. Умумий электрон база 1150 та нусхага етди. Бундан ташқари, электрон базамизда маъруза матнлари, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, назорат саволлари ва тест саволлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни сўнгги йиллардаги ўқув дастурларига мослаб ўзгартириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминланишини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 20 июндаги «Олий таълим муассасалари Ахборот ресурс марказлари фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги» 250 буйруғи асосида кутубхонанинг 2 та ходими: Р.А. Абдуллаева ва Д.М. Мусаева Тошкент Ахборот технологиялари университетига ташкил этилган Автоматлаштирилган электрон каталоглар яратиш бўйича ўқув курсларида ўз малакаларини оширдилар. Ҳозирда ушбу ходимларимиз Республиканинг Корпоратив тармоғига «КАРМАТ» дастури бўйича институтда мавжуд ўқув адабиётларининг электрон каталогини яратиш борасида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Компьютерлардан электрон формулярлар ва республика йигма электрон ку-



Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган битирувчилар АРМ китобхоналарга хизмат кўрсатиш бўлими ходими Д.Т. Мамажоновга ўз ташаккурларини билдириб, хайрлашаётган эсдалик дақиқалар (2014 йил).



тубхонасини ташкил қилиш ҳамда институт Ахборот-ресурс марказининг электрон каталогини яратиш учун фойдаланилади.

АРМ ходимлари ўқув йили давомида янги ўқув-адабиётлари, маънавий-марифий адабиётлар, матбуот нашрлари тақдимотлари ҳамда мавзули кўргазмалар, бундан ташқари муҳим саналарга бағишланган бадиий-ижодий кечалар ва бошқа турли тадбирлар ўтказиб турилади.

Ахборот-ресурс маркази фойдаланувчиларнинг мустақил билим олишлари, интеллектуал салоҳиятларини оширишлари, маданий, маърифий-ахлоқий қадриятларини шакллантиришлари, замонавий талабларга мувофиқ етук мутахассислари бўлиб етишишларида яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

2.17. Фахрийлар маслаҳат кенгаши

2005–2006 ўқув йили бошида ТКТИ ректорати қошида Фахрийлар маслаҳат кенгаши иш бошлади. Ушбу кенгаш ишига институтдаги илмий-педагогик фаолияти 40 йилдан ортиқ бўлган профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Унинг таркиби янги профессор-ўқитувчилар билан доимий равишда тўлдирилиб, янгиланиб борилади. Кенгаш раиси қилиб Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий, техника фанлари доктори, проф. Т.Р.Абдурашидов, котиб этиб эса доцент Р.А.Ҳабибуллаев тайинланди. 2010–2011 ўқув йилидан бошлаб Кенгаш раислигига кимё фанлари доктори, проф. Ф.А.Мағрупов тайинланди.

Фахрийлар маслаҳат кенгашида турли йиллар мобайнида жами 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар фаолият юритиб келишмоқда. Булар орасида проф. А.Т. Жалилов (раис муовини), проф. М.А. Қосимжонов (раис муовини), проф. А.И.Икромов (раис муовини), проф. С.Х.Абдуразоқова, проф. А.А.Абдурахимов, проф. К.А.Ахмеров, доц. З.Акбархўжаев, доц. Н.П.Елина, доц. Х.Н.Жумаев, доц. И.Зоҳидов, проф. Н.П.Исмоилов, доц. Қ.Ғ.Каримов, проф. О.С.Мақсумова., доц. Й.М.Маҳсудов, проф. Ф.М.Мирзаев, доц. Ш.П.Нуруллаев., проф. А.О.Артиқов, проф. С.А.Атамуратов, проф. Т.А.Отақўзиев, проф. М.Т.Примқулов, проф. Ғ.Р.Раҳмонбердиев, проф. П.М.Турсунхўжаев, доц. Т.Т.Турсунов, проф. М.С.Тошмухамедов, проф. Ҳ.Т.Шарипов, проф. Н.И.Ҳамидов, доц. С.Х.Хусанов, проф. Й.Қ.Кодировлар бор.

Институт Фахрийлар маслаҳат Кенгашига олиб чиқиладиган масалалар олий ўқув юртининг барча жабҳаларига тегишли бўлиб, олиб борилаётган ишлардаги илғор тажрибалар оммалаштирилиши, ютуқларга интилиш, нуқсон ва камчиликларни йўқотишда маслаҳатлар бериш билан чекланиш тавсия этилади. Кенгаш зарур ҳолларда масалаларни раҳбариятга олиб чиқиш, ечим топиш, кафедра ва ходимларга ёрдам беришни ҳам ўз зиммасига олади.

Ўқув-услубий ишлар бўйича Давлат таълим стандартларини тайёрлашнинг институтда ташкил этилиши, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, ёш педагог-ўқитувчиларининг малакасини ва касб маҳоратини ошириш, магистрлар тайёрлаш ҳолати ва уларнинг ислоҳоти, профессор-ўқитувчилари ихтисослигининг магистратура мутахассислигига мослиги, рус тилини ўрганишни, фанларнинг технологик ва чизма қисмларини ўқитишни такомиллаштириш, фан олимпиадаларининг ташкил этилиши, амалиёт ўтказишни такомиллаштириш, талабаларнинг ўзлаштириши бўйича ЁОБКТ факультетида ташкил қилинган ишчи оралик ва якуний назоратларнинг ташкил қилиниши масалаларини кўриб тузатиш, ютуқларни



мустахамлаш, ишни ўқув-меъёрий хужжатлар асосида ташкил қилиш бўйича маслаҳатлар бериб борилади.

Хусусан, амалиётларни соҳа бўйича корхоналарда ташкил қилиш, Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда Фахрийлар маслаҳат кенгаши билан маслаҳатлашиш, рейтинг назоратларини Низом асосида тўғри ташкил қилиш, умумтаълим кафедраларида ҳам магистрлар тайёрлашни ташкил этиш, магистрантларнинг фаолиятини иш режалари асосида таҳлил қилиш, иқтидорли магистрантларни институтда олиб қолиш, магистратурада дарс берувчи профессор-ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар, дарс жадвалларида талабаларнинг 3–4 кун давомида мутахассислик кафедраларида бўлишини таъминлаш, лаборатория машғулотида магистрларнинг мавзуларига мос ишларни ташкил қилиш, магистрантларнинг илмий раҳбарларининг маъсулиятини ошириш, китобларни вазирлик грифи асосида чоп этиш, Ўзбекистон кимё саноати ҳақида китоб чоп этиш бўйича қимматли маслаҳатлар берилди.

Илмий-тадқиқот ишлари бўйича институтда иқтидорли талабаларни танлаш ва улар билан ишлаш, педагогик кадрларнинг илмий-текшириш ишларида давлат грантлари ва хўжалик шартномалари бўйича қатнашиши, талабалар илмий-тадқиқот ишларининг факультетларда ташкил этилиши каби масалалар атрофича кўриб чиқилди ва Фахрийлар маслаҳат кенгаши томонидан қатор маслаҳат ва кўрсатмалар берилди. Хусусан, талабалар илмий жамиятини (ТИЖ) ташкил қилиш, жамоатчилик асосида илмий ишлар бўйича декан муовинларини тайинлаш, кафедраларни лаборатория анжомлари билан таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маҳаллий журналларда иштирок этиши, хорижда мақола чоп этиши, илмий мақолаларда компьютер услубиятидан кенг фойдаланиш, давлат грантлари ва хўжалик шартномаларида иштирокини таъминлаш бўйича зарур маслаҳатлар берилди ва тезкор тадбирлар белгиланди.

Ҳар ўқув йили бошида «Камолот» ЁИХ фаолларининг институт Фахрийлар Маслаҳат Кенгаши аъзолари билан учрашувларини ташкил қилиш, талабалар турар жойида кимё фани тўғараги ва китобхонлик кунларини ташкил этиш бўйича тегишли маслаҳатлар берилди ва чора-тадбирлар белгиланди.

2.18. Касаба уюшма қўмитаси

Мустақиллик йиллари бошида Уюшмага проф. А.Б.Аловитдинов раис этиб сайланди. Сўнгра раислик вазифаси доц. У.Р.Кўчқоровга топширилади. 2004–2007 йиллари ушбу вазифани доц. Т.Камолов бажарди. 2007 йилнинг ноябрь ойидан ҳозирги кунгача доц. А.К.Абдурахмонов раис бўлиб ишлаб келмоқда. Шу орада бухгалтерлик вазифаси М.Холмухамедова, М.Муҳамедова ва кейинги 10 йил давомида Ю.Қамбарова томонидан бажарилиб келинмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси 500 га яқин проф. ўқитувчилар, кабинет ва лаборатория ходимлари ҳамда 3600 га яқин талаба, магистрант, докторантларни ўз ичига олади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси, вақтида дам олиши, санаторий, курорт ва шу каби ҳордиқ чиқариш масканларида бўлиши қўмитанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Мана шу чорак асрдан бери бу масъул ишга алоҳида эътибор берилиб, ходимларнинг нафақат ўзлари, балки оила аъзолари, ёш фарзандларига ҳам ғамхўрлик қилинади, тиббиёт кўрикларидан ўтказилиб турилади, зарур пайтларда турли ёрдамлар кўрсатилади. Қари, ногирон ва пенсияга чиққан проф. ўқитувчилардан хабар олиб турилади, байрам совғалари тарқатилади.



Касаба уюшмаси раиси доц. А.Қ. Абдурахмонов, маънавият ва маърифий ишлар проректори М.Х. Караходжаевалар институт фахрийси проф. А. Абдурахимов оиласи хузурида.



Касаба уюшмаси раиси доц. А.Қ. Абдурахмонов институт ходимлари ва талабалари билан Самарканд саёҳатида.

Ходимларнинг хордик чиқаришлари учун санаторийларга, дам олиш масканларига, болаларига эса оромгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратилади.

Институтнинг 2 нафар талабаси «Ёқилги, энергетика, кимё саноати ва геология комплекси» касаба уюшмалари марказий кенгаши томонидан таъсис этилган стипендия соҳиби бўдилар.

Шу йили оммавий-маданий тадбирлардан «Халқаро хотин-қизлар куни», «Устоз ва мураббийлар куни», Миллий театр биносида ўтказилган тадбирларда концерт қўйиб берилди, спектакл намойиш қилинди, 40 та ходимга эсдалик совғалари берилди.

Институт ходимлари фарзандлари учун янги йил томошаларига шахримизнинг турли маданият саройларига бепул чипталар берилди.

Хайрия ва ёрдам ишларида касаба уюшма кўмитаси масъуллари билан бир қаторда ректорат, деканат вакиллари, кафедра ходимлари ҳам иштирок этишади. Турли хил байрамларда ётоқхоналарда адабий ва маърифий-ахлоқий кечалар уюштирилади, совғалар улашилади, ош дамлаб тарқатилади. Оммавий равишда театрларга борилади, хотира майдонига гулчамбарлар қўйилади, улуғ шоир ва ёзувчилар музейларига борилади, турли мавзуларда кўрик-кўргазмалар ўтказилиб турилади. Бундай оммавий ишларда касаба уюшмасининг факультетлардаги вакиллари, «Камолот» ёшлар ташкилотлари аъзолари фаол иштирок этадилар.

Институт касаба уюшмасининг ижтимоий ҳимоя бўйича қилаётган ишларининг айрим йўналишларини кўрсатиб ўтишни лозим топамиз. Масалан, 2013 йилда проф. ўқитувчи, ишчи ва ходимларнинг фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация миқдори ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик сабабли нафақа пуллари тўланди.

Проф. ўқитувчи ва ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида бепул энг зарурий дори-дармон берилади. Кам таъминланган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида институт ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилади.



Уюшма 2015 йилда ижтимоий ҳимоя, оммавий-маданий, спорт ва соғломлаштириш тадбирлари учун 2013 йилгидан нисбатан деярли 1,5 баробар кўп маблағ сарфлади.

Кейинги йилларда уюшма кўмитаси проф.-ўқитувчи ва ходимларнинг меҳнат шароитлари «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги» комиссияси томонидан мунтазам равишда назорат қилинадиган бўлди, керак бўлганда чора-тадбирлар кўрилди. «Мустақиллик куни», «Устоз ва мураббийлар куни», «Конституция куни» байрамларида устозлар ва талабалар учун мукофот пуллари ажратилди.



Доц. А.Қ. Абдурахмонов 37-ёрдамчи мактаб тарбияланувчиларига институт касаба уюшмасининг байрам совғалари билан.

Кўмита раҳбари ҳар йили илмий кенгашда ҳисобот беради, ютуқ ва камчиликлар устида муҳокама бўлади. Йилга тузилган режалар муҳокама қилинади, таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олинади. Ходимлар томонидан бериладиган ёзма ва оғзаки мурожаатлар ўз вақтида қараб чиқилади, керак бўлганда чора-тадбирлар кўрилади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

2.19. Ахборот технологиялари маркази фаолияти

Ахборот технологиялар маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 майдаги 230-сонли «2001–2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, Интернетнинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Институт Илмий кенгаши қарори ҳамда институт ректорининг 2001 йил сентябрдаги буйруғи асосида Ҳисоблаш маркази негизида ташкил этилган.

Ахборот технологиялар марказининг (АТМ) тасарруфида маъмурий-бошқарув, дастурий ва техник қўллаб-қувватлаш, Веб-сайт, Ziyonet, моддий-техник бўлим ва 8 та компьютер синфлари фаолият олиб боради. Марказнинг асосий вазифаси институт ўқув ва маъмурий бошқарув жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқарув-назорат ишларини олиб боришдан иборат.

АТМ қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

1. Компьютер техника воситаларига дастурий ва техник ёрдам. 2015 йилда институт бўйича компьютерлар сони 364 тани ташкил этди. Синфларда фойдаланилаётган компьютерлар сони ҳам кўпайтирилди. Бу хоналарда барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалавриатура, магистратура босқичларида таълим олаётган талабалар учун амалий машғулотлар олиб борилади. АТМ ходимлари компьютер хоналарининг дастурий ва техник таъминоти, кундалик назоратини олиб боришади, мунтазам равишда институтдаги барча компьютерлар дастурий таъминотининг нормал ишлашини назорат қилишади (операцион тизимларни ўрнатиш, антивирус ва бошқа зарур дастурларни ўрнатиш) ва жорий техник таъмирлашларни амалга оширишади (компьютер эҳтиёт қисмларини алмаштириш, принтерларни сиёҳ билан тўлдириш ва ҳоказо).



2. **Электрон кутубхона ишини ташкил этиш.** 2007 йилдан бошлаб ТКТИ ахборот-ресурс марказида (АРМ) Электрон кутубхона ўз иш фаолиятини бошлаган. Барча компьютерларга республикамизнинг етакчи таълим муассасаларида чоп этилган ҳамда институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган илмий, илмий-услубий ўқув қўлланмалар, тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг дарсликлари, фанлар бўйича маъруза матнлари, монография, автореферат ва диссертацияларнинг электрон вариантлари жойлаштирилган. Электрон кутубхона дастури базасига мунтазам электрон китобларни киритиш ишлари олиб бориляпти.

Электрон кутубхона ходимлари ахборот технологиялардан фойдаланиш бўйича малакаларини ошириб боришмоқда. АРМ да мавжуд бўлган ноёб китоблар сканер орқали электрон кўринишга ўтказилмоқда. Ахборот-ресурс марказининг Веб саҳифаси институт Веб саҳифаси ичига жойлаштирилган.

3. **Интернет ва институт сайти.** Ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «UzNet» филиали, «Ўзбектелеком» АК «Бизнесни ривожлантириш маркази» филиали билан Интернет хизмати, олий таълим муассасалараро Видеоконференциялар ўтказиш, Ziyonet ахборот-таълим тармоғидан фойдаланиш VPN алоқа хизматлари бўйича, «Арсенал – Д» компанияси билан домен хизмати бўйича, UzInfoCom ДУК билан хостинг хизмати бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Институт тармоғи 2 Мбит/с тезлик билан Интернетга уланган. Институтда ресурс марказ заллари, деканатлар ва кафедралардаги компьютерлар интернет тармоғига уланган. Шу компьютерлар орқали рўйхатдан ўтган фойдаланувчи интернетдан ўқув жараёни ва илмий тадқиқотлар учун маълумотлар олишмоқда.

4. Ziyonet тармоғига жойлаштириш учун ахборот ресурсларни тақдим этиш. Вазирликнинг 2008 йил 18 февралдаги 39-сонли буйруғи ижроси юзасидан ҳам, 2010 йил 14 майдаги 183-сонли буйруғи ижроси юзасидан институтда ишлаб чиқилган бир нечта Электрон ахборот таълим ресурслари «Ziyonet» ахборот тармоғига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

2015 йили институт проректори доц. Д.Корабоев, АТМ раҳбари О.Мақсудов, «ИАБ» кафедраси ассистенти Б.Боборажабов ва ўқув-таълим ресурслари ва дастурий таъминотни татбиқ этиш бўлими бошлиғи Б.Қосимовлар Хитой Халқ Республикасида малака ошириб, халқаро сертификат олиб келишди.

Ҳозирги кунда АТМ га О.Р.Мақсудов бошчилигидаги жамоада компьютер зали мудираси М.А.Набиходжаева, дастурчи муҳандислар Х.Мусаев ва Н.Н. Ҳаққулова, техник ходимлар Д.Шавкатов, А.Ғаниев ва А.Эргашевлар самарали меҳнат қилиб келишмоқда.

2.20. Махфий ва ҳарбий мудофаа бўлимлари

Бу бўлим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 13 майдаги 130-сонли фармойиши асосида ташкил этилгандан ва иккига бўлинган: «Махфий тартиб органи» (I-бўлим), «Мобилизация орган» (II-бўлим) Ҳарбий мудофаа ишлари бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда.

Феруза Мирзаумаровна Джахангирова институт ташкил этилгандан буён махфий тартиб органи бошлиғи, «Ҳарбий мудофаа ишлари» бошлиғи, «Фуқаролар муҳофазаси» бошлиғи, маърифат маркази «Ибн Сино саломатлик маркази» раҳбари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимларида ишлаб, ҳозирда махфий тартиб органи ва ҳарбий мудофаа ишлари бошлиғи лавозимларида фаолият олиб бормоқда.



III
БОБ



*МАЪНАВИЯТ ВА
МАЪРИФАТ
ИШЛАРИ*



3.1. Маънавиятга эътибор

Ёшларимизни маънавий комилликка, эзгуликка, инсоф ва адолатга элтувчи, унинг руҳиятидаги соғлом ҳис-туйғуларини, илмий салоҳиятларини давлат, миллат манфаатларига мос ва хос тарзда йўналтиришнинг янги педагогик технологияларни ривожлантириш ҳамда бундай ёндашувларни такомиллаштириб бориш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Институтда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича проректор лавозими ва унга мукобил равишда «Маънавият-маърифат» бўлими фаолият олиб боради. Бу лавозимда 1996 йилда профессор А.Аловитдинов, 1997 йил профессор А.Эминов, 2002 йил профессор Б.Алиев, 2005 йилда с.ф.н., доцент Т.Алимардоновлар ишлаган. 2007 йилдан бошлаб то шу кунгача педагогика фанлари номзоди, доцент М.Х.Караходжаева институт маънавий-маърифий ва тарбия ишлари бўйича проректор лавозимида самарали ишлаб келмоқда.

Бубўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Олий ва ўрта таълим вазирлигининг буйруқ ва меъёрий ҳужжатлари талаблари ҳамда институтнинг амалдаги қонун-қоидалари асосида иш олиб боради. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, кенг фикрли, соғлом, жисмоний, ақлий, маънавий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга тарғиб эта оладиган шахсларни шакллантириш бўлим фаолиятининг асосини ташкил этади. Бўлимда 1996 йилдан М.Ҳолмухамедова, 2005 йилда Ж.Холовлар фаолият юритишган, 2006 йилдан бўлимни З.М.Рашидова бошқариб келмоқда.

Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятига муносиб қадам ташлаётган, глобал ва интеграцион жараёнлар шиддат билан кириб келаётган бир пайтда, улар тўлқинларига муносиб жавоб бера оладиган илмли ва маданиятли, умуминсоний миллий демократик қадриятларни ўзида уйғунлаштирган, дунё сиёсий ва иқтисодий муаммоларини теран англаган ёшларни тарбиялаши лозим бўлмоқда. Шу билан бирга, барча ўқув йилларида маънавий-маърифий ишларнинг сифат, самарадорлигини ошириш омилларини қуйидаги йўналишларда белгилашни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

Ўзбекистон ёшларининг сиёсий маданиятига – ватанни ягона макон сифатида англаши ва унга садоқат руҳида тарбияланган бўлиши, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаши ва ўзининг ижтимоий ҳаётида унга амал қилиб яшаш малакасини намоён қилиши, давлат ва жамият муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, ижтимоий ҳаёт барқарорлигини, миллатлараро тотувликни, ватан равнақини таъминлаш каби вазифалар киради. Энг муҳим вазифалардан яна бири, ёшларимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ҳукукий, маданий ва маърифий ислохотларнинг назарий асосларини пухта эгаллашлари билан боғлиқ масаладир.



Ана шуларга асосланган ҳолда институтда ўқув йили давомида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар бўйича 10 бўлимдан иборат тадбирлар режаси асосида маънавий-маърифий тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Маънавий-маърифий соҳага доир Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Вазирлик ҳайъати қарорлари, буйруқлари ва модемларига ўз вақтида жавоб берилиб, институт буйруқ ва фармойишлари чиқарилади.

Институтда мураббийлар жамоаси таркибий қисми 44 нафар фан номзоди, 32 нафар катта ўқитувчи, 58 нафар ассистент-ўқитувчилардан ташкил топган бўлиб, факультетлардаги академик гуруҳларга жами 152 нафар профессор-ўқитувчи мураббийлик қилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 27 июлдаги «Республика олий таълим муассасаларида одоб-ахлоқ қоидаларини жорий этиш тўғрисида»ги 4/3-сонли Ҳайъат қароридида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида институт Илмий кенгашида, Мураббийлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилиб, 2011 йил 29 августдан «Институтда одоб-ахлоқ қоидалари» жорий этилган. Институтнинг барча гуруҳ мураббийлари учун «Институтда одоб-ахлоқ қоидалари»ни жорий этиш тўғрисида семинар-тренинг ўтказилиб, факультетларнинг илмий-услубий кенгашларида, кафедралар, академик гуруҳларда одоб-ахлоқ қоидалари муҳокама қилинган, бу ҳақда баённомалар тузилиб, қарорлар қабул қилинган. «Тошкент кимё-технология институтининг одоб-ахлоқ қоидалари» рус ва ўзбек тилида ҳамда латин алифбосида банер шаклида барча факультетларнинг кириш жойлари, ўқув бинолари қаватлари фойеларига ўрнатилган.

Институт талаба-ёшлари орасида диний экстремизм ва терроризм, миссионерлик, гиёҳвандлик, ташқи миграция ҳамда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚКБ, Тошкент шаҳар Шайхонтохур ва Мирзо Улуғбек туман ИИБ, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, Республика Қизил яримой жамияти, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика ОИТС маркази, Республика СПИДнинг олдини олиш маркази, «Экосан» халқаро жамғармаси, «Камолот» ЁИХ



Эрталабки ҳафталик мулоқотда.



«Энг фаол маънавият тарғиботчилари» кўриктанловчи ғолиблари Фахрий ёрлик ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб турилади.

лари Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманидаги кўпгина маҳаллалар билан доимий алоқада бўлиб, улар билан «Маҳалла» фаолларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, Конституцияни ўрганиш мавзуларида ўқув семинарлари ташкил этилган.

шаҳар бўлими кенгаши билан ҳамкорлик режалари асосида профилактик тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

«Ахборот гуруҳи» томонидан ҳафта давомида юртимизда ва дунёда содир бўлаётган энг муҳим воқеалар тўғрисида, республикамизда нишонланадиган миллий байрамлар, буюк алломаларнинг таваллуд кунлари муносабати билан тарқатма материаллар тайёрланиб, «Ахборот ва таълим-тарбия соатлари»да талабаларга етказиш учун Мураббийлар кенгаши, гуруҳ мураббийларига тарқатилади.

Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, талабалар муаммоларини ўз вақтида қайд қилиш ва ҳал қилиш мақсадида барча факультетларда талабалар ва уларнинг ота-оналари билан институт раҳбариятининг тасдиқланган жадвал асосида «Очиқ мулоқотлар»и ўтказилади.

Институт ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчиларидан иборат 30 нафар «Тарғибот гуруҳи» аъзо-



Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Тўти Юсупова талабалар меҳмони (2009 йил, май).

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил даврида шахримиздаги 34-, 102-, 254- ва 316-мактаблардаги ёзги дам олиш оромгоҳларида «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Маҳалла-ёшлар маънавиятини шакллантиришда муҳим омил», «Тил билган – эл билади», «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» каби турли қизиқарли мавзуларда баҳс-мунозара ва давра суҳбатлари ташкил этилган.

«Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловида иштирок этган Машкура Ҳасанова Фахрий ёрлик билан тақдирланган. «Касб таълими» кафедраси доценти Гулнора Арипова «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» Республика кўрик-танлови ғолиби бўлган. «Умумий ва ноорганик кимё» кафедраси ассистенти Аниса Тўхтамушева эса «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг II босқичида иштирок этганлиги қувонарли ҳолдир.

Республика ОАВ ва институтнинг кўп сонли «Кимёгар» газетасида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг турли рукнларда илмий, амалий, услубий, публицистик мақолалари эълон қилиб борилади.

Миллий байрамлар муносабати билан институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари Шайхонтоҳур туманида яшовчи ногирон, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар



Хотин-кизлар кенгаши раиси Л.А. Исмоилова хаваскор талабаларни табрикламоқда.



Наврўз байрамида.



Наврўз тантаналарида.

олиб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, институтда узоқ йиллар ишлаб, хозирги кунда нафақадаги устозлар ҳолидан хабар олиш яхши анъанага айланган. Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги 37-мактаб, 98-сонли мактаб-интернат ўқувчиларига ва Олмазор туманидаги 2-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига янги йилда ва Миллий байрамларимизда алоҳида концерт дастурлари тайёрланиб, совғасаломлар тарқатилади.

Ҳар ойда «Меҳрибонлик уйи»

тарбияланувчи-талабаларига кийим-кечак, гигиена воситалари ва йўлқира учун моддий ёрдам ажратилмоқда. Ўқув-шартнома асосида ўқийдиган ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга контракт пулини тўлашда амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китоблари бўйича махсус курс машғулотларини «Фалсафа ва маънавият асослари», «Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар» ҳамда «Саноат иқтисодиёти менежменти» кафедраларининг профессор-ўқитувчилари олиб бордилар. «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси», «Оқаётган сув кадрлари», «Тинчлик учун курашмоқ керак» видеофильмлари талаба ва институт жамоасига намоиш этилди.



Наврўз байрамидаги «Келин салом».



Барча факультетларда талабалар ўртасида «Шаркона одоб-ахлоқ», «Талаба қандай ахлоққа эга бўлиши керак» ва «Талабанинг кийиниш маданияти» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Талабалар ўзларининг одоб-ахлоқ, замонавий кийиниш маданияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

Ҳар ойда институт миқёсида ўтказиладиган «Маънавият куни»да барча ўқув гуруҳлари ўз мураббийлари билан пойтахтимиздаги музейларга, тарихий қадамжоларга, театр ва маданият масканларига («Темурийлар тарихи», «Ўзбекистан тарихи», «Олимпия шон-шухрати», «Қатағон қурбонлари» музейларига, «Шаҳидлар хотираси», «Хотира» майдонлари)га, борадилар. Ўзбек Миллий академик драма театри билан тузилган ҳамкорлик режасига асосан янги спектакллар томошаларига талабалар ва институт жамоасининг ташрифлари уюштирилди.

Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида институтда «Билимдон талабалар», «Ҳамфикрлар», «Ватанпарвар» клублари, фанлар кесимида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида кафедралар қошида «Ноорганик», «Конструктор», «Силикатчи», «Эколог», «Полимер», «Технолог», «Целлюлоза», «Органик синтез», «Нефть ва газ кимёгари», «Ёш математик», «Ёғшунос», «Ғаллакор», «Тарихим – фаҳрим», «Маънавият сарчашмалари», талабалар тураржойида «Рус тили», «Инглиз тили», «Бичиш-тикиш», «Пазандачилик», «Компьютер саводхонлиги» тўғараклари, спортнинг 10 та тури бўйича спорт шуббалари ишлаб турибди.

Шу билан бирга инглиз тилини мукамал ўрганадиган ва биладиган талабалар учун «Инглиз тили сўзлашув клуби» ҳам ташкил қилинган.

Бир неча йиллардан бери институт талаба-қизлари ўртасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида анъанавий равишда «Кимёгар маликалар», май ойида эса ҳарбий хизматни ўтаб, институтда таҳсил олаётган талаба-йигитлар ўртасида «Балли, йигитлар», «Ҳарбийлар беллашганда» ва 1-курс талабалари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловлари ўтказилиб келинмоқда.

Республика ОТМ ўртасида ўтказилган «Тафаккур синовлари», «Китобхонлар байрами» маданий-маърифий, «Юксак маънавиятли авлод», «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловларининг шаҳар босқичларида институтнинг иқтидорли талабалари муваффақиятли иштирок этдилар. МКТФ 2-босқич талабаси Хуснора Абдумаликова «Китоб тарғиботи» йўналиши бўйича республика босқичи ғолиби бўлди. НМТФнинг 2-босқич магистри Ҳожиакбар Ишанов Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат руҳида йўғрилган «Халқ бўл, элим» кўшиғи билан ТДИУда ўтказилган шаҳар босқичида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Бундан ташқари, институтда иқтидорли ва санъатга ихлос қўйган талаба-ёшларидан ташкил топган «Кимёгар» талаба-театр студиясида Ўзбекистон халқ артисти С.Умаров раҳбарлигида «Сабзи ўра», «Севганингдан айрилма», «Шайтон ва фаришта», «Тортадурман жабрини» деб номланган спек-



«Зебо кизлар» кўрик-танловида.



такллар сахналаштирилди. Талаба-ёшларга атроф-мухит ва табиатга хурмат билан муносабатида бўлиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини тушунтириш мақсадида йилнинг ҳар чорагида «Экологик билим ва маданиятни шакллантириш» шиори остида соҳа мутахассислари билан учрашув ва давра суҳбатлари, институт атрофи, факультетлар худудлари, талабалар тураржойида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Умумхалқ байрами «Наврўз», «9 май – Хотира ва қадрлаш куни» Мустақиллик ва Конституция куни муносабати билан барча факультетлар ҳамда талабалар тураржойида ўтказилган «Умумхалқ хайрия ҳашарлари»да институт мураббийлари ўз талабалари билан тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашадилар.

Институтда соғлом муҳитни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 15 ноябрдаги 87-02-1725-сонли модёмномаси ижросини таъминлаш мақсадида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан, институтнинг талаба-ёшлари орасида ҳар йили икки марта «Маънавият ва маърифат» бўлими ҳамда «Мониторинг ва ички назорат» бўлими билан ҳамкорликда «Сўровнома»лар ўтказилиб, унинг натижалари ректор ҳузуридаги йигилишларда муҳокама қилиб борилади.

Талабалар тураржойида Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари проректори томонидан тасдиқланган ойлик режа асосида турли ташкилотлар ва соҳа мутахассислари, туман ИИБ ҳамда факультетлар раҳбарияти томонидан турли мавзуларда очик мулоқотлар, давра суҳбатлари, «Кафедра кунлари» ўтказилиб келинади.



Устоз ва шогирд мусобақаси.

Бу ерда талабалар мустақил ишлашлари учун институт Ахборот-ресурс марказининг филиали ва 50 ўринли ўқув зали мавжуд. АРМ икки мингга яқин дарсликлар, маърузалар матни ва бошқа адабиётлар билан бойитилган. «Маънавият ва маърифат хонаси» бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланган, талабалар маҳаллий ахборот нашрлари билан танишишлари учун шароитлар яратилган.



Шахмат бўйича спорт мастери Шоҳрух Ҳолматов.

Талабаларнинг маданий ҳордик олишлари учун ҳафтанинг жума кунида мусиқий дам олиш соатлари уюштирилиб, шанба кунлари «Фильмлар намойиши» Талабалар Кенгаши томонидан ташкил қилинади. Спорт залида стол тенниси, шахмат-шашка ва тренажёрлар мавжуд. «Рус тили», «Инглиз тили» тўғараклари фаолият олиб борапти.

Талабалар тураржойида ҳар ойда бир марта тарихий саналар, Мил-



лий байрамлар, қишки таътиддан қайтиш муносабати билан байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилади ва тантанали байрам тадбирлари ўтказилади, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли ва фаол талабалар институт раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланиб, моддий рағбатлантирилади.

Институт талабаларининг тураржойга эҳтиёжини инобатга олиб 1-сонли бино 2013–14 ўқув йилида тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, 2014–2015 ўқув йилида 240 нафар талабани ўз бағрига олди.



Наврўз байрамида талабага совға.

3.2. «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси

1991–1992 ўқув йилида институтда «Политология ва иқтисод», «Тарих ва фалсафа» кафедралари ташкил қилинди. «Политология ва иқтисод» кафедрасига проф. С.А. Атамура-тов, «Тарих ва фалсафа» кафедрасига доц. Ҳ.Насруллаев му-дир қилиб тайинланди.

1993 йил мазкур кафедралар бирлаштирилиб, «Ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедраси ташкил қилинди. Унга проф. С.А.Атамура-тов му-дир қилиб тайинланди. Институтда талабалар сони ортиб бориши муносабати билан 1996–1997 ўқув йилида ушбу кафедра асосида «Ўзбекистон тарихи ва маданиятшунослик» кафедраси ташкил қилиниб, унга доц. Е.Н.Қосимов му-дир этиб тайинланди. 2000–2001 ўқув йилида эса мазкур кафедралар базасида «Маънавият асослари» кафедраси ташкил қилинди. 2004–2005 ўқув йилида «Ижтимоий-сиёсий фанлар» ва «Маънавият асослари» кафедраси қайта бирлаштирилиб, «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси ташкил қилинди ва 2011 йилдан кафедранинг доц. О. Сирожов бошқариб келмоқда.



Кафедра му-дир О. Сирожов.

Кафедра ташкил қилинганидан буён малакали профессорлардан С.А. Атамура-тов, Н.А. Алиқулов, А.Қ. Қодиров, Ф.Ш. Шарипов, С.М. Мамашакиров, Р.С. Самаров; доцентлардан А.П.Шерхонов, Ғ.Ҳ. Қосимов, С. Ҳусанов, Р.Ҳ.Омонбоева, Т.Т. Алимардонов, А.Р. Горенкова, Э.Х. Расулов, О.О. Сирожов, Ҳ.А. Ёркулов; катта ўқитувчилардан Г.Ш. Биккулов, М. Қориева, Н.Н. Ҳайдарова, С.Х. Холиқова, Р.У.Маматқулов, Д.С. Миржавҳарова, Г.А. Алимова ва Г.Ш. Сиддиқовалар самарали меҳнат қилдилар.

Ўқитувчилардан С. Абророва, А.Б. Қиличев, А.Ф. Султонов, Д.А. Исма-тиллаева, М. Алиқулов, Е. Аҳмедов ва кафедра ходимларидан О.Т.Ҳамраева, Д.М.Мирзааҳмедова, Г.



Ҳамдамова, Ш. Нишонбоева, С.У. Ярашев ва бошқалар ҳам умумий ишга ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар.

Бугунги кунга келиб кафедрада проф. С.А.Атамуратов, проф. А.Қ.Кодиров, проф. В.Кўчқоров, доц. С.Хусанов, доц. О.Сирожов, доц. Ҳ.А.Ёрқулов, доц. Д.Исматуллаева, доц.С.Абдуллаев, катта ўқит. Р.У.Маматқулов, Д.С.Миржавҳарова, А.Ф.Султонов, ўқитувчилар А.Б.Қиличев, М.Алиқулов, Е.К.Ахмедов, А.Авлақулов, шунингдек, кафедра ходимлари Н.М.Маҳкамова ва бошқалар фаолият олиб бормоқдалар.

Кафедрада Фалсафа, Мантик, Ахлоқшунослик, Нафосатшунослик, Маънавият асослари ва диншунослик, Маданиятшунослик, Миллий истиқлол ғояси фанлари, Миллий ғоя, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси курсларидан талаба, магистрлар ўқитилиб келинмоқда.

1994 йилда кафедра 09.00.10.- сиёсат фалсафаси мутахассислиги бўйича аспирантура очилди. Шу йиллар давомида уни Ҳ.С.Жуманиёзова, Н.Ш.Бердиалиев, О.О.Сирожов, Ҳ.А.Ёрқулов, Р.У.Маматқулов, Д.С.Миржавҳарова, Г.Ш.Сиддиқова ва Г.А.Алимовалар тугатдилар.

Кафедрада бугунги кунда 8 та тадқиқотчи докторлик диссертацияси устида илмий изланиш олиб бормоқда.

Ҳозирда кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан 10дан ортиқ дарслик, 30дан ортиқ ўқув қўлланмалари ва 200дан ортиқ услубий қўлланмалар яратилган.

Кафедрада ўтган йиллар мобайнида 4 та докторлик диссертацияси тайёрланиб, муваффақиятли ҳимоя қилинди. Жумладан, Ҳ.Узоқов «Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи» (1900–1940 й.) 1996 й. ҳимоя қилди ва тарих фанлари доктори илмий даражасини олди; Ж.Баҳромов «Мустақиллик шароитида шахснинг миллий ўзлигини англаш муаммолари» мавзусида 2000 йилда проф. С.Отамуротов маслаҳатчилигида ҳимоя қилди ва сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олди; Р.Самаров «Қуролли кучлар тизимининг феменизациялашуви: ривожланишнинг ўзига хослиги ва ижтимоий механизм» (Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари мисолида) мавзусида 2005 йилда (илмий маслаҳатчи проф.С.А.Атамуратов) диссертациясини ҳимоя қилиб, фалсафа фанлар доктори илмий даражасини олди; Т.Алимардонов «Сиёсат ва ахлоқ мувозанати муаммолари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кафедра қошида 1994 йилдан 2013 йилгача сиёсат фалсафаси мутахассислиги бўйича аспирантура фаолият кўрсатди. Ушбу йиллар давомида аспирантурани 8 та аспирант тугатди. Улардан Х.Жуманиёзов «Мустақиллик ва миллий ривожланишнинг маънавий-мафкуравий салоҳиятини шакллантириш муаммолари», Н.Бердалиев «Давлатнинг мустақиллик шароитида миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш сиёсати», О.Сирожов «Минтақавий муаммолар ва уларни бартараф этишда Ўзбекистон омили» мавзуларида диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар ва сиёсий фанлар номзоди илмий даражаларини олдилар. Ҳ.Ёрқулов эса «Ўтиш даври давлат сиёсатида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилди.

Кафедра жамоаси шу йиллар давомида 350 дан ортиқ монография, ўқув қўлланма, илмий мақола, илмий-услубий қўлланма ва маслаҳатлар, фанлардан маъруза матнлари илмий анжуманларида қилинган маъруза тезисларини эълон қилди.

Кафедра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарувчи Академияси, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Жаҳон тиллар университети, А.Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил

саноат институти, Камолитдин Бехзод номидаги миллий санъат ва дизайн институтлари билан илмий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

3.3. «Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар» кафедраси

«Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар» кафедраси 1994 йил май ойидан буён «Ўзбекистон тарихи ва культурология» номи билан мустақил фаолият юрита бошлаган. Кафедрага т.ф.н. доцент Эркин Қосимов раҳбарлик қилган.

2000 йил февралдан институт ижтимоий фанлар кафедраларининг фаолиятини, самарасини ошириш мақсадида таркибий ўзгаришлар киритилди ва кафедра «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ» деб атала бошланди.

2005 йилдан эса «Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар» кафедраси номи остида фаолият юритиб келмоқда. 2004 йилдан буён жамоага т.ф.д. Ш.М.Ўлжаева раҳбарлик қилмоқда.

«Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар» кафедрасида бакалаврият таълим йўналишларининг 1, 3 ва 4 курс талабаларига дарс машғулоти олиб борилади.

Кафедра ўқитувчилари томонидан қатор ўқув қўлланмалар, барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, презентация материаллари, ишчи ўқув дастурлари намунавий дастур асосида ишлаб чиқилган.

Кафедрада 2008–2010 йилларда битта докторлик, иккита номзодлик ишлари ҳимоя қилинди.

Шу давр ичида Ш.М.Ўлжаева «Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши» (2008) мавзудаги докторлик, О.Насриддинова «Ёшлар ҳуқуқий онгини ошириш муаммолари» (2009), М.Ҳамидова «Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи (XIX–XX аср бошлари)» (2009) мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ш.М.Ўлжаева халқаро конференцияларда Амир Темур тарихига тегишли илмий маърузалар қилиб келмоқда. Хусусан, Англия, Франция, Испания, Россия илмий анжуманларида Амир Темур давлатчилик тарихи билан боғлиқ илмий маърузалар қилган. Олима томонидан жами 200 га яқин илмий, ўқув-услубий ишлар чоп этилган.

Унинг хориж илмий марказлардан олган 20 га яқин сертификатлари мавжуд. Олима 2014 йилда Европа Иттифоқининг «Эрасмус мундус» лойиҳасининг гранти соҳибаси бўлди. 2014–2015 йилларда Словакиянинг Нитра қишлоқ хўжалик Университетида илмий тадқиқотларини олиб борди.

Кафедрада ёш олимларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларни илмий-услубий ишларга йўналтириш, дарс сифатларини яхшилаш юзасидан тегишли маслаҳат ва йўналишлар бериб борилмоқда.

Жамоада иқтидорли талабалар билан ишлаш ва уларнинг илмий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилади. Улар турли мавзуларда илмий маърузалар тайёрлайдилар, илмий анжуманларда иштирок этадилар.

Кафедрада иккита тўғарак фаолият олиб боради. «Мунозара» дебат клубининг бошлиғи М.Бобоев бўлиб, у аъзолар билан фаол ишлар олиб бормоқда.

«Тарихим – фаҳрим» тўғарагига кафедра ўқитувчиси А.Аҳророва бошчилик қилади.



Кафедра мудири Ш. Ўлжаева.



Ҳар бир тарихий санага кафедрада, институт миқёсида, факультетлар кесимида, талабалар турар жойида қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва уларга асосан ишлар ташкиллаштирилади.

Мустақиллик куни, Конституция куни, Наврўз байрамларига бағишланган туркум тадбирларда кафедра ўқитувчилари Ш.Ўлжаева, М.Ҳасанова, О.Насриддиновалар иштирок этиб келмоқдалар. Саводхонлик ойлиги билан бирга, «Сиз Қомусимизни биласизми?» мавзуда талабалар ўртасида беллашувлар ҳам ўтказилади.

3.4. «Жисмоний маданият ва спорт» кафедраси



Кафедра мудири
Р.М. Алмакаева.

Ўқитувчилар:

Б. Икрамов – футбол бўйича мураббий;

У. Алимов – қураш бўйича мураббий;

Я. Абдуллаев – кўл тўпи бўйича мураббий.

Ўқитувчилар талабаларда жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш уйғотиш мақсадида илмий изланишлар олиб бормоқдалар, спорт турлари бўйича ўқув-услубий адабиётлар яратилмоқда.



Кафедранинг волейбол майдончасида.

ТКТИ нинг «Жисмоний маданият ва спорт» кафедраси Давлат дастурида белгилаб берилган қонунлар ижросини амалга оширишга ҳамда ёшларнинг етук, баркамол, соғлом бўлишларига ўз хиссасини кўниб келмоқда.

Кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳар куни ўқув машғулотлари ва талабалар ўртасида мусобақалар ўтказиб туради. Кафедрада турли спорт турлари бўйича юқори малакали ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Кафедрани педагогика фанлари номзоди, доцент, теннис бўйича мураббий Р.М. Алмакаева бошқармоқда.

Кафедранинг катта ўқитувчилари:

Ю.В. Бакшутлов – шахмат бўйича мураббий;

Х.Т. Артиқов – енгил атлетика бўйича мураббий;

Я.Н. Эргашев – баскетбол бўйича мураббий;

А.М. Омарова – волейбол бўйича мураббий;

Жисмоний тарбия махсус фан бўлмаган олий ўқув юрглари учун ўқув дастур устида иш олиб борилмоқда. Ўқитувчилардан У. А. Алимов ўқув услубий қўлланма ёзди, Я. Абдуллаев эса докторлик диссертацияси устида тадқиқот олиб борапти.

Режа асосида институтда ва талабалар турар жойида оммавий спорт тадбирлари ва давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда. Институт талабалари халқаро, Республика ва шаҳар миқёсида



ўтказиб келинаётган спортнинг стол тенниси, баскетбол, волейбол, футбол, кураш, шахмат, шашка, бокс, армрестлинг, кураш, тэквандо ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақаларда узлуксиз қатнашиб келмоқда.

Наврўзга бағишланган байрамларда миллий спорт турлари, яъни арқон тортиш, тош кўтариш, кураш бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ҳар йили институтда «Ректор Кубоги», «Наврўз Кубоги» номи остида ўтказилдиган Спартакиада мусобақаларида ТКТИ терма жамоалари ўзаро беллашадилар.

Талабалар Тошкент шаҳри мусобақаларида, «Экосан» кросси, «Ҳаёт учун» енгил атлетика марафонида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

ТКТИ терма жамоаларининг Универсиада мусобақаларида иштирок этиши, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан ривожланишига туртки бўлмоқда. Жумладан:

1. И. Маҳаматов Универсиада мусобақасида кураш бўйича 3-ўринни эгаллаган.
2. Наримон Боязитов баскетбол бўйича ғолиб бўлди.

3. Жавлон Тоғаев 2012 йилда Грецияда ўтказилган халқаро турнирда 1-ўринни эгаллади.



ЁОБКТ факультети профессори А.С. Ибодуллаев билан доцент А. Жўраев «Камолотчилар» ташкил этган шашка ўйинлари мусобақаларида.



ОМИЧТ факультети ёшлари Наврўз шодиёналарида.



ТКТИ талабаси Жавлон Тоғаев Универсиала чемпионати босқичида.

4. Зафар Носиров (ООМТФ 41–13 гуруҳ талабаси) пароолимпия ҳаракатидаги «Матонат» футбол жамоасининг аъзоси, 2014 йил пароолимпия ўйинлари «Кумуш» медали соҳиби. У 2016 йилда Бразилияда ўтадиган ёзги пароолимпия мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқда.



Миллий кураш бўйича Универсиада чемпиони Фахриддин Наимов.

5. Жавлон Тоғаев Тошкент шаҳрида 2010 йилда «Универсиада – 2010» мусобақаларида кураш бўйича 1-ўринни, Фахритдин Наимов (ЁОБКТФ магистри) 2- ўринни эгаллаган.

6. Бекзод Қурбанов 2–10 гуруҳ талабаси 2011–йилда енгил атлетика бўйича Республика чемпионатида 2-ўринни эгаллаган.

7. Санжар Амирхонов (ООМТФ 40–13 гуруҳи талабаси) 2013 йилда армрестлинг (қўл жанги) бўйича 2-ўрин соҳиби бўлди.

8. Отабек Холматов 2014 йилда Ўсмирлар ва катталар ўртасида шарқ якка кураши турининг «JEED KUNE DO» бўйича «Олимпик Стар» очик кубогида 1-ўринни эгаллади.

9. Отабек Холматов (ООМТФ 30–14 гуруҳи талабаси) 2014–2015 ўқув йилида қўл жанги бўйича 1-ўринни эгаллади.

10. Шохруҳ Холматов спорт устаси бўлди;



Кафедра ходимлари мактаб, лицей, коллеж, маҳалла, болалар уйлари ва меҳрибонлик уйлари ҳам бориб турадилар. Институт ветеранлари, фахрийлари ва кариялар уйлари ҳам бориб, улардан хабар олиб турадилар.

«Жисмоний маданият ва спорт» кафедраси жамоаси юксак марраларни эгаллаш борасида тинимсиз ҳаракатлари билан олға бормоқда.



Кафедра ўқитувчилари Иккинчи Жаҳон уруши ветеранлари уйларида ҳам бўлиб турадилар.

3.5. Хотин-қизлар кенгаши фаолияти

Бугунги давлат ва жамиятимиз тараққиётини, малакали кадр, етук салоҳиятга эга бўлган олималарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қалби дарё аёллар фаннинг деярли барча соҳаларида ўзига хос ўрин эгаллаган. Фан оламида эришаётган ютуқлар ҳақида сўз борар экан, жамият тараққиётининг етакчи кучи, унинг истиқболини белгилаб берувчи бош омил сифатида ҳеч муболағасиз аёлларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамиятнинг янгилинишида аёллар иштирокини кучайтириш учун шароит яратиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий мавқеини янада юксалтириш, обрў-эътиборини, иззат-икромини жойига қўйиш мақсадида институт бошланғич Хотин-қизлар кўмитаси фаолияти йўлга қўйилган.

Институт Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ кенгаши ҳамкорлигида барча факультетларда фаолият кўрсатаётган ходима-аёллар ҳамда таҳсил олаётган талаба-қизлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича тузилган Ишчи режаси ва Дастури асосида кенг қўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Институтда шу кунда жами 396 нафар хотин-қизлар ишлайди ва улардан 14 нафари раҳбар лавозимида фаолият олиб боради. Ишлаётган аёлларнинг 6 нафари фан доктори, 60 нафари фан номзоди ҳисобланади. Институтда жами 660 нафар талаба-қизлар таҳсил олмоқда. Шулардан 15 нафари изланувчи-тадқиқотчи, 130 таси магистр ва 515 нафари бакалавр йўналишларида таълим олмоқда.

2011 йил 25 августдаги 10-сонли Институт Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган ТКТИ «Одоб-ахлоқ қоидалари» Кодекси барча факультет Хотин-қизлар бошланғич бўлимларига тарқатилиб, ходима-аёллар ва талаба-қизлар билан йил давомида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аёллар ўртасида маънавий-ахлоқий ишларни ташкил этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун Шайхонтохур, Мирзо Улуғбек, Бектемир туман ҳокимликларининг хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда маҳаллалар, бир қатор умумтаълим мактаб ва коллежларида институтимизнинг кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходима-аёлларимиз томонидан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди, аёлларни оилавий ва яшаш шароитлари ўрганилиб чиқилди.



Иқтидорли талабаларни аниқлаш ва улар билан ишлаш жараёнида ХКК ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими билан ҳамкорликда иқтидорли талаба-қизларни танлаб, уларни ўз кизиқишларига биноан Президент стипендияси, Давлат номдор стипендиялари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Келажак овози», Фонд Форум, «Илм юлдузлари» танловларига тавсия этдилар, уларнинг турли танловларда катнашишига шарт-шароит яратдилар. Бу ишлар натижасида 2012–2013 ўқув йили учун 45–09 МСМ гуруҳ 4 курс талабаси Дилрабо Элмуратова «Техника ва информатика» йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва 34–09 гуруҳ талабаси Солижонова Шахноза Беруний номи Давлат стипендияси совриндорлари бўлишди. Институт Маънавий-ахлоқий ва тарбия ишлари бўлими, Хотин-қизлар бошланғич кенгаши, Касаба уюшмаси, «Камолот» ЁИХ, Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими, «Жисмоний тарбия ва спорт» кафедраси ҳамкорлигида ҳар йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти Республика танлови босқичлари ўтказилади. Бу танловда ООТМФ 2 курс талабаси Мухамеджанова Барно ғолиб бўлди ва у кейинчалик Шайхонтохур тумани ва Тошкент шаҳар босқичларида катнашиб, фахрий ёрликларга эга бўлди. Шундан сўнг у Республика босқичига тавсия этилди ва танлов совриндори бўлди.

Адабиёт, маданият, илм, санъат ва спорт соҳаларида иқтидорли талаба-қизларимизни аниқлашда институтимизда анъанага айланган «Кимёгар маликалар» ва «Илм юлдузлари» каби танловлар бакалаврият ва магистратура талаба қизлари орасида ўтказилиб келинмоқда.

Институт Хотин-қизлар кенгаши тузилмасида «Соғломлаштириш ва спорт» клуби ҳам фаолият юритади. Профессор-ўқитувчи, ўқув-ёрдамчи ходима-аёллар ва талаба-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш юзасидан «Жисмоний тарбия» кафедраси билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилди ва турли спорт мусобақалари, спартакиадалар ўтказилди. Бунинг учун институтимизда барча шарт-шароитлар мавжуд ва кенг имкониётлар яратиб берилмоқда. Ҳар бир факультетда спорт заллари, стол тенниси клуби, волейбол, баскетбол майдончалари фаолият кўрсатмоқда. «Ҳаёт учун» хайрия марафонида институт Хотин-қизлар кенгаши ҳам катнашиб келади.

Республикамизнинг муҳим саналари: Янги йил, «14 январь – Ватан химоячилар куни», «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни», «Наврўз», «9 Май – Хотира ва кадрлаш куни», Мустақиллик байрами, «Устоз ва мураббийлар» куни, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни» каби байрамларини ҳамда улуғ аجدодларимиз таваллуд топган кунларига бағишланган тадбирларида институт Хотин-қизлар кенгаши ҳам фаол иштирок этади.

Институтда аёлларга қаратилаётган эътибор алоҳида таъсирга сазовордир. Аёллар байрами муносабати билан кўп йиллардан бери талаба-ёшларга билим бериб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда самарали меҳнат қилиб келаётган профессор-ўқитувчи ва ходималари «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни» муносабати билан Олий таълим вазирлигининг «Фахрий ёрлик» ва эсдалик совғалари билан 3 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда ректорат томонидан 20 нафар аёлларга «Фахрий ёрлик» ва эсдалик совғалари берилди.

Институтда талаба-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишлари учун фан ва ижодий тўғараклар мунтазам фаолият олиб боради. «Моҳир қўллар», «Пазандалик сирлари», «Нафосат гулшани», «Маънавият сарчашмалари» ва шу кабилар кўпчиликда кизиқиш туғдиради.



Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий, ўқув ва илмий ишларидаги роли ва фаоллигини ошириш юзасидан ТКТИ Хотин-қизлар қўмитаси ташкилий тадбирларни йиллик режа асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оилада, жамиятда ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги мавқеини ошириш мақсадида 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 3434-сонли фармони ва унинг ижроси юзасидан қабул қилинган қарорларида кўрсатилган вазифалар Хотин-қизлар қўмитасининг асосий вазифаси қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан 2008 йил 23 декабрдаги № 375-2415 01-04/346 рақамли қўшма қарор чиқарилган. Қўшма қарорга асосан хотин-қизлар раисларига Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари проректорининг жамоатчилик асосидаги ўринбосари мақоми берилди. Шу қарор асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 29 апрелдаги №120 рақамли буйруғига асосан, республикамиздаги барча олий ўқув юр்தларининг Хотин-қизлар кенгаши раислари суҳбатдан ўтказилди.

ТКТИ хотин-қизлар қўмитаси долзарб масалаларга аҳамият қаратиб, қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўйди:

- институт хотин-қизлар қўмиталари билан факультетларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш;
- оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ишларни янада кучайтириш;
- хотин-қизлар меҳнатларни муҳофаза қилиш ва бандлик масалалари;
- муаммоли оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш;
- хотин-қизлар ўртасидаги маънавий-маърифий ишларни такомиллаштира бориш.

2004–2008 йй. Ф.М.Джаҳангирова, 2009–2010 йй. – Н.А.Ойхўжаевалар ТКТИ ХҚК ишларини олиб боришди. 2010 йилда ХҚК раиси қилиб Л.А.Исмаилова сайланди ва шу кунга қадар фаолият кўрсатмоқда.

3.6. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент кимё-технология институти бошланғич ташкилоти 2001 йил – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига асос солинган йилда ташкил топди.

Бошланғич ташкилотда ҳозирги кунда қатор иқтидорли талабалар фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтган йиллар давомида кўплаб ташкилий тадбирлар, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар ва бошқа кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, талабаларни салоҳияти ва қобилиятига кўра йўналтириш, уларнинг иқтидорини намоён қилишлари учун кенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўплаб талабалар республика миқёсидаги турли танловларга жалб этилди. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги қўшма қарори асосида мунтазам ташкил этиладиган «Тафаккур синовлари – 2012» ва «Тафаккур синовлари – 2013» кўрик-танловининг ҳудудий босқичида институт талабалари фахрли 1 ўринни эгаллашди.





«Камолот»чилар тарихий бинолар олдида.

Бошланғич ташкилотнинг доимий фаолларидан бўлган Хуснора Абдумаликова Республика китобхонлар танловининг 2013 ва 2014 йили шаҳар босқичида 2 мартаба 1 ўринни, 2015 йилда эса ушбу танловнинг республика босқичида фахрли 1 ўринни эгаллади. Институтнинг фаол талаба-ёшларидан бўлган Шавкат Азимов «Талабалик баҳори» фестивалида 1 ўринни эгаллади. Шу ва бошқа бир қатор ютуқларни мисол қилиб айтиш мумкин.



«Камолот»чилар шахмат мусобақаларида.

Бугунги кунда бошланғич ташкилот институт талаба ёшларининг кўп қисмини ўзида бирлаштирган. Бошланғич ташкилот қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

1. Ташкилий ва ахборот-таҳлил йўналиши. Йўналишнинг вазифаси – аъзоларнинг Умумий йиғилиши, БТ кенгаши йиғилишлари кун тартиби ва баёнларини ишлаб чиқади, БТ нинг иш режалари ва ҳисоботларини тайёрлайди. Девонхона ишини ташкил этади, шунингдек, ахборот ва маълумотларни умумлаштириш, сардорларга



услубий кўмак кўрсатиш, кадрлар захирасини шакллантириш фаолиятини олиб боради. Талаба-ёшлар тўғрисида ахборот банкини тузди, уларнинг ижтимоий аҳволи, шахсий фазилатлари, муаммолари бўйича мониторинг олиб боради.

2. Ҳуқуқий саводхонлик йўналиши. Йўналишнинг вазифаси – талаба ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга, уларнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидаги ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этади. Ёшларга оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг тарғибот ва ташвиқотини олиб боради. Ҳуқуқий мавзудаги кўрик-танловларда талаба-ёшларнинг иштирокини таъминлайди. Ҳуқуқ соҳаси вакиллари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади.

3. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар йўналиши. Йўналишнинг вазифаси – талаба-ёшларнинг юксак маънавиятли шахслар бўлиб етишиши, уларда миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳининг шаклланишига, паст савияли «оммавий маданият» ва миллий маънавиятимизга зид бўлган таҳдидлардан химоя қилишга қаратилган ишларни тизимли равишда ташкил этади. Талабаларнинг маданий дам олиши ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этилишига қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади. Талабаларнинг олий таълим муассасаси ички-тартиб қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради ҳамда аниқланган камчилик ва муаммоларни бошланғич ташкилот кенгаши кун тартибига киритади.

4. Ижтимоий-иқтисодий йўналиш. Йўналишнинг вазифаси – талаба-ёшларнинг ижтимоий иқтисодий аҳволдан доимий хабардор бўлиш ва қўллаб-қувватлаш, талабаларнинг ўқув амалиётларини мазмунли ўтказиши, битирувчиларнинг ишга жойлашиши юзасидан меҳнат ярмаркалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга ташрифлар уюштиришда, талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳлари фаолиятини ташкил этишда кўмаклашади.

5. Иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар йўналиши. Йўналишнинг вазифаси-таълим муассасасидаги иқтидорли талаба-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқаришда, ташаббус ва мақсадли лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашади. Уларни турли клуб ва марказлар фаолиятига бирлаштиради ҳамда Республика миқёсида эълон қилинган танловларда, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа ва дастурлардаги иштирокини таъминлайди. Ёшлар учун таъсис этил-





ган мукофотлар, Президент стипендияси ва бошқа стипендиялар учун таълим муассасасида ўтказиладиган танловларни ташкил этишда фаол қатнашади. Иқтидорли ва истеъдодли ёшлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантиради ва янгилаб боради. Шу кунга қадар ушбу йўналишда:

- «Камолот» ЁИХ ИБТ қошида «Ҳамфикрлар» мунозара дебат клуби тузилди;
- Маънавият ва маърифат бўлими ва «Камолот» ЁИХ ИБТ қошида «Кимёгар» театр студияси ташкил этилди;
- 2014 йилдан бошлаб «Юрт истиқболи» республика кўрик-танловига иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этиши таъминланмоқда;
- Мунтазам равишда, «Ўзбекистон белигиси» кўкрак нишони, «Камолот гранти», «Камолот стипендияси» Республика кўрик-танловига номзодлар тайёрлаб борилмоқда.

6. Спорт, саломатлик ва экологик маданият йўналиши. Йўналиш талаба-ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ғояларини сингдириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади. Турли спорт-соғломлаштириш тадбирлари, соғлом турмуш тарзига оид суҳбатлар, экологик саводхонликни оширишга қаратилган лойиҳалар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, оммавий ҳашарларни ташкил этади. Талабалар ўртасида ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва кашандаликка қарши тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади.

7. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар билан ишлаш йўналиши. Йўналишнинг вазифаси – ушбу талабаларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш ва уларнинг салоҳиятидан кенг фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Улар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб боради ва фаолиятини мониторинг қилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган талабалар иштирокида ҳарбий ватанпарварлик тадбирлари, жамоатчилик акциялари ўтказилди.

Бугунги кунда ушбу йўналиш аъзоларининг ижтимоий фаоллигини янада ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга ошириб борилмоқда. Ҳарбий тавсиянома асосида тахсил олувчи талабалар иштирокида мунтазам равишда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Бошланғич ташкилот қошида тузилган «Ватанпарвар» гуруҳлари маънавий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкиллаштиришда ишчи гуруҳ вазифасини ўтайди. Ўтган давр мобайнида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб ўқишга қабул қилинган талабаларни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш ишлари мунтазам амалга ошириб келинди ва 1000 дан ортиқ талаба-ёшларнинг умумий шартнома суммасининг 35 фоизи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб берилди.

8. Матбуот йўналиши. Йўналишнинг вазифаси – «Камолот» ЁИХ БТ фаолиятига оид маълумотлар, ўтказилган тадбирларни деворий газеталарда, интернет сайтларида, таълим муассасаси ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши муассислигидаги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлайди. Таълим муассасаси радиоси фаолиятини йўлга қўяди. «Тарғибот бурчаклари»ни ташкил этади, шунингдек, талабаларнинг ижод намуналарини чоп этишда кўмаклашади.

3.7. «Кимёгар» газетаси

«Кимёгар» институт кўп нусхали газетасининг дастлабки сони 2006 йилда нашр этилган. Ҳозиргача унинг 40 та сони талабалар қўлига бориб етди. Газетада мақолалар икки тилда босилади.



Газетанинг асосий вазифаси талабалар, магистрлар, докторант ва профессор-ўқитувчилар орасида маънавий-маърифий, ахлоқий, таълим-тарбия ишларини олиб бориш, ўқиш-ўқитишдаги вазифалар, ютуқ ва камчиликлар, турдош олий ўқув юртлари учун услубий ёрдам, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳамкорликда яратиш масалаларини ёритишдир. Шу билан бир қаторда институтнинг йирик олим ва педагоглари ҳаёт фаолияти, ибратли ишлари, корхоналар билан ҳамкорлик йўналишлари, ўқиш, спорт ва жамоат ишларида ўрناق бўлаётган талаба ва ходимларнинг эришган ва эришаётган ютуқлари ёритилди. Вақти-вақти билан газетанинг айрим саҳифалари ёшларнинг адабий ижодларидан намуналар, ҳикоя, шеър, қисса, ҳазилларга бағишланади. Тўртинчи босқич талабаси Даврон Эргашевнинг «Донолар бисотидан» туркумидаги қизиқарли ҳикматлари тез-тез берилиб, газетхонлар олқишига сазовор бўлади. Газетанинг Янги йил, Хотин-қизлар байрами, Наврўз ва Мустақиллик байрамларига бағишланган сонлари ҳамманинг диққатини ўзига тортади. «Ибратли умр» рукнида мақолалар ҳам тез-тез берилиб туради.

Газета саҳифаларида талабаларнинг фан ва техника, айниқса кимёвий технологиядаги янгиликларга бағишланган мақолалари кўплаб босилаётганлиги кўпчиликни хушнуд этмоқда. 3-курс талабалари Г.Қодированинг «Температурани ўлчаш шкалалари», Н.Позилжонованинг «Палма ёғи ва унинг истикболлари», Э.Машаевнинг (асс. Г.Баратова билан) «Қуёш коллекторидан фойдаланиш самараси», 4-курс талабаси М.Юсупованинг «Маркетинг тизимида рекламанинг роли» мақолалари қизиқарли маълумотларни бериши билан кўпчилик диққатини тортди.

2014 йил «Соғлом бола йили», 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш йили» каби рукнлар ёшларимизни шу йўналишда ишлар олиб бориш, йиғилиш ва ижодий фаолликка ундади. Проф. М.Примқуловнинг «Кимё тарихига назар» йўналишидаги лавҳалари нафақат талабаларни, балки кекса авлод вакиллари диққатини ҳам тортиши билан қизиқарлидир. Газета саҳифаларида ал-кимёгарлар, Нобель мукофоти лауреатлари, Д.И.Менделеев жадвалидаги янги элементлар каби ва бошқа кимёвий мавзуларга оид турли манбалардан олинган маълумотлар бериб борилиши диққатга сазовордир.

Газета халқаро кимёвий Олимпиадалар иштирокчилари, заковатчилар, шахмат-шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар иштирокчилари ва эришилган ютуқлар тўғрисида ҳам қизиқарли материалларни ўз ўқувчилари диққатига ҳавола қилиб туради.

«Кимёгар»нинг ҳар сонини сабрсизлик билан кутувчи мухлисларининг кўпайиб бориши ижобий ютуқлардан десак бўлади. Бу борада газета таҳрир ҳайъати аъзоларининг фаоллиги, ҳаёт билан ҳамнафаслиги, ёшлар учун қайғуриши ва меҳрибонлиги эътиборга лойиқдир.

“2015-YIL – KEKSALARNI E’ ZOZLASH YILI”



Институт «Кимёгар» кўп тиражли газетаси.



3.8. Институт музейи

Тарихий хотираси бор инсонларни ҳаётда иродаси мустаҳкам, сабр-бардошли, маънавиятли ва ўзлигини англаган деб атайдилар. Мазкур тушунчалар, айниқса, Республика мустақилликка эришганлиги шарофати билан анча қадр топди. Юртбошимиз И. А. Каримов «Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир», – деган эди. Мамлакатимиз босиб ўтган 25 йиллик мураккаб, аммо шарафли йўлини сарҳисоб қилар эканмиз, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият давлатлари ичида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётнинг ҳуқуқий асосларини қарор топтириш билан бирга, кўҳна тарихимиз манбаларининг қайта тикланишига эришди. Айни пайтда мамлакатимизда барча ишлаб чиқариш соҳаларида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Минг йилликка эга бўлган тарихий қадриятларимиз қайтадан тикланмоқда, улкан маданий меросимиз халқ ижодига айланмоқда, фан ва технология изчил тарзда таълим жараёни билан узвийлашиб тараққий этиб бормоқда, жамиятда ўзаро миллий тотувлик, бағрикенглик, ижтимоий барқарорлик асослари бўлган давлат хавфсизлиги ва унинг истиқболи янада мустаҳкамланмоқда.

Баркамол ёш авлодни вояга етказиш, уларни миллий маданиятимиз, қадриятларимизга фидойи ва садоқатли руҳда тарбиялаш вазифаларини бажариш, ҳамда кимё, нефть-газ, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига юқори малакали кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида институт жамоасини фидойилик билан олиб бораётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ва педагогик фаолиятидаги бой тарихини тўлақонли равишда сақлаб қолиш, институт ташкил бўлиши ва равнақи йўлида ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшган барча профессор-ўқитувчи ҳамда ходимларининг ёрқин хотираларини абадийлаштириш, шунингдек, ушбу меросдан институт жамоасини доимий тарзда таништириб бориш мақсадида институт Илмий кенгашининг 2006 йил 22 февралдаги б/1-сонли қарорига биноан ТКТИ музейини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Зеро, «мозийга қайтиб иш юритмоқ – хайрлидир», деб бежиз айтилмаган.



ТКТИ музейининг очилиш куни (2006 йил 5 июнь).



ТКТИ музейининг дастлабки меҳмонлари (2006 йил 5 июнь).

ТКТИ музейи – 2006 йил 6 май куни институт ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан очилди. ТКТИ тарихи музейини ташкил қилиш ва ишга туғдириш профессор С.М.Туробжоновнинг ташаббуси билан амалга оширилди. Институт музейидаги тематик хоналарни тарихий материаллар, фотолар, стендлар, макетлар, қўлёзма ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш ишига олимларимиздан Н.Исмоилов, Й.Қодиров, А.Артиқов, Л.Исмоилова, Т.Турсунов, Ш.А.Якубов ва бошқа профессор-ўқитувчиларимиз яқиндан ёрдам беришди.

Институт тарихи музейида 3 та хона ва музей йўлакчаси мавжуд бўлиб, уларга институт тарихи, унинг ташкил топиши, институтда кадрлар тайёрлаш ҳолати, илмий тадқиқот ишларини олиб борилиши ва ундаги ютуқлар ҳақидаги, касбга йўналтириш масалаларига доир, шунингдек, республикада кадрлар етиштиришнинг ўзбек модели ва институт қошидаги академик лицей фаолиятига тегишли экспозициялар жамланган.

Музейнинг алоҳида залига Ўзбекистонда кимё-технология саноатини шаклланиш тарихи, кадрлар тайёрлаш борасидаги фотолар, кафедраларнинг ташкил топиши, ривожланиш тарихи ва шуларга тегишли макет, китоблар, намунавий манбалар жойлаштирилган.

Музейнинг яна бир залида институт олимларининг илм-фан ривожига қўшган ҳиссалари ўз аксини топган.

Музей институтнинг барча бўлимлари, факультет деканатлари, кафедралари, филиал ва лицей маъмурияти ҳамда илмий лабораториялари билан доимий равишда ижодий ҳамкорликни олиб боради, ижтимоий-сиёсий фанларнинг айрим ўқув машғулотларини, айниқса биринчи курс талабалари ўқув жадвалидаги мураббий соати ва «Ўзбекистон тарихи» фанининг семинар (2 соатлик) машғулотларини ўтказишни режалаштиради. Институт-



Музей экспонатлари жойлашган хоналардан кўринишлар.

нинг ихтисослаштирилган лицейи ўқувчиларини музейнинг бой материаллари билан доимо таништириб боради;

Институтга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларга, олий ўқув юртлари вакиллари ва талабаларига, шунингдек, мактаб ўқувчиларига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда, амалий учрашувлар ва семинарлар ташкил этилишини ҳамда малака ошириш курслари тингловчиларига институт тарихига оид ўқув машғулоти олиб борилмоқда.

«Музей» экспонатларидаги тарихий фотолар, қурилмалар, макетлар, маҳсулотлар намуналари, мукофотлар, эсдалик совғалари ва бошқа материаллар рўйхат асосида қайд этиб бориляпти. Видеоаппаратлар, диапроектор ва бошқа шу каби замонавий техника қурилмалари ёрдамида талабаларга институт тарихига оид материаллар, учрашувлар, байрам тантаналари хусусидаги кинофильмларни намойиш қилиш йўлга қўйилган.

ТКТИ тарихи музейи фақат институт тарихини, кимёвий технология санъати учун кадрлар тайёрлаш тарихини кўрсатиб берувчи маскангина бўлиб қолмай, балки ёшлар учун маърифат ойнаси, маънавият кўзгуси бўлиб хизмат қилмоқда.

1983 йилнинг май ойида машҳур коллоидчи олим – академик И.В.Петрянов-Соколов Тошкентда бўлиб, политехника институтига ташриф буюради. У кимё-технология факультети олимлари, аспирант, докторант, илмий ходимлари билан учрашиб суҳбатлар қуради. Самарқанд, Урганч, Жиз-



«Кимёгар-технологлар маскани» муаллифига акад. И.В. Петрянов-Соколовнинг «Сизга катта раҳмат!» деб ёзилган совға сураги.



ТошПИ музейининг фахрий меҳмони акад. И.В. Петрянов-Соколовнинг ТКТИ музейида сақланаётган расмлари.

захда бўлади, атрофни ўрганади. Ўша пайтларда чет эллардан келтирилувчи дефолиант сифатида қўлланилаётган захарли модда бутифосдан фойдаланишга шижоатли равишда қарши чиқади. Унинг ва Республикамиз раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан бутифосдан фойдаланиш тезда тўхтатилади. Ҳурматли меҳмон ТошПИ музейига ҳам ташриф буюрганлиги расмлардан кўриниб турибди. Булар ТКТИ музейида намоиш қилинади.

Музейга фидойи устозлардан бири бўлган проф. Ш.П.Нуруллаев очилгандан бери жамоатчилик асосида раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ушбу суратда оғирлиги 50 килограмдан ортик олтингургуртнинг табиий ёмбиси кўрсатилган. Бу экспонат ТошПИ кимё-технология факультети биносида жойлашган (ҳозирги Украина Республикаси элчихонаси) музейида ҳам намоиш қилинган.





**IV
БОБ**



**ИНСТИТУТ
ФАКУЛЬТЕТЛАРИ**



ИНСТИТУТ ФАКУЛЬТЕТ ВА КАФЕДРАЛАРИ

Институт ташкил этилгандан сўнг таркибида 3 та факультет билан иш бошлади. Ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияси факультети (декан – т.ф.д., проф. Т.А.Отақўзиев), органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси факультети (декан – т.ф.д., проф. Т.Р.Абдурашидов) ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси факультети (декан – к.ф.д., проф. Қ.А.Аҳмеров). Факультетлар тасарруфидаги ихтисосликларга талабалар қабул қилинди ва 1991 йилнинг сентябридан биринчи курсда дарслар бошланди. «Баркамол авлодни тарбиялашнинг самарали шакл ва усуллари»дан фойдаланилган ҳолда устоз профессор-ўқитувчилар талабаларга кимё асосларидан сабоқ беришни бошлаб юбордилар. Қуйида институт факультетларининг фаолияти билан танишамиз.

4.1. Ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияси факультети



Факультет декани доц.
Қ.Ф. Муҳамедов

Истиклолнинг илк йилларида факультетда дарслар Т.Шевченко ва Ўзбекистон кўчасидаги биноларда олиб борилди. Факультет декани вазифасида проф. Т.А.Отақўзиев, ўринбосарлари сифатида доцентлардан Б.Ғ.Зокиров билан Б.Ҳ.Ҳасановлар самарали фаолият олиб боришди.

1993 йили проф. Т.А.Отақўзиев кечки-сиртки таълим бўйича ректор муовини этиб тайинланиши муносабати билан НМКТ факультетига декан этиб проф. П.Ҳ.Мансуров (1993–1994 йиллар), кейинроқ доц.Б.Ҳ.Ҳасанов (1994–1995йил) ва муовини қилиб доц.А.Т.Шарапов тайинланди.

1995 йили сентябрь ойида НМКТ ва ОМКТ факультетлари қўшилиб, кимё технология факультети тузилди ва унга доцент Б.Ҳ. Ҳасанов (1995–2001) декан бўлди. Декан муовинлари этиб доцент А.Т.Шарапов билан доцент М.С.Тиллашайховлар тайинланди.

2001 йили июль ойида институт ректори академик Н.Р.Юсупбеков раҳбарлигида кимёвий технология факультети иккига: «Ноорганик моддалар ишлаб чиқариш» (НМИЧ) ва «Органик моддалар ва ёқилғи ишлаб чиқариш» (ОМЁИЧ)га ажралиб, унга профессор А.М.Эминов (2001–2002) ва профессор И.И.Исмоиловлар декан этиб тайинланди. 2001 йили кимёвий технология факультети декани Б.Ҳ.Ҳасанов «Физик коллоид кимё» кафедраси мудирлигига ўтказилди.

2002–2003 йилларда НМИЧ факультетига доц. А.С.Абдурахмонов деканлик қилди. У бошқа ишга ўтиши муносабати билан унинг ўрнига доц. А.Т.Шарапов деканликка ўтказилди. Декан муовини вазифасини доц. А.М.Искандеров бажарди, котибалик 2003 йилдан бери Н.Зиямухамедова зиммасидадир.



2005 йил сентябрь ойидан факультет номи «Ноорганик моддалар технологияси» деб ўзгартирилиб, унда декан лавозимида доцент А.К.Абдурахмонов, декан муовини лавозимида доцент А.Т.Шарапов ишлай бошладилар. Ана шу вақтда «Ноорганик моддалар технологияси» факультетида 5 та кафедра ва битта цикл фаолият кўрсатди. Ҳақиқатини айтиш керакки, факультетда 2 та академик – С.Тўхтаев, Б.М.Беглов, 13 та фан доктори ва профессорлар Ф.М.Мирзаев, Т.А.Отақўзиев, Н.П.Исмоилов, А.А.Исматов, А.М.Эминов, А.У.Эркаев, Ҳ.С.Нурмухамедов, У.В.Маннонов, Р.А.Назирова, М.С.Миркомилова, Ҳ.Т.Шарипов, М.И.Искандарова, С.Эшонхўжаев, 30га яқин фан номзоди, доцентлар Ш.А.Ёқубов, А.Т.Шарапов, З.К.Тоиров, Т.Т.Турсунов, А.М.Искендеров, Ҳ.Раҳимова, М.Ниёзова, К.Одилова, Г.Ибрагимова, А.А.Ағзамов, Т.Эрназаров, С.Ниғматжонов, Ғ.Тоختохунова, А.Абдуллаев, Н.У.Ғуломова, Ж.И.Алимжанова, Ж.Ш.Шарипов, З.М.Муҳамедбаева, М.Юсупова, Ҳ.Ч.Мирзақулов, Ҳ.Т.Шарипова ва бошқалар, катта ўқитувчи ва ассистентлар: М.А.Муҳаммедова, Г.Ибрагимова, Д.А.Хаитова, Ш.Шомуродова, М.Ғаниева ва бошқалар, лаборатория мудирлари ва ўқув жараёнини ташкиллаштирувчи ходимлардан Н.Зиямуҳаммедова, А.Халилов, К.М.Ниёзов, М.Мирсоатова, И.Усманхўжаева ва бошқалар талабаларга дарс беришди.

2002 йили факультет декани этиб доц. Л.А.Исмаилова тайинланди.

Илгари институтнинг Кўнғирот филиалига раҳбарлик қилиб келган доц. Қ.Ғ.Муҳамедов 2012 йили факультетга декан қилиб ўтказилди. Ўринбосарлар бўлиб доц. Г.Н.Ҳақимова ва Б.Боботиллаев фаолият юрита бошладилар.

Бугунги кунда факультетда мутахассисликлар бўйича магистратуранинг қуйидаги йўналишларида таҳсил олиш йўлга қўйилган:

- 5А522404-Минерал ўғитлар кимёвий технологияси;
- 5А522413-Керамика ва оловбардош материаллар кимёвий технологияси;
- 5А522414-Шиша ва ситаллар кимёвий технологияси;
- 5А522415-Боғловчи материаллар кимёвий технологияси;
- 5А522407-Камёб, нодир ва тарқоқ металллар технологияси;
- 5А522429-Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари;
- 5А850101-Атроф-муҳит муҳофазаси (Кимёвий технология бўйича)
- 5А522428-Электрокимёвий ишлаб чиқариш;

Ҳозирги вақтда ҳам «Ноорганик моддалар технологияси» факультети ташкил бўлишининг дастлабки кунлариданоқ ўз ишига фидойилиги, меҳнатсеварлиги ва илмий мактабларнинг анъаналарини доимо сақлаган ҳолда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Профессор-ўқитувчилар ўз Ватанига содиқ ва ўз ихтисосликларини давр талаби даражасида эгаллаган бакалавр ва магистрлар тайёрлашга эришиш мақсадида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни янада юқори савияда олиб бориш учун фаолият олиб бормоқдалар.

Факультетнинг 4 курс талабаси О.Ҳамдамованинг 2015–2016 ўқув йилида Беруний стипендиясига сазовор бўлиши факультет жамоасининг ютуғидир.

4.2. «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» кафедраси

Кафедрага 1992 йилнинг кузигача техника фанлари номзоди, доцент Ш.А.Ёқубов, 1992–1994 йилларда техника фанлари доктори, проф. П.Ҳ.Мансуров, 1994–2000 йилларда техника фанлари доктори, проф. Т.А.Отақўзиев, 2000–2001, 2007–2010 йилларда т.ф.н., доцент З.К.Тоиров, 2001–2005, 2010–2011 йилларда техника фанлари доктори А.У.Эркаев мудир-



Кафедра мудири
доц. М.Ш. Одилова

лик қилди. 2005–2007 йиллар оралиғида кафедрага техника фанлари доктори М.И.Искандарова раҳбарлик қилди. 2011 йилнинг август ойидан 2015 йил кузига қадар кафедрага техника фанлари номзоди доцент А.М.Искендеров раҳбарлик қилиб келди. 2016 йил бошида кафедрага доц. М.Ш. Одилова мудир бўлиб ўтди. Талабаларга соҳа бўйича зарур билимларни беришда кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби техника фанлари доктори, проф. Ф.М.Мирзаев, техника фанлари доктори А.У.Эркаев, техника фанлари доктори, проф. Т.А.Отақўзиев, техника фанлари доктори, проф. Х.Ч.Мирзакулов, техника фанлари номзоди, доц. З.К.Тоиров билан бир қаторда техника фанлари номзоди, доц. А.Т.Шарапов, техника фанлари номзоди А.М.Искендеров, техника фанлари номзоди Х.Т.Шарипова, техника фанлари номзоди, доц.

М.Ш.Одилова, техника фанлари номзоди К.Мирмусаева сингари ёш ўқитувчилар ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бундан ташқари, кафедрада таҳсил олаётган бакалавриатура, магистратура талабаларига билим беришда соҳа бўйича эришган ютуқлари билан нафақат республикада, балки чет элларда ҳам танилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институтининг етакчи олимларидан ЎзР ФА академиклари Б.М.Беглов, С.Тўхтаев, техника фанлари доктори, проф. Ш.С.Намазовлар, «Ўзкимёсаноат» ДАК бошқарув раиси муовини, техника фанлари доктори Р.Я.Ёқубов, Чирчикдаги «Максам-Чирчик» АЖ бошқарув раиси муовини, техника фанлари доктори А.Д.Дадахўжаевлар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Кафедра ходимлари шу кунга қадар республикамизнинг кимё корхоналари, олий таълим ва илмий тадқиқот ҳамда лойиҳалаш институтлари учун 3500 дан зиёд муҳандис-технолог тайёрлаб, мамлакатимиз иқтисоди юксалишига ўз муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Кафедра битирувчиларининг кўпчилиги бугунги кунда тармоқ корхоналари, илмий-текшириш институтлари ва давлат раҳбарлик органларида маъсул лавозимларда фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги пайтда кафедра ходимлари ЎзР кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифаларни бажариш, жумладан, икки поғонали таълим тизими талабларига мувофиқ юқори малакали, жаҳон андозаларига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассислар – бакалавр ва магистрлар тайёрлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бунинг учун эса янги авлод таълим стандартлари, намунавий ва ишчи ўқув дастурлар, ўқув жадваллари яратишда фаоллик кўрсатиб, ўқитилаётган фанлар бўйича сифат кўрсаткичлари юқори бўлишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги кимё корхоналарини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси халқ хўжалигини «НМКТ» мутахассислиги бўйича малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида йилига 20–30 та бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Магистрларнинг айримлари, жумладан, А.Каипбергенов, Қ.Қодиров ва бошқалар ўзларининг докторлик диссертациялари устида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Дарсларни ўтиш жараёнида кафедранинг профессор-ўқитувчилари янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланадилар, талабаларга замонавий билим беришда ин-



тернет тизимининг хизмати катта бўлмоқда. Талабалар курс лойиҳасини ва битирув ишини бажаришда моддий балансининг математик модели дастурини компьютерда тузадилар. Талабаларнинг билим сифатини ошириш мақсадида кафедрада ва кафедранинг ЎЗР «Умумий ва ноорганик кимё» институтидаги, Тошкент кимёвий-технология илмий-тадқиқот институтида, ҳамда «Максам-Чирчиқ» АЖ ва «Кўнғирот сода заводи» УК қошидаги ташкил этилган филиаллари лабораторияларда амалий ишлар олиб борилиши учун барча шароитлар яратилган. Талабалар кафедрада олган назарий билимларини республикамизнинг етакчи кимё корхоналаридан Олмалиқ «Аммофос-Максам» АЖ, «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Навоийазот» ОАЖ, Кўкон суперфосфат корхонаси, «Фарғонаазот» АЖ, «Самарқанд кимё» АЖ ва «Кўнғирот сода заводи» УКда ўтадиган амалиётда мустаҳкамлаб қайтадилар.

Республикадаги «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» йўналишидаги етакчи кафедра сифатида «НМКТ» кафедраси бир қатор диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Фарғона политехника институти, Навоий Давлат кончилик институти, Наманган енгил саноат институти, Урганч Давлат университети, Қорақалпоқ Давлат университети ва бошқа олий ўқув юртларига ўқув-услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

«НМКТ» кафедраси хорижий олий ўқув юртлари, жумладан, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети, Санкт-Петербург технология институти ва қатор илмий-тадқиқот институтлари билан илмий-амалий ва ўқув-услубий ҳамкорликни яқиндан йўлга қўйган.

Кафедра фаолиятида илмий тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Давлат илмий-техник, фундаментал тадқиқотлар ва корхоналар билан хўжалик шартномалари асосида «Ноорганик моддалар технологияси» йўналишидаги долзарб муаммолар ечилишга бағишланган кўплаб илмий лойиҳалар бажарилмоқда. Илмий фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири Марказий Қизилкум фосфоритларини турли ноорганик тузлар билан фаоллаштириб ва кислоталар билан парчалаб, нитрокальцийфосфатли ўғит олиш усули ҳисобланади. Олинган натижалар 2005 йилда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Самарқанд кимё корхонасида ишга туширилган фосфоритларни қайта ишлаш цехида жорий этилди ва бу ўғит 6000 тоннадан зиёд ҳажмда ишлаб чиқарилди. Бу технология бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу натижаларга эришишда кафедра ходимларидан техника фанлари доктори А.У.Эркаев ва техника фанлари доктори Ҳ.Ч.Мирзақуловларнинг ЎЗР ФА «Умумий ва ноорганик моддалар кимёси» институтининг лаборатория мудирлари академик С.Тўхтаев ва проф. Ш.С.Намазовлар билан ҳамкорликда изланишлар олиб бордилар. Ҳозирги пайтда бу илмий гуруҳ аъзолари Олмалиқ «Аммофос-Максам» АЖда Қизилкум фосфоритларидан экстракцион фосфат кислота олишда ҳосил бўладиган фосфогипсни комплекс қайта ишлаб, бир йўла аммоний сульфат, фосфорли ўғит ва карбонат ангидрид гази олишнинг ёпиқ циклда амалга ошириладиган чиқиндисиз экологик тоза технологияси устида иш олиб боришмоқда. Кафедра профессорлари Т.А.Отақўзиев ва Ф.М.Мирзаев раҳбарлигида техника фанлари доктори М.М.Мирхўжаев, техника фанлари номзодлари З.К.Тоиров, А.Т.Шарапов ва бошқалар томонидан фосфогипсни паст ҳароратда (1250–1350°C) куйдириш йўли билан цементнинг самарадор турларини, турли хил боғловчи композицияларни ва уни қисман парчалаш йўли билан бир пайтнинг ўзида ҳам олтингугурт икки оксиди, ҳам цементга гидравлик қўшимча сифатида ишлатиладиган маҳсулот олиш технологиялари яратилган ва улар саноат ва яримсаноат шароитида ижобий натижалар билан синовдан ўтказилган. Бу ишларнинг натижалари М.М.Мирхўжаев, М.И. Искандарова, техника фанлари доктори Н.М.Толипов, Д.Ф.Тожиева, Т.К.Иноғомов, Р.С.Ҳасанов, Ш.О.Жамолов, М.М.Мамажанов, О.Низомов, Ф.Т.Юнусова, Т.А.Степанова,



Г.А.Тохтаунова ва бошқаларнинг докторлик ва номзордик ишларида ўз аксини топган. Бу тадқиқотчиларнинг фосфогипсни қайта ишлаб, паст ҳароратда сульфоцементлар, цемент боғловчи композициялар, бир йўла белит таркибли гидравлик қўшимча ва олтингургурт икки оксиди олиш технологияларининг назарий ва амалий заминини яратишда, лаборатория шароитида олинган натижаларнинг Воскресенск шаҳридаги ярим саноат тажриба пещида, Ангрен ва Оҳангарон цемент корхоналарида ҳамда Тошкент ва Тошкент вилоятидаги қатор темирбетон ишлаб чиқарадиган корхоналарида ижобий натижалар билан синовдан ўтказилишидаги хизматлари бекиёс.

Кейинги йилларда доц. Ш.А.Ёқубов ва бошқалар томонидан маҳаллий оҳактош ва кимё корхоналари чиқинди газларидан фойдаланиб оқ кальций цианамиди олиш, доцент З.К.Тоиров, доцент А.М. Искендеров ва бошқалар томонидан сода олиш технологиясини такомиллаштириш, техника фанлари доктори Ҳ.Ч.Мирзақулов раҳбарлигида маҳаллий мирабилит конлари хомашёси асосида натрий сульфат олиш технологияси борасида кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва мирабилитдан натрий сульфатни олиш борасида тажриба синов ишлари ўтказилиб, натрий сульфатининг тажриба намуналари олинди.

Паст сифатли фосфоритлардан экстракция йўли билан фосфат кислотаси олиш жараёнини жадаллаштириш борасида олинган натижалар асосида экстрактор ва филтёр ускуналарини чиқиндилардан тозалаш технологияси яратилган ва бу технология республикамиздаги ва қўшни республикалардаги фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда жорий этилган.

Олиб борилган ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича 10 йил мобайнида 30 дан ортиқ патент олинди ва 700 дан ортиқ илмий мақола ва илмий маърузалар тезислари, 6 та дарслик, 10 дан ортиқ услубий қўлланмалар чоп этилди ва барча ўқитиладиган фанлардан маъруза матнлари тайёрланди. Ҳозирги пайтда В.А.Линкевич, Ф.М.Мирзаев, Т.А.Отақўзиев, М.И.Искандарова, томонидан «Умумий кимёвий технологиянинг назарий асослари», Т.А.Отақўзиев ва М.И.Искандарова томонидан «Кимё корхоналари жиҳозлари ва лойиҳалаш асослари» дарсликлари тайёрланиб нашрга берилди. Мазкур муаллифлар томонидан коллежлар учун «Ускуналар ва конструкцион материаллар», Ф.М.Мирзаев, Т.А.Отақўзиев, Ш.А.Ёқубовлар томонидан «Ноорганик моддалар ва минерал ўғитлар технологияси» дарсликлари чоп этилди.

Кафедра фаолиятида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Ёш авлодни маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ва умумбашарий кадриятларига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш, умумий ва педагогик маданиятни ошириш мақсадида самарали ташкилий педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилмоқда ва гуруҳ мураббийлари билан ҳамкорликда амалиётга жорий этилмоқда. Бу борада кафедра доценти Ш.А.Ёқубовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор.

Кафедра профессор-ўқитувчилари «Дехқонобод калийли ўғитлар заводи» УК билан кенг қамровли ҳамкорлик қилиб келадилар. Ушбу корхона учун кафедра 50 та бакалавр ва 15 та магистр тайёрлаган. Давлат илмий грантлари ва хўжалик шартномалар асосида кафедра профессорлари А.У.Эркаев ва Ҳ.Ч.Мирзақуловлар раҳбарлигида бир қанча илмий-тадқиқот ишлари бажарилди ва улар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.



4.3. «Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси» кафедраси

1991 йил май ойида Тошкент политехника институти кимё-технология факультети базасида Тошкент кимё-технология институти ташкил этилди. Шу муносабат билан кафедраларнинг номи ва уларни бошқаришда ўзгаришлар рўй берди. «Керамика ва шишалар технологияси» кафедраси мудирлигига к.ф.д., проф. А.А.Исмамов, «Боғловчи моддалар технологияси» кафедраси мудирлигига т.ф.д., проф. Т.А.Отақўзиевлар тайинланди.

1999 йилдан иккала кафедра бирлаштирилди ва унга «Силикат моддалар технологияси» номи берилди, кафедра мудирини этиб проф. А.А.Исмамов белгиланди.

2001 йилдан бошлаб кафедрага т.ф.д., проф. А.М.Эминов, 2002 йилдан 2010 йилгача проф. А.А.Исмамов раҳбарлик қилдилар.

2010 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар «Силикат моддалар технологияси кафедраси мудирини лавозимида проф. М.Ҳ.Арипова фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу йилда «Силикат моддалар технологияси» ва «Аналитик кимё ва нодир металллар технологияси» кафедралари бирлаштирилди. 2011 йилда кафедрага «Силикат материаллар ва нодир, камёб металллар технологияси» деб ном берилди.

Ҳозирги кунда кафедрада 5320400 – Кимёвий технология (қурилиш материаллари, силикат материаллари, электрокимё, камёб, тарқоқ ва нодир металллар) бакалавриатура йўналишлари, ҳамда 5А320305 – Кимёвий саноат ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари ҳамда аппаратлари, 5А320401 – Ноорганик моддалар кимёвий технологияси (камёб ва тарқоқ элементлар кимёвий технологияси бўйича); 5А320404 – Қурилиш материаллари кимёвий технологияси; 5А320404 – Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси магистратура мутахассисликлари бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан юқори малакали кадрлар тайёрланиб келинмоқда.

Кафедра ташкил топганидан бошлаб ҳозирги кунгача қарийб 5000 дан ортиқ талаба ушбу соҳалар бўйича муҳандис технолог, бакалавр ва магистр даражаларига эга бўлдилар. Кафедра битирувчилари ҳозирги кунда «Asl оуна» ОАЖ, «Оникс» ОАЖ, Тошкент қурилиш материаллар комбинати, «Асл чинни» Самарқанд чинни заводи, «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент» АЖ, «Ингичка тажриба методик технология экспедицияси» ОАЖ, «Навоий тоғ металлургия комбинати» ДК, «Тошкент рангли металл парчаларини ва резги чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ, «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва оловбардош металллар комбинати», Хонжиза олтин бойитиш фабрикаси, «Навоий ТМК», «ЎзМетКомбинат», «Олмалик ТМК» ва Ўзбекистон қийин эрийдиган ва оловбардош материаллар комбинати каби корхоналарида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Кафедрада ҳозирги кунгача 30 дан ортиқ фан докторлари, профессорлар тайёрланди. Булар сирасига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессорлардан Ф.Ҳ.Тожиев билан Н.А.Сирожиддинов, проф. А.А. Исмамов, проф. А.М.Эминов, проф. Т.А.Отақўзиев, проф. С.С.Қосимова, проф. А.Ҳ.Исмаилов, проф. Л.Г.Ботвина, проф. Қ.А.Аҳмеров, проф. М.Ю.Юнусов, проф. А.А.Агзамхўжаев, проф. Р.Абдуллаева, проф. А.П.Иркахўжаева, проф. М.И.Искандарова, т.ф.д. Д.У.Тўлаганов, к.ф.д. З.Р.Қодирова, т.ф.д., проф. М.Ҳ.Арипова ва бошқалар кирди.



Кафедра мудирини
проф. М.Ҳ. Арипова



Кафедра ходимлари.

«Силикат материаллар технологияси» кафедраси чет давлатларга ҳам юкори малакали мутахассислар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшган. Кафедрада бир қатор чет эл мамлакатлари, яъни Чехословакия, Ҳиндистон, Миср, Ливан фуқаролари таҳсил олган. Шулардан 3 нафари номзодлик диссертацияларини кафедрада ҳимоя қилганлар.

Кафедра ўқитувчиларидан беш нафари юксак Давлат мукофотлари – проф. Т.А.Отақўзиев «Буюк хизматлари учун» ордени», проф. А.А.Исмамов, проф. М.Х.Арипова, доц. З.А. Бо-баханова ва доц. И.И.Содиқовлар «Шухрат» медали билан тақдирланганлар.

Илмий тадқиқот ишлари. Кафедра илмий тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири Республикамизни силикат материалларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Жумладан, кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида чинни-фаянс, кислотабардош материаллар, шиша ва шишақристалл материаллар, боғловчи моддалар олиш йўлларини ўрганилмоқда.

Бундан ташқари, кафедра томонидан суяк нуксонларидаги мавжуд остеосинтезни жадаллаштирувчи, суяк ўрнини босувчи сунъий материалларни яратиш, хосса ва хусусиятларини ўрганиш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Бир қатор ишлар фосфогипсни қайта ишлаш, улардан кислота ва цемент олишга қаратилган. Кафедрада саноат қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликка жиддий эътибор берилади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан бажарилган илмий-тадқиқот ишлар асосида олинган амалий натижалар Республика саноатининг қатор ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинган, жумладан:

– «ASL OYNA» ОАЖ корхонасида рангсиз шаффоф юкори хусусиятларга эга бўлган шиша материаллар ишлаб чиқариш учун келтирилган хомашё материалларига ишлов бериш натижасида бойитиш жараёни такомиллаштирилди. Натижада шаффоф рангсиз шиша идиш ишлаб чиқарилди.

Проф. М.Х. Арипова раҳбарлигида 2012 йилда «Asl Nafis» Самарқанд чинни заводида маҳаллий хомашёлардан сифатли чинни маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чин-



ни маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўллаш учун Жерданак кварц ва сланец хомашёларини қайта ишлаш технологияси бўйича тажрибалар натижасида уларни бошқа соҳа корхоналарида жорий этишга тавсиялар берилди. «Asl Nafis» Самарқанд чинни заводида яратилган таркиб ва технологиялар жорий этилмоқда.

Т.ф.д., проф. М.Ҳ.Арипованинг биомослашув материаллар ишлаб чиқариш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ҳайвонларда текширишлардан ўтиб Тошкент травматология институтида қўллашга тавсия этилмоқда.

«Бекободцемент» ОАЖ корхонаси учун цемент клинкерини кукунлаш жараёнини жадаллаштириш ва энергияни тежаш учун сирт фаол қўшимчалар таъсири ўрганилди. Табиий хомашёлар ўрнини босувчи янги таркиб таклиф этилди – Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг чиқиндиларини қўллаш натижасида маркази 400 ва 500 каби сульфатобардош цемент олинди. 5% Na_2SO_4 , 3% ли MgSO_4 да чидамлик коэффициенти 1,5 ни ташкил этди.

«Керамик сирт ва курилиш ғишти ишлаб чиқариш учун шихта тайёрлаш технологияси» (раҳбар – доц. Ш.М. Абдусаттаров) Республикамизнинг бир қатор ғишт ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан, «Зарафшан проминвест» МЧЖ (Навоий вил.), «Кушан» МЧЖ ва «Максад бунёдкор» МЧЖ (Наманган вил.), «Сангзор» МЧЖ (Қашқадарё вил.), «Феникс омад» МЧЖ (Сурхондарё вил.) да жорий этилди.

«Курилиш оҳаги ишлаб чиқарувчи айланма печининг янги конструкцияли чанг ютиш камераси (пыльная камера)» (доц. Ш.М. Абдусаттаров, муҳандис М.Т. Муҳамедов) бир қатор оҳак ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланилмоқда, жумладан, «Зарафшан проминвест» МЧЖ корхонасининг унумдорлиги суткасига 136 тонна бўлган иккита айланма печига, «Навои эсперанто» МЧЖга қарашли диаметри 2,8 м, узунлиги 48 м айланма печига (Навои вилояти) ҳамда Жиззах вилоятининг «Даштиободинвест» МЧЖга қарашли диаметри 2,0 м, узунлиги 36 м бўлган айланма печларига татбиқ қилинди. Бажарилган ишлар бизнинг янги конструкцияли чанг ютиш камераси конструкциясининг аввалги чанг ютиш камераларига нисбатан содда, арзон, иш унумдорлигининг юқорилиги ва унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг осонлиги каби устунликларини кўрсатди.

Бундан ташқари, бакалавр ва магистрларнинг битирув ишлари саноат корхоналарининг долзарб муаммоларини ечишга қаратилган мавзулардан белгиланади, шунинг учун илмий ишлар ишлаб чиқариш корхоналари билан узвийликда олиб борилади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида аксарият талабаларнинг ишлари саноат корхоналарига татбиқ қилиш билан яқунланади, жумладан:

Маҳаллий хомашёлар асосида Тошкент шаҳрида жойлашган «Art Gloss Galery» корхонасида кафедра магистрларининг диссертация ишларини бажариш натижасида керамик кошинлар ишлаб чиқариш учун яратилган таркиблар ва технологиялар жорий этилмоқда.

Магистр С.Ш. Қодировнинг «Карусел типидаги кўп функционал лентали конвейер конструкцияси» (илмий раҳбари доц. Ш.М. Абдусаттаров) ишининг якуни сифатида «Кушан» МЧЖ ғишт керамик ғишт ишлаб чиқарувчи корхонасида «ККТ-8» ускунасининг биринчи намунаси тайёрланди. Ускуна корхона шароитида ўтказилган синовдан муваффақиятли ўтди. Натижада ишлаб чиқаришга татбиқ қилинган «ККТ-8» ускунаси корхонада 2014 йилнинг сентябр ойдан бери муваффақиятли эксплуатация қилиб келинмоқда. Талабаларнинг амалий ютуқларини кўплаб келтириш мумкин.

Кафедрада 2012–2014 йилларда 4 та фундаментал, 5 та амалий ва 2 та инновацион, жами 11 та илмий техника дастурий лойиҳалари бўйича ишлар бажарилган.

2012–2014 йилларда 5 амалий лойиҳалар яқунланган, илмий тадқиқот ишлар натижасида, ИТД-12-21 «Керамик флористика технологияси асосида экспортга йўналтирилган ба-



дий киммати юқори бўлган буюмлар яратиш» (раҳбар – доц.Ж.И.Алимжонова) бугунги керамик флористика технологияси асосида бадий-декоратив буюмларни олиш мақсадида керамика ва полимер асосидаги самарали тажрибавий массаларнинг таркиби яратилди. Маҳаллий хомашёлар асосида яратилган тажрибавий фаянс массаси ва керамик бўёқлар Тошкент қурилиш материаллари корхонасида муваффақиятли тарзда синовдан ўтказилди. «Азтя Мозаик» МЧЖ қошида яратилган керамик бўёқлар асосида кафел майоликаси ишлаб чиқарилиб, бу ишлар натижасида «Синов актлари» олишди.

ИОТ-7-10 «Внедрение состава и технологии получения керамических облицовочных плит на основе местного сырья (раҳбар - проф. М.Ҳ.Аринова) мавзусидаги маҳаллий хомашёлар асосида сирт қошинларни тезкор пишириш технологияси ўрганилди ва «ART GLOSS GALERY» корхонасида жорий этилди. «ART GLOSS GALERY» корхонасида импорт ўрнини босувчи паст ҳароратга эга бўлган фритта пишириш жараёни жорий қилинди ва маҳсулотлар ҳозирги кунда ишлаб чиқарилмоқда.

ИОТ-2013-5-10 «Тери ишлаб чиқариш корхоналари оқава сувларини тозалаш ва ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндини қайта ишлаш мажмуасини яратиш ҳамда кимёвий фаол моддаларни нейтраллаш усулларини жорий этиш» (раҳбар – проф. Юнусов М.Ю.). Оқова сувларни маҳаллий хомашё реагентлари ва материаллари асосида тозалаш учун модуль ускунаси тузилди. Урганч давлат университети «Амалий тадқиқотлар маркази» қошида мезра (тери ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндиси) асосида клей ишлаб чиқарилган.

ИТД-12-22 «Сода ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган қаттиқ чиқиндилар асосида неорганик композицион қўшимчани кўп компонентли цементлар учун яратиш» (раҳбар – проф.Т.А.Отақўзиев) мавзусидаги иш сода заводининг қаттиқ чиқиндилари ва дистеллер сув асосида тайёрланиши мумкинлиги аниқланиб, бу композицион қўшимчалар иштирокида ва оддий портландцементлар асосида бир неча хил турли қўшимчалар иштирокида ва оддий портландцемент асосида бир неча хил турли хусусиятларга эга бўлган янги цементлар технологияси асоси яратилди.

А12-ФҚ-1-10853-КА 12-006 «Сурхондарё вилояти Рупат кони кварц-графит сланецлари асосида графитли керамик материаллар ишлаб чиқариш» (раҳбар – т.ф.н. З.А.Бобаханова) мавзусида иш олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон графитли сланецларини бойитиш жараёни ўрганилди ва бойитилган графит концентрати олинди. Олинган графит концентрати асосида графиткерамик материаллар таркиблари яратилди ва «Огнеупор» корхонасида лаборатория шароитида ишлаб чиқарилган материал синовдан ўтказилган. Графиткерамик материаллар ишлаб чиқариш бўйича корхона билан ҳамкорликда технологик регламент тузилди.

Ҳозирги кунда кафедрада 2015–2017 йилларига режалаштирилган Давлат маблағлари билан таъминланган 8 та грант лойиҳалари бажарилмоқда.

Бундан ташқари, кафедра профессор ўқитувчилари томонидан травматология, ортопедия ва стоматология учун наноструктуралар юқори адгезивли, биомослашувчан, гидрофил цемент ва композитларни яратиш (раҳбар – проф. М.Х.Арипова), маҳаллий хомашё ва чиқиндилар асосида техник ситаллар ишлаб чиқариш (раҳбар – проф.А.А.Исмаилов), d- ва f-электрон конфигурацияга эга металлларни ўрганиш (раҳбар – проф.Ҳ.Т.Шарипов), Ангрен ТЭС кулида токсик металлларни аниқлаш (раҳбар – проф.Ҳ.Т.Шарипов), оловбардош ва юқори мустаҳкамликка эга алюминий қотишмаларини яратиш (раҳбар – Ю.Н.Мансуров), Олий таълим инновацион салоҳияти давлат мониторингини такомиллаштириш (раҳбар – Ю.Н.Мансуров), Булуткан конида нодир металлларнинг кимёвий ва минералогик ту-



зилишини ўрганиш (рахбар проф.Х.Т.Шарипов) каби масалаларга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилди.

Ҳар йили бўлиб ўтадиган «Инновацион ғоялар ва ишланмалар Республика ярмаркаси»да кафедра олиб борилаётган тадқиқот ишлар натижалари ва маҳсулотлари билан иштирок этиб келади.

Кафедра қошида «Силикатчи» тўғараги ташкил қилинган ва фаолият олиб боради. Бу тўғарақда 2012–2013 ўқув йилида 10 та, 2013–2014 ўқув йилида 13 та, 2014–2015 ўқув йилида 14 та, жами 37 та талаба жалб қилинган. Бу талабалар кафедрадаги мавжуд давлат грантлари асосида олиб бириллаётган илмий-амалий ва фундаментал ишларга жалб этилган бўлиб, ҳар йили берилган мавзулари бўйича халқаро, республика ва институт микёсидаги анжуманларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Жумладан, ТКТИ қошида ўтказилган «Умидли кимёгарлар-2014» илмий-техникавий анжуманида «Ноорганик материаллар технологияси ва саноат экологияси» шуъба бўйича Нам Татьяна 1 фахрий ўринни ва Намозов Умар 2 фахрий ўринни эгаллади. Намозов Умар VI Россия да ўтказилган «Студенческий научный форум 2014» халқаро талабалар электрон конференциясида иштирок этиб, «Энг яхши талаба илмий иши» номинациясида ғолиб бўлди.

Илмий-услубий ишлар. Кафедрада ўқитиладиган барча фанлардан намунавий дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар яратилган. Мустақиллик йилларида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 25 та дарслик, 100 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилди ва электрон вариантларда дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилган.

Кафедра профессор-ўқитувчиларининг тарбиявий, маънавий-маърифий ишлари. Проф. М.Х.Арипова, доцентлар Ж.И.Алимжанова, З.А.Мухамедбаева, М.Н.Юсупова, М.М.Ганиева, З.А.Бобаханова, Б.Р.Рўзиев, А.А.Абдусаломов, Ш.Хидировлар академик гуруҳларга мураббийлик қилиб, талабалар билан таълим-тарбиявий ишлар олиб бордилар. Ҳар йили сентябрь ойида кафедранинг профессор-ўқитувчилари билан биринчи-тўртинчи курс талабаларининг учрашуви ташкил этилади. Учрашувда кафедра мудирини проф. Арипова ва кафедра ўқитувчилари «Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси», «Боғловчи-композицион материаллар технологияси», «Шиша ва ситаллар технологияси», «Нодир ва камёб металллар технологияси», Ўзбекистондаги мавжуд корхоналар ҳақидаги маълумотлар билан талабаларни таништиришади.

Умуман олганда, кафедрада олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар кўлами кенг, талабалар ҳаётида яхши ўзгаришлар киритишга бир омил бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг ҳар куни ва ҳар соатда талабалар ўртасида олиб бораётган ишлари туфайли кафедранинг маънавий, маърифий ва тарбиявий ишлари бўйича эришилган ютуқлари факультет ва институт жамоалари томонидан эътироф этилмоқда.

Нодир ва камёб металллар технологияси йўналиши

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач республикадаги металлургия корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш ташкилотларининг йўналишларини бирлаштириб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларни экспортбоп қилиш ва келажак истиқбол режаларини амалга ошириш вазифаси қўйилди. Мазкур вазифалар вазирлик мақомига эга ташкилот «Махсус қотишма»га юкланди. Ташкилотчи ўша пайтларда техника фанлари номзоди, қаттиқ қотишмалар бўйича йирик мутахассислардан



бўлган муҳандис Т.С.Максудов раҳбар, унинг ўринбосари бўлиб илмий ва лойиҳалаш ишларига мутасадди техника фанлари доктори, проф. Ҳ.Т.Шарипов ишлар эди. Навоий кон-металлургия, Олмалик тоғ-металлургия, Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар комбинати, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтларида ёш малакали кадрларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб борарди. Буни сезган «Қаттиқ қотишма» ташкилоти раҳбарияти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат қилиб, Тошкент кимё-технология институтида соҳа учун кадрлар тайёрлаш масаласини қўйди. Шунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан институтда 1996 йили «Камёб, тарқоқ ва нодир металллар технологияси» кафедраси ташкил этилди. Кафедра очилишининг биринчи йилида 5 киши кафедра мудирини проф.Н.П.Исмоилов, доц. Т.О.Камолов ва ташқаридан профессорлар Ҳ.Т.Шарипов, О.Ф.Хўжаев ва В.М.Бигелис ўқув ишларини олиб бориш учун таклиф қилинди.

2005 йил 1 сентябрида «Аналитик кимё» ва «Камёб, нодир ва тарқоқ металллар технологияси» кафедралари бирлаштирилиб, «Аналитик кимё ва нодир металллар технологияси» кафедраси номи билан юритила бошланди. 2005 йил декабр ойидан бошлаб 2011 йилгача проф. Ҳ.Т.Шарипов «Аналитик кимё ва нодир металллар технологияси» кафедраси мудирини лавозимига танлов асосида тайинланди. 2011 йилдан бошлаб йўналиш «Силикат материаллар технологияси» кафедраси таркибида цикл сифатида ўқув жараёнлари олиб борилмоқда. Турли йилларда кафедрада проф. Эшонхўжаев, т.ф.н. Ш.Ғаниев, к.ф.н. А.С.Мавлонов, асс. Балгаевалар меҳнат қилишди. Булар қаторига 2014 йилда т.ф.н. А.Абдусаломовни циклга ўқитувчиликка қабул қилинди.

Ўқув ишлари. Кафедра профессор-ўқитувчилари олти йил давомида умумтаълим фани Аналитик кимёдан дарс бериш билан бир қаторда «Нодир ва тарқоқ металллар технологияси» ва «Электрокимёвий ишлаб чиқариш» йўналишлари бўйича бакалаврлар ҳамда 2 та мутахассислик 5А522407 – «Камёб ва тарқоқ металллар кимёвий технологияси» ва 5А522428 – «Электрокимёвий ишлаб чиқариш» бўйича магистрлар тайёрланди. Бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бўйича қабул қилиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кафедра бу мутахассисликлар учун давлат таълим стандартлари ва 33 дан ортиқ фанларнинг намунавий ҳамда ишчи дастурлари тузди.

Талабаларга машғулотлар замонавий кимё фани ривожланишида янги педагогик технологиялар ва ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилди.

Республика Олий таълим тизимидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш ва адабиётларни янги авлодини яратиш бўйича кафедрада бир қатор ишлар амалга оширилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Профессор Н.П.Исмоиловни «Камёб ва нодир металллар кимёвий технологияси» дарслиги «Чўлпон» нашриётида лотин алифбосида чоп этилди. Ҳозирги кунда проф.Ҳ.Т. Шарипов раҳбарлигида «Платина металллар гуруҳи кимёси ва технологияси» мавзусида дарслик чоп этишга тайёрланмоқда.

10 йил давомида йўналиш бўйича бакалавриатура, магистратура ва аспирантурани аъло баҳоларда тугатиб, бугун жамоат ишларида фаол бўлган талабалар саноат тармоқ корхоналарида ҳам фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Булар қаторига, т.ф.н. У.З. Шарафутдиновни НКМКда бўлим бошлиғи, О. Абдиев Хонжиза бойитиш фабрикаси бош муҳандиси, Ж.Рашидов Губкин номидаги нефть ва газ университети Тошкент филиали ўқитувчиси, Б.Ашуров «Давлатконтехназорат» ташкилоти ўқув маркази директори, Ш.Н.Намазбаев-НКМК қошидаги «Уран ва нодир металллар геологияси» илмий ишлаб чиқариш марказида,



Ш.Жўраев «Узлитинефтьгаз»да бош мутахассис, О.Норбобоев – «Узгоргаз» муҳандиси, Д.Тўракулов – ФАУНКИ илмий ходими, Д.Хожиева Ўздавстандарт Навоий бўлими ходими, Б.Балгаев, Н.Бекбўтаева Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг «Камёб металллар ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси ва Ж.С.Ёдгоровларни киритиш мумкин.

Илмий йўналиш. Кафедра профессор ўқитувчиларининг илмий салоҳияти республика минерал хомашё ресурсларини қайта ишлаш ва рақобатбардош технологиялар яратишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишни, давлат техника ва фан маркази ҳамда республикадаги корхоналар билан хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

Цикл профессорлари корхоналарнинг чиқиндилари ва хомашёларини гидрометаллургия қайта ишлаш технологияси, камёб ва нодир металлларни экстракцион, ион алмашиниш усулида олиш, бир-биридан ажратиш ва бойитиш технологиялари яратилган ҳамда такомиллаштирилган. Бу илмий тадқиқот ишлари асосида молибден, вольфрам, никель, кобальт, мис, марганец, темир, олиш ва ажратиш экстракцион ва ион алмашиниш қонуниятлари асослаб берилган ҳамда корхоналарда тажриба синовидан ўтказилди.

d- ва *f*- металллар (камёб, нодир ва тарқок) бирикмаларининг кристаллар кимёси, спектрал кимё ва кимёвий боғлар табиати, структурали ва физик кимёвий хусусиятлараро боғ ҳосил қилувчи, берилган структурали янги синф бирикмаларини синтез қилишга йўналтиришни олиб бориш ва прогноз қилишга имкон берувчи стереокимё ва функционал хусусиятлар (проф.Х.Т.Шарипов). Ушбу тадқиқотлар ёрдамида ароматик гидроксам ва алифатик гидроксам кислоталар билан, шунингдек, ацил- ва ароилгидрозон (3 - дикетонлар ва альдегидларнинг, фосфор органика эфирлари билан Re(VII), Os, Ru, Mo (VI), Pt(IV), Pd (II), Au(III), Ag(I) лар билан бирга янги 150 дан ортиқ координацион бирикмалари синтез қилинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси камёб ва нодир металллар минерал хомашё базасини технологик минералогия илмий асоси натижасида аниқлаш ва баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда, олинган натижалар асосида руда ва техноген хомашё технологиясининг физик-кимёвий асослари яратилмоқда. Шулардан бири мутахассислар томонидан эътиборга сазовор бўлган технологик-минералогик услублар асосида кимёвий шаклланиш натижалари бўйича ишлов бериш қийин бўлган мишьякли сульфат олтин хомашёни алтернатив автоклав ва гипохлорид технологияларидир. Ушбу технология келажакда ғарбий Ўзбекистонни мишьякли сульфид олтин хомашёни қайта ишлашда ўз самарасини беради. Руда ва техноген чиқиндиларидаги юқори дисперсли олтин нанозаррачаларининг шакллари аниқлаш бўйича Давлат фан ва техника қўмитаси грантлари асосида олиб борилаётган фундаментал, амалий ва инновацион изланишлар Республика миқёсида жорий этилганлиги маълум.

Олиб борилган фундаментал илмий тадқиқот ишларини натижаси асосида камёб ва нодир металллар минерал хомашёлари ва корхона чиқиндиларини қайта комплекс ишлаб чиқаришнинг физик-кимёвий асоси яратиб берилди.

Илмий тадқиқот ишлари 4 та монография, бир қанча илмий мақолалар (200 тадан ортиқ) ва 5 та муаллифлик гувоҳномаси ва Ўзбекистон Республикаси патентларида ифодаланган. Илмий ишлар чет эллардаги нуфузли рўзномаларда чоп этилган.

Кафедра қошида 05.17.02 – камёб, тарқок ва радиоактив элементларнинг кимёвий технологияси бўйича аспирантура, докторантура мавжуд. Ушбу соҳа бўйича техника ва кимё фанлари доктори даражасини химоя қилиш учун ихтисослашган Илмий Кенгаш фаолият кўрсатди.



Ҳ.Т.Шарипов МДХ давлатлари фанлар академияси халқаро ассоциациясининг табиий фанлар бўйича илмий кенгашининг «Камёб металллар асосида олинган материаллар» бўлим бошлиғи, «Проблемы современного материаловедения» (Белоруссия), «Ўзбекистон кончилик хабарномаси ва «Кимё ва кимёвий технология» журналларида редколлегия хайъат» аъзосидир.

Доц. З.Ч.Қодиров беш йил давомида «Tokyo Institute of Technology» илмий текшириш грант асосида ассистент Ф.Х.Азимов эса Адам Мицкевич номидаги Познань Давлат Университети (Польша), София металлургия ва кимёвий технология университетларида ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борди.

Ҳозирги кунда йўналиш битирувчилари О.Абдурахмонов, С.Исмоилов М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат Нозик кимё-технология академияси магистратурасида таҳсил олишмоқда.

Проф. Ҳ.Т.Шарипов 1994 йилда МДХ ФА «Янги материаллар» илмий кенгашининг камёб металллар асосидаги материаллар шубаси раиси этиб сайланди, Д.И.Менделеев номидаги Кимёгар жамияти дипломлари, Ўзбекистон Фан ва техника кўмитасининг 1 тоифали дипломи ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан кўкрак нишони билан тақдирланган.

Олим 1995 йилда Халқаро информатизация академиясининг «Драгоценные металлы и драгоценные камни» бўлими ҳақиқий аъзолигига, 2006 йил эса «AntiqueWorld» лауреати, 2012 йилда «New York Academy of sciences» аъзоси қилиб сайланди.

Проф.Ҳ.Т.Шарипов М.Улуғбек номидаги ЎЗМУ қошидаги докторлик даражасини беришга ихтисослашган, Навоий Давлат кончилик институти қошидаги докторлик даражасини берувчи қўшма ихтисослашган кенгаш ва бир неча бир марталик кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

4.4. Проф. М.И.Ниёзов номли «Технологик жараён ва қурилмалар» кафедраси



Кафедра мудири
С.К. Ниғмаджонов

Кафедрада мустақиллик йиллари бошларида ўқув ишлари билан бир қаторда илмий, хўжалик ва саноат корхоналари эҳтиёжларига зарур муаммоларни ҳал қилишга аҳамият қаратилди. «Электрохимпром», ГИАП, «Навоийазот» ва бошқа корхоналарда ўтказилаётган талабалар амалиётлари ҳам тубдан яхшиланди, ўқиш сифати кўтарилди ва кафедра кенгайди, жиҳозланди, янгиланди, янги лаборатория ишга тушди.

1990–1992 йилларда акад. З.С. Салимов раҳбарлигида Р.И. Зуфаров, М.Арипов, проф. И.П. Левш раҳбарлигида Т. Саидов, С.С. Умаров, доц. И.С.Тўйчиев раҳбарлигида А. Назиркулов, проф. Ҳ.С. Нурмухамедов раҳбарлигида аспирант ва тадқиқотчилар Ш.П. Шарипов, Ҳ.К. Афзамов, С.К. Ниғмаджонов, А.М. Сагитов, Ҳ.Ю. Ҳайриддинов, Р.Н. Зуфаров, В.Т. Абдуллаева, Н.С. Зокирова, А.Ш. Абдуллаев, Б.С. Усмоновлар номзодлик ва 1993 йили доц. Ҳ.С. Нурмухамедов

докторлик диссертацияларини ёқлашди.



1993 йили т.ф.д. Ҳ.С. Нурмухамедов «Кимёвий технологик жараён қурилмалар» кафедрасига мудир қилиб сайланди.

1993–2006 йилларда ЎзР ДФТК ва ЎзР ФТМ грантлари асосида (4 та грант) ёғи бор материалларни энергия сарфи бўйича самарадор портлатиш усулида чақиш, полиз маҳсулотларини сиртқи қобиғини тўлиқ арчиш, чигит кунжарасини бойитиш қурилмалари барпо қилини, экологик тоза технологияларни яратиш бўйича ишларни бажарган ва бажариб келмоқда (илмий раҳбар проф. Ҳ.С.Нурмухамедов).

Ушбу диссертация ва давлат грантларини бажариш натижасида донатор сочилувчан материалларни оқимчали мавҳум қайнаш усули, аралашувчи қатламда чигитни қуришти, чигитни ва кунжарани пневмотранспорт қилиш, кунжарани бойитиш ва тезкор грануллаш, таркибида ёғ бор уруғ ва данакларни «портлаш» усулида чақиш, бутун мағиз ва майдаланмаган шулхани преслаш, турли жинсли, қийин сочилувчан аралашмаларни классификациялаш, полиз маҳсулотларини артиш ва пюресини олиш каби усуллар ишлаб чиқилди ва тегишли қурилмалар конструкциялари яратилди.

Ушбу илмий тадқиқот лабораторияси узлуксиз равишда Давлат грантлари асосида долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиб келмоқда. Ўз илмий фаолияти кафедра ва лаборатория ЎзРФА «Ўсимлик моддалари кимёси» институти, «Илмий тадқиқотчи» АЖ, «Ўзбеккимё маш» ОАЖ, «Green World» КК, «Навоийазот» ИЧБ, «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ, «Электрокимё саноат» ОАЖ лар билан ҳамкорлик қилади.



Кафедра доценти Г.А. Тохтаунова талабалар билан лаборатория дарсида (Кўнғиротдаги сиртқи бўлими).



Ушбу изланишлар бўйича 500 дан ортиқ илмий мақолалар, шу жумладан 31 та патент олинди. 1995 йилдан бошлаб шу кунгача 30 та услубий қўлланма ва кўрсатмалар кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилди ва чоп қилинди.

Проф. Ҳ.С. Нурмухамедов кимё ва озик-овқат саноатлари жараён ва қурилмалари соҳасига қўшган ҳиссаси учун Европа юқори технологиялар академиясига (IATE) ҳақиқий аъзо қилиб танланди.

2002 йил кафедрада илк бор 5A522429 – «Кимё саноати ускуналари ва жиҳозлари» мутахассислиги бўйича магистратура очилди. 2003 йилдан бошлаб эса Шўртан ГKM учун мақсадли магистр тайёрлаш бошланди.

2004 йили эса 5520700 – «Технологии машина ва жиҳозлар» йўналиши бўйича бакалавриатура очилди ва 2005 йилдан эса Кўнгирот сода заводи учун ушбу йўналиш бўйича махсус сиртки бакалавриатура ЎзР Президенти Фармонига биноан очилди ва 1–3 курс талабалари таълим олишмоқда.

Кафедранинг кўп йиллик фаолияти натижасида «Кимёвий технологик жараён ва қурилмалар» фанининг ҳамма жараёнлари, яъни гидромеханик, иссиқлик ва масса алмашиши, ҳамда механик жараёнлар бўйича илмий йўналишлар яратилган ва уларда 05.17.08 – «Кимёвий технологик жараён ва қурилмалар» ва 05.18.12 – «Озик-овқат саноатининг жараён ва қурилмалари» мутахассисликлари бўйича докторантура орқали юқори малакали кадрлар тайёрлаб келинмоқда. Доц. С. Ниғмаджонов 2011 йили кафедра мудири қилиб сайланди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари ТошДТУ, УрДУ, ҚДУларнинг турдош кафедра профессор-ўқитувчилари ҳамда «Ўзкимёсаноат» ДАК ходимлари ва ушбу корхоналар хомийлигида кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилган.

Ҳозирги кунда кафедрада 2 та профессор (т.ф.д. Ҳ.С.Нурмухамедов, т.ф.д. У.В.Маннанов), 8 та доцент (т.ф.н. Н.У.Ғуломова, Г.А.Тохтаунова, С.К.Ниғмаджанов, А.Ш.Абдуллаев, К.Ф.Каримов, А.А.Муҳамедбаев, Р.А.Йўлчиев, Д.Ҳ. Азимов), 5 та катта ўқитувчи (А.М. Реймов, А.Ҳ.Адинаев, Н.Ф.Юсупова, Т.Ж.Пиримов, У.И.Тўйчиева) ва 10 та ассистент (А.А.Инағомов, М.Х.Хонназарова, О.А.Шералиева, Ш.С.Раҳимжанова, С.И.Нодирхонова, Р.Д.Асадова, М.А.Мирзаева, М.А.Самадий, Б.Б.Боботуллаев, Н.А.Сипатдинов)лар фаол ишлашмоқда.

4.5. «Саноат экологияси» кафедраси

«Саноат экологияси» кафедраси ТКТИ да мавжуд кафедраларнинг кенжаси ҳисобланади. Бунинг боиси 1980 йилда Академик К.С.Аҳмедов ташаббуси билан собиқ Тошкент политехника институтининг Кимё-технология факультетида «атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва оқова сувларни тозалаш» кафедраси ташкил этилди. Шу билан бирга, ушбу кафедра Ўрта Осиё минтақасида экология ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларининг ечимини топиш ва бу йўналиш бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасидаги биринчи кафедралардан ҳисобланади.

1980 йилдан 1988 йилгача кафедра ТошПИнинг барча факультетлари талабаларига «Экология» фанидан таълим беришга оид ўқув машғулотларини олиб бориш билан шуғулланди. 1988 йилдан бошлаб эса кафедрада 2513 – «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлана бошланди. Шу билан бир қаторда кафедрада 1993–1999 йилларда «Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва саноат оқова сувларини тозалаш» ҳамда «Саноат чиқиндиларини рекуперация қилиш» йўналишида ҳам кадрлар тайёрланди.



Юкорида кўрсатилган мутахассисликлар бўйича ҳар йили 25 нафар муҳандис-технолог-экологлар тайёрлаб борилди.

1980 йилдан эътиборан «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» ихтисослиги бўйича ёш малакали кадрлар тайёрлаш ишлари билан бир қаторда саноат чиқиндиларини қайта ишлаш ва оқова сувларни тозалаш борасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Илмий йўналишлар учун мутахассис кадрларни тайёрлаш мақсадида кафедра қошида ташкил этилган «Оқова сувларни тозалаш» илмий тадқиқот лабораторияси ходимлари томонидан олиб борилган изланишлар «Навийазот», «Сигнал», «Миконд», «Ўзбекқоғози» ва «Фотон» каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалиётга татбиқ қилинди.

1991 йилда Тошкент кимё-технология институти ташкил топиши билан «Меҳнатни муҳофаза қилиш» кафедрасида фаолият кўрсатиб келган доцент А.А.Аъзамов ва доц.Х.Х.Раҳимова, катта ўқит. Г.И.Чеперинлар кафедра таркибига қўшилиб, улар томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш», «Фуқаро муҳофазаси» ва «Минтақавий экологик муаммолар» фанларидан маъруза, амалий-лаборатория ва битирув ишларига маслаҳат дарсларини олиб боришга жалб қилинди. Мазкур профессор-ўқитувчилар муаллифлигида фанларни чуқур эгаллаш, ўзлаштириш ва ўрганишга тегишли дарслик, ўқув қўлланма ва услубий қўлланмалар яратилди.

1991–1992 йиллар давомида кафедрага к.ф.д., проф. И.К. Сатаев, 1992–1993 йилларда эса к.ф.д., проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев мудирлик қилдилар. 1993 йилдан бошлаб академик Т.М. Миркомиллов раҳбарлигида «Саноат экологияси» номи билан юритила бошлади.

1996 йилдан 2012 йилгача кафедрага к.ф.н., доц. Т.Т. Турсунов, 2012 йил октябридан 2013 йил сентябрига қадар т.ф.н., доц. Б.З. Зайнитдинова, 2013 йилнинг 2 сентябридан т.ф.н., доц.Х.Л. Пўлатов раҳбарлик қилиб келмоқда.



Кафедра мудури
Х.Л. Пўлатов



«Саноат экологияси» кафедраси лабораторияларидан бирида.



1997 йилда «Саноат экологияси» кафедраси жамоаси доц.Т.Т.Турсунов бошчилигида кадрлар тайёрлашнинг янги Давлат таълим стандартлари, намунавий ва ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилиб, ўқув ва таълим-тарбия жараёни амалиётга киритилди. Шу сабабли юқоридаги вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб кафедрада В850100 «Атроф-муҳит муҳофазаси» таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 1999 йилдан бошлаб эса 5А850101 «Атроф-муҳит муҳофазаси» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланиб келинмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчиларининг бевосита иштироки ва муаллифлигида бакалаврлар тайёрлаш ўқув режасига биноан қуйидаги ихтисослик фанлари: «Атроф-муҳит кимёси», «Саноат чиқиндиларини рекуперация қилиш технологияси», «Сув кимёси ва микробиология асослари», «Оқова сувларни тозалаш технологияси», «Саноатда ресурслардан фойдаланишни ташкил қилиш ва унинг иқтисоди», «Атроф-муҳит сифат анализи ва мониторинги», «Тозалаш иншоотларининг жиҳозлари», «Ижтимоий экология», магистратурада ўқитиладиган «Экспериментни режалаштириш», «Экологик лойиҳалаш ва экологик экспертиза», «Чиқиндисиз технологик жараёнларни ташкил қилиш асослари», «Саноат корхоналарида сувнинг ёпиқ занжирли тизимини ҳосил қилиш», «Токсикология асослари», «Минтақавий экологик муаммолар», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари» каби мутахассислик фанлари учун барча ўқув-меъёрий ҳужжатлар тайёрланди ва ҳозирда бу фанлар ўқитилиб келмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан Т.Т. Турсунов бошчилигида янги Классификатордаги 5630100 – «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» таълим йўналиши ва 5А630101 – «Атроф-муҳит муҳофазаси» магистратура мутахассислиги учун Давлат таълим стандартлари тайёрланиб, магистратура ўқув режасига киритилган барча фанлардан Намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, 22 та фандан ўқув-услубий мажмуалар яратилди ва 300 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Ҳозирги кунда кафедрада 3 нафар профессор: С.М. Туробжонов, Р.С. Сайфутдинов, М.Ю. Юнусов, 9 нафар доцент: Т.Т. Турсунов, Ҳ.Л. Пўлатов, А. Аъзамов, М.М. Ниязова, К.М. Адилова, Б.З. Зайнитдинова, Ш.М. Шомуратова, Ш.А. Муталов, Қ.Ф. Муҳамедов, 2 нафар катта ўқитувчи: Н.М. Абдутаалипова, Л.А. Мамажонова 9 нафар ассистент: З.Х. Гаппарова, И.Т. Усманходжаева, Н.Б. Лутфуллаева, Н.Т. Раҳматуллаева, А.А. Юлдашев, А.А. Самиков, Ф.Б. Йигитов, Н.Қ. Муҳамедова, Л.С. Раҳимова ва 1 нафар катта илмий-ҳодим изланувчи Н.М. Абдутаалипова фаолият кўрсатаёпти. Профессор-ўқитувчилар томонидан 4 та дарслик, 8 та ўқув қўлланма, 100 дан ортиқ услубий қўлланма ва 4 та монография чоп этилди.

«Саноат экологияси» кафедрасида илмий-тадқиқот ишлари Т.Т.Турсунов яратган ва ривожлантирган илмий йўналиш асосида йўлга қўйилган. Ушбу тадқиқотлар маҳаллий ҳомашёлар асосида янги ион-алмашинувчи полимерлар олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ва оқова сувларни тозалаш, корхоналарга сувларни тайёрлаш жараёнларида қўллашга бағишланган.

Кафедрада таҳсил олаётган магистрантларнинг илмий диссертациялари мавзулари кафедранинг илмий йўналиши асосида шакллантирилган, магистрантлар томонидан «Саноатда ҳосил бўлаётган чиқинди газларини олтингугурт бирикмаларидан тозалаш», «Саноат оқова сувларини оғир металл ионларидан, муаллақ заррачалардан, буёқ моддаларидан тозалаш», «Саноат чиқиндилари ва маҳаллий ҳомашёдан флокулянт моддаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш», «Пахтани қайта ишлаш корхоналари чиқиндилари асосида янги монофункционал сульфокатионитлар синтез қилиш ва уларни сувларни деминераллаштиришда қўллаш» мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



Кафедрада Т.Т.Турсунов илмий раҳбарлигида доц. Ш.А.Муталов, доц. Ҳ.Л.Пўлатов, доц. Б.З.Зайнитдинова, кат. ўқит. Н.М.Абдудалипова каби ёш олимлар томонидан саноат чиқиндилари асосида ион-алмаштирувчи полимерлар олиш ва уларни оқова сувлар таркибидаги турли металл ионларидан ион-алмаштириш усули билан тозалаш технологияларини яратиш борасидаги илмий ишларини самарали олиб бормоқдалар. Мана шу илмий изланишлар натижаларига биноан, 2005 йилда Ш.А.Муталов, 2008 йилда Ҳ.Л.Пўлатов, 2009 йилда Ш.М.Шомуротова, 2011 йилда Б.З.Зайнитдинова, 2012 йилда Н.М.Абдудалиповалар техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

2001 йилдан бошлаб «Саноат экологияси» кафедрасида Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги ноқулай шароитда ишлайдиган ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида «Meнnаt muhofаzа-gigiyеnа» илмий лабораториялари билан «Ноқулай меҳнат шароити бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида ҳаво таркибини кимёвий аниқлаш ва физикавий текширишларни ўтказиш ишларига иштирок этиш» мавзусида хўжалик шартномаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Кафедра профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари ҳозирги кунда турли саноат корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Жумладан, ЎЗР ФА нинг «Умумий ва ноорганик кимё институти», Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Фотон» ОАЖ, «Ўзэлектроаппарат-электрошит» ОАЖ, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ, «Қўнгирот сода заводи» унитар корхонаси ва бошқалар. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Умумий ва ноорганик кимё институти»да кафедранинг филиали мавжуд бўлиб, филиалда к.ф.д., проф., МАНЭБ академиги А.А.Ағзамхўжаев илмий раҳбарлигида бир неча магистрантлар ўзларининг илмий изланишларини олиб бормоқдалар.

2011–2013 йилларда кафедра профессор-ўқитувчилари Европа Комиссиясининг TEMPUS дастури доирасида «CIBELLES: Атро-муҳит муҳофазаси таълим йўналишларининг ўқув дастурларини Болония тамойилларига мувофиқ равишда ислоҳ қилиш» лойиҳасида фаол иштирок этиб, ушбу лойиҳа бўйича «Ҳаётини фаолият хавфсизлиги» бакалавриат йўналишининг ўқув режаси, ўқув дастурлари яратилди ва зарур адабиётлар рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳа бўйича кафедрага компьютерлар, мультимедия жиҳозлари, адабиётлар харид қилинди. 2012–2013 ўқув йилидан институтга 5640100 – «Ҳаётини фаолият хавфсизлиги» бакалавриат таълим йўналиши бўйича 25 нафар талабани қабул қилиш бўйича квота берилди ва ҳозирги кунда кафедра профессор-ўқитувчилари шу таълим йўналиши талабаларига мутахассислик фанларидан дарс ўтмоқдалар.

Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон экологик ҳаракати билан биргаликда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, экофорумлар ва экологик акциялар ташкил қилишда фаол иштирок этиб келди.

4.6. «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси

«Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси ТКТИ нинг 2010 йил 30 ноябридаги Илмий Кенгашининг 3-сонли қарори ва институт ректорининг 2010 йил 13 декабрдаги 233-сонли буйруғига биноан қайта ташкил этилган.

Ўтган йиллар мобайнида кафедра ўсиб, ривож топди, салоҳиятли ўқитувчилар сони ошди; талабалар, аспирантлар, докторант ва илмий ходимлар сони ортиб борди. Фикримиз далили сифатида кафедрада тайёрланган 10 дан ортиқ фан доктори, 42 та фан ном-



Кафедра мудири
Х.С. Толипова.

зоди, ҳамда чоп этилган 500 дан ортик илмий мақола, нашр қилинган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монография, 60 дан ортик муаллифлик гувоҳномалари ва Республика патентларини келтиришимиз мумкин.

«Физик кимё» кафедрасининг ташкил топишида академик Х.Р. Рустамов, доцентлар Т.П. Поршақова, Х.Б. Мединский, Р.У. Усмонов, Р.А. Хайбуллина, И.П. Евстафьева, Я. Ғофуржонов, К. Ибрагимов, С. Тўрахўжаев, А.Н. Неудахина, М. Ғуломова, Л.Д. Черноморченколар фаол катнашдилар. Физик кимё кафедрасида турли йилларда академиклар – Х.У. Усмонов, К.С. Аҳмедов, Н.Р. Юсупбеков, фан докторлари, профессорлар – А.А. Абдурахимов, Т.Р. Абдурашидов, Н.П. Исмоилов, П.Х. Мансуровлар фаолият олиб боришди.

Кафедрада доц. М.Н.Мавлонова, доц. К.М. Исоқова, проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиевларнинг «Ўзбекистонда коллоид

кимё фанининг ривожланиш тарихи» номли монографияси чоп этилди. Монографияда Б.Ғ. Запрометов ишларидан бошлаб то Республика мустақилликка эришган даврларида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари, Ўзбекистон Республикасида коллоид кимё фанининг ривожланиши, бу соҳада олиб борилган илмий изланишлар натижалари ва уларни халқ хўжалигининг турли йўналишларига татбиқ қилинишига берилган тегишли берилган маълумотлар жамланган.

1988 йилдан 1995 йилгача «Физикавий кимё» кафедрасига кимё фанлари доктори, профессор Ф.К. Курбонов раҳбарлик қилди. 1985 йилдан бошлаб «Коллоид кимё» кафедрасига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мутахассислиги қўшилиб, «Коллоид кимё ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» кафедраси деб номлана бошланди ва унга кимё фанлари доктори, профессор И.К. Сатаев раҳбарлик қилди. 1992 йилда кафедрага проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев мудар қилиб тайинланди. 1994 йилда «Физикавий кимё» ва «Коллоид кимё» кафедралари қайта бирлаштирилиб, «Физколлоид кимё» кафедраси деб номланди. 1998 йилда «Физколлоид кимё» кафедрасига «Органик кимё» кафедраси қўшилиб, «Физколлоид ва органик кимё» кафедраси деб номланиб, 2001 йили январь ойидан кафедрага танлов асосида доц. Б.Х. Ҳасанов, кейинчалик доц. А.С. Сидиқов ва доц. А. Жалиловлар мудар этиб тайинланди. 2010 йил 21 декабрь ойидан 2012 йилгача кафедрага доцент Ш.П. Нуруллаев бошчилик қилди. 2012 йилдан бошлаб ҳозиргача доцент Х.С. Талипова мударлик қилиб келмоқда.

Кафедрада 2 нафар фан доктори, профессор, 8 нафар фан номзоди, доцент ва 4 нафар катта ўқитувчи ва 3 нафар ассистент фаолият олиб бормоқда.

Республика Олий таълим тизимидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш ва адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўйича кафедрада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш жараёнида энг устувор вазифа ҳисобланган замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш ва улардан ўқув машғулотларида изчил фойдаланиш тадбирларига катта эътибор қаратилди.

Проф. М.С. Миркомилова томонидан ёзилган «Аналитик кимё» дарслик ва ўқув қўлланмалари, проф. Р.Р. Рўзиевнинг «Аналитик кимё» ўқув қўлланмаси, доцент Ш.П. Нуруллаевнинг «Физикавий кимёдан масалалар тўплами» ўқув қўлланмаси, «Нефтни қайта ишлаш» ўқув қўлланмаси, Б.Х. Ҳасанов, М.Н. Мавлонова, Ғ.Р. Раҳмонбердиевларнинг



«Физик ва коллоид кимё кафедраси ходимларидан бир гуруҳи. Чапдан ўнгга биринчи қаторда: проф. Н.Ф. Исмоилов, доц. Б. Ҳасанов, проф. Ғ. Раҳмонбердиев, акад. К.С. Аҳмедов, акад. Ҳ.Р. Рустамов, доц. Э.К. Ёдиёров, иккинчи қаторда: доц. М. Мавлонова, кимё фанлари доктори А. Сиддиқов, лаборатория мудири Н.Т. Зиёмухамедова, кат. лаб. Ф. Эшонхўжаева ва кат. лаб. О. Ҳакимовалар (2003 йил).



Кафедранинг «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» номини олгандаги ходимлари.



«Физик ва коллоид кимёдан маърузалар матни», «Йилнинг энг яхши дарслиги ва муаллифи» танловида 1–3 ўринларга сазовор бўлди ва Олий таълим Вазирлигининг дипломлари билан тақдирланди.

Кафедрадан икки нафар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби», бир нафар Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндорлари етишиб чиқди.

Кафедрада академик Ҳ.Р. Рустамов раҳбарлигида олиб борилган илмий ишлар мавзуси халқ хўжалиги ва саноатда чиқаётган муҳим бўлган минерал ўғитларнинг унумдорлигини ошириш, тупроқдаги фосфорли ва азотли ўғитлар ишлатиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Тадқиқотлар натижасида ретроградацияга кам учрайдиган янги фосфорли ўғитлар нитрофикация жараёнини секинлаштирувчи ингибиторлар ва бу ингибитор тутган аммиакли селитра олиш технологияси ишлаб чиқилди. Кислота – асос катализ соҳасида назарий ва амалий аҳамияти катта бўлган тадқиқотлар олиб борилди ва кимё саноатида ионитларни катализаторлар сифатида ишлатиш технологиясини ишлаб чиқаришга асос солинди. Кафедрада бажарилган тадқиқотларнинг иккинчи йўналиши баъзи бир рангли металлларни гидрометаллургик жараёнлар бўйича бир-биридан ажратишда янги экстрагентларни қўллаш технологиясига қаратилган бўлиб, олиб борилган изланишлар натижалари Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли материаллар комбинати (Чирчиқ шаҳри), Скопин рангли металллар заводи (Россия Федерацияси, Рязань вилояти) ва бошқа турдош саноат корхоналарида синовдан ўтказилиб, технологик жараёнларни олиб боришда фойдаланилмоқда.

Академик К.С. Аҳмедов раҳбарлигида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг йўналиши сувда эрийдиган юқори молекулали сирт фаол моддалар ва нолиэлектролитларни олиш ва уларни минерал дисперс системаларнинг барқарорлигини оширишда, нефть ва газ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бурғулаш эритмаларини барқарорлигини оширишда ишлатиш ва уларни саноатда татбиқ этишга бағишланган.

Кафедрада профессор Р.А. Назирова раҳбарлигида «Республика гидролиз саноат ичкиламчи маҳсулоти – фурфуролдан ион алмашувчи полимерлар олиш» мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кафедра профессори (в.б.) Ш.П.Нуруллаев кафедра ассистенти Ж.С.Қаюмов томонидан нефтдан олинадиган турли суюқ ёқилғиларни стабиллаштириш, экологик ва физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишларига, шунингдек, «Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси» кафедраси катта ўқитувчиси О.Ю.Орифжоновнинг «Табиий газлар таркибида қўшимчаларни янги композицион абсорбентлар ёрдамида тозалаш жараёнини интенсивлашнинг физик-кимёвий асослари» мавзусидаги изланишларига илмий маслаҳатчи бўлиб самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур йўналишда бажарилган тадқиқотлар Муборак газни қайта ишлаш заводида, Шўртангаз кимё мажмуасидаги мавжуд технологик қурилмаларда муваффақият билан синаб кўрилди ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Кафедра профессори А.С.Сидиков «Физико-химические и термодинамические свойства растворов целлюлозы и его ацетосмешенных эфиров» мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Унинг раҳбарлигида 2006–2007 йилларга мўлжалланган А-6-274 рақамли «Қорақалпоғистон Республикаси Караумбет кўли рапасини комплекс қайта ишлаш» мавзусидаги амалий давлат грантига ва ОИД-1-10 контракт асосида бажарилган «Антикоррозион композицияни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича инновация лойиҳасини бажаришга ҳамда 2009–2010 йилларда ИД-2-003 рақамли «Караумбет ва Бор-



Кафедрадаги лаборатория машгулотларида.

сакелмас кўллари рапасидан натрий хлорид, натрий сульфат, магний хлорид ва магний оксиди ишлаб чиқаришни тажриба-саноатда ўзлаштириш» инновацион давлат грантларига раҳбарлик қилган. А.С.Сидиков И-2014-7-5 рақамли «Маҳаллий хомашёлар асосида тоза этилацетат олиш технологиясини «FARG'ONAAZOT» ОАЖда тажриба саноатида ўзлаштириш ва жорий этиш» номли инновация давлат грантига ҳам илмий маслаҳатчилик қилмоқда.

Кафедрада академиклар Ҳ.Р. Рустамов ва К.С. Аҳмедовлар томонидан кимё фани ва технологияси асосида илмий мактаблар яратилган. Иқтидорли талабалар кафедрада ташкил этилган «Академик Ҳ.Р. Рустамов» ва «Академик К.С. Аҳмедов» номли тўғарақларга жалб этилади. Уларга илмий мавзулар ва илмий раҳбарлар тайинланиб, кафедрадаги мав-



жуд илмий лабораторияда ўзларининг изланишларини олиб боришмоқда. Талабалар олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида бир қатор илмий-техникавий анжуманларда фаол қатнашиб, мақолалари илмий тўпламларда чоп этиб келинмоқда.

«Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси ходимлари ўзларининг илмий-тадқиқот ишларини Республикамизнинг кўплаб турдош йўналишдаги илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари билан узвий ҳамкорликда олиб борадилар. Жумладан, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Полимерлар физикаси ва кимёси, Умумий ва ноорганик кимё, Ўсимлик моддалари кимёси илмий-текшириш институтлари, Тошкент фармацевтика институти, Санкт-Петербург (Россия)нинг юқори молекулали бирикмалари институтлари ва Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё технология университети билан яқиндан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар.

4.7. «Умумий ва ноорганик кимё» кафедраси



Кафедра мудир
А.А. Абдурахимов.

Кафедра ташкил қилинганда унга мудирлик қилиш дастлаб В.А. Новиковга (1935), сўнгра профессорлардан Н. Караваев, Х.Р. Раҳимов, Х.Р. Рустамов, доцентлардан Х.Б. Мединский, Ю.И. Иброҳимов, К.А. Ағзамов, проф. Ф.Қ. Курбонов, проф. А.Х. Исмоилов, проф. Қ.А. Аҳмеров, доц. А.Жалиловларга топширилган. 2010–2011 йиларда кафедрага доц. О.Ш. Кодиров мудирлик қилди. 2012 йилдан бошлаб кафедрага доц. А. Абдурахимов бошчилик қилмоқда. Кафедрада 8 нафар ўқитувчи, шу жумладан 2 нафар фан доктори (0,5 ставкада), 3 нафар фан номзоди, 2 нафар катта ўқитувчи, 2 нафар ассистент ишлайди. Кафедра профессор-ўқитувчилари институтнинг барча факультетлари талабаларига кимё асосларини ўргатмоқда.

Кафедра фаолиятида илмий ва ўқув услубий ишлар олиб борилади. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 4 та дарслик, 10 дан ортиқ ўқув қўлланма, 40 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар яратилиб, кўп нусхада чоп этилган, улардан республика техник-технологик олий ўқув юртлари талабалари фойдаланиб келмоқдалар. «Умумий ва ноорганик кимё» курси бўйича маърузаларнинг кенгайтирилган ишчи дастури тузилган. Лаборатория ишларини бажариш бўйича ўзбек ва рус тилларида ўқув-услубий қўлланмалар нашр қилинган, талабаларнинг билимини баҳолаш мезони ишлаб чиқилган.

Кафедра ходимлари Республикада аънавий кимё олимпиадасини ўтказишда талабаларга раҳбарлик қилиб келадилар. Бу олимпиадаларда институтимиз талабалари совринли ўринларни эгаллаб, турли мукофотларни қўлга киритиб келмоқдалар. Ундан ташқари институт миқёсида «Кимё фани ойлиги» тадбири муаллифлари сифатида, талабаларга кимё фанини тарғибот қилишда, унга меҳр қўйишда ўз меҳнатларини аяшмайди.

Кафедра ходимлари ноорганик моддалар технологияси факультети мавқеини оширишда куч-ғайратларини аямасдан меҳнат қилиб келмоқдалар.

Институт ва факультет жамоа ишларида профессор-ўқитувчиларимиз фаол қатнашиб, кўп тадбирларда фахрли ўринлар эгаллашган. Кафедра профессори институт Фахрий-



Кафедра проф.-ўқитувчиларнинг талабалар уйидаги учрашувларида.

лар кенгаши аъзоси Қ.Аҳмеров Республика телевидение ва радио тўлкинларида ўзининг мақолалари билан кўп тингловчиларга таниш. Кафедрада «Кимёгар» тўғараги ишлаб турибди, унга доц. А.Жалилов раҳбарлик қилади. Проф. И. Абдуғафуров I–II курс талабаларининг илмий ишларига раҳбарлик қилади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари М.Э. Мавлонова – НМТФ маънавий-тарбиявий ишлар декан муовини, А.А. Абдурахимов – факультет касабга уюшмаси раиси, А.У. Тухтамушова – факультет хотин-қизлар кўмитаси раиси, И.Т. Бадалбаева – Д. 067.24.01 сонли Ихтисослашган Илмий Кенгаш қошидаги 05.17.11 – Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси ва 05.17.02 – Нодир, тарқоқ ва радиоактив элементлар технологияси йўналиши бўйича илмий семинарнинг котибаси сифатида фаолият юритиб келмоқдалар.

Институтда ўтказилган «Илм юлдузлари» танловида аспирант Малоҳат Жалилова «Энг топқир, энг зукко» номинацияси бўйича биринчи ўринга эга бўлган.

Кафедрада I ва II курс талабалари таҳсил олишига қарамасдан, ўқув йили бошида иқтидорли талабалар танлаб олиниб, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, интернетдан кимёга бағишланган янги маълумотлар асосида рефератлар тайёрлаб анжуманларда маъруза қилиш ҳамда Республика Олий ўқув юртлири талабалари орасида Республика Олимпиадасида қатнашишга тайёрлайдилар. Талабалар 10 дан ортиқ маърузалар билан анжуманларда қатнашиб, совринли ўринларни олишга муваффақ бўладилар. Охириги йиллар бу Олимпиадаларда институтимиз талаба-



Кафедра ходимлари.



Кафедрада олимпиадачилар синови пайтида.



лари совринли ўринларни эгаллаб, турли мукофотларни қўлга киритмоқдалар. 2015 йилги Тошкент Фармацевтика институтутида ўтказилган Республика фан Олимпиадасида органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш факультети 21–14 гуруҳи талабаси Жасурбек Ҳазратқулов фахрли иккинчи ўринни эгаллади, диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Талабани мустаҳкам билимга тайёрлашда, масала, машқ ва тестларни ечишда кафедранинг ёш ўқитувчиси Санжар Сапаровнинг хизмати катта бўлди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари талабалар билим олиш даражаларини ошириш ва ўқиш сифатини яхшилаш мақсадида доимий равишда ўқув-услубий ишларини олиб борадилар. «Умумий кимё» кафедраси ходимлари томонидан охириги йилларда «Умумий ва ноорганик кимё» фанидан 2 та ўқув қўлланма лотин имлосида ва кирилл алифбосида 4 та услубий қўлланма, шу билан бирга кафедра ходимлари муаллифлигида касб-хунар коллежлари талабалари учун «Нефть газ кимёси ва технологияси», Темир-бетон заводларида механик ускуналар ва қурилмалар, «Гидрокимё» ўқув қўлланмалари нашрдан чиқарилди. Профессор-ўқитувчилар ётоқхонада талабалар билан суҳбатлар ўтказадилар, маслаҳатлар беришади, «Заковот» ўйинларига таклиф қилинадилар, кўрик-танловларда бирга қатнашадилар. Бу ишларда талабаларга ёш ўқитувчилардан Т. Н. Эшбўриев билан С. Ю. Сапаровлар ёрдам бериб келмоқдалар.



V
БОБ



**ЁҚИЛҒИ ВА ОРГАНИК
БИРИКМАЛАР КИМЁВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯСИ
ФАКУЛЬТЕТИ**

ЁҚИЛҒИ ВА ОРГАНИК БИРИКМАЛАР КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ



Факультет декани
доц. А.М. Искендеров

«Органик моддалар ишлаб чиқариш технологияси» факультети 1991 йилда ташкил қилинган. Факультетга 1991–1993 йилларда проф. Т.Р.Абдурашидов, 1993–1996 йилларда доц. Ш.П. Нуруллаевлар деканлик қилишди. 1996 йилдан 2001 йилгача факультет «Ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияси» факультети билан бирлаштирилиб, «Кимёвий технология» факультети номи билан юритила бошланди. 1996–2001 йилларда доц. Б.Ҳ.Ҳасанов декан бўлди. 2001 йилда эса факультет яна қайта ажратилди ва унга 2003 йилгача проф. И.Исмоилов, 2003–2004 йилларда проф. З.А.Тожихўжаев раҳбарлик қилишди.

2004 йилдан эътиборан факультетга «Ёқилғи ишлаб чиқариш ва органик бирикмалар технологияси» номи берилди ва 2003–2008 йилларда доцент М.Қ.Абдумавлонова, 2008–2011 йилларда проф. Р.С.Сайфутдинов раҳбарлик қилишган. 2011 йилдан бошлаб факультетга «Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси» номи берилди ва уни 2015 йилнинг охиригача проф. А.С.Ибодуллаев бошқарди. Ҳозир факультетга доц. А. М. Искендеров раҳбарлик қилмоқда.

Ҳозирги вақтда факультетда 5 та кафедра фаолият юритади, шулардан 4 таси мутахассислик кафедраларидир. Уларда 3 та бакалавриат йўналиши бўйича кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича), целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари, ёғочсозлик саноати технологияси машиналари ва жиҳозлари, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси – 6 хил соҳа бўйича 8 та мутахассисликда юқори малакали магистрлар тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда факультет кафедралари томонидан республикамиздаги йирик саноат корхонаси ШГКМ учун мақсадли магистрлар тайёрланипти, яъни, корхонада фаолият кўрсатаётган ходимлар магистратурани корхона ўқув марказида ва ТКТИда амалга оширяптилар. Уларнинг диссертация мавзулари корхона муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Бундай корхоналар номини кўплаб келтириш мумкин (ТЛБЗ, Совпластитал ҚК, Мебель ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар) факультет олимлари билан Россиянинг йирик олий ўқув юртлари (Россия Кимё-технология университети, Нефть ва газ университети, Нозик кимёвий технологиялар академияси, Санкт-Петербург Ўрмон техникаси академияси ва шу кабилар) олимлари билан биргаликда шартнома асосида илмий изланишлар олиб бориляпти.



5.1. Проф. А.Б.Қўчқоров номли «Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси» кафедраси

1940 йил сентябрда Ўрта Осиё индустриал институти қошида «Органик кимё ва мойлар» кафедраси ташкил этилди ва унга 1946 йилга қадар проф. М.С.Эльгорт раҳбарлик қилди. 1946 йилда ушбу кафедра «Органик кимё» ва «Мойлар технологияси» кафедраларига ажратилди. Органик кимё кафедрасига кимё фанлари номзоди, доцент Ахмад Баратович Қўчқоров мудир этиб тайинланди. Дастлаб кафедрада 6 та ходим: 2 та фан номзоди, доцент, 2 та ассистент ва 2 та лаборант бор эди.

Кафедранинг биринчи педагоглари – доц. А.Б.Қўчқоров, К.И.Поршакова, асс. М.Ф.Мансуров, Ф.А.Ёқубова, А.М. Рашкес, кейинчалик уларнинг сафларига доцентлардан Қ. Аҳмеров, С.А. Тютёкова, Д. Юсупов, Ҳ.Ш. Каримов ва асс. Ҳ.З. Бабаева қўшилди. 1990 йилга келиб кафедра ходимларининг сони 30 кишига етди.

Органик кимё кафедрасига ярим асрга яқин раҳбарлик қилган кимё фанлари доктори, профессор, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис» А.Б. Қўчқоров 1990 йилларгача кафедрага мудирлик қилди.

А.Б. Қўчқоров «Органик кимё» кафедрасига раҳбарлик қилган даврда кафедрада бир неча долзарб йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди: проф. Қ.А.Аҳмеров раҳбарлигида ацетилен бирикмаларини аммиак ва аминлар билан каталиitik гетероцикллаш, проф. Ф.Қ.Қурбонов раҳбарлигида коррозия ингибиторлари синтези, проф. А.Б. Аловитдинов раҳбарлигида фосфорорганик бирикмалар синтези бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Органик синтез технологияси кафедраси 1968 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси А.С. Султонов раҳбарлигида ташкил этилган.

1982 йилдан бошлаб А.Б.Аловитдинов ТошПИНинг, 1991 йилдан Тошкент кимё-технология институтининг «Органик кимё» кафедрасида профессор лавозимида ишлади. А.Б.Аловитдиновнинг илмий ишлари натижалари Хўжанд тоғ-металлургия комбинатида синовдан ўтган. Улар поливалент-металларни саноат оқова сувларидан тутиб олишга асосланган. А.Б.Аловитдинов 250 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи бўлиб, уларнинг 22 таси дарслик ва ўқув қўлланмалари, 15 таси муаллифлик гувоҳномаси ва республика патентларидан иборатдир. Унинг илмий раҳбарлигида 2 та докторлик ва 15 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Органик синтез технологияси ихтисослиги бўйича биринчи битирувчилар 1969 йилда чиққан. Битирувчилар орасидан бир неча иқтидорли талабалар кафедрада, масалан, бир неча йил ассистентлик қилган Д. Исломова, доцентлардан О. Азимов, Ж. Сайдалиев, Б. Абдуазимов, А.С. Жалилов ва бошқалар олиб қолинган. Ўша йилги битирувчилар орасида кафедра профессори бўлиб ишлаган марҳум проф. Д. Юсупов ҳам бор эди. 1960 йиллар охири 1970 йиллар оралиғида кафедрада доцент О.С. Сафаев (кафедра мудир), доц. А.Қ.Қодиров, доц. А.А. Орифжонов, доц. Ҳ.К. Салимова, катта ўқитувчи А.М. Маждидов, ўқитувчи И.М. Новисовлар ишлашди ва 1990 йиллардан бошлаб улар қаторига асс. Н.Қ. Аҳмерова қўшилади. Кафедра олий таълимнинг икки йўналиши бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлашда фаолият олиб боради ва институтнинг «Ёқилғи ва органик бирик-



Кафедра мудир
Ҳ.Э. Қодиров.



малар кимёвий технологияси», «Озик-овкат маҳсулотлари технологияси», «Ноорганик моддалар технологияси», «Менежмент ва касб таълими» факультетлари йўналиши талабаларига «Органик кимё» фанидан дарс беради. Кафедрада 5322400 – Кимёвий технология (Органик моддалар кимёвий технологияси) йўналиши бўйича бакалаврлар, 5А522402 – «Асосий органик синтез технологияси ва нозик органик синтез технологияси» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлайди. Ихтисосликни битириб чиққанлар нефть, газ ва бошқа соҳалар раҳбарлари етук муҳандислари бўлиб ишлаб келишмоқда.

1973 йилда Д.Юсупов «Ацетиленни каталитик аммонолиз қилиб монометилпиридинлар олиш» мавзусида номзодлик, 1987 йилда эса «Ацетилен бирикмаларини аммиак ва аминлар билан каталитик гетероцикллаш» мавзусидаги докторлик диссертация ишини химоя қилди. 1989 йилда унга профессор унвони берилди, 1992–2004 йилларда «Органик кимё» кафедрасида мудирлик лавозимида ишлади. Бу даврда кафедрада асосан ацетилен асосида гетероциклик бирикмалар, ацетилен қатор спиртлари ва гликоллари, коррозияга ва қуйқа ҳосил бўлишига қарши ингибиторлар олиш технологиясини яратиш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Ацетилен, аммиак ва метанол асосида пиридин олиш технологияси Новгороддаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида саноат-тажриба қурилмасида тажрибалар ўтказилди.

Саксонинчи йилларда кафедрага қатор иқтидорли ёшлар, жумладан, Т.А.Ағзамов, А.Акмалов, Л.А.Исмоилова, Ж.Бобожонов, О.Қ.Қулимов, Ғ.Қ.Мухаммедов, С.М. Туробжонов ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларига жалб қилинди. Фосфоний бирикмалари асосида полимерлар олиш, ацетилен асосида алкил ва арилпиридинлар синтези ўрганилди. Ўша йиллари ёшлар ўзларининг номзодлик диссертацияларини муваффақиятли химоя қилишди.

Бу ишлар билан бир қаторда, ёш олимлар ўзларининг ташкилотчилик фаолиятларини давом эттирдилар. Т.А. Ағзамов масъул лавозимга ишга ўтказилди. Доцент Л.А. Исмоилова 2004-йили ТКТИда декан, 2005 йил сентябрида ўқув ишлари бўйича ректор муовини вазифасига ўтказилди. Доц. С.М.Туробжонов 1999 йили ацетилен ва унинг ҳосилалари асосида кам чиқиндилар технологияларини ишлаб чиқди ва шу ишлар асосида докторлик диссертациясини ёқлади. У 1996 йилдан республикаимизнинг йирик техника олий даргоҳларидан бири бўлган Тошкент давлат Техника университетига проректор, 2003



Доцент Л.А. Исмаилова органик кимёдан лаборатория машғулотида.

йили эса, Тошкент кимё-технология институтига ректор вазифасига тайинланди. Жоиз бўлганда шуни таъкидлаш лозимки, ёшлар орасидан иқтидорлиларни танлаш, уларга эътибор билан қараш, ўстириш вақти келиб ўз самарасини бериши юқоридаги мисолларда кўриниб турибди.

Республикаимизнинг салоҳиятли бир олий ўқув даргоҳига раҳбарлик қилаётган ёш олим ва педагог С.М. Туробжоновнинг ТКТИ ривожини, равнақи, чет эллардаги нуфузли институт ва университетлар билан халқаро алоқалари институтнинг



Доц. С.М. Туробжонов ўзининг докторлик диссертациясини ёкламоқда. Расмда чапдан ўнга: кенгаш аъзоси проф. Қ.А. Аҳмеров, расмий оппонент Москва нозик кимё-технологияси Академияси ректори, т.ф.д., проф. В.С. Тимофеев, илмий маслаҳатчи академик Т.М. Миркомиллов ва кенгаш аъзоси проф. Й.Қ. Қодиров.

келажак истикболи учун мустаҳкам замин бўлишига ишончимиз комил. Бу борада устоз раҳбарлардан академик К.С.Аҳмедов билан академик Т.М.Миркомилловларнинг ёшларга оталарча ғамхўрлиги, фидойилиги ва жонқуярлик хислатлари намоён бўлади.

Кафедрада 1990 йиллардан кейин бажарилган илмий тадқиқотлар натижалари «Навоийазот» ОАЖ, «Электрокимё» заводи, АЖ-КК, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Қўқонспирт» ОАЖ ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Проф. А.Б.Кўчқоров кафедрага мудирлик қилгандан то шу кунгача кафедрада 10 та фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзоди тайёрланди. 5 та монография, 20 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалари, 1000 дан ортиқ илмий мақолалар, 100 га яқин ихтирога муаллифлик гувоҳномаси, 50 дан ортиқ Ўзбекистоннинг дастлабки ва доимий патентлари олинди. Бир неча монография (Қ. Аҳмеров, Д. Юсупов, С. Туробжонов, А. Аловитдинов) эълон қилинди. 2002 йили кафедрага проф. А.Б.Кўчқоров номи берилди. 2004-2005 йилда кафедрага техника фанлар номзоди Ҳасан Қодиров раҳбарлик қилди.

2005 йил сентябрда «Органик кимё» ва «Асосий органик синтез технологияси» кафедралари умумлаштирилди ва кафедрага к.ф.д О.С. Маҳсумова мудир этиб тайинланди, 2013 йилдан эса кафедранинг доц. Х.Э. Қодиров бошқармоқда. Кафедрада доцентлар О. Салихова, Б. Абдураимов, Д. Эргашева, Л.А. Исмаилова, Р.К. Каримов, С. Холикова ва катта ўқитувчилар С. Туробжонов, Д.Хандамовлар фаолият кўрсатишмоқда.

Кафедра ходимлари А.С. Султонов номидаги «Ўзбекистон Кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти» ходимлари билан, ЎЗРФА ўсимлик моддалар кимёси институти, ОАО «Навоийазот», СП-АЖ «Электрохимзавод», Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Губкин номидаги Москва нефть ва газ институти, М.В. Ломоносов номидаги Нозик кимё



технологияси Академияси ходимлари билан ўқув-услубий ва илмий ишларда ҳамкорлик қилмоқдалар. 2012 йили проф. С.М.Туробжонов билан доц. Н.И.Файзуллаевнинг «Ацетиленни каталитик гидратлаш, гидрохлорлаш, ацетиллаш реакциялари» номли монографиялари чоп этилди.

Кафедрада ўқув ишлари кенг кўламда олиб борилади. Кейинги йилларда лабораториялар кенгайтирилди, асбоб-ускуналар олинди, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланишга аҳамият берилди. Кафедра лабораторияларини замон талабларидаги асбоблар билан бойитиш, ўқитишда компьютерлаштиришдан тўла фойдаланиш, электрон дарсликлар, масофадан туриб ўқитиш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

2015–2016 ўқув йилида кафедранинг 4 курс талабаси Ў.Азаматовнинг Президент стипендиати ва унинг курсдоши Ҳ.Абдумаликованинг Беруний стипендияси соҳиблари бўлиши факультет жамоасининг ютуғи ҳисобланади.

5.2. «Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси» кафедраси



Кафедра муdiri
Э.У. Тешабоева.

«Пластмассалар технологияси» кафедраси ТошПИда 1959 йилда техника фанлари доктори, профессор Т.Р. Абдурашидов раҳбарлигида ташкил этилган бўлиб, уни 1993 йилгача (1973–1980 йилларда кимё фанлари номзоди, доц. Дилором Мусаевна Тоиракберова мудирлик қилган) Т.Р. Абдурашидов кафедрага раҳбарлик қилган.

1967 йилдан кафедра «Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси» номи билан юритилган. 1995 йилдан «Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси», «Ёғочга ишлов бериш технологияси» ҳамда «Юқори молекулали бирикмалар технологияси» кафедраларининг қўшиб юборилиши муносабати билан 2001 йилгача «Пластмасса ва ёғочни қайта ишлаш технологияси» номи билан аталган. 2001–2004 йилда «Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси» номи билан юритилган.

2004 йил март ойида кафедрага «Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси» номи берилди. 2004–2009 йилларда кафедранинг кимё фанлари доктори, проф. А.Т. Жалилов бошқарди, 2009–2012 йилларда эса доц. Р.И.Одилов мудирлик қилди. 2012 йилдан эса кафедранинг доцент Э.У. Тешабоева бошқариб келмоқда.

Кафедрада турли вақтларда академик М.А.Асқаров фан докторлари, профессорлар А.Х. Юсупбеков, Р.Рўзиев, Б.А.Шипилевский, фан номзодлари, доцентлар, Н.А.Маркман, Й.М. Мақсудов, Й.А.Салимсоқов, В.Р.Мустафин, С.В.Ҳошимова, Б.К.Шайхова, А.С. Ибодуллаев, Ж.Б.Охунжанов, М.И.Асқаров, И.М.Сиров, М.М.Мирвалиев, В.С. Каримов, Т.А.Низомов ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Ҳозирги вақтда кафедра ўқув ишларида профессорлардан Т.Р.Абдурашидов, А.Т.Жалилов, Ф.А.Магруппов, А.С.Ибодуллаев, М.Г.Алимухаммедов, З.А.Тожихўжаев, доцентлар ва фан номзодлари М.К.Абдумавлянова, Р.И.Одилов, А.Тиллаев, У.Тожихўжаева, Б.Ойхўжаев, А.Жўраев, Д.Йўлдошев, Т.Низомов, катта ўқитувчи М. Ишмухаммедова, ассистентлар М.Аҳмедова, А.Жуманов, М.Вапаевлар фаолият юритишмоқда.



Кафедра ташкил топган вақтдан бери «Таркибида пентозан сакловчи хомашё асосида полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш» ҳамда «Маҳаллий органик ва аорганик тўлдиргичлар асосида полимер ва эластомер композициялар яратиш» муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий-текшириш ишлари амалга оширилиб келинапти. Бу ишлар натижасида нейтрал муҳит ва нисбатан паст ҳароратда чокланишга мойил фуран олигомерлари яратишнинг назарий асослари ишлаб чиқилиб, олигомерлар ҳосил бўлиши ва уларнинг чокланишининг янги механизми тажрибалар асосида исботланди. Таркибида фуран ҳалқалари ва эластик алифатик радикаллар, фуран ҳалқалари ҳамда амид ва уретан гуруҳларини сакловчи янги туркумдаги полимерлар синтез қилинди. Ушбу полимерлардан ва маҳаллий тўлдиргичлар асосида турли кимёвий муҳит ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли, оловбардош лок-бўёқ қопламлари, қаттиқ кўпikli полиуретанлар, прессмассалар, қатлам пластиклар, ишқаланишга чидамли фрикцион материаллар ишлаб чиқариш технологиялари саноатнинг турли соҳаларига татбиқ этилди. Сўнгги йилларда юқоридаги ишлар билан бир қаторда кафедранинг илмий текшириш ишлари Шўртангаз кимё мажмуасида пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Ушбу ишлар натижасида ШГКМ да чиқарилаётган полиэтиленнинг янги маркалари, улар асосида ингичка ва ялтироқ плёнка олиш ҳамда турли тўлдиргичлар қўшиб полимер композицияла-



Кафедра йиғилишида.



Проф. Р.Рўзиев шогирди И. Каримов билан дала шароитида тажриба ўтказмокда.



Кафедра профессори А.С. Ибодуллаев илмий иш муҳокамасида.



ри олиш технологиялари ишлаб чиқилмоқда ва уларнинг бир қисми саноатга татбиқ қилинмоқда.

Маҳаллий минерал ва иккиламчи хомашёларни (бентонит, волластонит, тальк, базальт, каолин, кизилгия, фосфогипс ва х.к.) физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиб, полимер ва эластомер материаллар олиш таркиби асослари яратилган. Тасдиқланган илмий концепциялар асосида минерал ва иккиламчи хомашёни кимёвий ва механик фаоллаштириш, композицион материаллар хусусиятларини ўрганишнинг янги усуллари таклиф қилинди. Полимер ва эластомер материаллари ва маҳаллий хомашёлардан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан машинасозликда, кимё, нефть-газ саноати машина аппаратларида, қурилишда, кабел ишлаб чиқаришда, резина-техника буюмлари ва шина ишлаб чиқаришда ва антифрикцион ейилишбардош композицион материаллар олишда ишлатилувчи композициялар яратилган ва ишлаб чиқаришга тақдим этилган.

Кафедрада 10 дан ортиқ фан докторлари, 100 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиққан. 1970 йилдан бошлаб номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган Илмий Кенгаш ўз фаолиятини давом эттириб келяпти.

Кафедра ходимлари 1500 дан ортиқ илмий мақолалар, 50 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномаси ва патентлар, 5 та ўзбек тилидаги лотин ва кирилл алифбосида ўқув қўлланма ҳамда дарсликлар муаллифи ҳисобланади.

Кафедра Д.И.Менделеев номли Москва кимё-технология университети, М.В.Ломоносов номли Москва нозик кимё технологияси Академияси, Санкт-Петербург технология институти, Қозон давлат технология университети, Саратов давлат техник университети, Алма ата давлат университети, Чимкент кимё-технология институти каби олий таълим муассасалари ҳамда Москвадаги Пластмасса илмий-текшириш институти, Владимирдаги «Полимерсинтез» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Санкт-Петербург полимерлар олинандиган пластмассалар, Украина миллий Академиясининг Юқори молекулали бирикмалар кимёси илмий текшириш институтилари, Канаданинг «Nova Chemical» илмий техник марказлари билан яқин алоқададир.

Кафедра талабалари турли йилларда Чехословакия (ҳозирги Чехия ва Словакия), Болгария, Польша, Эстония, Латвия, Литва, Россия ва Украина республикаларида амалиётда бўлганлар.

Иқтидорли талабалар кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқотларга, хўжалик шартномалари асосидаги илмий ишларга кенг жалб этилади.

Кафедранинг ООО «Кафолат резина», ТДТУ қошидаги «Фан ва тараққиёт» ДУК, «Ўзкимёсаноат» АЖ қоидаси «Кимё-технология» ДУК, «Тошқабель» ООО, «Совпласттал» қўшма корхоналари қошида филиаллари ташкил қилинган ва мутахассислик фанлари шу ерларда ўтказилди.

5.3. Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси

Тошкент политехника институтида 1968 йилдан фаолият кўрсатиб келган «Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси» кафедраси ТКТИ «Асосий органик ва нефть-кимёси синтези технологияси» кафедраси таркибида 1998 йилда ташкил топди. Кафедра шу кунгача «Ўзбекнефтьгаз» Миллий холдинг компанияси корхоналари, Олтиариқ НКИЗ, Фарғона НКИЗ, Бухоро НКИЗ, Шўртан ва Муборак ГКИЗ ва Шўртан ГКМ заводларига, «Ўздавнефтьмахсулот» бирлашмаси ва саноат корхоналарига ҳамда илмий тадқиқот ин-



ститутларига «Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси» бакалавриатура йўналиши, «Нефть маҳсулотларни тозалаш ва уларни рекуперацияси», «Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси» ва «Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари экологияси» магистратура ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб келмоқда.

Кафедранинг тапшил топишида Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, кимё фанлар доктори, проф. Абдулла Султонович Султоновнинг хизматлари катта бўлди. А.С.Султонов кафедранинг бошқариш билан бирга 1964–1974 йилгача Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш илмий-тадқиқот институти (ҳозирги ЎзКФТИ институти)га директорлик қилди. Кафедранинг 1969 йилда биринчи бўлиб 17 та талаба битириб, муҳандис-технолог дипломини олдилар.

Дастлабки вақтда кафедра талабалари учун дарс беришга профессорлардан А.А. Абдуқодиров, Қ.А. Аҳмеров, к.ф.н. А. Орифжонов, муҳандис И.Р. Новисовлар жалб этилди.

1971 йилнинг апрель ойидан бошлаб кафедрага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, проф. О.С. Сафаев мудирлик қилди. Кафедрада шу йилдан бошлаб доц. А. Қодиров, доц. Ҳ.К. Салимова, асс. Ж. Сайдалиев, асс. О.Ф. Азимовлар ўқитувчилик ишларини бошладилар. Республикада нефть ва газни қайта ишлаш саноати ўса борганлиги боис 1985 йилдан бошлаб кафедрада «Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси» ихтисослиги бўйича ҳам мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1986–1996 йиллар мобайнида кафедрага кимё фанлар номзоди, доцент А.Қ. Қодиров бошчилик қилди. 1996–1997 йилларда кафедрага кимё фанлари номзоди, доцент Ш.Ф. Нуруллаев, 2010 йилгача кимё фанлари номзоди, доцент Д.Н. Исматов мудирлик қилди. 2010–2012 йилларда эса ушбу кафедранинг кимё фанлари номзоди Э.У. Тешабоева бошқарди.

2012 йилдан кафедрага кимё фанлари номзоди О.Зиядуллаев мудирлик қилмоқда. Шу кунгача кафедрада 5321300 – «Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси» йўналиши бўйича 2000 дан ортиқ бакалавр, 5А321302 – «Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси ва унинг кимёвий технологияси» ва 5А321303 – «Нефть ва газ корхоналари ускуна ва жиҳозлари» йўналиши бўйича 200 дан ортиқ магистрлар тайёрланди.

Ҳозир кафедрада профессорлардан С.М.Туробжонов, А.Икромов, О.С.Маҳсумова, У.К.Аҳмедов, Т.А.Азизов, М.Г.Муҳаммадиев, доцентлардан М.С.Тиллашайхов, Қ.Ғ.Каримов, Д.Н.Исматов, Э.У.Тешабоева, Д.Э.Мирхамитова, катта ўқитувчилар В.Н.Жўраев, О.Ю.Орипжонов, С.Рўзиев, М.Б.Умарова, Ш.Ш.Менглиевлар фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунгача кафедрада кўрсатилган ихтисосликлар бўйича ўқишни битирган мутахассислардан 22 киши фан номзоди, 4 киши фан доктори илмий даражаларига эга бўлди ва республикамизнинг барча вилоятлардаги йирик корхоналар, нефть-газ кимёси ва қайта ишлаш илмий тадқиқот институтларида ва бошқа ташкилотларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Кафедра жамоаси нефть ва газларни қайта ишлаш, уларни катализаторлар, органик кимё саноати чиқиндиларини зарарсизлантириш ва улардан фойдали маҳсулотлар олиш, автомобиль ёқилғиларининг сифатини оширувчи қўшимчалар (присадкалар) синтези, нефть конларининг бурғулашда ишлатиладиган эритмалар олиш, газ конденсатидан ажратиб олинган



Кафедра мудирини
О.Э. Зиядуллаев



Кафедра ходимлари.

толуолни бензой кислотасигача оксидлаш борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

1997–2015 йиллар мобайнида кафедра жамоаси талабалар билан биргаликда республикада, МДХ ва хориждаги заводларда чоп этиладиган марказий журнал ва ТошКТИ илмий тўпламларда 300 га яқин илмий мақолалар ва тезислар чоп этирилди. Кафедра ходимлари турли конференция, симпозиум ва семинарларда иштирок этдилар.

Кафедра Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишида 26 нафар талабани «Ёқилғи ва углеродли моддалар кимёвий технологияси», Шўртан газ-кимё комплексининг ишга туширилишида 16 нафар талабани «Органик моддалар кимёвий технологияси» ихтисосликлари бўйича мутахассис кадрлар сифатида тайёрлаб берди. Ҳозирда бу корхоналарда фаолият кўрсатаётган кадрлар орасида институт мутахассислари сони ортиб бормоқда.

Кафедра ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг «Нефть ва газ конденсатларкимёси» лабораторияси ва ЎзКФИТИнинг илмий лабораторияларида ўзаро ҳамкорлик шартномаларига асосан фаол иш олиб бормоқда.

Кафедра Москвадаги В.П.Губкин номи Нефть ва газ Академиясининг «Химмотология» кафедраси, Уфадаги нефть институтининг «Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси» ва Томскдаги Нефть институтининг «Ёқилғи материалларни қайта ишлаш технологияси» кафедраси ҳамда Қозоғистон кимё фанлари университети ва Чимкент Халқлар дўстлиги университети олимлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.



2014 йили Самарада ўтказилган халқаро «Роскатализ-II» конгресси қатнашчилари орасида доцент О. Зиёдуллаев ҳам бор.



5.4. «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси» кафедраси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг целлюлоза, қоғоз ва ёғочсозлик саноати ҳозирги вақтда ривожланаётган ва республика иқтисодиётига сезиларли самара бераётган тармоқлардан бири бўлиб қолди. Бу соҳа бўйича республикада собиқ иттифоқда ягона бўлган ва собиқ кимё саноатига қарашли «Целлюлоза кимёси ва технологияси илмий-тадқиқот институти» ташкил этилган бўлиб, унга республикада полимерлар кимёсига асос солган олим акад. Ҳ.У. Усмонов раҳбарлик қилди. Бу соҳани ривожланишига унинг шогирдлари академиклардан Ю.Т. Тошпўлатов, Т.М. Миркомиллов ва профессорлар Ғ.Раҳмонбердиев, Г.В.Никонович, А.С.Тўраев, А.Саримсоков, К.Ҳ.Розиков катта ҳисса қўшдилар.

1980 йилдан 1991 йилгача Тошкент политехника институтида ва мустақиллик йилларида «Ёғочсозлик технологияси» кафедраси бўлиб, унга ўз вақтида т.ф.н., И.М.Сиров, к.ф.н., Н.З. Зайнутдинов, доц. Н.М. Максудов ва проф. Ф.А. Мағруповлар мудирлик қилиб, мазкур мутахассислик бўйича муҳандис-технологлар тайёрланди.

2004 йилга келиб, проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев ташаббуси билан «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси» кафедраси ташкил этилди. 2004 йилдан 2012 йилгача кафедрага к.ф.д. проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев, т.ф.д. проф. Р.С. Сайфутдинов, т.ф.н., доц. И.М. Алимов, т.ф.н., доц. М.М. Муродов мудирлик қилишган. 2014 йилдан к.ф.н., доц. Г.Ю. Акмалова кафедрага мудирлик қилиб келмоқда.



Кафедра мудир
Г.Ю. Акмалова.



Кафедра ходимлари.





Ҳозирги вақтда кафедрада иккита профессор (Ғ.Р. Раҳмонбердиев, М.Т. Примкулов) ва тўртта доцент (Й.М. Мақсудов, И.М. Алимов, Р.А. Хабибуллаев, Г.Ю. Акмалова) ўқув машғулотлари ва илмий тадқиқот ишларини талабаларга чуқур ўргатиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида бакалавр ва магистрлар билан шуғулланиб, билим бериб келмоқда.

Кафедрада 2004–2005 ўқув йилидан бошлаб, 5522600 – «Ёғочсозлик саноати технологияси, машиналари ва жиҳозлари» (Целлюлоза саноати бўйича),

5522600 – Ёғочсозлик саноати технологияси, машина ва жиҳозлари (Ёғочсозлик саноати бўйича) йўналишлари бўйича бакалаврлар, 5А522601 – «Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш ва жараёнлари», 5А522604 «Ёғочсозлик саноати технологияси ва машиналари, ёғочшунослик» мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланади.

Битирувчилар куйидаги корхоналарда ўз фаолиятларини шартнома асосида давом эттиришади: Ўзбек қоғози МЧЖ, Фарғона фуран бирикмалар кимёси заводи, Наманган қоғоз МЧЖ, Тошкент қоғоз фабрикаси, Ангрен Саноат қалин қоғоз савдо ОАЖ, Янгийўл «Global Komscо Daewoo», «Асл қоғоз» МЧЖ, Тошкент қоғоз фабрикаси, Ўзбекистон-Латвия ҚК «DIENVIDI», Ўзбекистон-Латвия ҚК «Шарқ-Риетуми», «Тошкентмебель» ОТАЖ, «Мебель» ОТАЖ, Ўзбекистон-Греция ҚК «УЗЭЛЛАС», «Эътиқод», «Хувайдо» ва «Кенг макон» мебель корхонаси, «MDF Formation» МЧЖ.

Кафедрада ўқитувчилар, илмий ходимлар, стажер-тадқиқотчилар, катта илмий ходим тадқиқотчилар ўз илмий ишлари бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Кафедрада 2004 йилдан бери 5 та номзодлик ва 2 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Кафедра Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари асосида куйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда:

1. Целлюлозанинг сувда эрийдиган эфирлари ва унинг асосида тиббиёт ва фармацевтика мақсадлари учун физиологик фаол моддалар тадқиқоти (илмий раҳбар проф. Раҳмонбердиев, тадқиқотчи Г.Ю. Акмалова).

2. Топинамбур ўсимлигини комплекс ўрганиш (илмий раҳбар проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев, асс. А.Ш. Хусенов).

3. Бир йиллик ўсимликлардан ҳамда саноат корхоналарининг толали чиқиндиларидан целлюлоза ва унинг эфирлари олишнинг инновацион технологиясини яратиш ва саноат миқёсида қўллаш (илмий раҳбар проф. Ғ.Р. Раҳмонбердиев, тадқиқотчи Э. Эгамбердиев).

4. Бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза олиш технологиясини такомиллаштириш (проф. М.Т. Примкулов, асп. У.Д.Мухитдинов).

5. Целлюлоза ҳосилалари асосида гидрогель, мембрана ва сорбентлар синтези (доц. Г.Ю. Акмалова, тадқиқотчи Н.С. Фуломова).

6. Бир йиллик ўсимликлардан қоғоз олиш технологиясини такомиллаштириш (проф. М.Т. Примкулов, магистрантлар).

7. Ёғочсозлик корхоналарини лойиҳалашни такомиллаштириш (доц. Й.М. Мақсудов, магистрантлар).

8. Термопласт боғловчилар асосида ёғочли полимер материаллар олиш (доц. И.М.Алимов, магистрантлар).

9. Термореактив боғловчилар асосида ёғочли пресс-массалар яратиш, ёғоч хусусиятларини модификациялаш (доц. Р.А.Хабибуллаев, асс. Ғ.У.Илҳомов, магистрантлар).

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўзбек тилида 2 та монография, 10 дан ортиқ дарслик ва 40 дан ортиқ ўқув ва услубий қўлланмалар лотин ва кирилл алифбосида



яратилган, 600 дан ортиқ илмий мақола республика журналларида, шу жумладан, чет элларда (АҚШ, Германия, Австрия, Италия, Испания, Руминия, Хитой, Туркия ва Швеция) ҳам chop этилган, 25 та Ўзбекистон патенти олинган.

Кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар учун ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмалар Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси томонидан 2010 йилидаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танловида II Даражали диплом («Qog'oz texnologiyasining asoslari» дарслиги, 2010 й.), 2011 йилда эса III Даражали диплом («Қоғоз технологияси» дарслиги, 2011 й.) билан тақдирланган.

Кимё фанлари доктори, проф. Ф.Р.Раҳмонбердиев Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, 2014 йилда Россия Табиий Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди.

Кафедра Россия ўрмон-техника академияси (Санкт-Петербург), Россия ФА юкори молекулалар бирикмалар институти, Россия ўсимлик полимерлари Давлат техника университети, Қозоғистон Халқлар дўстлиги университети, Н.Ауезов номи Жанубий Қозоғистон Давлат университети, Қарағанда Давлат Техника университетлари билан илмий алоқада ишлаб келмоқда. Шунингдек, Европа университетларидан: «Georg-August-Universität Göttingen», «Universität Oldenburg», «Technical University of Munich», Варшава ўрмон-техника Академиялари билан ҳам ҳамкорлик қилинмоқда.

5.5. «Физика ва электротехника» кафедраси

«Физика» кафедраси илк бор 1920 йилда Туркистон Давлат Университети таркибида ташкил этилган эди. Кафедрани ХХ асрнинг 50-йилларигача профессор Н.И. Ярославцев бошқарган. Шундан сўнг кафедрага 1957–60 йилларда – академик Ф.Ё. Умаров, 1961–62 йилларда – доцент М.А. Азимов, 1963–65 йилларда проф. А.А. Абдураззоқов, 1966–74 йилларда доцент З.Ш. Шарипов, 1974–2001 йилларда доцент Д.М. Миркомиллов раҳбарлик қилишди.

2001–2003 йилларда доц. А.А. Муҳамедов, 2003–2010 йилларда проф. М.О. Қосимжонов, 2010–2012 йилларда доцент А. Холов, 2013–2015 йилларда Ш.Н. Эрназаров кафедрага раҳбарлик қилди. 2015 йилнинг сентябридан кафедрага п.ф.н. А.И. Худойбердиева мударлик қилмоқда.

Кафедрага электротехника бўлимининг қўшилиши муносабати билан 2005 йилдан «Физика» кафедраси «Физика ва электротехника» кафедраси деб номланди. Кафедра таркибида шу кунларда профессор М.О. Қосимжонов, доцентлар А.И. Эргашев, З.А.Мўминова, И.М.Бедрицкий, фан номзодлари катта ўқитувчилар М.Н. Маматқулов, И.И.Қурбонов, катта ўқитувчилар М.М. Ачилова, З.М. Давлатхонов, А.А.Ҳайдаров, ассистентлар М.А.Тўламетов, Р.Р. Ўсаров, К.А.Маннопова, Г.Т.Баратова, П.С.Таджимуратов, Э.Э. Собировлар фаолият кўрсатмоқдалар.

«Физика ва электротехника» кафедрасида бакалаврлар учун «Физика», «Электротехника, электроника ва электр юритмалари» фанлари ўқитилиб келинмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўқитиладиган фанлар бўйича услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар, виртуал лаборатория ишлари яратилган бўлиб



Кафедра муdiri
А.И. Худайбердиева.



Кафедра ходимлари.

улар замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқиш жараёнига татбиқ қилинган.

«Физика ва электротехника» кафедраси Ўзбекистон Миллий Университети физика факультетининг «Физикавий электроника», «Оптика ва лазер физикаси» кафедралари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Ион плазмаси ва лазер технологияси» илмий-текшириш институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Ядро физикаси институти», Тошкент темир йўллар муҳандислиги институти «Электротехника» ва «Физика» кафедралари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Машина ва аппаратлар» кафедраси билан илмий ва амалий алоқалар ўрнатган.

Кафедра тарихида 1982 йилдан 1990 йилгача олиб борилган яшил ўсимликларда, шу жумладан, пахтада юз берувчи фотосинтез жараёнини лазер флуорисценцияси ёрдамида самолёт бортидан туриб тадқиқот қилиш катта аҳамиятга эга бўлди. Россия Фанлар академияси Умумий физика институти билан ҳамкорликда «Чайка» номли самолёт лазер қурилмаси яратилди. Ушбу қурилма сув ҳавзаларини ва ўсимлик дунёсини ҳаводан туриб зондлашга мўлжалланган. Олиб борилган бу ишлар натижасида кафедрада Д.М. Миркомиллов раҳбарлигида «Хлорофилл» илмий лабораторияси очилди, фотосинтез соҳаси бўйича илмий кадрлар тайёрланди, ушбу ишлар натижасида 1 монография, 10 ихтиро ва 80 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди.



Кафедра мажлисида.



Катта ўқитувчи М. Очилова амалиёт дарсида.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

Лазер нурунинг модда билан ўзаро таъсири, полимерлар эритмаларида ёруғликнинг сочилиши, макромолекулалар параметрларини ўлчаш ва уларнинг термодинамик хоссаларини ўрганиш ҳамда шаффоф оптик материалларда лазер нурунинг кўпфотонли ютилиши таъсирида дефектларнинг ҳосил бўлиш ва стабил ҳолатга келиш механизмларини тадқиқ қилиш (Проф. М.О.Қосимжонов, Ш.Н. Эрназаров); моддалар таркибини активацион усул ёрдамида таҳлил қилиш (А.А. Ҳайдаров).

Кафедрада докторлик диссертацияси бўйича Ш.Н. Эрназаров, А.А. Ҳайдаров, Р.Р. Ўсаров, П.С. Таджимуратов, Э.Э. Собировлар илмий-тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Кафедрада барча ўқитувчилар иқтидорли талабалар билан шуғулланади, улар билан илмий ишлар олиб боради ва фан олимпиадаларига тайёрлайди. Талабалар илмий-техника конференцияларда ўзларининг илмий ишлари натижалари билан иштирок этадилар. Талабалар ва магистрантларнинг илмий ишлари конференцияларнинг илмий ишлари тўпламида чоп этилади.



Катта ўқитувчилар Ш.Н. Эрназаров билан М.Н. Маматкуловлар илмий иш устида.



VI
БОБ



**ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ФАКУЛЬТЕТИ**



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ



Факультет декани
доц. О.К. Юнусов.

«Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» факультети ҳам 1991 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Факультетга 1991–1993 йилларда кимё фанлари доктори, профессор Қ.М. Аҳмеров деканлик қилади. Ундан кейин деканлик вазифаси доц. Т. Мирхолиқов, проф. Р.С. Сайфутдинов, проф. М. Тошмухамедов, доц. Т.Т. Турсунов ва проф. Ҳ. Нурмухамедовга топширилди.

Мамлакатимиз ёғ-мой саноати салоҳиятли кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари инобатга олиниб, т.ф.д., проф. А.А. Абдурахимовга Президентимиз И.А. Каримовнинг фармони билан 1991 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвони берилди.

2012 йил август ойидан техника фанлари номзоди, доцент О.Қ. Юнусов факультетга деканлик қилиб келмоқда.

6.1. «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедраси



Кафедра мудири
Қ.П. Серкаев.

Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедрасига доцент Қ.П. Серкаев 2011 йилдан бошлаб 2016 йилгача мудирлик қилиб келди.

Кафедрада бакалавриатуранинг 5321001 – Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси таълим йўналишининг «Ёғ ва мойлар технологияси», «Дон маҳсулотлари технологияси», «Нон маҳсулотлари технологияси» ҳамда «Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси» бўйича бакалаврларга таълим берилади. Шунингдек, магистратуранинг 5А321001 – Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси («Ёғларни қайта ишлаш технологияси», «Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси», «Вино ва спирт ишлаб чиқариш технологияси» ҳамда «Солад пиво ва алкогольсиз ичимликлар технологияси») мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Катта илмий ходим-изланувчилар гуруҳи шакллантирилган бўлиб, 02.00.17 «Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари» ихтисослиги бўйича докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилинади.



Кафедранинг йўналишлари кўп йиллик тарихга эга бўлиб, кафедра ривожланишининг қуйидаги босқичлари маълум:

Ёғ ва мойлар технологияси йўналиши

1989 йилдан 1993 йилгача ва 1995–2010 йиллар давомида проф. Й.Қ.Қодиров кафедра мудири вазифасида хизмат қилди. Орадаги икки йилда мудирлик доц. П.Илҳомжоновга топширилади.

Кафедрада турли йилларда т.ф.д., проф. Р. Мирзакаримов, доц. А. Иногамов, доц. М.Т. Турсунов, доц. З.Х. Қодирова, доц. Т. Абдуллаев, т.ф.д., проф. Т.Т. Мирҳоликов, т.ф.д., проф. М.А. Раҳимжонов, к.ф.н. М.С. Эргашев ва т.ф.н. Ш. Шарафуддинов, т.ф.д., проф. А.Т. Ильясов ва доц. В.Ш. Салижановлар ишлашди.

1991 йили Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «Ёғлар технологияси» кафедраси профессори Абдурахмон Абдурахимович Абдурахимовни «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвони билан мукофотлаш ҳақида фармон чиқарди. Мукофотни Президентимиз И.А.Каримов шахсан ўзлари топшириб, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ёшлар устозини табриклади, унга узок умр ҳамда оилавий бахт-саодат тилади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Тошкент кимё-технология институти профессори А.А. Абдурахимовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвонини топшириш пайтида (1991 йил).



Кафедранинг «Ёғлар технологияси» секцияси ходимлари суҳбатда.



Профессор-ўқитувчилардан проф. Й. Қодиров ва доц. П. Илҳомжоновлар 1978–1983 йилларда Жазоир Халқ Демократик Республикаси Енгил Саноат Миллий институтида янги ташкил этилган «Ёғлар технологияси» кафедрасини бошқаришди. Улар «Ёғлар технологияси» кафедрасини ташкил қилиб, мамлакат ёғ-мой корхоналари учун муҳандис-технологлар ва техник-технологлар тайёрлашга ўз хиссаларини қўшишди.

Ёғ ва мойлар технологияси йўналиши фаолияти давомида соҳа учун 4000 дан ортиқ мутахассис кадрлар тайёрланган. Кафедрани тугатган мутахассислар Ўрта Осиё ва Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой корхоналарида, лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институтларида ва юқори Давлат муассасаларида ишлашмоқда. Республикамизнинг етакчи олимлари ва таниқли фан арбоблари акад. Н.Р. Юсупбеков, акад. З.С. Салимов, акад. А.И. Глушенкова ва М.Ф. Обидовалар айнан шу кафедранинг собиқ тарбияланувчилари ҳисобланадилар.

Кафедрада ўқиб, муҳандис-технолог ихтисослигини олганлардан 18 киши фан доктори, 91 киши фан номзоди бўлиб етишди.

Ҳозирги кунда ёғ ва мойлар технологияси йўналишида профессорлар: С.А. Абдурахимов, Й. Қодиров; доцентлар: П. Илҳомжонов, доц. О.Қ. Юнусов, А.Т. Рўзибоевлар; катта ўқитувчилар; А.Б. Йўлчиев, Р.Р. Акрамова, М.С. Ибрагимова; ассистентлар: А.А. Абдурахимов ҳамда Г.И. Ашурматова фаолият юритишмоқда.

«Озиқ-овқат ва озуқа» илмий тадқиқот лабораторияси 1980 йилда «Ёғлар технологияси» кафедраси қошида «Госсипол» тармоқ илмий тадқиқот лабораторияси ташкил этилди. Унинг ташкилотчиси проф. Р.М. Мирзакаримов бўлиб, 1990 йилгача бу лабораторияга раҳбарлик қилди. 1990–2006 йилларда лабораторияга т.ф.д., проф. А.Т. Ильясов мудирлик қилди. 2003 йилда лабораториянинг номи ўзгартирилиб, «Озиқ-овқат ва озуқа» илмий тадқиқот лабораториясига айлантирилди. 2006 йилдан 2016 йилгача лабораторияга Қ.П. Серкаев мудирлик қилди.

Кафедра фаолиятида лабораториянинг ўрни алоҳида бўлиб, бакалавр талабалари, магистрантлар, катта илмий ходим изланувчилар тадқиқотларида, корхоналар муаммолари билан боғлиқ давлат грантлари, хўжалик шартномаларининг бажарилишида асосий моддий-техника базаси ролини ўтамоқда.

Лаборатория фаолиятининг энг асосий натижалари соҳанинг етук олимларидан бири, марҳум профессор А.Т. Ильёсов бошчилигида олинган бўлиб, корхоналар муаммоларидан келиб чиққан ҳолда шу пайтгача 50 дан ортиқ грантлар, 200 дан ортиқ хўжалик шартномалари муваффақиятли бажарилган, 7 та ишланма саноатга татбиқ этилди. Тадқиқотлар олиб борилишида ёшларнинг роли катта бўлиб, шу пайтгача 2 та Президент стипендиати, 2 та Беруний стипендиати, кўплаб республика ва халқаро танловлар ғолибликлари қўлга киритилган. Лаборатория фаолияти давомида 50 дан ортиқ ихтироларга патентлар олинди, 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 4 та монография чоп этилди.

Дон маҳсулотлари технологияси йўналиши Ўзбекистон Республикаси Дон тайёрлаш Вазирлиги томонидан 1965 йилдан бошлаб вилоятларда жуда катта ҳажмда жадаллик билан ун-ёрма ва омихта ем корхоналари қурила бошланди. Республикада шу соҳага муҳандислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари бўлмаганлиги сабабли Дон тайёрлаш Вазирлик вакиллари ҳар йили Одесса, Москва, Барнаул, Оренбург ва бошқа ўқув юртларидан 40–50 га яқин ёш кадрларни олиб келар эди. Олиб келинган ёшлар эса узоғи билан 1 йил ишлаб сўнг эса ўз жойларига қайтиб кетар эдилар. Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун Дон тайёрлаш Вазири М.Ю. Қурбонов ва Р.А. Ашуралиевлар Республика Олий ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат қилиб, 1975 йил шу ихтисосликка 2 гуруҳ, биринчи курс талабаларини қабул қилиш масаласини ҳал қиладилар. Талабалар 1–2 курсларни ТашПТИ



профессор-ўқитувчилари томонидан ўқитиладилар. 3-курсдан бошлаб «Дон тайёрлаш вазирлиги»дан мутахассислар соатбай ҳисобида жалб этилиб, мутахассисликка оид фанларни ўқий бошладилар. 1–3-курсларда шу кафедрага ўқув ишлари бўйича раҳбарликни доцентлар А.Иногамов ва И. Тўйчиевлар олиб боришади. 1978 йили «Дон тайёрлов вазирлиги» техника бошқармасининг бошлиғи Москва Озиқ-овқат институтининг ун-ёрма ишлаб чиқариш бўйича муҳандис мутахассислигини тугатган, республикада хизмат кўрсатган муҳандис, иктисод фанлари номзоди П.М.Турсунхўжаев юборилди ва институт раҳбарияти «Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» кафедрасини очиб, уни кафедра мудирлиги қилиб тайинлайди. Йўналиш ташкил топган вақтдан бошлаб ихтисослик бўйича 1500 дан ортиқ мутахассислар тайёрланган, шулардан Р.Э.Зуфаров, З.З.Шукуров, Н.К. Ойхўжаева, О.Султонхўжаев, Д.А.Ғофурова ва С.Бобоевлар техника фанлари номзоди илмий даражасига эришдилар.

Йўналишда тайёрланган мутахассислардан Ш.У. Муҳаммаджонов, Р.Э. Зуфаров, С.Саид-аҳмедов, С. Жуманов, О.Чўтов, Ҳ.Э. Аҳмадхўжаев, Н.А. Ирисбеков ва Ф. Нурматовлар, З.З. Шукуров, Ф.Р. Раҳматуллаев, Г.Еримбетова, А.Темиров, С.Б.Хўжаев, Д.А. Ғофурова ва бошқалар республикадаги дон маҳсулотлари корхоналарида раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бордилар.

1982 йили Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти очилиши муносабати билан кафедра шу таълим масканига ўтказилди. Соҳада кадрларнинг етишмаслиги сабабли 1993 йилда кафедра яна ТКТИ да очилади. Кафедрара доц. П.М.Турсунхўжаев мудир этиб тайинланади. Сўнгра кафедрага 1995–1996 йилларда проф. М.Рахимжонов, 1996–2004 йилларда доц. Н.К.Ойхўжаева, 2004–2005 йилларда т.ф.д., проф. Т.Т. Мирхоликов мудирлик қилишди, 2005 йил сентябр ойида кафедра «Ёғ ва мойлар технологияси» кафедраси билан бирлашиб, «Ёғ-мой ва дон маҳсулотлари технологияси» номи берилди ва бу кафедрага т.ф.д., проф. Й.К.Кодиров мудир этиб тайинланди, 2011 йилдан «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» номини олди ва унга доц. Қ.П.Серкаев 2015 й. охиригача мудирлик қилди.

Ҳозирги кунда бу йўналишда проф. П.М.Турсунхўжаев, доцентлар Н.К.Ойхўжаева, Д.А.Ғофурова, С.С.Равшанов, катта ўқитувчи М.А. Саидхўжаева, катта илмий ходим-изланувчилар Г.З. Джаҳонгирова, У.Н. Болтабоев, ассистентлар З.С. Қурбонов, М.А. Ғоффорхонова, А.М. Норматов ва лаборант Б. Усмоновлар меҳнат қилишмоқда.

Соҳа бўйича таълим беришда бошқа институт, ташкилот ва корхоналар билан ҳам алоқалар яхши йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги «Ўсимлик моддалари кимёси» институти лабораторияларида магистрантлар диссертациялари бўйича илмий ишларини амалга оширадилар.

Кафедра Бухоро муҳандислик-технология институти билан илмий педагогик кадрлар тайёрлашда ва Тошкент шаҳар М.Улуғбек технология коллежи, Янгийўл технология коллежи каби ўқув юртлари билан ўқув-услугий жараёнларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Илмий ходим-изланувчилар «Тошкентдонмаҳсулот» АЖ, «Ғалла-Алтег» АЖ корхоналари ва «Ўздонмаҳсулот» акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ўз илмий тадқиқот ишларини бажариб келишмоқда.

Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти корхоналарда ўтказилиши йўлга қўйилган. Дон маҳсулотлари технологияси йўналиши бўйича амалиётлар республикамиздаги ун-ёрма ишлаб чиқариш корхоналаридан «Тошкентдонмаҳсулот» АЖ, «Ғалла-Алтег» АЖ, «Тошкент нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси», «Тошкент нон шаҳри» МЧЖ, «Қўқондонмаҳсулотлари» АЖ, «Шаҳрикеш донмаҳсулотлари» қўшма корхонаси,



«Шўрчидонмахсулотлари» АЖ, «Жиззахдонмахсулотлари» МЧЖ ларда турли технологик тизимларни чуқур ўрганиш билан амалга оширилади.

«Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси» йўналиши. «Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси» кафедраси 1938 йилда Ўрта Осиё Давлат Университети қошида проф. М.С. Ховренко ташаббуси билан «Виночилик ва бижғиш маҳсулотлари технологияси» номи билан ташкил этилган.

Кафедрага 1941–1958 йй. доц. С.В. Моталев, 1958–1960 йй. проф. И.Ф. Зеликман ва 1960–2005 йй. кафедрага т.ф.д. проф. С.Х.Абдуразақова, доц. С.У. Умаров, ва доц. З.Ш. Сапаевалар, 2005–2010 йилларда эса доцент Ҳ.Т. Ҳасанов мудирлик қилишган.

Ўтган давр ичида кафедра «Виночилик технологияси», «Пиво ва алкогольсиз ичимликлар технологияси», мутахассислиги бўйича муҳандис технологлар тайёрлаган. Бу мутахассисларни тайёрлашда кафедранинг фахрий ўқитувчиларидан: доц. А.В.Шахсуварян, доц. Т.М.Фомичёва, доц. М.Е.Лекарева, доц. М. Ж.Жамолов, доц. Е.А.Ежова, доц. И.Т.Арсланбекова, катта ўқитувчи Ҳ.Ф.Умархонова, А.Д.Сафонова ва З.Е. Мезиналарнинг хиссалари катта.

«Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси» йўналиши бўйича ҳар йили 25–30 та бакалавр, «Вино ва спирт ишлаб чиқариш технологияси» ва «Солод, пиво ва алкогольсиз ичимликлар технологияси» мутахассисликлари бўйича 10–12 та магистрлар тайёрланмоқда. Ўқув жараёнини ўтказиш учун кафедра биокимё, микробиология техно-кимёвий назорат лабораторияларига эга.

Ҳозирги кунда бу йўналишда профессор С.Х.Абдуразақова, доцентлар Ҳ.Т.Ҳасанов, У.К.Абдуллаев, Б.А.Абдуллаева, М.Р.Зокирова, катта ўқитувчилар Н.А.Акбарова, А.Х.Бобоев, ассистент М.Арипова ва ўқув устаси М. Расулова ишлашмоқда.

Кафедрада 2011–2014 йилларда коллежлар ва олий таълим талабалари учун 20 га яқин дарсликлар тайёрланди. Кафедранинг ўзида ўқитиладиган 80 дан ортиқ фанлар бўйича умумий сони 1500 дан ортадиган ўқув-услугий қўлланма ва кўрсатмалар тайёрланди ва кутубхонага тушириб берилди.

Кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига таянган ҳолда бугунги кунда бир қатор устувор илмий изланишлар белгиланган бўлиб, олиб борилаётган ишларда ўз аксини топмоқда. Бу йўналишлар:

– пахта мойини комплекс қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш йўналишида «Енгил рафинацияланадиган пахта мойи ва кам госсиполли шрот олиш технологияси»ни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлари;

– ёғли хомашё шроти ва қолдиқларидан соғин сут ўрнини босувчи биомаҳсулот олиш технологияси;

– юкори оксилли пахта уни ва сифати яхшиланган шелуха олиш технологиясини санотга жорий этиш;

– ноанъанавий мойли хомашёларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш устидаги тадқиқотлар;

– ностандарт ўсимлик мойларидан биоёқилғи олиш технологияси устидаги тадқиқотлар;

– ўсимлик хомашёсидан пептидли антиоксидантлар олиш технологияси;

– балиқчилик учун экологик тоза биотехнология асосида мувофиқлаштирилган озуқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

– мева ва сабзаёт шарбатларини тўғри сиқиш ва улардан концентратлар ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиясини татбиқ этиш;

– биокаталитик асосда купажланган шампан ва хўраки шароб маҳсулотларини ишлаб чиқариш;



- топинамбур хомашёсини қайта ишлаб концентрат ва кукунсимон маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш;
- маҳаллий хомашёлар асосида атир совун ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш;
- техник мақсадлардаги ўсимлик мойларини рафинациялаш технологиясини такомиллаштириш каби илмий-тадқиқотларда ўз аксини топмоқда.

Озиқ-овқат саноати бўйича битирган мутахассис технологларимиз орасида анъанага кирган яхши бир одат-удумни эслатиб ўтишни истардик. У ҳам бўлса, соҳа талабалари ўқиш даврида пухта, мустаҳкам билим олиш билан бир қаторда маънавий-ахлоқий таълим соҳасида ҳам халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, удумлари, дўстларнинг бир-бирига бўлган чуқур меҳр-оқибатларига содиқ тарбия олишларидир. Мазкур одат турли вилоятлардан ўқишга келган ёшларнинг бир неча йиллар давомида ёнма-ён ўтириб билим олишлари, қийин пайтларда бир-бирига елкадош бўлишлари, айниқса ётоқхонадаги қайноқ ҳаёт уларни жипслаштириши келажакка умидли замин яратиши бўлса, не ажаб! Ўқиш битгунча талабалар бир-бирларининг уй-жойларида бўлишар, оилавий шароити, ота-оналари, ака-укалари, ҳатто қариндош уруғларини ҳам таниб олишларини биламиз. Улар қатта ҳаёт йўлига қадам қўяр экан, бир-бирининг манзилгоҳи, иш жойи, телефонини чўнтақларига солиб оладилар. Вақт ўтиб уларда бир-бирларини кўриш, суҳбатлашиш, ютуқлари билан танишиш орзуси пайдо бўлади. Ана шундай пайтларда собиқ фаол талабалар «ишга тушадилар», маълум анъанани давом эттирадилар. Йиллик, уч йиллик ёки беш йилликда бир учрашиш режасини (кимёгар технологларда 5 йиллик вақт қабул қилинган) тузиб оладилар. Учрашувлар асосан Тошкент, Самарқанд ёки бошқа шаҳарларнинг сўлим оромгоҳларида ўтказилади. Бундай тадбирлар устозлар, гуруҳ мураббийлари ва яқинларисиз ўтмайди. Бундай учрашувларнинг кўпчилигига гувоҳ бўлганимни эслатиб ўтиш жоиздир. 1999 йилнинг кузида 1979 йили институтни тамомлаб чиққан талабаларимиз мен билан бирга устозлардан «Ёғлар технологияси» кафедраси мудирини проф. А.А.Абдурахимов билан бирга «Виночилик технологияси, пиво ва алкогольсиз ичимликлар технологияси» кафедраси мудирини бўлиб ишлаган проф. С.Х.Абдуразақовани таклиф этган эдилар. Шу куни М.В.Ломоносов номли нозик кимё-технологияси Академияси ректори, техника фанлари доктори, проф. В.С.Тимофеевни уйига кузатишимиз керак эди. Собиқ талабаларимиз Шаҳзода, Каримбек, Алимжон, Зулфия, Азимжон ва бошқалар «Биз билан ярим соат ўтиришиб, суҳбатлашиб кетмасанглар, қўйиб юбормаймиз» деб қаттиқ туриб олишса бўладими! Шунда хурматли меҳмонимиз билан дилдан суҳбатлашдик. Собиқ талабаларимизнинг самийийлиги, бир-бирига бўлган чуқур иззат-ҳурмати, устозларни эъзозлаши, меҳмонимиз Владимир Савельевичга кўрсатган тақаллуфи ва одатга кирган соғинч учрашувлари дўстимиз хотирасида чуқур из қолдирганини сезганман. Ана шу талабаларимиз мени, Собира Хўжаевна, Абдурахмон Абдурахимович, Ҳабибулла Насруллаев ва бошқа устозларни яна 16 йилдан кейин ўзларининг навбатдаги йиғилишларига таклиф этганларидан мамнунлигимизни эсга олиб ўтаман.

Машҳур силикатчи технологларимиздан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, Ўзбекистон ФА Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудирини марҳум Н.А.Сирождидинов билан техника фанлари номзоди, анча йиллар Тошкент вилояти экология хизмати идораси бошлиғи бўлиб ишлаган Турғун Эргашевлар гуруҳи талабалари йиғилишлари, «Ўзбекистонмевасабзавот» раҳбарларидан бири Аброр Қосимхўжаев гуруҳи, Республика қурилиш вазирлигида ишлаган Тўлқин Баҳромов билан Муҳитдин Бобохонов, туркменистонлик силикатчи Қурбан Саҳатов гуруҳи ва бошқа



кўпгина гуруҳ талабалари кўп йиллар давомида ана шундай дўстона учрашувларда иштирок этиб, собиқ талабаларимиз қувончли кунларини баҳам кўрганмиз. Ҳозирги талабаларимиз ҳам кимёгар ва озиқ-овқатчи технологларимиз анъанасини давом эттириб юришларига ишончимиз комил, албатта.

6.2. «Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари-механика асослари» кафедраси



Кафедра мудири
Т.Т. Сапаров.

Институтда «Озиқ-овқат технологияси» факультети таркибида «Кимё технологиясининг механика асослари» кафедраси тузилди. Кафедра мудири лавозимига 1982 йили Тошкент Политехника институти таркибида «Амалий механика» кафедрасини ташкил этишда амалий фаолият кўрсатиб, унга асос солган т.ф.д., проф. Б.А.Шипилевский тайинланди.

Бунда кафедра зиммасига кимё ва озиқ-овқат технологияси йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси», «Назарий механика», «Амалий механика» фанларини ўқитиш ҳамда соҳага мос янги адабиётларни яратиш, кимё, озиқ-овқат технологияси машина ва механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш вазифалари юклатилди.

Ўқув фанлари ва машғулотларнинг ўқув соатлари ҳажмини эътиборга олган ҳолда, Тошкент Политехника институтининг «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси», «Назарий механика» ва «Амалий механика» кафедраларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар тақлиф этилдилар. «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси» кафедрасидан катта ўқитувчилар М.Т.Нуруллаева, Г.Я.Содиқова, З.Т.Абдалиева, Р.Аҳмеджанова, Е.А.Писманник, Н.М.Шевердина, «Назарий механика» кафедрасидан т.ф.н., доц. Б.А.Мусабоев, «Амалий механика» кафедрасидан т.ф.н., доц. А.Гриценко, т.ф.н., доц. Н.З.Султонов, т.ф.н., доц. В.В.Трофимов, т.ф.н., доц. А.С.Варнавский, т.ф.н., доц. О.А.Эргашев, т.ф.н., доц. Э.И.Туропов, катта ўқитувчи С.И.Ниғматуллаев, асс. Ғ.З.Шаманов, муҳандислар Р.Абидов, Р.Йўлдошева шулар жумласидандир.

Кафедрага 1992 йилда доц. А.Т.Туропов, 1993–2001 йиллари доц. Э.Н.Туропов раҳбарлик қилишди. Кафедра таркибига 1993 йилдан ассистент лавозимига Н.Р. Баракаев, 1996 йилдан доцент лавозимида т.ф.н., доц. Т. Жалолов ва Б.Ф. Раҳматовлар қабул қилинди. Олий таълим тизимидаги ислохотларни эътиборга олиб, ўқув машғулотлари ҳажмини қайта кўриб чиқиш ва уни замон талабларига мослаштириш мақсадида, «Назарий механика» ва «Амалий механика» фанлари бирлаштирилди. Ягона фан сифатида «Амалий механика» фанидан ўқув машғулотлари олиб бориш тизими барпо этилди. Кафедра 2001 йилдан «Механика асослари ва муҳандислик графикаси» номи билан ўз фаолиятини давом эттира бошлади.

2002–2003 йилларда кафедрага т.ф.н., проф. С.З. Фуломитдинов раҳбарлик қилди. 2003 йил 19 декабрдан т.ф.н., доц. О.А. Эргашев, 2008 йил сентябридан доц. Н.Р.Баракаев раҳбарлик қилди. Кафедра жамоасининг саъй-ҳаракати билан шу ўқув йилида жамоа тар-



киби бир неча ёш иқтидорли ўқитувчилар ҳамда ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги «Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти»нинг етакчи илмий ходимлари – т.ф.д., проф. А.А.Ризаев ва т.ф.д., проф. Ғ.А.Баҳодировлар билан тўлдирилди. 2012 йил феврал ойида кафедра ассистенти А.Мамахонов номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда кафедрада доц. Б.А.Мусабоев, А.Мўйдинов, М.Х.Қўрганбеков, катта ўқитувчи Ғ.З.Шаманов, катта ўқитувчи Э.Ш.Иноғомов, катта ўқитувчи А.Н.Шернаев, катта ўқитувчи Ш.В.Мўминов, катта ўқитувчи А.В.Лямин, катта ўқитувчи Р.Рустамбекова ва ассистентлар А.А.Мамаханов, Ф.Х.Ибрагимов, М.И.Носиров, Д.М.Бердиев, А.Н.Бердиев, Э.Х.Неъматов, А.М.Эркаев, М.Каримовлар фаолият кўрсатмоқдалар.

2011–2012 ўқув йилидан бошлаб, кафедра «Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари – механика асослари» номи билан юритила бошлади. 2012–2013 ўқув йилининг 1 декабридан 2014 йилнинг 15 январигача катта ўқитувчи А.Н. Шернаев, 2014 йил 15 январдан бошлаб эса кафедрага техника фанлари номзоди Т.Т.Сафаров мудир этиб тайинланди.

2011–2012 ўқув йилидан бошлаб қабул қилинишига йўл қўйилган Озиқ-овқат соҳалари учун 5320300 – Технологик машина ва жиҳозлар (озиқ-овқат саноати) бакалавриат таълим йўналишида ҳозирги кунда 100 га яқин талабалар таҳсил олмоқдалар. 2014–2015 ўқув йилида ушбу йўналишнинг битирувчи талабалари бакалавр дипломини олишди.

Илмий йўналишлар кафедрада техника фанлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилаёпти. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида бир қатор техник ечимлар олиниб, Ўзбекистон Республикаси патентлари билан асосланмоқда. Кафедра таркибидаги бир қатор иқтидорли, ёш ўқитувчилар машинасозликнинг муҳим тармоқларидаги долзарб муаммолар устида илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Кафедрада қуйидаги йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

- Озиқ-овқат саноати машиналари ва жиҳозлари;
- Кимёвий технология саноати машина ва жиҳозлари;
- Композицион материаллар кимёси ва технологияси;
- Механизмлар ва машиналар назарияси;
- Қайта тикланадиган энергия манбалари ва улар асосидаги қурилмалар.

Озиқ-овқат саноати машиналари ва жиҳозлари йўналиши бўйича:

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, озиқ-овқат маҳсулотлари ичида асосий ўринни эгаллайдиган нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ қондириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Юқорида келтирилган муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида, доц.Н.Р.Баракаев раҳбарлигида кафедра аъзолари томонидан бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу илмий тадқиқот ишлари маҳаллий бугдой донларини бошқа аралашмалардан тўла тозалаш ҳамда фракцияларга ажратиш масалаларини илмий асослаш, янги технологик машина конструкцияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни кўзда тутди.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган ун ва ун маҳсулотларида жузъий камчиликлар борлиги сезилиб қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири – етиштирилаётган ғалла нави ва турига боғлиқ бўлса, иккинчидан унинг физик, механик ва кимёвий хоссаларига ҳамда унбоплик, технологик хусусиятларига ва бошқа аралашмалардан тўлиқ тозаланиши, тегирмоннинг технологик оптимал иш тартибининг танланишига боғлиқдир.

Маҳаллий бугдой донларини енгил ва оғир органик, минерал аралашмалардан тўлиқ тозалаш ҳамда геометрик ўлчамига, яъни физик-механик хусусиятларига кўра фракция-



ларга ажратиш жараёни ханузгача ўз ечимини топмаган. Бу борада олиб борилаётган ишлар учун тавсия этилаётган патентлаштирилган, комбинацияланган донни тозалаш ва саралаш механизмнинг ишга лаёқатлилиқ принципларини таҳлил этиш, технологик оптимал иш тартибини ишлаб чиқаришга тавсия этиш, сифатли ун ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан биридир.

Мана шу жараёнларда математик модел яратиш, маҳаллий буғдой донларини, майдаланиши учун сарфланадиган куч микдорини аниқлаш ҳамда вальцовоё дастгоҳларнинг технологик оптимал иш режимини буғдой навига кўра фракцияларга ажратилган донга асосан танлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш, корхоналарнинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига, энергия сарфининг камайишига ва иқтисодий самарадорлигининг ошишига асос бўлади.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш. Кафедра ташкил этилганидан буён, кафедра ўқитувчилари томонидан институтнинг иқтидорли талабалари билан ишлаб келинмоқда. Физика, кимё ва математика фанларини чуқур ўзлаштирган, техник ва технологик машиналарга қизиқувчи ёшларни танлаб олиш ва уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, соҳага тегишли фаннинг энг сўнгги эришган ютуқлари билан таништириш кафедра ўқитувчиларининг кундалиқ фаолиятларидан бирига айланиб қолган. Кафедранинг икки нафар ўқитувчиси мураббийлик вазифаларини аъло даражада бажариб келмоқда. Чизма геометрия ва муҳандислик компьютер графикаси, назарий механика ва амалий механика фанлари бўйича ўтказиладиган республика миқёсидаги олимпиадаларда талабаларимиз фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Кафедранинг услубий ишлари. Кафедранинг узоқ йиллик фаолияти даврида профессор-ўқитувчилар «Чизма геометрия ва муҳандислик компьютер графикаси», «Назарий механика», «Амалий механика», «Конструкция материаллар технологияси», «Материалшунослик» фанларидан кимё, озиқ-овқат, ҳамда «Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси» бакалавр йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга билим бериб келмоқдалар.

Шу кунга қадар кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 60 тадан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар, 12 та ўқув қўлланма, 3 та дарслик, 5 та фандан маъруза матни тайёрланиб, нашр этилди. 3 та лаборатория ишини бажариш учун виртуал стенд яратилиб, улар ўқув жараёнида кенг қўлланилмоқда. Профессор-ўқитувчилар томонидан асос солинган илмий, ўқув-услубий мажмуалар, талабаларда ўзлари танлаган соҳалари бўйича технологик жараёнларда қўлланиладиган машина ва ускуналарнинг технологик схемаларини ўқишни, уларнинг ишончли ишлашини таъминлаш, назорат қилиш, лойиҳалаш ва конструкторлик кўникмаларини шакллантиради, соҳа машина ва жиҳозларининг янги линияларини лойиҳалаш ҳамда стандарт ва ностандарт ускуна жиҳозларини ташкил этувчи деталларни мустаҳкамликка, чидамлилиқка, устуворлиқка ҳисоблаш, деталлар учун материал танлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган илмий, илмий-услубий мажмуаларни ўзлаштирган талабалар қуйидаги билим ва малакавий даражага эга бўлади:

– машина ва механизм деталларининг чизмаларини компьютерда чизиш ва уни ўқиш ҳамда фазода, текисликда проекциялаш усулларини ўрганади;

– ўлчаш асбоблари ва улар билан деталларини ўлчаш, ўлчам қўйиш ва конструктор ҳужжатларнинг ягона тизими асосида, чизмаларнинг асосий ёзувини ва спецификациясини тўлдиришни ўрганади;

– амалий техник масалаларни ечишда механика қонунларини татбиқ эта олади;



- конструкцион материалларнинг механик хоссаларини тажриба йўли билан аниқлаб, машина деталлари учун материал танлай олади;
- машина ва механизмларнинг конструкцион элементларини моделлаштириш ва уларда ҳосил бўладиган зўриқиш, деформацияларни ҳисоблаб, шу конструкция элементини мустаҳкамлигини ва биқирлигини таъминлаш услубларини ўрганади;
- машинасозликда ишлатиладиган механизмларнинг тузилмасини таҳлил этиш ва уларнинг кинематик кўрсаткичларини ҳисоблаш принципларини билади;
- машина деталларини керакли ўлчамда таёрлаш, уларни ўзаро алмаштириш ва машинасозликда стандартлаш асосларини ўрганади;
- технологик машина ва ускуналар учун умумий бўлган детал ва узелларни ҳамда бирикмаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш асосларини билади;
- соҳа технологик машина ва ускуналарини ҳаракатга келтирувчи механик узатмаларни танлаш, уларни таҳлил этиш, ҳисоблаш ва лойиҳалашни ўрганади;
- машина ва механизмларни малакали эксплуатация қилиш, таъмирлаш, ҳамда иш самарадорлигини ошириш мақсадида реконструкция қилиш принципларини ўзлаштиради.

Кафедранинг ташқи илмий ва амалий алоқалари. Кафедрамиз профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқотчи ходимлари республикамизда саноатни ривожлантиришда халқ хўжалиги учун долзарб бўлган муаммолар устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Илмий тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг М.Т.Ўрозбоев номли «Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги» институти, М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, «Фан ва тараққиёт» ДУК, Тошкент тўқимачилик енгил-саноат институти, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети олимлари билан ҳамкорликда бажарилмоқда.

6.3. «Биотехнология» кафедраси

«Биотехнология» кафедраси «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» факультети таркибида 2004 йилдан бакалавриатура таълим йўналиши бўйича мутахассислик кафедраси сифатида фаолият бошлаган бўлса, 2008 йилда магистратура мутахассислиги очилди. Ҳозирда кафедрада 5320500 – Биотехнология (озиқ-овқат, озуқа, кимё ва қишлоқ хўжалиги) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А320501 – Биотехнология (озиқ-овқат, озуқа, кимёвий маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги учун биопрепаратлар ишлаб чиқариш) магистратура мутахассислиги бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.



Кафедра мудири
Н.А. Хўжамшукуров.

Кафедра иқтисодиётнинг турли соҳалари учун малакали биотехнолог мутахассислар тайёрлаб беришда республикамиздаги таянч мутахассисликлардан бири ҳисобланади. Шу боисдан институт 2008 йилдан бошлаб 5320500 – Биотехнология (тармоқлар бўйича) бакалавриатура таълим йўналиши ҳамда 5А320501 – Биотехнология (маҳсулот турлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.



Биотехнология кафедраси профессор-ўқитувчилари.

Кафедрада кимё, биокимё, генетика, молекуляр биология, биотехнология, озиқ-овқат технологияси бўйича салоҳиятли профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Кафедрага 2004–2012 йиллар мобайнида к.ф.д., проф. С.М.Тошмухамедов раҳбарлик қилган. 2013 йилда кафедра қошида «Саноат биотехнологияси» илмий лабораторияси ташкил этилди. Кафедрага ва илмий лабораторияга б.ф.н., доцент Н.А.Хўжамшукуров 2013 йилдан 2015 йил кузигача раҳбарлик қилди.

Кафедранинг ўқув-услубий ишлари. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ҳозиргача 5 та дарслик, 8 та ўқув қўлланма, 25 номдаги кирилл ва лотин графикаси асосидаги ўқув-услубий қўлланмалар, 50 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилган. 12 та фандан ўқув-услубий мажмуа яратилган. Кафедра йўналиши ва мутахассислиги бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида 2000 дан ортиқ электрон ўқув адабиётлари банки шакллантирилган бўлиб, талабаларнинг барча фанлар юзасидан тўлақонли билим олишларига имконият яратилган.

Кафедра тасарруфида ўқитиладиган фанлар Бакалавриатура бўйича:

- Биотехнология асослари ва микробиология.
- Биотехнология асослари.
- Биокимё.
- Молекуляр биология.
- Саноат микробиологияси.
- Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари биотехнологияси.



Доц. Т.О. Қаршиев дарс машғулотларида.

- Ферментлар муҳандислиги;
- Биотехнологик жараён жиҳозлари.

Магистратура бўйича

- Микробиотехнология;
- Экологик биотехнология;
- Биоспецификлик асослари;
- Ген ва ҳужайра муҳандислиги;
- Биореактор ва ашпаратлар;
- Муқобил энергия манбалари;

Илмий тадқиқот ишлари. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналишлари бўйича давлат гранти ҳамда хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кафедранинг илмий йўналишлари. Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш биотехнологияси:

Фармацевтик ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш биотехнологияси.

Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган биопрепаратлар ишлаб чиқариш биотехнологияси.

Экологик ва муқобил энергия манбалари биотехнологияси каби илмий йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



Кейинги 10 йил ичида 10 дан ортиқ фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва экологияси оид қатор илмий-тадқиқот ва хўжалик шартномалари бажарилди. Буларни бажаришда доц. Н.А.Хўжамшукуров, проф. М.С.Ташмухамедов, проф. С.М.Туробжонов, И.В.Бобоев ва бошқалар фаол бўлишди. ТЕМПУС-ТАСИС дастури асосида «Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича магистрлар тайёрлаш дастурини яратиш» мавзусидаги халқаро лойиха катта қизиқиш туғдирди.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш. Кафедрада илмий тадқиқот ишларига 1-босқичдан оқ талабаларни жалб этиш мақсадида «Саноат биотехнологияси» илмий-ижодий тўғараги ташкиллаштирилган бўлиб, ушбу тўғаракка аъзо бўлган талабалардан 2007-2014 йилларда 4 нафари Беруний номидаги давлат стипендиясига, 1 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлган бўлса, 6 нафар талаба турли хил хорижий танловлар ғолиби бўлиб, ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасаларида тахсил олиб қайтишган. 43 нафар талаба республика миқёсидаги турли хил танловлар ғолиби сифатида эътироф этилган.

Кафедрада ўқишни иш билан қўшиб олиб борган ёшларни эслатиб ўтамиз. Буларнинг бири Ш.Ш.Азимовдир. У Ўзбекистон шароитида микросувўтлари асосида озуқа қўшимчалари олиш технологиясини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Илмий тадқиқот ишларида эришган ютуқлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлди (2013 й.). Бир неча бор Республика ва халқаро миқёсдаги танловлар ғолиби. Республика ва халқаро миқёсдаги 16 та мақола муаллифи.

Юнусова Нилуфар Рустамжановна – Ўзбекистон шароитида микросувўтлари асосида қишлоқ хўжалиги экинлари учун биопрепаратлар тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Илмий тадқиқот ишларида эришган ютуқлари учун Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган (2013й.). Бир неча бор республика миқёсидаги танловлар ғолиби. Республика миқёсида 12 та мақола чоп этилган.

Эрназарова Самида Шамсиддиновна – «*Bacillus thuringiensis*» энтомопатоген бактерияси асосида экологик тоза биопрепарат ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш» мавзусида илмий-тадқиқот ишини олиб борди. Илмий тадқиқот ишларида эришган ютуқлари учун Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган (2010й.). Бир неча бор республика миқёсидаги танловлар ғолиби. Республика миқёсида 8 та мақоласи чоп этилган.

Расулов Фаррух Бахтиёрвич – «Энтомопатоген биопрепаратларнинг баъзи бир хавфсизлик жиҳатларини тадқиқ этиш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Илмий тадқиқот ишларида эришган ютуқлари учун Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган (2010й.). Бир неча бор республика миқёсдаги танловлар ғолиби. Республика миқёсида 8 та мақоласи нашр этилган. Ёшларнинг илмий ишларига Н.А.Хўжамшукуров раҳбарлик қилган.

Кафедранинг ташқи илмий ва амалий алоқалари. Кафедра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, акад. О.Содиқов номидаги «Биоорганик кимё» институти;

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, «Ўсимлик моддалари кимёси» институти;

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, Микробиология институти;

ЎЗР ФА, ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Пахта саноати» АЖ қошидаги «Геномика ва биоинформатика маркази»;



Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институти;
 «Мукобил ёкилги ва энергия турлари корхоналари» Ассоциацияси;
 Гринвич Университети, Англия;
 Ван-Холл-Лоренстейн университети (Голландия);
 Алмаати технологик университети (Қозогистон);
 Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети (Россия);
 Познан университети (Польша);
 Сантяго де Компостелла Университети (Испания);
 Кимёвий-технология ва металлургия институти (Болгария) билан илмий алоқалар
 боғлаган.

6.4. «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси

1991 йил институт таркибида «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедраси ташкил этилиб, унга техника фанлари доктори, проф. Асқар Артиқович Артиқов мудирлик қилди. 1996 йилда кафедра «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедрасига қўшилиб, «Информатика ва автоматлаштириш» кафедраси ташкил қилинди. Кафедрага 1998 йилдан 2004 йилгача техника фанлари номзоди, доц. И.И. Юнусов, 2004 йилдан 2006 йилгача техника фанлари доктори, проф. П.Р. Исмагуллаев, 2005 йилдан проф. А.А.Артиқов, 2010 йилдан 2014 йилгача техника фанлари номзоди Б.Т.Ҳамидов раҳбарлик қилди. 2014 йилнинг декабр ойидан бошлаб техника фанлари номзоди Ж.Ҳ.Ҳасанов раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирда кафедрада 2 нафар фан доктори-профессорлар, 12 нафар фан номзоди-доцентлар, 2 нафар катта ўқитувчи ва 10 нафар ассистент фаолият кўрсатиб келмоқда. Кафедрада 2004 йилдан бошлаб 5521800 –



Кафедра мудир
 Ж.Ҳ. Ҳасанов

«Автоматлаштириш ва бошқарув» йўналиши бўйича бакалавр ва 5A521802 мутахассислиги бўйича магистр тайёрлаш ҳамда 2011 йилдан 5311000 – «Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш» ҳамда 5A311001 – «Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Ўқитилаётган фанларнинг услубий таъминланиши бўйича узлуксиз иш олиб бориб, кафедра йўналиши ва мутахассислиги бўйича барча фанлардан маъруза матнлари, лаборатория ва амалий ишларини бажариш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар тайёрланиб келмоқда. Бакалавр ва магистр тайёрлашда шаклан ва мазмунан янги лаборатория ишларини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, МАТЛАБ, МАТСАД, МВТУ, ТРАСЭ, МОДЕ дастурлари асосида янги лаборатория ишлари ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига татбиқ қилинмоқда. Кафедранинг илмий-тадқиқот ишлари «Технологик жараёнларни математик моделлаштириш, оптималлаштириш ва автоматлаштириш» мавзулари бўйича олиб борилмоқда. Илмий-тадқиқот ишларининг кўп қисми озик-овқат технологик жараёнларини жадаллаштиришга бағишланган. Булар жумласига «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш ва уларнинг куқунларини олиш», «Пахта ёғини дезодарация қилиш технологиясини яратиш», «Пахта ёғини физик рафинация қилиш усуллари яратиш», «Қаттик ғоваксимон моддалардан



эритувчиларни хайдаш», «Иссиклик ва модда алмашиниш жараёнлари ва қурилмаларини оптимал ташкил қилиш» ва «Туннелли печларни моделлаштириш ва оптималлаштириш» мавзулари бўйича олиб борилган ишлар киради. Юқоридаги йўналишлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида янги технологик жараёнлар синтез қилинмоқда ва юқори унумдорли қурилмалар яратилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида кафедрада техника фанлари доктори, профессор А.А. Артиқов маслаҳатида 6 нафар фан доктори ва раҳбарлигида 30 нафардан ортиқ фан номзодлари тайёрланди, шунингдек, 8 та монография чоп этилди, ўнлаб ихтиролар яратилди ва 500 дан ортиқ мақола чоп этилди. Кафедра мунтазам равишда республикамизнинг таълим тизими ҳамда ишлаб чиқаришига юқори малакали мутахассис олимлар етказиб бермоқда. Кафедра Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Математика ва ахборот технологиялари институти билан биргаликда, шартнома асосида ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Барча республика техника олий ўқув юртлари билан ўқув услубий алоқалар мавжуд. Айниқса, Бухоро муҳандис-техника институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти (Ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида) ва Андижон машинасозлик институтларига илмий ва ўқув-услубий ишлар бўйича маслаҳатлар бериб келмоқда. Бундан ташқари, чет эл Олий ўқув юртлари: Вена университети, Мюнхен техника университети, Санкт-Петербург совуқлик ва озиқ-овқат технологияси академияси, Москва озиқ-овқат технологияси университети, Киев озиқ-овқат ишлаб-чиқариш университети ва Ўш технология университети билан ҳам илмий ва ўқув-услубий алоқалар мавжуд.

«158918-ТЕМПУС-1-2009-1-АТ-ТЕМПУС-ЖПСР САНДИ» ЛОЙИҲАСИ Европа иттифоқидаги ва Ўрта Осиёдаги ҳамкорлар: 1. Вена университети (Австрия). 2. Вена технология университети (Австрия). 3. Буюк Британия Очиқ университети (Буюк Британия). 4. Дармштадт техника университети (Германия). 5. Мюнхен техника университети (Германия). 6. Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон). 7. Тошкент Кимё технология институти (Ўзбекистон). 8. Ургенч давлат университети (Ўзбекистон). 9. Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон). 10. Қозок-турк халқаро университети (Қозоғистон). Лойиҳа мақсади: Масофавий таълимни ташкил этиш учун Е-Леарнинг платформасини яратиш ва татбиқ этиш. Лойиҳани бажариш учун қуйида номлари келтирилган профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар жалб этилган: проф. С.М. Туробжонов – институт ректори; доц. Д.Т.Қорабаев – институт проректори; доц. Б.Т. Ҳамидов – «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси мудири; проф. А.А. Артиқов – «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси профессори; доц. И.И. Юнусов – «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси доценти, Б.А.Қосимов – «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси ўқитувчиси; Ф.О. Қосимов «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси; А.Т. Норқобилов – «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси. Шунингдек, лойиҳани бажариш учун магистратура ва бакалавриатура босқичида таълим олаётган талабалар ҳам жалб қилинади.

Номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоялари.

Кафедрада 2009 йилдан 2011 йилга қадар 6 нафар номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган (Ж.Х.Ҳасанов, О.А., Маматкулов З.Д., Рейназарова, А.М.Ҳамдамов, Д.К.Додаева, У.Саидмурадов).

Иқтидорли талабалар билан фаолият олиб бориш.

Кафедрада «Алгоритм» ва «Автоматчи» деб номланган гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, бу гуруҳда асосан 2–4 курс талабалари ҳамда 1–2 курс магистрантлари билан тегишли мав-



зуларда илмий раҳбарлар бошчилигида илмий тадқиқотлар ва лаборатория машғулоти олиб борилади. Талабалар илмий-техникавий анжуманларда бажарган тадқиқотлари билан иштирок этишлари ва бу тадқиқот натижалари конференция тўпламида чоп этилиши мумкин.

Кафедрада ўқитиладиган фанлар: Бакалавриатура:

1. Ихтисосликка кириш.
2. Информатика ва информацион технологиялар.
3. Технологик жараёнларни моделлаштириш асослари.
4. Технологик жараёнларни автоматлаштириш.
5. Автоматлаштирилган бошқариш назарияси.
6. Автоматлаштириш элементлари ва микропроцессорли қурилмалар.
7. Технологик ўлчов асбоблари ва усуллари.
8. Бошқариш тизимларини оптималлаштириш ва идентификациялаш.
9. Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш.
10. Технологик жараёнларни бошқариш тизимларида интеллектуал тизим асослари.
11. Автоматлашган тизимларни лойиҳалаш асослари.
12. Автоматлашган тизимлар диагностикаси ва ишончлилиги.

Магистратура:

1. Ахборот технологиялари.
2. Кимёвий ишлаб чиқариш технологияларини тадқиқ қилишда компьютер усуллари.
3. Автоматлашган тизимларни компьютерда шакллантириш асослари.
4. Табиий муҳит, моддалар, материаллар ва буюмлар назорати усуллари ва қурилмалари.
5. Технологик жараёнларни бошқариш тизимлари.
6. Оптимал тизимарни синтез қилиш.
7. Автоматлашган бошқариш тизимларини лойиҳалаш.
8. Интеллектуал тизим асослари.
9. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш.

Кафедранинг илмий-амалий алоқалари.

Кафедра ЎзФА «Математика ва информацион технологиялар» институти, «Химваюматика» ОАЖ, «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ, «Самарқандкимё» ОАЖ, «Максам-Чирчик» ОАЖ, «Кўнғирот сода заводи» УК ва «Шўртан газ-кимё мажмуаси» каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Шунингдек, кафедра Россия Кимё-технология институти, Вена Технология институти, Мюнхен Техника университети, Буюк Британия очик университети каби университетлар билан ҳам илмий-амалий алоқалар йўлга қўйилган.

6.5. «Озиқ-овқат хавфсизлиги» кафедраси

ТКТИ очилиши арафасида Бишкек Политехника институтининг «Консервалаш технологияси» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган 50 га яқин ўзбекистонлик талабалари ўз юртига қайтарилди. Институт қошида «Консервалаш технологияси» мутахассислиги бўйича ўқитиш «Вино технологияси» кафедраси таркибида 1994 йилга қадар давом этди ҳамда 100 дан ортиқ мутахассис тайёрлаб чиқарди. 1994 йилда техника фанлари доктори



Кафедра муdiri
А.Ж. Чориев

М.М. Вакил шу йўналишга раҳбар қилиб тайинланди. Шундан сўнг кафедра мустақил фаолият кўрсата бошлади.

«Гўшт ва сут маҳсулотлари технологияси» кафедраси эса 1991 йил 24 августдан бошлаб мустақил кафедра сифатида фаолият юрита бошлади. 1991 йил декабрь ойида кафедра муdiri лавозимига доцент Ў.Р. Қўчқоров тайинланди.

1999 йилнинг сентябрь ойида «Гўшт ва сут маҳсулотлари технологияси» кафедраси «Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедраси билан бирлашди ва «Гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси» кафедраси деб юритила бошланди. 2005 йилнинг сентябрь ойидан кафедранинг номи «Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» деб аталди ва т.ф.д. Қ.О. Додаев унинг муdiri этиб тайинланди.

2011 йилнинг сентябрь ойида «Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедраси базасида «Озиқ-овқат хавфсизлиги» кафедраси ташкил этилди. 2014 йилнинг сентябридан т.ф.н., доц. А.Ж. Чориев «Озиқ-овқат хавфсизлиги» кафедраси муdiri этиб тайинланди.

Кафедрада юкори малакали профессор-ўқитувчилар т.ф.д., проф. М.А. Рахимжанов, т.ф.д., проф. Қ.О.Додаев, т.ф.н. Ҳ.Б. Иноятова, к.ф.н. С.Қ.Атхамова, б.ф.н. С.М. Куриязова, и.ф.н. У.Б. Ахроров, катта ўқитувчилар Т.А. Исмоилов, ассистентлардан М.Ў. Муҳиддинова, Ф.Ҳ. Эшматов, Ш.М. Маматов и С.Қ. Зокировлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

ЎзР ФА академиги, б.ф.д., проф. М.Э.Мавлоний, т.ф.н. А. Фатхуллаев ва к.ўқ. А.Ғ. Ибрагимовлар ўриндошлик вазифасида ишлайди.

Илмий йўналишлар

Илмий-тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишлари:

Кафедрада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари қатор муаммоларни ҳал қилишга бағишланган бўлиб, улар асосан, маҳаллий хомашё асосида янги маҳсулот, озиқ-овқат кўшимчалари ишлаб чиқиш, гўшт, сут консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Иқтисодиётнинг тегишли соҳаларига оид корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бажарилаётган хўжалик шартномаларининг натижалари:

2010–2012 ўқув йилларида кафедранинг катта ўқитувчиси А.Фатхуллаев томонидан ГЕОМАКС Ўзбекистон-Россия ҚҚда «Маҳаллий хомашёдан тайёрланган озуқавий кўшимчаларнинг эмульгирланган гўшт маҳсулотларида қўлланилишини тадқиқ этиш» мавзусидаги илмий-амалий иши бўйича ишлаб чиқариш корхонасида қўллаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, катта ўқитувчи А.Ғ.Ибрагимов, т.ф.н., катта ўқитувчи Ҳ.Б.Иноятова, асс. М.Ў.Муҳиддиновлар ҳамда 3–4 курс талабалари иштирокида МУЗИМПЕКС Ўзбекистон-Швейцария ҚҚ замонавий консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қатор амалий тадбирлар ўтказилди.

Кафедрада 2–4 курс талабалари ва 1–2 курс магистрантлари сафидан қатор иқтидорлилари кафедрада ташкил этилган «Шарбат» ва «Сертификат-сервис» тўғарақларида фаолият кўрсатади. Уларга илмий мавзулар берилган, илмий раҳбарлар тайинланган, кафедра лабораторияларида илмий ишларини олиб боришмоқда. Олиб борган илмий тадқиқот



ишлари натижалари илмий-техникавий анжуманлар мақолалари тўпламларида чоп этилган.

Кафедра қошида 2008 йилнинг 3 сентябридан бошлаб 05.18.07 – «Озиқ-овқат маҳсулотлари биотехнологияси» ихтисослиги бўйича аспирантура бўлими мавжуд бўлиб, унда ҳозир М.С.Зокирова, А.С.Усмонов, Ш.М.Маматов, Э.А.Худойбердиевлар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Кафедра аъзоларидан т.ф.д. К.О.Додаев, т.ф.д. М.А.Раҳимжонов, т.ф.н. А.Ж.Чориев, к.ф.н. С.К. Атҳамовалар аспирантлар ва илмий ходимларга раҳбарлик қилмоқдалар.

«Озиқ-овқат хавфсизлиги» кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан қуйидаги мавзуда илмий-тадқиқот иши олиб борилмоқда.

Қ.О. Додаев. «Сабзавот ва мева шарбат қуюқ компонентлари ишлаб чиқариш ва консервалаш технологияси, жараён ва аппаратлари».

М.А. Раҳимджонов. «Ўсимлик мойли хомашёдан пресслаш ва экстракцион усуллари билан ёғ олишнинг бир босқичли технологиясини ишлаб чиқиш».

А.Ж. Чориев. «Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини ИҚ-конвектив энергия узатиш усули ёрдамида қуритиш жараёнини математик моделлаштириш ва оптималлаштириш асосида жадаллаштириш».

У.Б. Аҳроров. «Бозор иқтисодиёти шароитида умумий овқатланишни ташкил этиш ва унинг технологиялари».

Т.А. Исмоилов. «Замонавий технология асосида маҳаллий хомашё – сутдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этиш ҳамда чет эл инвестицияси асосида ривожлантириш».

А.Г. Ибрагимов. «Болалар таомлари ишлаб чиқариш технологиясидаги муаммоларни ечиш».

7. А. Фатхуллаев. «Гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясида янги турдаги озиқ-овқат қўшимчаларини қўллашнинг самарадорлиги».

8. Ҳ.Б. Иноятова. «Пахта шротидан оксил-витаминга бой ем тайёрлаш».

9. С.Қ. Атҳамова. «Озиқ-овқат хомашёси – пектин ишлаб чиқариш технологияси жиҳатларини ўрганиш».

10. С.М.Куриязова. «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий стимуляторларнинг таъсирини ўрганиш».

Илмий тадқиқот натижалари «Эл Кол» Ўзбек-Турк ҚҚ, ГЕОМАКС Ўзбек-Россия ҚҚ, «MS Natural Products», «Green-World» Ўзбек-Корея-Америка ҚҚ ва бошқалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда.

Кафедра томонидан қуйидаги мавзуларда давлат гранти асосидаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади:

Т.ф.д., проф. М.А.Раҳимжанов: «Ўсимлик мойли хомашёдан пресслаш ва экстракцион усуллари билан ёғ олишнинг бир босқичли технологиясини ишлаб чиқиш».

Т.ф.д., проф. С.М.Туробжанов: «Гўшт саноатида қўлланадиган маҳаллий хомашёдан экологик тоза биологик фаол озучавий қўшимчаларни яратиш технологиясини ишлаб чиқиш».

Ўқув-услубий ишлар : Кафедра қошида қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрантлар ўқитилади.

Бакалавриатурада:

5321000 – Озиқ-овқат технологияси (консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт-сут маҳсулотлари, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича).




Магистратурада:

5A321001 – Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (озиқ-овқат ҳавфсизлиги; консерванланган озиқ-овқат, гўшт, сут ва балиқ маҳсулотлари; умумий овқатланишни ташкил этиш ва унинг технологияси бўйича).

Ҳозирги кунда барча мутахассислик фанларидан намунавий дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар яратилган. Сўнги йилларда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди. Булар сони 25 тадан ошган бўлиб, асосий муаллифлар сифатида Қ.О.Додаев, А.Ж.Чориев, Ў.Р.Қўчқоров, У.Б.Ахроров, М.М.Вакил, Т.А.Исмоиловларни кўрамыз.



Кафедранинг ташқи илмий ва амалий алоқалари





**VII
БОБ**



**МЕНЕЖМЕНТ
ВА КАСЪ ТАЪЛИМИ
ФАКУЛЬТЕТИ**



МЕНЕЖМЕНТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ФАКУЛЬТЕТИ



Факультет декани
проф. Ғ.Ҳ. Ҳамроқулов

«Менежмент ва саноат экологияси» факультети 2001 йилда ташкил этилди. Факультет таркибига «Озиқ-овқат саноати иқтисодиёти ва менежменти», «Саноат экологияси», «Чет тиллари», «Физика» ва «Математика» кафедралари киритилди. Проф. А.А. Артиқов факультет декани этиб тайинланди.

2001 йилда «Менежмент ва саноат экологияси» факультети таркибидаги «Саноат экологияси» кафедраси ўрнига «Информатика» кафедраси киритилди ва факультет «Менежмент ва ахборот технологияси» номини олди. Доц. Д.Т.Қорабоев факультет декани этиб тайинланди.

Республикамиз кимё, нефть ва газ, ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналари эҳтиёжларини юқори малакали менежерлар ва маркетинглар билан таъминлаш мақсадида, юқорида қайд этилган икки иқтисодий йўналишдаги кафедра негизида «Саноат менежменти» ва «Саноат маркетинги» кафедралари ташкил этилди. Факультет таркибига «Касб таълими» кафедраси қўшилиши муносабати билан у «Менежмент ва касб таълими» факультети деб номланди. Доц. Р.Р. Ҳусайнов факультет декани этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПК-325 сонли Қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этган ҳолда 2007–2008 ўқув йилида факультетда янги бакалаврият таълим йўналиши – 5524300 – «Маҳсулот сифати менежменти» таълим йўналиши цикл шаклида «Саноат иқтисодиёти ва



«Умумий ва ноорганик кимё» кафедраси қатна ўқитувчиси М.Э. Мавлонова 46–15 гуруҳ талабалари билан лаборатория дарсида.

менежменти» кафедраси таркибида ташкил этилди. Техника фанлари доктори, проф. А.М. Эминов факультет декани бўлиб ишлади.

«Маҳсулот сифати менежменти» таълим йўналиши бўйича барча ўқув-меъёрий хужжатларни шакллантириш, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш мақсадида, институт Илмий Кенгаши қарори ва ректорнинг 2009 йил 2 июлдаги 3/180-сонли буйруғи билан «Маҳсулот сифати менежменти» кафедраси ташкил қилинди ва кимё фанлари доктори, проф. Ғ.Ҳамроқулов мудир этиб тайинланди. Техника фанлари док-



тори, проф. А.С. Ибодуллаев факультет декани қилиб тайинланди.

2011 йилдан 2013 йилгача «М ва КТ» факультетини, техника фанлари номзоди доц. А.Қ. Абдурахмонов бошқарди.

2013 йилнинг 4 январидан бошлаб «Менежмент ва касб таълими» факультетида деканлик лавозимида кимё фанлари доктори, проф. Ғ.Ҳ. Ҳамроқулов фаолият юритиб келмоқда. Факультет декани муовини вазифасида асс. У.Р. Кодиров хизмат қилмоқда.

Факультет таркибида 5 та кафедра (Маҳсулот сифати менежменти (МСМ), Саноат иқтисодиёти менежменти (СИМ), Касб таълими (КТ), Тиллар ва Олий математика) бўлиб, шулардан учтаси (МСМ, СИМ, КТ) мутахассислик кафедраси ҳисобланади.

«Менежмент ва касб таълими» факультетида амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар дастури, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 27 августдаги 87-02-466 сонли модемномасида тавсия этилган «Намунавий режа» асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларга мос тарзда ишлаб чиқилди.

Режада белгиланган тадбирлар моҳиятига кўра, талабаларда комил инсон фазилатларини тарбиялаш, ёшларнинг дунёқарашини бунёдкор гоёлар билан бойитиш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, маънавий тадбирларнинг маърифий тадбирлар билан уйғунлигини таъминлаш, интеллектуал мулкка эгаллик туйғусини шакллантириш, таъаб-



Менежмент ва касб-хунар таълим факультетида Наврўз байрами



Наврўз тантаналарида.



Кўрик-танлов ғолибларини кутлаш пайти.

бус ва янгиликни қўллаб-қувватлаш, юрт тинчлиги ва ўзаро жипсликка эришишга доир бир қатор масалаларни ўзида акс эттирди.

Факультет кафедраларида бта фан доктори ва профессор , 23 та фан номзоди ва доцент, 65 та катта ўқитувчи ва ассистент меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли Қароридан келиб чиққан ҳолда Вазирликнинг 2011 йилдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартларини янгилаш тўғрисида»ги 308-сонли буйруғига асосан тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланди (1-жадвал). Ушбу стандартлар асосида тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда ўқув жараёнига жорий этилди.

1-жадвал

№	Кафедра	Бакалавриат	Магистратура	К.И.Х.И. институти
1	Махсулот сифати менежменти	5310900- «Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти» (кимё ва озик-овқат) йўналиши	- 5А310903- «Махсулот сифати менежменти» (кимё ва озик-овқат) мутахассислиги; -5А310901 - «Махсулот хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси» (кимё ва озик-овқат) мутахассислиги	- 02.00.09- «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги; -05.02.04- «Стандартлаштириш ва махсулотлар сифатини бошқариш» ихтисослиги



2	Саноат иқтисодиёти ва менежменти	5230200 - Менежмент (кимё ва озиқ-овқат) йўналиши	5A230201 - Менежмент (кимё ва озиқ-овқат соҳалари бўйича) мутахассислиги
3	Касб таълими	5111000- «Касб таълими» (кимёвий технология) йўналиши	5A111001 - «Касб таълими» (озиқ-овқат технологияси) мутахассислиги

«МСМ» кафедрасида 2013 йилда 02.00.09- «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги бўйича катта илмий ходим изланувчилар институти очилди. 2014 йил декабрь ойида танлов асосида ушбу институтга С.Исломова қабул қилинди.

«Менежмент ва касб таълими» факультетида бакалавриатура таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув жараёни ўрнатилган тартибда, вақт меъёрларига мувофиқ ташкил этилди (2-жадвал).

2-жадвал

№	Кафедралар	Жами ўқув юкламаси	Штабдаги профессор-ўқитувчилар сони	Фан докторлари	Фан номзодлари	Катта ўқитувчилар	Ассистентлар	Ўриндошлар сони	Илмий салоҳият, %
1	Махсулот сифати менежменти	12692	13.75	5	6	3	6	9	80%
2	Саноат иқтисодиёти ва менежменти	17302	19.5	1	6	9	8	5	36%
3	Касб таълими	6099	8	-	3	1	4	1	38%
4	Тиллар	26868	30	-	3	13	13	1	10%
5	Олий математика	8486	10.25	1	4	3	3	-	49%
Жами факультет бўйича:		71447	81.5	7	22	29	34	16	36%

«М ва КТ» факультети профессор-ўқитувчилари томонидан кафедра фанлари бўйича янги намунавий дастурлар асосида ўқув-услубий мажмуалар, янги маъруза матнлари, кўп вариантли назорат саволлари ва тестлар тайёрланди, жумладан, кафедраларда ўқитиладиган барча фанлар бўйича фан дастурлари асосида ишчи ўқув режалари тузилиб, янги маъруза матнлари тайёрланди ва улар асосида кафедралар бўйича қуйидаги ўқув-услубий мажмуалар (3-жадвал) ишлаб чиқилди:



№	Кафедралар	Ўқув-услубий мажмуалар сони
1	«Маҳсулот сифати менежменти»	24
2	«Саноат иктисодиёти ва менежменти»	31
3	«Касб таълими»	8
4	«Олий математика»	2
5	«Тиллар»	5
Жами		70

Яратилган мажмуалар талаб даражасида бўлиб, уларда маъруза матнларидан ташқари назорат саволлари ва тест вариантлари ҳам берилган. Улар нафақат ёзма шаклда, балки уларнинг электрон версиялари ҳам дискларда кафедра ва ахборот ресурс марказларига топширилган.

Факультетда фанларни ўқитишни янги техника воситаларида тақдирот кўринишида олиб боришга эътибор кучайтирилди. Чунки бундай тарзда дарс олиб бориш ўқитишнинг самарадорлигини оширади.

Факультет кафедраларида корхоналар билан фундаментал, амалий ва инновацион грантларни тузишга катта эътибор қаратилмоқда.

Факультет профессор-ўқитувчиларининг аксарияти йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда ва 2013–2014 ўқув йилида ушбу ишлар бўйича қатор мақолалар чоп эттирдилар (4-жадвал). Агар кейинги 3 йилни кузатадиган бўлсак, чоп этилган илмий мақолалар динамикасини кузатишимиз мумкин. Айниқса, «Устоз-шогирд» тизими асосида тадқиқот ишлари яхши олиб борилмоқда.

«М ва КТ» факультети профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган мақолалар

Кафедра	Чоп этилган мақолалар сони					
	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	Респ.	Хориж	Респ.	Хориж	Респ.	Хориж
СИМ	30	3	45	5	55	7
Менежмент	20	3	34	5	45	7
КТ	12	2	27	4	37	5
Олий математика	11	2	20	5	24	6
Тиллар	24		34	2	40	3
МКТФ	97	10	160	21	201	28



«М ва КТ» факультети иктидорли талабалар билан ишларни фаоллаштириш мақсадида «СИМ» кафедрасида «Ёш менежер», «МСМ» кафедрасида «Сифат менежменти», «КТ» кафедрасида «Ёш педагог», «Олий математика» кафедрасида «Ёш математик» ва «Тиллар» кафедрасида эса «Немис тили», «Инглиз тили», «Рус тили», Талабалар турар жойида «Инглиз тили» ва «Рус тили» тўғараклари ташкил этилган. Ўқув йилининг бошида тўғаракларнинг иш режаси ва ўтиладиган машғулотларнинг дастури ишлаб чиқилган ва машғулотларни олиб боришга кафедранинг етакчи мураббийлари ва ўқитувчилари жалб қилинган. (5-жадвал)

5-жадвал

МКТФ иктидорли талабаларининг институт ва Республика ОЎЮ микёсида ўтказиладиган танловларидаги иштироки

№	Талабанинг Ф.И.Ш.	Гурухи	Иктидорли талабаларнинг ютуқлари
1	Элмуродова Дилрабо	45-09 МСМ	Президент стипендияси совриндори – 2012
2	Раджабов Алишер	43-10 МСМ	Беруний стипендияси совриндори – 2013
3	Киёмов Юсуф	45-11 МСМ	Беруний стипендияси совриндори – 2014
4	Абдумаликова Хуснора	46-12 КТ	Республика ОУЮ микёсида ўтказилган «Китоб – тафаккур хазинаси» кўрик-танловининг 1 ўрин соҳибаси (2014Й.)
			ТКТИнинг «Йилнинг энг фаол талабаси – 2014» танловида бакалавриатура бўйича 3 ўрин соҳибаси
5	Усмонова Шахноза	М3-13 МСМ	ТКТИнинг «Йилнинг энг яхши талабаси – 2014» танловида магистратура бўйича 3 ўрин соҳибаси
6	Тўлкинова Дилдора	46-11 КТ	ТКТИнинг «Йилнинг энг фаол талабаси – 2013» танловида бак. бўйича 3 ўрин соҳибаси, касаба уюшмаси стипендиати
7	Мирахматов Махмуд	М2-12МСМ	«Умидли кимёгарлар – 2014» илмий-техникавий анжуманининг 1 ўрин соҳибаси
8	Бердикулова М.	М1-12МТ	«Умидли кимёгарлар – 2014» илмий-техникавий анжуманининг 1 ўрин соҳибаси
9	Юсупова Муслима	42-10 МТ	«Умидли кимёгарлар – 2014» илмий-техникавий анжуманининг 2 ўрин соҳибаси
1	Аманова Моҳичехра	43-13 МТ	Рус тилидан Республика фан олимпиадасининг 4 ўрин соҳибаси

«М ва КТ» факультети кафедраларида режага мувофиқ равишда очик дарслар ўтказилади. Очик дарслар ва ўзаро ташриф дарслари кафедранинг иш режаси асосида тузилган график бўйича белгиланган комиссия аъзолари назоратида олдиндан эълон қилинади. Очик



ва ўзаро ташриф дарслари кафедра мажлисларида муҳокама қилинади, камчиликлар ва ютуқлар белгиланиб, комиссия аъзолари ўз фикрларини баён қилганларидан кейин дарсларни ўтиш савияси янада кўтарилди. Уларнинг тажрибасидан ўрناк олиш ва фойдаланиш кафедранинг ёш ўқитувчиларига тавсия этилди.

Факультет профессор-ўқитувчилари янги ижтимоий ва сиёсий муносабатлар шароитида мустақил ва ҳар томонлама камол топган юқори малакали сифат менежери, метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти, менежмент, касб-таълими, ёқилғи ва органик бирикмалар ишлаб чиқариш технологияси, кимё ва кимёвий технология, силикат материаллар технологияси, камёб, нодир ва тарқоқ металллар технологияси, атроф муҳит муҳофазаси, биотехнология, озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларга халқаро стандарт талаблари асосида таълим ва тарбия беришдек ишда фаол хизмат қилмоқдалар.

7.1. «Маҳсулот сифати менежменти» кафедраси



Кафедра мудири
К. Ахунжанов

2009 йилнинг 30 июнида институтда «Маҳсулот сифати менежменти» кафедраси ташкил этилиб, 5524300 – «Маҳсулот сифати менежменти» таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлай бошлади. К.ф.д., проф. Ғ. Ҳамроқулов ушбу кафедранинг мудури этиб тайинланди.

2009–2010 ўқув йилида «Маҳсулот сифати менежменти» таълим йўналиши бўйича барча ўқув-меъёрий хужжатлар шакллантирилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

Кафедра ушбу даврда юқори малакали мутахассис, олимлар билан шакллантирилди, жумладан: т.ф.д., проф. П.Р.Исмагуллаев, к.ф.д., проф. Д.А.Раҳимов, т.ф.д. А.Ў.Каримов, т.ф.д., проф. А.А. Саримсоқов, т.ф.д., доц. Н.Ш. Мўминов, ю.ф.н., доц. С.А. Алимбаев, доц. З.А. Акбархўжаев, к.ф.н., доц. К.А. Ахунжанов, т.ф.н., доц. Э.Д. Юсупов ва т.ф.н. Ш.Тўраевлар ва катта ўқитувчи У.Камолов, ассистентлар А.Исмоилов, Я.Сейдабдуллаев,

М.Пўлатов, А.Носиров ва Н.Ғиёсова фаолият олиб бормоқдалар.

Проф. Ғ.Ҳамроқулов «Менежмент ва касб-таълими» факультети декани этиб тайинланиши муносабати билан «Маҳсулот сифати менежменти» кафедрасига к.ф.н.К.А.Ахунжанов мудир этиб тайинланди.

Ҳозирги кунда кафедра 5310900 – «Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти» таълим йўналиши бўйича бакалавр талабалар тайёрламоқда. 2011 йилдан бошлаб 5А 310903 – «Маҳсулот сифати менежменти» мутахассислиги бўйича магистратурага талабалар қабул қилинди. 2015 йилдан эса 5А310901 – «Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси» мутахассислиги бўйича магистратурага талабалар қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Илмий йўналишлар:

1. Илмий тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишлари.

Кафедрада профессор-ўқитувчилар томонидан кимё ва озиқ-овқат соҳаларида 02.00.09 – «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ва 05.02.04 – «Стандартлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш» ихтисосликлари бўйича илмий



тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ихтисосликлар бўйича 2014 йилда институтда катта илмий ходим изланувчилар институти очилди.

2. Ҳозирги кунда кимё ва озик-овқат соҳаларига оид корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда СМТни жорий этиш бўйича хўжалик шартномаси тузилган ва ушбу шартномалар бўйича ишлар олиб борилмоқда. Кафедра кимё ва озик-овқат корхоналарида маҳсулот сифати ва хавфсизлиги тизимларини жорий этиш усуллари, уларнинг сифат хавфсизлигини назорат қилиш йўллари бўйича халқаро, республика, амалий, назарий ҳамда инновация грантларига лойиҳалар тайёрланди.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Кафедрада 2–4 курс бакалаврлари ва 1–2 курс магистрантлари орасидаги иқтидорли талабалар етакчи профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида кафедрадаги лабораторияларда, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида ўз илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижаси бўйича талабалар бир қатор илмий анжуманларда фаол қатнашиб, мақолалари тўпламларда чоп этилди.

2012 йилда 5524300 – «Маҳсулот сифати менежменти» йўналишида таҳсил олган 45–09 МСМ гуруҳ талабаси Д.Ф. Элмурадова Президент стипендияси совриндори бўлди. 2013 йилда 43-10 МСМ гуруҳ талабаси Ражабов А. ва 2014 йилда эса 45–11 МСМ гуруҳ талабаси Ю.Қиёмовлар Беруний стипендияси совриндорлари бўлишди. 2014 йил якуни бўйича ўтказилган «Йилнинг энг яхши талабаси» танловида магистрантлардан Усмонова Шаҳноза 3 ўрин соҳибаси бўлган бўлса, 2015 йилда эса 2 курс талабаси З.Даминхонова ушбу танловнинг 1 ўрин совриндори бўлди.

Кафедрада 5524300 – «Маҳсулот сифати менежменти», 5310900 – «Метрология стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти» ва 5А 310903 – «Маҳсулот сифати менежменти», 5А310901 – «Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси» мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари яратилди. Кафедрада профессор-ўқитувчилар томонидан юқорида қайд этилган таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган барча фанлардан (24 та) намунавий ва ишчи ўқув дастурлар тайёрланди ва ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилди. Охириги йилларда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 5 та дарслик ва 25 тадан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилди.

Ҳозирги кунда 5524300 – «Маҳсулот сифати менежменти» ва 5310900 – «Метрология стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти» йўналиши бўйича 1–4 босқичларида 146 нафар талаба таҳсил олмоқда. 2009–2010 ўқув йилида 40 нафар, 2010–2011 ўқув йилида 27 нафар талаба БМИларини яхши ва аъло баҳоларга ҳимоя қилиб, «сифат бўйича менежер» мутахассислигига эга бўлдилар. Улар республикамыздаги корхоналарга ва сертификатлаштириш идораларига сифат бўйича менежер бўлиб ишга жойлашдилар. Республикамызда 2011–2012 ўқув йилида 5524300 – «Маҳсулот сифати менежменти» йўналиши бўйича 27 нафар бакалаврлар тайёрланди. 2011–2012 ўқув йилидан бошлаб 5А310903 – «Маҳсулот сифати менежменти» (кимё ва озик-овқат соҳалари бўйича) мутахассислиги бўйича магистратура очилди ва 10 нафар магистрант танлов асосида ўқишга қабул қилинди.

Кафедра «Ўзстандарт» агентлиги, Давлат божхона қўмитаси «Марказий божхона лабораторияси», ЎзР «Полимерлар кимёси ва физикаси» илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон Миллий университети, «Ўзкимёсаноат» ДАК, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Олий ҳарбий божхона институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Фан ва тараққиёт» ДУК, «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш-



тириш» илмий тадқиқот институти ва бир қатор чет мамлакатларнинг Олий ўқув юртлари билан, жумладан, Москва Давлат университети, М.В. Ломоносов номи Москва нозик кимёвий-технологиялар академияси, Германиянинг Байрот Университети ва бошқалар билан алоқа ўрнатган.

7.2. «Саноат иқтисодиёти ва менежменти» кафедраси



Кафедра мудири
А.Қ. Абдурахмонов

Институт 1992 йилдан бошлаб «Кимё ва озиқ-овқат саноати иқтисодиёти ва менежменти» мутахассислиги бўйича муҳандис-иқтисодчилар тайёрлай бошлади. 1994 йилдан бошлаб кафедра «Кимё ва озиқ-овқат саноати менежменти» деб атала бошланди. 1997 йилда биринчи битирувчилар чиқарилиб, 12 та талаба диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Жами 1997–1999 йилларда 37 талаба муҳандис-иқтисодчи диплом олди. 1995 йилдан бошлаб кафедра республикамизнинг кимё, озиқ-овқат, нефть ва газни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналари ва ташкилотлари учун «Менежмент» йўналиши ҳамда мутахассислиги бўйича иқтисод фанлари бакалаврлари «Менежмент» (Кимё ва озиқ-овқат соҳалари бўйича 5340200) ва магистрлари «Менежмент» (Кимё ва озиқ-овқат соҳалари бўйича – 5А 340201) тайёрлай бошлади. 1999 йилда биринчи

битирувчилар 16 талаба бакалавр даражасини олди. 2000 йилда эса биринчи маротаба 3 киши магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1999–2005 йилларда кафедрада 216 та бакалавр ҳамда 66 та магистр тайёрланди. Улар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Кафедранинг 3 талабаси А.Р. Беруний номидаги Давлат стипендиясини, 3 талабаси М. Улуғбек номидаги Давлат стипендиясини олишга сазовор бўлди.

Кафедра «Кимё ва озиқ-овқат саноати иккиламчи ресурсларидан фойдаланиш самардорлиги» мавзусида давлат бюджетидаги илмий ишларни олиб боради. Олинган натижалар ўқув жараёнларида ҳамда илмий анжуманларда, илмий мақолалар ёзишда фойдаланилади. Кафедра қошида 1999–2001 йилларда «Волластонит» илмий-тадқиқот гуруҳи ташкил этилган бўлиб (илмий раҳбар доц. А.Қ. Абдурахмонов), «Керамик қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон минерал хомашёларидан комплекс фойдаланиш» мавзуида илмий-амалий изланишлар олиб борилди.

Кафедранинг ташкилотчиси ва биринчи мудири доц. С.Т. Тўхтаўжаев дастлабки ўқитувчилар доц. Б.А. Елисаветский, доц. И.И. Бурштейн, доц. Н.Н. Нормухамедов, доц. У.А. Абдуллаева ва доц. Н.А. Габриэлян фаолият юритди.

Кафедрага 1994 йилгача республикада хизмат кўрсатган муҳандис, доц. П.М. Турсунхўжаев ва 1994 йилдан 2001 йилгача доц. О.А. Султонхўжаев мудирлик қилди. 2001 йилнинг декабр ойида кафедра ТКТИ Илмий Кенгашининг қарори билан 2 кафедрага: «Озиқ-овқат саноати иқтисодиёти ва менежменти» ҳамда «Кимё саноати иқтисодиёти ва менежменти» кафедраларига бўлинди. Доц. О.А. Султонхўжаев «Озиқ-овқат саноати иқтисодиёти ва менежменти» кафедрасига мудир этиб сайланди.



ТКТИ Илмий Кенгашининг 2004 йил апрель ойидаги қарори билан республикаимиз кимё, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда озик-овқат саноати корхоналари эҳтиёжларини юқори малакали менежерлар ва маркетологлар билан таъминлаш мақсадида юқорида қайд этилган икки кафедра негизда «Саноат иқтисодиёти ва менежменти» (мудир доц. О.А.Султонхўжаев) кафедраси ташкил этилди.

2013 йилдан доц. А.Қ. Абдурахмонов «Саноат иқтисодиёти ва менежменти» кафедрасига мудир этиб тайинланди. Ҳозирги кунда проф. С.М.Қосимов, доц. Н.А. Габриэлян, доц. Р.С.Ҳасанов, доц.Н.Хасанов, катта ўқитувчи К.Усманова, С.Мўминова, Ш.Мухаммедова, Ж.Алиева, Х. Азимова, С.Э.Бозоров, Д.М.Авазхўжаева, К.Ҳайдарова, Ф.Т. Қосимова, ассистент Д.Мўминова, А.Т.Тоҳиров, М.Ғ.Ҳамроқулов, Ф.А. Қосимова, лаборатория мудири Р.М. Турсунова ва катта лаборант Ф.Юсуповалар меҳнат қилмоқда.

Кафедра магистрантларининг диссертация ишлари маслаҳатларига мунтазам равишда проф. Ш.Н. Зайнуддинов (ТДИУ), проф. М.Л.Турсунхўжаев (ТДИУ), проф. А.Ф.Расулев (ЎЗР ФА ИИ), проф. И.Иватов (ТДИУ), проф. А.К. Бедренцев (Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали) каби йирик иқтисодчи олимлар жалб қилинмоқда.

1991–2014 йилларда кафедрада 3 та дарслик, 20 та ўқув қўлланма 60 дан зиёд ўқув услубий қўлланмалар, 300 га яқин илмий мақолалар яратилди. Шу давр ичида кафедранинг 4 нафар аспиранти номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди даражасини олдилар. Ҳозир кафедранинг 3та ходими докторлик диссертациялари устида иш олиб боришмоқда.

Кафедра ишлаб чиқариш корхоналари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган бўлиб, буларга «Ўздонмахсулот»АК, «Ўзёғмойтамакисаноат» АУ, «Ўзмевасабзавот – узумсаноат - Холдинг» компанияларидир.

«Саноат иқтисодиёти ва менежменти» кафедрасининг барча ходимлари республикаимиз кимё, озик-овқат, нефть ва газни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналари учун юқори малакали етук мутахассислар тайёрлашни Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида амалга оширмоқда.

7.3. «Касб таълими» кафедраси

«Касб таълими» кафедраси 1999 йилда ташкил топган. Дастлабки кунлардан бошлаб кафедранинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб жаҳондаги илғор давлатлар тарихи тараққиёти тажрибаларига таянган ҳолда реал ҳаётимиз талабларига жавоб берадиган сифатли, ёш педагог кадрларни тайёрлаш ҳисобланади.

5140900 – «Касб таълими» (озик-овқат ва кимёвий технологияси) бакалавр йўналиши бўйича кафедрага Ўзбекистонда мавжуд бўлган кимёвий ва озик-овқат технологиясига қарашли барча ҚХКлари учун махсус фанларни ўқитиш учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш зиммаси юклатилган. 1999–2001 йиллар кафедра мудири лавозимига доц. Й.Максудов фаолият кўрсатди. Кафедра жамоаси биринчи вакиллари сифатида доц. Р.Ҳабибуллаев, катта ўқитувчи Х.Солиев, Ш.Мирзалиева, С.Мирзааҳмедова ҳамда кабинет мудири Ю.Қамбаровалар кафедрага асос солиб, унинг шаклланишида ўз ҳиссаларини қўшганлар. Кафедранинг илк қалдирғочлари 2003 йилда



Кафедра мудири
Ш.Т. Канглиев.



«Касб таълими» йўналиши бўйича бакалавр даражасини эгалладилар («Касб таълими» озик-овқат ва кимёвий технологияси). 2001–2003 йилларда педагогика фанлари доктори, проф. Ҳ.Ҳ.Тиллашев кафедра мудирлиги вазифасини бажариб келди.

2003/2004 ўқув йилида кафедрада «Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси» мутахассислиги бўйича магистратурага асос солинди. 1 магистрлар қаторида 2005 йилда М.Р.Мухитбекова, Ҳ.Атахўжаев, С.Равшановлар магистрлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя этиб, магистрлик, академик даражасини эгаллашга сазовор бўлдилар.

2004 йилдан кафедрага раҳбарлик этиш вазифаси етук педагогик олим, педагогика фанлари доктори, профессор У.Н. Нишоналиевга топширилди. Бу даврда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан узлуксиз таълим тизимида модулли ўқитиш технологиясини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

2003 йилда кафедрага А.Содиқова ассистентлик лавозимига ишга қабул қилинди. Кабинет мудир вазифасига эса Г.Зуннунова тайинланди. 2005 йилдан кафедра мудир лавозимига доц. Р.Бобояров тайинланди. 2007 йил март ойидан 2011 йил август ойигача кафедранинг кимё фанлари номзоди, доц. Ж.Н.Алимжонова бошқарди. 2011 йил сентябр ойидан бошлаб кафедрага кимё фанлари номзоди, доц. Ш.Г. Канглиев раҳбарлик қиляпти. 2008/2009 ўқув йилида кафедранинг асс.М.Л.Арипова 2011/2012 ўқув йилида ўз номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кафедранинг асосий истиқболли вазифалари қаторига ўқув жараёнининг сифатини ошириш, фанлар бўйича услубий таъминот даражасини кўтариш, ўқув-услубий ишлар борасида касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, битирувчи мутахассисларни мақсадли тайёрлаш, таълим ва тарбия соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишларни янада юқори савияга кўтариш ва бошқалар киради.

«Касб таълими» кафедраси Мирзо Улуғбек технологиялар касб-хунар, Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик, Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис, Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, улар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

«Касб таълими» кафедраси кимёвий ва озик-овқат технологияси йўналишларида кичик мутахассислар тайёрловчи касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик шартномалари асосида бир қатор ишлар, яъни касб-хунар коллежларида ўқитиладиган мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларини қўллаш борасида маълум ишларни амалга оширмоқда. «Касб таълими» кафедрасида таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура талабалари ишлаб чиқариш амалиётларидан ташқари, педагогик амалиётларни шу кўрсатилган коллежларда ўтадилар. Улар институтда олган билимлари асосида, касб-хунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий педагогик технология элементларидан фойдаланиб дарс ўтиш кўникма ва малакаларига эга бўлмоқдалар. Шунингдек малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертация мавзуларини касб-хунар коллежларида ўқитиладиган махсус фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда янги педагогик технологиялар усуллари билан кенг фойдаланиш йўллари кўрсатилади ва шу билан бирга илмий, ўқув-услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда.

Кафедрада олиб борилган илмий тадқиқот ишлар натижасида ўқитувчиларнинг ҳар йили Республика ва Олий таълим муассасаси миқёсида ўқазилаётган илмий-амалий конференцияларида 15–18 та илмий мақолалари билан қатнашишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўқув жараёнини олиб боришда ҳозирги вақтда доц. Ш.Т. Канглиев, доц. Р. Хабибуллаев, педагогика фанлари номзоди Г. Арипова, кат. ўқ. Б. Маназаров, кат. ўқ. Ш. Зокирова, кат.



Ўқ. С. Камалова, асс. Ш. Саидова, асс. Д. Раҳимова, асс. М. Тожибаева, асс. Д. Мирхўжаева ва Г. Зуннуовалар фаолият кўрсатяптилар.

7.4. «Олий математика» кафедраси

Институт ташкил этилгандан бери «Олий математика» кафедраси фаолият кўрсатиб келмоқда. Кафедрага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, доц. Н.С. Раҳимова (1992–1993 й.), доц. Ж. Ибодов (1993–1995 й.), доц. С. Абдиназаров (1995–1996), У. Раҳмонов (1996–2000 й.), доц. О. Матчонов (2001–2002 й.), доц. Д.Раҳимов (2002–2004 й.), доц.Р.Маҳсудов (2004–2007 й.), проф. Ш. Наримов (2007–2011 й.)лар мудирлик қилишди. 2011 йил октябрь ойидан ҳозиргача кафедрага доц. И.Исканаджиев мудирлик қилмоқда.

Ҳозир кафедрада 1та профессор – Ж. Ҳусанов, 4 та доцент: И. Исканаджиев, Ҳ. Жумаев, М. Сангинов ва О. Матчонов, 3 та катта ўқитувчи: К. Нишонбоев, Н.Тоштемирова, Б. Юсупалиева ва 3 та ассистент: М. Бабаев, А. Рўзимов, А. Қахҳоров ва 1 та кабинет мудираси З. Муталовалар ишламоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари талабаларга «Олий математика» ва «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» фанларидан маъруза, амалиёт дарслари ва мустақил ишларни олиб бормоқда. Бу фанларни ўқитишда чизикли ва векторлар алгебраси, аналитик геометрия, лимитлар назарияси, дифференциал ва интеграл ҳисоб, дифференциал тенгламалар, қаторлар назарияси, комбинаторика элементлари ва эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг иқтисодиёт, техника ва кимёвий жараёнларда қўлланишини чуқур ўргатишга ҳамда уларда зарур бўлган математика асосларини, кўникмаларини ҳосил қилиш, математика ва унинг татбиқи ҳақидаги адабиётлардан мустақил фойдаланишни, кимёвий масалаларни математик нуқтаи назардан текширишни ва бу масалаларни технологик жараёнларини, математик моделларини қуришга катта эътибор берилмоқда. Кафедра ўқитувчилари томонидан яратилаётган услубий ва ўқув қўлланмаларда математиканинг кимёвий жараёнларга қўлланишига оид масалаларга катта эътибор берилмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари «Олий таълим муаммолари», «Олий математика» ўқитиш технологиялари ва математика махсус бўлимлари:

1. Математик физика тенгламалари учун турли чегаравий масалаларни ечиш усуллари;
2. Динамик тизимлар, оптимал бошқарув ва дифференциал ўйинлар назариясининг йўналишларида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

«Олий математика» кафедраси жамоаси ўз илмий изланишлари бўйича Миллий Университет қошидаги Математика ва инфорацион технологиялар институти ва Миллий Университетнинг математика факультети, Тошкент Педагогика Университетининг математика факультетлари ва МДХ мамлакатлари олий ўқув юртлари ва илмий марказлари билан узвий алоқада бўлиб туради. Масалан, Россиянинг Москва, С.Петербург ва Новосибирск Университетлари билан илмий ҳамкорликлар мавжуд. Кафедра профессор ўқитувчилари илмий мақолалари нуфузли чет эл журналларида чоп этилмоқда.



Кафедра мудир
И. Исканаджиев



7.5. «Тиллар» кафедраси



Кафедра мудири
Г. Келдиёрова

1991 йил институтда «Чет тиллар» ҳамда «Ўзбек ва рус тиллари» кафедралари ташкил қилинди. Улар 1996–1997 ўқув йилидан улар «Тиллар» кафедраси мақомини олди. 1991 йилдан 1992 йилгача «Чет тиллар» кафедрасини В.Д. Мусаева, 1992 йилдан 1994 йилгача доц. С.Н. Абдуллаева ва 1994 йилдан 2005 йилгача доц. И.Г. Зоҳидов бошқариб келди.

1991 йилдан 1996 йилгача «Ўзбек ва рус тиллари» кафедрасини доц. Ҳ. Юлдашева, 1997–2003 йилларда проф. Ҳ. Узоқов, 2003–2005 йиллар давомида доц. Г.С. Келдиёрова бошқарди.

2005 йилда ТКТИ Илмий Кенгашининг қарори билан «Чет тиллар» кафедраси ва «Ўзбек ва рус тиллари» кафедралари «Тиллар» кафедрасига бирлашди. Доц. Г.С. Келдиёрова кафедра мудири этиб тайинланди. Кафедрада ҳозирги кунда 31 та ўқитувчи бўлиб, булардан 4 таси доцент, шуларнинг 3 таси фан номзоди, 12 та катта ўқитувчи, 15 та ўқитувчи ишлайди.

Ҳозирги кунда доц. Н.П. Елина илмий-услубий ишлар бўйича кафедра мудирининг муовини ва услубий семинар бошлиғи; И.Г. Зоҳидов ўқув ишлари бўйича кафедра мудирининг муовини бўлиб ишламоқда. Катта ўқитувчи М. Жуманиёзова чет тили шуъбасини бошқариб келяпти.

Кафедра аъзолари ҳар йили илмий-техникавий ва илмий-услубий конференцияларда фаол қатнашадилар.

Кафедрада таниқли шахслар, шоир ва ёзувчилар таваллуд кунларига бағишланган тадбирлар ўтказиб турилади. Кейинги йилларда кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида талабалар илмий-техник конференцияларга маърузалар тайёрлайдилар ва Республика фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Кафедра талабаларнинг чет тили ва рус тилида оғзаки нутқини ўстириш устида илмий ва услубий ишлар олиб бормоқда. 1992 йилдан бери кафедра ходимлари томонидан 2 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма, 60 дан ортиқ услубий қўлланма, 3 та луғат, 150 дан ортиқ мақола ва тезислар чоп этилган. Доцентлар И.Г.Зоҳидов, Н.П.Елина, Г.С.Келдиёрова ва бошқа кафедра ўқитувчилари доимо регионал ва халқаро конференцияларда қатнашадилар. Кафедрада институтнинг иқтидорли талабалар гуруҳи тузилган ва улар учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Республика технологик институтлари учун ўқув дастури ҳам ишлаб чиқилган. Кафедра ҳар йили иқтидорли талабаларни қўплаб грантлар ва чет эл фондларига тайёрлайди.

Кафедрада ТДТУ, ЎЗМУ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва бошқа институтларнинг «Чет тиллар» кафедралари, шунингдек, чет эл элчихоналари билан ўқув-услубий соҳаларда яқин ҳамкорликда ишлаб, ҳамкорлик шартномалари тузган. Германия элчихонасидан қўплаб адабиётлар, журнал, дарслик, аудиокассета олинди, кафедра кутубхонаси ташкил этилган.

Ҳозирги вақтда кафедрада 34 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Улардан 4 та доцент: Г.С.Келдиёрова (кафедра мудири), Н.П.Елина, Г.Н.Тавалдиева, Н.Г.Аловутдинова, 12 та катта ўқитувчи: И.Г.Зоҳидов, У.Ф.Ганиева, Ш.А.Комилова, У.З.Мирсоатова, З.К.Аминова, Л.А.Баймухамедова, М.Р.Джуманиёзова, М.А.Имомалиева,



«Тиллар» кафедраси ходимлари мажлисида.

М.М.Шокирова, Ҳ.С. Содиков, Г.Э. Эшчанова, Х.Ш. Ҳамидова, 15 та ўқитувчи: Н.Н. Ҳамрахўжаева, Т.Б. Маҳкамов, Н.М. Шоҳитова, Н.Б. Абдуллаев, Д.А. Мўминова, Р.З. Ибрагимова, А.Б. Жабборова, Г.У. Комилова, У.Р. Қодиров, Г.Н. Жўраева, Б.Б. Фармонов, У.Т. Жалилова, Д.А. Муталов, О.К. Ҳолибекова, 2 та ўриндош: С.Ш. Атамухамедова, Ш.Р. Адилова, 3 та техник ходимлардан: кабинет мудири Ш.С. Абдушоҳидова, лаборантлар М.С. Йўлдошева ва Шотурсуновалар самарали меҳнат қилмоқда.



**VIII
БОБ**



**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИК
АЛОҚАЛАРИ**



САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Озод ва эркин ҳаёт нафаси, нурли ва умидбахш тонгимиз халқимизни буюк келажак сари бошламоқда. Чиндан ҳам тез ва барқарор, шиддат билан ўзгариб бораётган замонга назар солсак, ўзимизни бутунлай янгилангандек ҳис қиламиз. Дунё тамаддунида ўлкамизнинг ўз ўрни борлиги ҳаммамизнинг кўнглимизни тоғдай ўстиради. Юртимизда амалга ошаётган улуғвор ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Ҳар биримиз яшаб турган шаҳар ё қишлоқ, маҳалла ёки кўчаларимиз қиёфасига назар ташласак бас, у ерларда олиб борилаётган улуғвор мақсадлар йўлидаги ишлар, йўлларимизнинг текис ва раволиги, ҳовли-жойларимиз кўркам ва обод, боғларимиз кўм-кўк, хиёбонларимиз осуда ва оромбахш бўлаётганидан қувонамиз. Бу мамлакатимиз раҳбариятининг шу ерда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсонга бўлган юксак эътибори ва ғамхўрлиги самарасидир.

Қорақалпоғистондаги сода заводида иккинчи босқичини қуриш лойиҳаси асосидаги тайёрларлик ишлари олиб борилаётганлиги дилга қувонч бағишлайди. Техник туз, аммиак, оҳактош омборлари қурилиши давом этмоқда.

Эндиги навбат Сургул кони негизида Уст-юрт газ-кимё компаниясида амалга оширилаётган ишлардир. Бу ишда ҳам институт олимлари иштирок этиптилар: корхона учун келажак кадрлари тайёрлашяпти, қилинадиган илмий тадқиқот ишлари режалари тузилмоқда.

Тошкент Кимё-технология институти мамлакатимиздаги бошқа кўпгина корхоналар билан ҳам ҳамкорлик қилиб келади. Кимё, фармацевтика, озиқ-овқат ва турдош йўналишлардаги бошқа корхоналарга кадрлар етказиб бериш билан бир қаторда, ишлаб чиқарилаётган турли-туман маҳсулотларнинг технологик схемалар ва ишланмаларидаги камчиликларни йўқотиш бўйича ҳам маслаҳатлар бериб турилади, илғор ғоя ва таклифлар билан ҳамкорлик қилинади. Корхоналар ўз навбатида талабалар амалиётларини ўтказиш, диплом лойиҳалари ёки илмий ишларни бажариш борасида ўз мутахассислари билан ёрдам берадилар. Ана шундай саноат корхоналари қаторида «Шўртан газ-кимё» мажмуаси, «Чирчик-максам» қўшма корхонаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Сурхондарё «Нефтьоргсиз», «Навоийазот» кабиларни кўрсатишимиз мумкин.

«Шўртан» комплексида бир неча йиллар давомида раҳбарлик қилган Алишер Султонов институт профессор ўқитувчилари билан мустаҳкам алоқада бўлиб, хўжалик шартномалари тузиш ва бажарилишида амалий ёрдам кўрсатди. Профессорлардан Т.Р.Абдурашидов, А.Т.Жалилов, доц. Р.И.Одилов ва бошқалар корхонанинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, талабаларга диплом ишини мажмуага боғлаб бажарилишини йўлга қўйдилар. Ўз вақтида аъло ўқиган ва тиришқоқ талабаларнинг кўплари ҳозир раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилишмоқда.

2001 йилнинг 20 декабрида «Шўртан газ-кимё» мажмуасини очишга бағишланган тантанали йиғилишда Республикаимиз Президенти И.А.Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимиз индустрияси учун зарур нарсалар ичида полиэтилен хомашёси, плёнка, суюлтирилган газ,



сув ва бошқа керакли жиҳозлар мамлакатимиз иқтисодий потенциалини кўтаришда катта рол ўйнашини айтиб ўтгандилар. Ўтган ўн беш йил ичида ишлаб чиқарилаётган полиэтилен лойиҳада кўрсатилган миқдордан анча ошиб кетди, полипропилен трубалари ишлаб чиқариши йўлга қўйилди, фитинглар ва шу каби бошқа зарур нарсалар ишлаб чиқарувчи қатор кичик корхоналар вужудга келди, натижада кўп иш жойлари ташкил қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

8.1. «Навоийазот» акциядорлик жамияти

Республикамиздаги ушбу йирик кимё корхонаси билан институт ҳамкорлиги 1991 йилдан бошланган. Дастлабки қадамдан бошлаб ҳозиргача босиб ўтилган даврда мазкур саноат корхонасининг барча жабҳаларида юқори ишлаб чиқариш потенциалига эришилганлиги кўзга ташланади. Кўп тармоқли саноат ишлаб чиқариш мажмуига айланган ушбу корхона халқаро мақомга эга бўлди ва минерал ўғитлар кимёвий реагентлар ҳамда бошқа кам тоннажли маҳсулотларни халқ хўжалигига етказиб беришда ўз дастурини амалга ошириб келмоқда. Ўзининг бой тажрибасига таянган ҳолда корхона ҳозирги кунда олтмишдан ортик кимёвий маҳсулот турларини ишлаб чиқармоқда.

Ишлаб чиқариш қуввати, техника ва технологияларнинг тараққиёт хусусиятлари, илмий асосланган новаторлик фикрлари, бирдамлик, ишчи ва муҳандисларнинг юқори касбий маҳорати бўйича «Навоийазот» АЖ кўплаб корхоналарга ўрнак бўлмоқда, шу боис ҳам мустақил Ўзбекистоннинг фаҳрига айланди десак муболаға бўлмайди.

Институт талабалари амалиётларини ўтказиш, профессор-ўқитувчилар илмий ишларининг синов тажриба усқуналарини йиғиш, реактивлар билан таъминлаш, имкониятлардан тўла фойдаланиш ва хорижий ҳамкорлик эшикларини очиш билан институт ривожига ҳам корхона раҳбарияти хайрихоҳлик билдириб келяпти. Профессорлардан Д.Юсупов, С.М.Туробжонов, А.Икрамов, А.Эркаев ва бошқалар корхона ёрдамидан миннатдор бўлиб, булар ҳам ўз навбатида корхона ишчи-хизматчиларига керак пайтида маслаҳатларини бердилар, ҳамкорлик қилдилар, хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ўз вақтида корхона чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда «К» хилидаги препаратларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга татбиқ этган ва неча минглаб тонна маҳсулотларни нефть ва газ кудукларини бурғулашга таклиф этган акад. К.С.Аҳмедовнинг ишлари халқ хўжалигига неча миллион сўм фойда келтирганини эслатиб ўтишни лозим топамиз. Сувда эрувчан «К-4» препарати, «Унифлок» полимери, қатор флокулянтлар ҳамон чиқарилаяпти ва халқ хўжалигида кўплаб қўлланилмоқда.

8.2. Олмалиқ кон-металлургия комбинати

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида кўрғошин-рух, мис-олтин-молибден, кадмий, техник селен, техник теллур, мис купороси, аммоний перенат, сульфат кислота ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ҳозирги вақтда корхонада импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Буларга ЭЖГ русумли экскаваторлар юриш қисмлари, ковш тишлари, «Варман» насосларига бронедисклар, кимёвий насосларга ишчи ғилдираклар, валлар, втулкалар, дисклар, корпуслар, тегирмонларга босқич зирх ва панжалар, электр насослар эҳтиёт қисмлари, конвейер роликлари киради.

Комбинат таркибида «рангли металлургия геологияси» илмий ишлаб чиқариш маркази ташкил этилган. Марказ ўзига вазифа қилиб «Олмалиқ КМК» мавжуд рангли металлур



Комбинатдан лавҳа.

минерал хомашё базасини Ўзбекистон республикаси ҳудудида геология-кидирув ишлари олиб бориш ҳисобига ривожлантиришни олган. Комбинатнинг асосий мақсадларидан яна бири ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиб, корхонада халқ хўжалигига зарур маҳсулотлар турини кўпайтиришдан иборат.

Ҳозирги вақтда комбинат «Ўзметкомбинат» АИБ, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзкабель» ОАЖ ҚК, «Средазподшипник» МЧЖ ҚК, «Тошкент труба заводи» ҚК, «Энергомаш» ЧМЗ, «Ўзэлектроаппарат» ОАЖ, «Огнеупор» ОАЖ каби етакчи маҳаллий корхоналар билан алоқа ўрнатган бўлиб, ҳамкорликда ишлар олиб боради. Корхоналар институт билан узвий алоқада бўлиб, вужудга келган муаммоларни биргаликда ҳал қилади. Бундай ҳамкорлик ишларида институт профессорларидан Н.П.Исмоилов, Ҳ.Т.Шарипов, А.Т.Жалилов, доц.Т.Камолов ва бошқалар иштирок этишади. Магистрантлар, илмий ходимлар, докторант ва ўқитувчилар ҳам илмий ишлар ҳамда хўжалик шартномаларида иштирок этадилар.

8.3. «Шўртан газ-кимё» мажмуаси

«Ўзбекнефтьгаз» тасарруфидаги Шўртан газ-кимё мажмуаси 2001 йилнинг 20 декабрида ишга туширилган. Ўтган йиллар ичида корхона нафақат мамлакатимиз саноати ва қишлоқ хўжалигини полиэтилен хомашёси, плёнка, суюкгаз, сув ва газ трубалари, томчилаб суғориш системалари, хўжалик моллари, уй жиҳозлари билан бойитди, қўшни ва узок мамлакатлардаги ҳамкорлар билан ҳамнафас бўлди.

Йилига ишлаб чиқарилаётган полиэтилен халқаро стандартларга жавоб берувчи сертификатга эга бўлди. Кўпдан-кўп бириктирувчи деталлар, декоратив қурилиш материаллари бўлган алюмин композит панеллари, полипропилен ва ундан ишланувчи маҳсулотлар чиқарилиши йўлга қўйилди. Буларнинг маълум қисми чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар технологияси деярли автоматлаштирилган. Мажмуа ишчи ва ходимлари асосан ёшлардан иборат. Меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Корхонада экология масалаларига юқори талаб қўйилган бўлиб, бунинг учун атроф-муҳит хизмати йўлга қўйилган бўлиб, у ўзининг Экоаналитик лабораториясига эгадир. «Intereng Messtechnik» (Германия) фирмаси кўчма автолабораторияси доимий назорат хизматида бўлиб, «Draeger», «Fisher», «Hach», «Perkin Elmer», «Accuro», «Mettler Toledo», «Аналитприбор» каби энг янги прибор ва асбоб-ускуналари таҳлил хизматидадир. Булар ёрдамида атмосфера ҳавоси, тупроқ, оқова ва ер-ости сувлари таҳлил қилиниб турилади. Америка Қўшма Штатлари «Thermo Environmental Instruments» атмосфера ҳавоси мониторинг модули кеча-кундуз давомида яқин-атроф яшаш пунктларида ифлослантирувчи моддалар концентрациясини таҳлил қилиб туради.

Мажмуанинг Қарши, Нуристон посёлкаси ва бошқа масканларида қурилган болалар богчаларига ҳавасингиз келади. Қаршида қурилган замонавий спорт-соғламлаштириш марказининг 5000 томошабинга мўлжалланган стадиони, чўмилиш ҳовузи ва майдончалари,



боулинг ўйин зали ишчилар ва улар болаларининг хизматидир. Тоғли туманда ишчилар болалари учун куриб берилган ёзги лагер ва қиш кунларида ишчиларнинг ўзлари ҳам шу ерда хордиқ чиқарадиган маскандир.

Тошкент кимё-технология институти ушбу мажмуа билан узвий алоқададир. Институтни битирган ва битираётганлар шу атрофларда яшовчи ёшлар корхонада меҳнат қилишади., амалиётларини ўташади. Устозлар талаба ва магистрлар билан доимий равишда корхонада бўлиб туришади, диплом иши ёки лойиҳалар тузишади. Бу ҳамкорлик ишларида корхона раҳбарлари – А.С.Султонов, Ш.М.Эшмуротов, Б.М.Мансуров ва бошқалар талаба, аспирант, докторант ва илмий ходимлар илмий ишларининг бажарилишига яқиндан ёрдам беришади.

Ўтган йили «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси ходимлари Шўртан газ кимёси мажмуасининг қурилмаларида ҳосил бўлувчи чиқинди газларини тозалашнинг янги усули бўйича шартнома туздилар. Бу ишларга Ш.П.Нуруллаев раҳбарлик қилмоқда. Бу инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасидаги ҳаракатлардан бўлиб, ҳар икки томон учун фойдали ва наф келтирувчи ишлардан бири ҳисобланади.



Газ-кимё комплекси кўриниши.

8.4. Қўнғирот сода заводи

Республикамызда мустақиллик даврида бир қанча янги корхоналар ташкил қилинди. Мисол учун, 2006 йилда «Қўнғирот сода заводи» УК ишга туширилди. Шу муносабат билан корхона учун мақсадли муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Институтнинг завод қошида очилган сиртқи бўлимига алоҳида бино ажратилган бўлиб, унда ўқув хоналари, лабораториялар, кабинетлар ва маърузалар учун катта шинам аудиториялар мавжуд.

Мазкур корхона ишлаб чиқараётган кальцинацияланган сода республикамызнинг 15дан ортиқ иқтисодиёт соҳаларида қўлланилмоқда. Ўрта Осиёда ягона кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш корхонаси бўлгани учун маҳсулот чет элларга ҳам экспорт қилинмоқда. Ҳозирги кунда содага талабнинг юқорилиги сабабли, корхонанинг иккинчи навбати қурилиши бошланган.

«Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» кафедрасининг профессор-ўқитувчилари проф. А.У. Эркаев ва бошқалар ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини бажариб келмоқдалар, масалан: проф. А.У. Эркаев раҳбарлигида О.К. Раимбергенов номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган ва тадқиқот натижалари янги технология сифатида жорий қилинган. «Қўнғирот сода заводи» УК қошидаги махсус сиртқи бўлимнинг бакалаврият ва магистратура талабалари ҳам корхона учун долзарб бўлган малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари бажариб келмоқда. Уларнинг тадқиқотлари натижалари корхона технологиясига жорий қилинган.



Корхона билан институтнинг ҳамкорлиги – Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»даги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган десак тўғри бўлади. Талабаларимиз, бир қисми корхонада меҳнат қилиб, ўқиганлари ҳам фикримиз далилидир.

Ҳозирги кунда институт ва корхонанинг ҳамкорлиги фаол давом этмоқда. Келажакда корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот турларини кенгайтириш учун синтетик ювиш воситалар, каустик сода, грона, ош тузи ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилиши давом этмоқда.

8.5. Дехқонобод калийли ўғитлар заводи билан ҳамкорлик

2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида калийли ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмас эди. Қишлоқ хўжалиги учун калийли ўғитлар Россиядан олиб келинарди ва бу эса катта валюта сарфланишини талаб қилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 майда ПП-632-сонли «Тюбегатан калийли тузкони асосида Дехқонобод калийли ўғитлар заводи қурилишини ташкил қилиш чора-тадбирлари ҳақида» Қарор қабул қилинди.

Калий хлориди ишлаб чиқаришда асосан термик эритиш (галлургик) ёки флотация усулидан фойдаланилади.

Термик эритиш KCl ва $NaCl$ ларнинг бир хил ҳароратда ҳар хил эришига асосланган, бунда калий ва натрий хлоридларга ажратилади.

Ютуғи: маҳсулотнинг тоза олиниши, яхши физик характеристикага эгаллиги, чиқинди тузнинг реагентлардан холилиги ва унинг тайёр маҳсулот – ош тузи эканлиги, турли таркибли хомашёни ишлатиш мумкинлигидир.

Камчилиги: технологик жараённинг мураккаблиги, юқори энергия сарфи, қурилмаларнинг тез коррозияланиши, маҳсулотга бўлган юқори талаб, қайта ишлашнинг қимматлиги ҳисобланади.

Флотация калий хлорид ва натрий хлоридларнинг турлича гидрофобланишига асосланган. Бунда реагентнинг таъсири орқали KCl ва $NaCl$ бир-биридан ажратилади.

Ютуғи: технологик жараённи эксплуатация қилишнинг доимий ҳароратда олиб борилиши, энергия сарфининг камлиги, термик усулга қараганда қурилмалар коррозиясининг камлиги, маҳсулот сифатига талаб юқори эмаслиги, ишлаб чиқаришнинг арзонлигидир.

Камчилиги: маҳсулотнинг сифати юқори эмаслиги, реагентларнинг қўлланилиши, катта миқдорда чиқинди ҳосил бўлиши, уни тўғридан-тўғри ишлатиб бўлмаслиги ва маҳсулот фақат қишлоқ хўжалиги учун яроқлилигидир.

ДКЎЗ даги асосий технологик жараёнлар



ТКТИ 2006 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан йилига 100 та бакалавр, 25 та магистрни ДКЎЗ учун мақсадли тайёрламоқда.

Ўқув жараёнларининг истеъмолчи талабларига жавоб беришини таъминлаш учун ДКЎЗ мутахассислари ва раҳбарияти билан келишган ҳолда ўқув режасини, мутахассислик фанлари таркибини, амалиётлар графигини ҳамда курс лойиҳалари, курс ишлари, битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимояларида «Ўзкимёсаноат» ДАК дан ва ДКЎЗ дан мутахассислар таклиф этилади.

Бугунги кунгача ҳамкорликда иккита ўқув қўлланмаси чоп этилган:

Ҳозирда «Калийли ўғитлар технологияси» ўқув қўлланмасини чоп этиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Илмий соҳада ҳам ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ИТД-12-36 сонли «Тюбегатан кони сильвинитларини комбинацияланган усулда бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги грант лойиҳалари ва «Маҳсулот чангидан кристалл шаклидаги хлорид калий олишнинг галлургия усулини ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича хўжалик шартномалари олиб борилмоқда. Бу ишларга «Ноорганик бирикмалар технологияси» кафедраси профессори А.У.Эркаев раҳбарлик қилмоқда.



ХОТИМА ЎРНИДА

Азиз ва мухтарам китобхон! Мазкур асар мамлакатимиз кимёгар-технологлари маскани, йирик олиму фузалолар, фусункор илм шайдолари, фидойи педагог ва устозлар меҳнат фаолиятларини ихчам ҳолда ёритишни кўзда тутган ҳолда кўлингизга бориб етганлигидан беҳад хурсандмиз.

Китобда келтирилган маълумотлар илм дарғаларининг кўп йиллик меҳнат фаолиятларини ўз ичига олади, аммо буларни тўла-тўқис ёрита олиш имконияти бўлмаганлигидан биров хижолатда эканлигимизни ҳам эслатиб ўтишни лозим топдик. Бу хайрли ишда – маълумотларни тўплаш, саралаш, аниқлаштириш ва таҳрир ҳайъатига етказишда фидойилик қилган профессорларимиздан А.С.Ибодуллаев, Ғ.Р. Раҳмонбердиев, Ш.М. Ғуломов, доцентлардан Қ.Ғ. Муҳамедов, О.Қ. Юнусов, З.Қ. Тоиров ва бошқаларга ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз. Ушбу асарни безатишда Ўзбекистон Фанлар академияси суратчиси Сергей Давидов, «Тошкент окшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари фото муҳбири Рустам Шарипов, ўз шахсий альбомларидан расм ва материаллар етказиб берган устоз ҳамда педагогларимиз оила аъзоларига чин дилдан раҳмат айтишни бурчимиз деб биламиз.

Институт ташкил топган вақтдан бошлаб ўз улушини озгина бўлса ҳам қўшган айрим ўқитувчиларимизнинг исм-фамилияси ушбу китобдан ўрин олмай қолган бўлса, аввалдан узр сўраймиз. Ўйлаймизки, китобнинг қайта нашрида бу хатоларни инобатга оламиз.

Асар ҳурматли китобхонларимиз қалбида номи тилга олинган қаҳрамонларимиз ҳақида озгина бўлса-да уларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва иззат-эътибор уйғотган бўлса, бурчимиз бажарилган дейишимиз мумкин. Китобнинг нашрга тайёрланиши жараёнида ўз ҳиссасини қўшган, унинг қўлёмаси билан танишиб, ўз танқидий фикрлари ва қимматли маслаҳатларини берган касбдошларимиз ҳамда қўлимиздаги ҳавас қиларлик китобни қисқа вақт ичида жамоамизга тайёрлаб, етказиб берган «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ходимларига чуқур ташаккуримизни билдираемиз. Сизларнинг ҳаммангизга доимий сихат-саломатлик ва омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги Қонуни. Т., 1997.
3. Ташкентский политехнический институт им. А.Р. Беруни (монография). Издательство «Фан» АН УзССР, Ташкент, 1979. Стр 175.
4. История создания и развития факультетов и кафедр Ташкентского политехнического института им. А.Р. Беруни (книга вторая). Ташкент, «Ўқитувчи», 1979. Стр 483.
5. П. Турсунходжаев, Т. Атакузиев, Г. Шарифходжаева, «Кузница химиков-технологов», «Меҳнат», Ташкент, 1990. Стр 114.
6. Тошкент кимё-технология институти (проспект), Тошкент, 2006, 18-бет.
7. А. Икрамов, Қ. Аҳмеров, П. Исмадуллаев «Кимёгар-технологлар масканининг фойдалари», Тошкент, 2006, 102-бет.
8. Қ. Аҳмеров «Кимё фанлари», Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 12-том, Тошкент, 2006, ЎзМЭ нашриёти, 406–413-бет.
9. С.М. Туробжонов, Қ. Аҳмеров, П. Исмадуллаев «Кимёгар академиклар», Тошкент, «Иқтисод-молия», 2006, 112-бет.
10. «Шўртан газ-кимё комплекси», 2001, 40-бет.
11. Ғ.И. Ибрагимов, А.У. Эркаев, Р.Я. Якубов, С.М. Туробжонов. «Калий хлорид технологияси», «Муҳаррир» нашриёти, Тошкент, 2010 й, 200-бет.
12. А.У. Эркаев, Р.Я. Якубов, Е.Л. Терехин «Тузлар тизими таҳлили», «Муҳаррир» нашриёти, 2012, 250-бет.
13. Р. Шамсутдинов, «Анджон давлат университети», «Шарқ» нашриёти, Тошкент, 2014, 542-бет.
14. «Комиллик пиллапоаялари», Тошкент, «Турон замин-зиё», 2015, 339-бет.

МУНДАРИЖА

Мукаддима	3
-----------------	---

I БОБ. КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Тарихга бир назар (1930–1990 йй.)	8
1.2. Факультет кафедралари	13
1.3. Сиртки кимё-технология факультети	37
1.4. Институт фидойилари	40

II БОБ. КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

2.1. Ректорат фаолияти	124
2.2. Институтда ўқув жараёнининг ташкил қилиниши	128
2.3. Ўқув-услубий бўлим	131
2.4. Илмий тадқиқот ишлари ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўлими	132
2.5. Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими	138
2.6. Халқаро алоқалар	141
2.7. Илмий Кенгаш фаолияти	144
2.8. «Кимё ва кимё технологияси» журнали	147
2.9. Магистратура бўлими	148
2.10. Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлими	150
2.11. Институтнинг «Кўнғирот сода заводи» қошидаги махсус сиртки бўлими	153
2.12. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими	156
2.13. Институт қошидаги академик лицейлар фаолияти	161
2.14. Ички назорат ва мониторинг бўлими	163
2.15. Кадрлар бўлими	165
2.16. Ахборот-ресурс маркази	167
2.17. Фахрийлар маслаҳат кенгаши	170
2.18. Касаба уюшма қўмитаси	171
2.19. Ахборот технологиялари маркази фаолияти	173
2.20. Махфий ва ҳарбий муҳофаза бўлимлари	174

III БОБ. МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ ИШЛАРИ

3.1. Маънавиятга эътибор	178
3.2. «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси	185
3.3. «Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар» кафедраси	187

3.4. «Жисмоний маданият ва спорт» кафедраси	188
3.5. Хотин-қизлар кенгаши фаолияти.....	191
3.6. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти	193
3.7. «Кимёгар» газетаси.....	196
3.8. Институт музейи	198

IV БОБ. ИНСТИТУТ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ

4.1. Ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияси факультети.....	204
4.2. «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» кафедраси.....	205
4.3. «Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси» кафедраси.....	209
4.4. Проф. М.И.Ниёзов номли «Технологик жараён ва курилмалар» кафедраси	216
4.5. «Саноат экологияси» кафедраси	218
4.6. «Аналитик, физикавий ва коллоид кимё» кафедраси.....	221
4.7. «Умумий ва ноорганик кимё» кафедраси	226

V БОБ. ЁҚИЛҒИ ВА ОРГАНИК БИРИКМАЛАР КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

5.1. Проф. А.Б.Қўчқоров номли «Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси» кафедраси.....	233
5.2. «Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси» кафедраси.....	236
5.3. «Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси» кафедраси	238
5.4. «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси» кафедраси	241
5.5. «Физика ва электротехника» кафедраси	243

VI БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

6.1. «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедраси	248
6.2. «Озиқ-овқат саноати машина ва жихозлари механика асослари» кафедраси.....	254
6.3. «Биотехнология» кафедраси	257
6.4. «Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси	261
6.5. «Озиқ-овқат хавфсизлиги» кафедраси	263

VII БОБ. МЕНЕЖМЕНТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ФАКУЛЬТЕТИ

7.1. «Маҳсулот сифати менежменти» кафедраси.....	276
7.2. «Саноат иқтисодиёти ва менежменти» кафедраси	278
7.3. «Касб таълими» кафедраси	279
7.4. «Олий математика» кафедраси	281
7.5. «Тиллар» кафедраси.....	282

VIII БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

8.1. «Навоийазот» акциядорлик жамияти.....	287
8.2. Олмалик кон-металлургия комбинати	287
8.3. «Шўртган газ-кимё» мажмуаси.....	288
8.4. Қўнғирот сода заводи.....	289
8.5. Дехқонобод калийли ўғитлар заводи билан ҳамкорлик	290
Хотима ўрнида.....	292
Фойдаланилган адабиётлар.....	293

А98 **Аҳмеров Қудрат**
Кимёгар-технологлар маскани (Матн) / Қ. Аҳмеров; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент кимё-технология институти. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 296 б.

ISBN 978-9943-28-692-4

УЎК 378.095:54(091)
КБК 24г + 74.58

ҚУДРАТ АҲМЕРОВ

КИМЁГАР-ТЕХНОЛОГЛАР МАСКАНИ

Мухаррир *Баҳром Акбаров*
Рассом-дизайнер ва бадий муҳаррир *Хасан Қутлуков*
Техник муҳаррир *Татьяна Харитонова*
Кичик муҳаррирлар: *Дилбар Холматова, Гулбайра Ералиева*
Мусахҳиҳ Мақсуда Ишонхонова
Компьютерда тайёрловчи *Нодира Аҳмедова*

Наشريёт лицензияси АИ № 158. 14.08.2009
Босишга 2016 йил 30 майда рухсат этилди. Бичими 60×90^{1/8}.
Офсет қоғози. «Таймс» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 37,0. Нашр табоғи 36,67.
Адади 1000 нусха. Бюртма № 16-372.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz



«O‘ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-692-4



9 789943 286924

